

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАСР

Шаҳодат ИСАХОНОВА

ГАВҲАРШОД БЕГИМ



Машҳадига ҳам зиёрат, ҳам дам олмоқ ниятида сафарга отланган невараси Абулқосим Бобур мирзонинг бир ой ўтар-ўтмас вафоти ҳақидаги хабар Гавҳаршод бегимнинг дарди дунёсини қоронғи қилган, ҳозир фикри-ёди эгасиз қолган Ҳирот доруссалтанати тахтида эди.

Абулқосим Бобур мирзони бевақт маҳв этган сирли фожа худди Шохрух мирзонинг ўлими каби нафақат Хуросонни, балки, темурийзодалар даври давра сураётган барча шахру кентларнинг оромини бузган, энг ёмони, бир вақтлар ҳокони сайд савлат тўкиб ўтирган тахт шахзодаларнинг саркаш ҳаёлини оҳанрабодек ўзига тортмоқда эди.

ИҶОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Нодира ОҒОҚ

ШОИР ВА РОБИИЙИНИНГ ОВОЗИ
БИРЛАШГАНДА



Умуман олганда, 2021 йилда эълон қилинган достонларнинг бир нечаси замонга, Янги Ўзбекистонга қасида руҳида битилган. Уларда дунё ҳамжамиятининг тенгқучли аъзоси бўлишга ошиқаётган Янги Ўзбекистон манзаралари, кўзни ва қалбни қувонтирадиган бунёдкорлик ишлари қаламга олинган. Обод истикбол умидида заҳмат чекаётган замондошлар образи яратилган.

АДАБИЁТИ ВА ШАХС

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

ЮЛИБЛИКНИ ЎРТАН,
МЕНИНГ АВЛОДИМ!



Фикр-фикрдан қувват олади, деганларидек, ҳаёт тарзимда Устоз шахси, ижод мактабининг сабоқлари муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу сабоқлар нафақат мени, балки замондошларимизни ҳам ўтаётган умрни қадрлашга, тинимсиз ўқиш-ўрганишга, имон-этиқодни пок сақлашга, воқеа-ҳодисаларга ва келажақка теран идрок, чуқур тафаккур кўзи билан қарашга даъват этиб туради. Муҳими, бу сабоқлар ижодни қисмат деб билган улуғ сўз санъаткорининг она Ватанга жўшқин фарзандлик ҳисси, меҳр-муҳаббати, халқимиз ҳаётини, муқаддас Заминни янада гўзал, осойишта кўриш каби эзгу нияти, дарди билан йўғрилгандир.

Виктор АЛИМАСОВ

МУҲТОЛАА

ШАЪН ВА АХЛОҚ ҚАЙҚАСИ

Романда шаън ва ахлоқ эъзозланган ўтмишга, хотирага, тушга бот-бот мурожаат этилишида ҳам, бизнингча, ўзига хос бир ҳикмат бор. Ёзувчи замондошларига инсон нима учун ва қандай яшаши кераклигини эсига солиб қўймоқчидай. Биз узоқ-яқин ўтмишимиздан, ота-боболаримиз ва момоларимиз эъзозлаган ахлоқий қадриятлардан айрича шаклланмаганмиз ахир. Замо-на бизни ўз домига тортиб, анъаналаримизни унутишга мажбур этаётгани ҳам бор ҳақиқат. Майли, мавжуд замонани капитализм дейлик, социализм дейлик, постмодернизм дейлик, аммо бизни инсон қилиб турган шаън ва ахлоқдан кечишимиз мумкин эмас. Асло!..



Абдужалол ТАЙПАТОВ

НАСР

БАҲОР КҲИЛАРИДА

У болаларини йиғиб, айтди: “Биз вилоят марказини забт этдик, энди навбат пойтахтга! Мен сизлар учун ўзим йўл очиб бераман!” Ажабланиб қараганларига деди: “Шу Ватан, мамлакат бизники. Пойтахтда яшашга, ишлашга ҳаққимиз бордир”. Кўзига ёш олган аёлига, “Олдин ўзим бориб жойлашай, кейин сени ҳам олиб кетаман. Чет элга кетаётганим йўқ, ахир, кимлардир Америкага, Японияга ҳам кетишаётибди-ку?!” деди.



ВА ЎҚИШОН САҲНИДА

Анвар БОТИР

БЕДОР ЭЛАДИР ВА ИШИҚ САВДОСИ ТИШЛАР КИМИ


Десам: “Жоним!” келармиш нози бирла,
Қўлида танбуру, хуш сози бирла.

Боқиб бир ўлдурур қаттол кўзлик
Сўғун жон бахш этар овози бирла.

Лаби – лаъл, инжу тиш, мужғони – олмос –
Табиат сийламиш пардози бирла.

Жафоси ҳам вафоси ҳам азиздир,
Бўлур бекам фасл қиш, ёзи бирла.





**Самандар
ВОҲИДОВ**

Ҳориб борар умр карвони

Дўстлар дийдори

Тумандай тарқалар соғинч хумори,
Рухларни тарк айлар хижрон озори,
Созланар дилларнинг занг босган тори,
Унутдир дунёнинг йўғию бори,
Дўстлар дийдори бу,
Дўстлар дийдори.

Хотира боғида мудраган кушлар –
Уйғонар, сайроғи кўнгилни хушлар,
Йиртилар сирларни ёпган ёпқичлар,
Тенглашар тенгдошлар хоксор, кибори,
Дўстлар дийдори бу,
Дўстлар дийдори.

Болалик изларин излайди биров,
Оловлик кезларин сўзлайди биров,
Ул қаро кўзларни эслайди биров,
Тупроқ чангитгандай гала тўпори,
Дўстлар дийдори бу,
Дўстлар дийдори.

Самандар ВОҲИДОВ – (1942–2014). Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган. Шоирнинг ўн бешдан ортиқ шеърий тўпламлари чоп этилган.

“Эсингда борми” деб бошланади сўз,
Гоҳ чакнаб, гоҳида ёшланади кўз,
Гоҳ кўникиб, гоҳ сўнар юзларда юлдуз,
Микдорсиз, меъёрсиз суҳбат бозори,
Дўстлар дийдори бу,
Дўстлар дийдори.

Рўзгор кифтга илган хуржунлар мавзу,
Манглайга из солган ажинлар мавзу,
Армондан туғилган тугунлар мавзу,
Кечиккан изҳорнинг аянч иқрори,
Дўстлар дийдори бу,
Дўстлар дийдори.

Дийдор лаззатидан айирма, Эгам,
Соқий, сунавергин хушбўй жоми жам,
Ғанимат дам эрур, омонат бу дам,
Ахир, боқий эмас, висол барори,
Дўстлар дийдори бу,
Дўстлар дийдори.

Тонг манзараси

Уфқларда тўлғонган шуъла,
Тун қасрини тубдан қўпорди.
Тонгни тушда кўрган қушчалар,
Ойдин кўшиқ куйлаб юборди.

Тун соқчиси вовулдоқ итлар,
Бу туғёнга бераолмай дош,
Қоронғида қилган итлигин,
Узрин сўраб,
Ерга қўйди бош.

Куним битди дедию бойқуш,
Қочгин дея кўршапалакларга
Тун гўрига қалаганча ғишт,
Кириб кетди тор кавакларга.

Туннинг барча гуноҳларию
Гуноҳкорин айлаганча фош,
Осмон сари от солди шу чок,
Олов кийган чавандоз қуёш.

Гуллаган ўрикни соғиниб

Ўриккинам, менга кутмай гулладингми,
Мени энди, келмайди деб, ўйладингми,
Соғинчингни гул тилинга куйладингми,
Айрилиқдан баҳорга роз сўйладингми,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Мен ҳам сендай интизори баҳор эдим,
Гуллашингга бир боқай деб, хумор эдим,
Гўдак чеҳра гулларингга хуштор эдим,
Нетай, бу йил дардга банди бемор эдим,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Қиш жабридан дардлашардик бирга, ахир,
Тақдиримиз топади деб, бир кун тағйир,
Гулбаҳорни кутмоқчийдик очиб бағир,
Танҳо гуллаш ботмадими сенга оғир,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Гул юзингга кимлар солди илк бор нигоҳ,
Илк завқингдан қайси диллар бўлди огоҳ,
Лоқайдмиди, кўзга суртди ё хайрихоҳ,
Кутганингга етказмаскан, нетай, дунё,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Беморхона боғида ҳам кезар баҳор,
Деразамнинг тирқишидан пуркар ифор,
Аммо, хаёл кўзгусидан ўчмай зинҳор –
Имлаб, имлаб кўринасан, сен гулрухсор,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми,
Гуллай туриб, мени ҳам бир ўйладингми?

Сен борарсан ортингдан

Сен борарсан ортингдан,
Оҳлар борар эргашиб.
Оҳлар қаро, сен оқсан,
Оқу қаро қоришиб.

Қалбимнинг дарчасидан,
Мўралайман ортингдан.
Бир садо инграр шу дам:
“Нигоҳингни торт мендан”.

Тўсиқ тизиб киприкдан,
Нигоҳ йўлин тўсарман.
Энди, судраб оҳларни,
Қароғимда кезарсан...

...Қаро оҳға қоришиб,
Қораясан уфқда.
Қалб кўкида ҳар саҳар,
Ортар қаро бир нукта.

Чавандознинг оти бир кун оқсади

Чавандознинг оти бир кун оқсади,
Тоғ қоридай эриб кетди орзулар.
Кўзларида илк бор армон қалқиди,
Сароб бўлди шуҳрат сочган ёғдулар.

Илк бор шунда,
Қарғади у тақдирни,
Шабадамас,
Чангни ютди илк бора,
Илк бор эзди,
Оғир тоши таҳқирнинг
Қалби бўлди улоқ каби садпора.

Тулпорининг жароҳатин ўпаркан –
Синган гулга ёноғин босган каби,
Шу кун сизди:
Нақадар оғир экан,
Пойгаларда ортда қолмоқ азоби.

Эй, меҳри мунавварим

Дил махрами – дилбарим,
Эй, сановбар, сарварим.
Гумонларни парчалаб,
Кел, меҳри мунавварим.

Дил ғунчаси сўлдику,
Косаи сабр тўлдику.
Армонлар уммонида,
Умидлар ғарқ бўлдику.

Хаёлимда висолинг,
Ўшал қоши ҳилолинг.
Лолаларга ранг берган,
Ўғзал рухсори олинг.

Ҳидинг эсар гулзордан,
Кулгинг саси – анҳордан,
Аммо, ўзинг тополмай,
Жон узарман озордан.

Дил маҳрами, дилбарим,
Толсимга сарварим.
Васлингга айла восил,
Эй, меҳри мунавварим.

Умр карвони

...Бир илдизга пайванд қўш толдай,
Суянч билдик бир-биримизни.
Баргимизни узган шамоллар,
Узолмади томиримизни.

Кечган кунлар бари эмас оқ,
Ҳаммаси ҳам эмасдир тийра.
Ҳаёт ризқ деб, гулгун, сўлгин боғ,
Сабру қалб, минг рангин хотира.

Ҳориб борар умр карвони,
Қўнғироғин садоси пастроқ.
Қудратининг сўнар дармони,
Шиддатининг қайноғи сустроқ.

Турмуш деган эски ароба,
Ортимиздан судралар ҳамон.
Тортаяпмиз ҳамон баробар,
Алиф қадлар бўлсада камон.

Севги деган, бир ҳис бор эди,
Сайд айлади, гала сайёдлар.
Дил мулкига мулкдор энди,
Бешиқларда уйғоқ зурёдлар.

Менга насиб сирли суҳбатлар:
Қўчиб алла, эртаққа бугун.
Набиралар қалбига ўтар:
Гоҳо жўшқин, гоҳида маҳзун.

Бир данакнинг икки пўчоғи –
Каби айру тушсақда беҳол,
Яшаш сари ундар бу ёғи,
Мағзимиздан яралган ниҳол.

Ҳаётимга ҳамроҳ ҳамдамим,
Тан бергандек собит сабрингга.
Кел, бир лаҳза бошим қўйин,
Набиралар тўлган бағрингга.

Карвон йўли қисқарган сайин,
Бир ҳақиқат бўлмоқда аён:
Сенинг менсиз яшашинг қийин,
Менинг сенсиз яшашим гумон.

ГАВҲАРШОД БЕГИМ**ёхуд қиёмат ўйини***Тарихий роман***Шаҳодат
ИСАХОНОВА**

Хуросон ўлкасининг тўртинчи иқлимига кирувчи ва энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланмиш Ҳирот шимолда, икки тоғ оралиғида жойлашган бўлиб, узунлиги Холидот оролларида Сод ва Лом, эни эса Хатти Устиво (экватор)дан Лом ва Дол эди. Миллоддан аввал кичик қасаба, сўнгра шаҳарча шаклида қад ростлаган бу маскан соссонийлар даврига келиб, гуллаб-яшнаган йирик шаҳар қиёфасини ола бошлаган ва етинчи асрда араб халифалиги таркибига киргач, сомонийларнинг янада ривожланган асосий шаҳри ҳисобланар эди. Ўнинчи асрда ғурийлар қўлига ўтган Ҳирот икки асрдан сўнг, мўғиллар томонидан эгалланди. Мўғуллар Марв ва Балхни вайрон этишгач, Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон ва Хитойга чиқиш йўллари бекилиб қолди ва Ҳирот Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ҳукмронликни куртлар қўлига олгач, Ҳирот Хуросоннинг ривожланган шаҳарлари каторига кирди.

Икки тоғ ўртасида ястанган бу гўзал шаҳар темурийлар салтанати таркибига киргач, майдони янада кенгайиб, эни уч ярим фарсах, бўйи эса йигирма беш фарсахдан ошган ва Хуросону Туркистон ерларининг калитига айланган эди. Унинг ҳавоси мўтадил, ҳур-хур эсувчи майин еллари жонга ҳузур бағишлар, париваш кизларнинг сумбул сочлари каби ёйилганича, Искалжа тоғи ёнбағрлаб тўлганиб оқувчи Ҳерурид дарёси ана шу икки тоғ оралиғидаги гиёҳлардан тортиб дов-дарахтигача, чумолисидан тортиб қимирлаган жон борки, барчасига ҳаёт бахш этар, гуллаб-яшнатар, жаннат сиёғини берарди. Юртма-юрт кезувчи тужжору сайёҳлар нақл қилишиб, “Дунёда Исфаҳон тупроғи-ю, Ҳирот насимидин ва Хоразм сувидин аълоси йўк”, дейишарди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА – 1949 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Турон маликаси”, “Султон Жалолиддин ёхуд Чингизхон тузоғига тушган малика”, “Нодираи даврон ёхуд амрнинг тавқи лаънат тўни” номли романлари, “Она”, “Илинж”, “Муҳаббатнинг тугилиши”, “Интиқом”, болалар ва ўсмирлар учун “Антиқа зиёфат”, “Сирли тилак”, “Лайлақлар”, “Ойиси айтиб берган эртак”, “Эшим даллол”, “Қирқ кокилли келинчак” каби китоблари нашр этилган.

Хирот боғларида баҳор оёқлаб, куртаклар япроқларга, гунчалар довуччаларга айланиб, яшил рўмол ёпинган келинчак каби ороланаётган кунларнинг бирида чараклаб турган куёш юзини булут қоплаб, майин эсаётган ел ўрнини бир пастда чанг-тўзонли, қуюн аралаш шамол эгаллади. Хуросон мамлакатларининг мўътадил иқлимига ёт бўлган бу ғайритабиий ҳаво оқими, яъни, “афғон шамоли” Ҳиротда ҳар-ҳар замонда, баҳор кечиккан йиллари, иссиқ ҳавонинг бирдан бошланиб, совуқ ҳаво билан тўқнашуви оқибатида юз берар ва кўпроқ экин-тикинга талафот етказарди. Кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмас бу сирли оқимнинг нафаси ҳам, овози ҳам ёқимсиз ва қўрқинчли, бунинг устига жуда қудратли эди. У чийиллар, увиллар, ўрама ҳосил қилганича, солим илинжида отини қамчилаётган чавандозлардай юлқинар ва йўлида учраган нарсалар борки қомига тортиб, ғарот этарди. Яқиндагина япроққа бурканган шохларини шовуллаганича, эгилиб-букилаётган дов-дарахтлар баҳор куёшидан нур эмаётган ғўраларини дувва-дувва тўккан куйи, жон ҳовучлаб ғичирлар, айниқса, йўл четига экилган бақатеракларнинг шўрига шўрва тўкиларди. Уларнинг мўрт шохлари қарсиллаб синар, куртлар еб, пўстлоғи илма-тешик бўлиб қолган қари танаси эса шамол зарбасига дош беролмай, илдизи билан ағанарди. Ишқомлардаги том бўйи кўтарилган ток сўрилари кийшайиб, омонатгина улаштирилган ёғочлари йиқилган, гулларини тўкиб, ғўралай бошлаган узум бошлари солланганича, ер билан битта бўлиб, сочиларди. Борган сари кучайиб, забтига олаётган шамол поялару хашақлар, қоғоз парчалари, эски-туски латталару калава қолдиқлари, қопу қанорлардан юлқиланган пахталар, барчасини аралаш-куралаш қилиб, қанотига қистирганича, гоҳ ер бағирлаб, гоҳ кўкка ҳаволаб учарди. Қуюнли тўзон ичида қолган доруссалтанат Ҳирот иморатлари ношуд мусаввир чизган суратлар каби чаплашиб кетган, узоқ-узоқлардан кўриниб турувчи баланд ва виқорли миноралар ҳам ҳайбатли кўланка шаклида кўзга ташланар, кимирлаган жон борки, юрак ҳовучлаганича, ўзини дуч келган панага урарди.

Фирузобод дарвозасига яқин бўлган улкан бозорда эса қиёмат кўпган эди. Дўконларини ёпишга улгурган савдогарлар ичкарига кириб олганларича, билган калималарини такрорлаб, шукр қилишар, очиқ расталардаги ёйилган молларини шамол учириб кетган сотувчилар эса қолган-қутган нарсаларидан ҳам мосуво бўлмаслик учун ўлган-тирилганига қарамасдан қуюн чангалида ҳаволанаётган матолари кетидан югуришар, жон аччиғида алланималар деб бақиришар, қуюк тўзон ичига киргач, кўздан йўқолаётган нарсаларини ачиниш билан кузатишар ва иложсизликка қўнгандай бош чайқашарди. Уларнинг овозлар баланд бўлса ҳам турли тилда эканлигидан бир-бирини тушунмас, тушунган тақдирда ҳам биров-бировга ёрдам берадиган аҳволда эмас, ҳаммалари ўзлари билан ўзлари овора эди. Айниқса, ёймачиларнинг шўрига шўрва тўкилганди. Уларнинг моллари устиган ёйилган чангли қум шу қадар кир ва ифлос эдики, энди бу матоларни тўфон чангалидан асраб қолишган тақдирда ҳам уни янги мол сифатида сотиб бўлмас, писмирига харид қилишса ҳам дўпписини осмонга отишарди. Очиқ расталарнинг охиридаги рўмол сотувчи қашқарлик савдогарнинг дийдиёси ҳаммасиникидан баланд чиқарди. У рўмолининг кўп қисмини растасининг пештоқиға илиб, шамол бошланмасдан олдин рўзғори учун ошлик харид қилгани сабзавотлар растаси томонга ўтганди. Тўс-тўполон бошлангач, олган нарсасини ҳам ташлаб югуриб келганда, растаси шип-шийдам бўлганини кўриб, хурраси учиб кетганди.

– Ҳай биродар, менинг рўмолларим қани? – деди унинг қийиқ кўзлари олайиб, бир учи қаерларгадир думалаб кетган калаваларини йиғаётган бақалоқ панжоблик ҳамроҳининг елкасига туртганича.

Панжоблик бақалок ҳамроҳининг ҳам аҳволи ва афт-ангори уникидан қолишмасди. Гапиришга ҳам ҳоли келмаган панжоблик кўкариб кетган лабларини ялаганича, калта, семиз қўлларини осмонга ҳаволатиб, “учиб кетди” ишорасини қилди.

– Ҳаммасими? – деди қашқарлик савдогар аламдан муштларини тукканича, томоқларини ачитиб, тишларини ғичирлатаётган кум аралаш ҳаводан базўр нафас оларкан.

– Ҳаммаси... Ҳаммаси учди... Ҳеч кимникида ҳеч нарса қолгани йўқ! – чўпу хас илашиб чувалашган ипларини ўраганича, унга қарамай жавоб берди панжоблик бақалок.

– Ўлдим! Касод бўлдим! – тиззасига муштлаганича, қуюн ичидаги тўс-тўполонга ўзини урди қашқарлик савдогар.

Бозор этагидаги уловлар майдонидан келаётган товушдан эса қулоқлар битай дерди. Оту эшак, хачиру туяларнинг овози одамларникидан ҳам ошиб тушган эди. Тўс-тўполонда арқонини узиб қочган эшагу хачир, бия-ю айғир йўл тополмаганидан ўзин ҳар томонга урар, юкидан бўшаниб ортига қайтаётган аравалар билан тўқнашарди. Оти хуркиб қочган аравакашлар эса тумандай қуюқ тўфонда қаёққа юришини билмай бақирарди, йўриғига юрмаётган отидан аламини олиб, қамчилашарди. Молидан умидини узган савдогарларнинг кўпи уловлари қозиклаган майдондан келаётган товушни туйишгач, отидан ҳам айрилиб қолмаслик учун шу томонга чопишган эди. Мингга яқин от-улов боғланган майдонда туялардан бошқа жонзот қолмаган, гаримселу тўфонни кўравериб кўзлари пишиб кетган туялар бемалол кавш қайтарарди.

Тўзонли шамол Боғи Сафидга, Гавҳаршод бегим яшаётган маҳоватли ва учи қуйруғи йўқ уч ошёнлик саройининг боғчасига етиб келганида, айланишга чиққан малика ҳовли тўридаги зангори кўшқда, чуқур ўйга толганича, тош қотиб ўтирарди. Қуюннинг кўзга кўринмас ўрама тиллари Гавҳаршод бегимнинг ҳарир рўмолини юлқилаб, чирпирак қилганича, кўкка ўрлаганини кўрган канизак қизлар ваҳима ичида, қийқириб юборишди.

Қизларнинг овозидан чўчиб тушган ва нима бўлганини англолмай қолган малика ёнидаги канизакка ҳайратли нигоҳини тикди. Қизнинг ранги оқариб кетган, юзида кўркув акс этарди.

– Маликам, тезроқ ичкарига кирайлик! – қиз шундай дея, Гавҳаршод бегимнинг сочларини тўзғитаётган шамолдан уни пана қилганича, ўзининг рўмолини олиб, маликанинг бошига ёпди-да, сарой этагидаги шамшоднинг шоҳларига илиниб қолган ва канизак дугоналари унинг кетидан югураётган рўмоли томон ишора қилди. – Тўфон келаётганга ўхшаётир! Шамолнинг куччилигини қаранг, ҳатто рўмолингизни ҳам учирмиш!

Малика шундагина бошида рўмоли йўқлигини илғади. У юз-кўзига урилаётган ва ҳаворанг беқасам хилъатининг унгирларини тортқилаётган шамолнинг забтини туйган бўлса-да, чуқур хаёлга толганиданми, юракни сескантирувчи ваҳимали шовурини эшитмаган ва рўмолини юлқилаб, учуриб кетганини ҳам пайқамаганди.

Машҳадига ҳам зиёрат, ҳам дам олмоқ ниятида сафарга отланган невараси Абулқосим Бобур мирзонинг бир ой ўтар-ўтмас вафоти ҳақидаги хабар Гавҳаршод бегимнинг дарди дунёсини қоронғи қилган, ҳозир фикри-ёди эгасиз қолган Ҳирот доруссалтанати тахтида эди.

Абулқосим Бобур мирзони бевақт маҳв этган сирли фожиа худди Шохрух мирзонинг ўлими каби нафақат Хуросонни, балки, темурийзодалар даври давр

сураётган барча шахру кентларнинг оромини бузган, энг ёмони, бир вақтлар хокони саид савлат тўкиб ўтирган тахт шаҳзодаларнинг саркаш хаёлини оҳанрабодек ўзига тортмоқда эди.

Султон Абулқосим Бобур мирзонинг ўн бир ёшли ўғли Султон Жалолиддин Шох Маҳмуд салтанат вориси ҳисобланса-да, “тахт насиб қилганники” нақли қулоғига чалинган шаҳзодалар Худо ярлақаб, омад кулиб бокса, бошларига қўнажак эҳтимоли бор бахтдан умидвор бўлганларича, отдан қолма байталиш қабалида, тулпорлари жиловини Ҳирот доруссалтанати қўпкариси сари буришганди.

Даъвогарлар ичида бундан тўрт йил бурун Султон Абулқосим Бобур мирзо томонидан зиндонбанд этилган ва Боғи Шаҳрнинг қоронғи ертўласида зах тупроқ ялаб ётган мирзо Султон Муҳаммад Иброҳим ҳам бор эди.

Султон Иброҳим Ҳирот салтанатининг ҳукмдори Бойсунғур мирзонинг тўнғич фарзанди Алоуддавланинг ўғли эди, Шохрух мирзонинг вафотидан кейин Ҳирот тахтига ўтирган валиаҳд Алоуддавланинг ҳукмронлиги узоқ давом этмади. Шаҳзодалар ўртасида тожу тахт талоши бошланиб кетди.

Бу талошнинг сардори Улуғбек мирзонинг ўғли Абдулатиф мирзо бўлди ва тарих китобларида қайд этилганидек, у отасининг ўлимига сабабчи бўлиб, “падаркуш” деган тавқи-лаънатга қолди ва олти ой ўтмай, ўзи ҳам ўлим топди. Кураш майдонида Шохрух мирзонинг ўғли Бойсунғур мирзонинг уч ўғли, оға-инилар Алоуддавла мирзо, Султон Муҳаммад мирзо ва Абулқосим мирзолар қолишди. Охир-оқибат кенжа ўғил Абулқосим Бобур мирзо ғолиб чиқди. Абулқосим Бобур мирзо бир онадан туғилган кичик оғаси, Ироқ мамлакатлари ҳукмдори Султон Муҳаммад мирзони Астрободнинг Чинорон мавзесида бўлиб ўтган жангда енгди. Камон ўқидан яраланган Султон Муҳаммад мирзони навкарлари суяшиб, Бобур мирзонинг олдига олиб келишганида мирзонинг аҳволи анча оғир эди. Ўқ унинг чап кўкрагидан пастга, қовурғасига теккан, қип-қизил бўлган чопонидан ҳалиям қон томчилаб турарди. У қуриқшаган лабларини асабий ялаганича, аранг нафас олар, пешонасидан тер қуйиларди.

– Муддаонг не эрди, биродарим? – оғасининг аянчли аҳволдан вужуди сесканган Бобур мирзо нигоҳини ундан олганича, ёнидаги мулозимга “сув келтиринг” ишорасини берди. – Тасарруфингиздаги шундай катта мамлакат камлик қилдимۇ?

Укасининг “биродарим” деган сўзи Султон Муҳаммад мирзога азалдан ёкмасди. Бобур мирзо эса худди атайдан қилгандай, ҳеч қачон Султон Муҳаммад мирзони “оға” демас, “биродарим” дейишдан нарига ўтмасди. Ёши кичик бўлса-да, гавдаси паҳлавонлар каби қорувли, бўйлари баланд, елкалари бир қулоч Бобур мирзо оғаларидан анча дуркун кўринганлиги учунми, болалик чоғлариданоқ ўзини улар билан тенгқурдай тутар, укалик мақомини тан олгиси келмасди.

Султон Муҳаммад мирзонинг гавдаси Алоуддавла мирзоникига қараганда чоғроқ ва паст бўлса ҳам оғасилиги учун билинмаган, ўзидан кичик Бобур мирзонинг бўйлари ўсмирлик ёшидаёқ бирдан уникадан ошиб кетганлиги эса унга ёмон таъсир қилган эди. Айниқса, канизак қизларнинг Султон Муҳаммадга худди болаларча муомила қилишлари, бўйчан ва қорувли Бобур мирзони кўрганда эса бирдан тортинишиб, қизариб-бўзарганларича нозланишлари ва кетидан ҳавас билан қараб қолишлари аламини келтирарди.

– Мен сенинг оғангмен, биродаринг эрмас! – ҳозир ҳам ўзининг аҳволдан кўра, укасининг гапи оғирроқ туюлган Султон Муҳаммад мирзо ғазаб билан сенсирди. Лекин овози буғилиб чиққани сабаб, бақиргани билинмади.

– Биродариммисиз, оғаммисиз, барибир қилган ишингиз нотўғри! – ковоқларини уйганича, унга қарамасдан гапирди Бобур мирзо. Унинг овозида бояги иддао йўқ эди.

– Сеники тўғриму? – кўзлари қаҳр билан олайди Султон Муҳаммаднинг.

– Албатта тўғридур, биродарим... – энди овози кинояли юксалди Бобур мирзонинг. – Нима, ҳайрат бармоғимизни тишлаб, ой сайин, кун сайин узаяётган зулмкор қўлингиз бўғзимиздин тутгунича, ўлтиришимиз керак эрдиму? Бул не нонкўрлик ва очкўзликки, ўзингизга инъом қилинган шунча ер етмаётир?

Султон Муҳаммад мирзо жавобга оғиз жуфтлаган жойида вужуди титраб, кўзлари олая бошлади. Бобур мирзо “Олиб чиқинг” ишорасини қилди. Навкарлардан бири, “Табибгаму?” деб сўраган эди, Бобур мирзо жавоб бермади. Ёнидаги мулозим шивирлаб, “Табиблик иши қолибдурму, жони бўғзинда-ю, осонлаштир”, деди.

Хуросон салтанати жиловини қўлига олган Бобур мирзо шундан сўнг, оғаси Алоуддавланинг кўзига мил торттириб, унга Тун мамлакатини суюрғол этди. Бобур мирзонинг бу қилмишидан хафа бўлган Алоуддавла норозилик сифатида Тун мамлакатига кичик ёшли ўғли Султон Иброҳим билан қизи Руқия Султонни юборди. Бундан ғазабланган Бобур мирзо оғасини ўзбеклар мамлакатига бадарға этиб, ўғли Султон Иброҳимни йўлда туттирди ва зиндонбанд этди. Мавлоно Аҳмад ясауул малика Руқия Султонни баъзўр олиб қочиб, Ироқда турган Гавҳаршод бегим қўлига топширди. Гўдак Султон Иброҳим эса шундан бери болалигини зиндонда ўтказмокда эди.

Хуросон ҳукмдорининг тўсатдан ўлими барчани бирдай гангитиб қўйган, доруссалтанат Ҳирот саройи мулозимлари-ю вазири аъзамдан тортиб, хизматкорларгача уяси бузилган арилардай оромини йўқотишган, кутилмаган ташвиш ортидан қўпаётган воқеа ва ходисалар бошларига қандай балолар ёғдиришини тусмоллаганларича, сувнинг оқимини кузатишарди. Лашкарбошисиз қолган қўшин парокандаликка юз тутгани каби, эгасиз қолган салтанатда бошланган бошбошдоқлик зиндондаги маҳбусларга ҳам қўл келган эди. Бундай имкониятни тўрт йилдан бери орзулаб келаётган Султон Иброҳимга ҳам бу ўлим хаёлларини рўёбга чиқариш учун яратилган имкониятдай туюлди ва энг сўнгги чорани ишга солиб, қочишга қарор қилди.

Шахзоданинг қочгани яқинда қулоғига етган Гавҳаршод бегим уни эсон-омон озодликка чиққиб олганидан қувонса-да, энг ёмони, бу талотўпда ғанимлар учун осонгина лўкма бўлишини тасаввур этиб, қайғуга тушган, бир дарди ўн бўлганди.

Шамол худди қасдлашгандай, маликанинг хаворанг ҳарир рўмолини шамшод шохларига илаштирганича, ҳаволантирарди. Канизак қизлар уни тутмоқ учун бир-бирининг ортидан сакрашар, қўлларини узатишар, бармоқлари рўмолга энди етай деганда эса қизларнинг қилиғидан завқи келган шамол уни қаттиқроқ ҳилпирашиб, шамшоднинг учлари сари ўрларди.

Малика тўзғиган кумушранг сочларини тўғрилаб, канизак берган рўмолни бошига танғиганича, ўрнидан турди ва шамшод томон бормоқчи бўлди, лекин қаршисидан эсаётган кучли шамол уни итариб, юришига йўл бермади. Маликанинг оёқлари мункиб, йиқилишига оз қолди.

– Маликам!.. – канизак қиз жон ҳолатда Гавҳаршод бегимнинг елкасидан тутиб қолди. – Хавотир олманг, рўмолингизни ҳозир келтиришадур!

Қизларнинг қий-чувини эшитиб, ичкаридан чиққан икки хизматкор йигит нима гаплигига ақллари етгач, бир-бирларига гап уқдирганларича, шамшод томон югуришди.

– Бул рўмол мен учун не қадар қадрли эрканлигини билурсен-а, Ойпопук? – кетатуриб, таъкид оҳангида яна тайинлади Гавҳаршод бегим.

– Билурмен, маликам, билурмен! – канизак қиз бош ирғаб, тасдиқ ишорасини килди. – Бул рўмол Хоқони сайдимизнинг сизга тўй совғаси ҳисобланадур!

– Нафақаттўй совғаси... – канизакнинг жавобидан Гавҳаршод бегимнинг кўнгли тўлмай, янаям аниқроқ маънилатгиси келди. – Ул жаннати бегимдин менга хотира...

Ойпопук Гавҳаршод бегимдан Хоқони сайднинг совғаси ҳақида кўп бора эшитган, лекин рўмолнинг ўзини кўрмаган эди. Шоҳрух мирзо бу фоний дунёни тарк этгач, малика ҳар сафар эрини эслаганида, ўша рўмолни ҳам бот-бот ёдга олар ва бу совгани шахзода унга қай тарзда бергани-ю, уни янгалари, қайинсинглисига қай тарзда етказгани ҳақида ҳаяжонланиб сўзларди. Ўша лаҳзаларда Гавҳаршод бегим худди ёш қизчага айланиб қолганга ўхшарди. Тунд чехраси ёришиб, оппоқ юзлари кизарганича, кўзларида ғалати нур ўйнарди.

– Икки опачамнинг турмушга узатиш тўйи эрди ўшал куни... – Гавҳаршод бегим ҳар сафар сўзини шундай бошларди. – Ёшим тўққиздалиги учун опачаларимнинг кимга ва қандай одамга келин бўлаётганликларини сўрамабмен ҳам, қандай йигитга эрга тегаётганлиги бирлан қизиқибмен, холос. Қизиқишим шунчалик зўрлигидин куёв навкарлар етагида келаётган поччаларимнинг йўлига балқон тутишга чиқаётган янгаларим ва опачамнинг дугоналарига эргашдим. Карнай-сурнай садолари янграши бирлан ички ҳовлимизнинг дарбозалари очилиб, бир тўда куёвжўраларнинг қораси кўринди. Куёвжўралардин олдинроқда салобат ва виқор билан икки йигит келарди. Уларга кўзи тушган қизлар бир-бирларига ишора қилишганича, “Ана, куёвлар”, дея пичирлаша бошлашди. Мен ҳам поччаларимни яқинроқдан кўриш учун олдинга, янгаларимнинг ёнига ўтиб олдим. Куёвлар жуда башанг кийинишган, устиларидаги чопонлари барқут, ёқаларига тикилган тилла ранг ипаклари кўзни қамаштиргудай бўлиб товланарди. Кумушранг саллаларидаги нафис укпарлар антиқа тошли тўғноғичлар бирлан қадалган, оёқларидаги этиклари ҳам алламбало эрди. Бундай уст-бошларни ҳатто оғаларимда ҳам кўрмаган эрдим. Йўкса, раҳматли қиблагохим Гиёсиддин тархон соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг энг обрўли амирларидин эрдилар.

– Вўй, вўй, чиройилигини! Паҳлавонларга ўхшайдур!

– Чиройини кўй, шахзодалигини айт!

– Дугоналаримизнинг бахти бор эркан!

– Кўз тегмасин!

– Бизга ҳам шундай куёвлар насиб этсин! – янгаларим ва опачамнинг дугоналари шундай дея чуғурлашганларича, удумимизга кўра, келин учун кўрмана талаб қилиб, куёвларнинг йўлларига бахмал балқон тутишди. Мен ҳам қизиқиб, балқоннинг бир учидан ушлаб олдим. Куёвлар балқоннинг ёнига келишгач, бошларини эгганларича, индамай тўхташди, орқаларидаги куёвнавкарлар чўнтакларини қовлаб, олтину кумуш тангалар чиқариб, янгаларимнинг рўмолчаларига ташлай бошлашди. Янгаларим кўрманани кўпроқ олишни хоҳлашганидан, бири олиб, бири қўйишганича, чуғур-чуғур қилишар, балқонни йиғиштириб, йўлни очай дейишмасди. Шунда куёвларнинг орқасида турган узун бўйли йигит чўнтагидан ақча олдида, мен томон юрди.

– Эй, кичик янгапошшо, оч рўмолчангни!

Мен йигитнинг гапидан уялиб кетдим ва жаҳлим чиқиб, балқоннинг учини баттарроқ тортдим.

– Мен янгапошшо эрмасмен! – дедим зарда билан.

– Унда кимсен? – деди йигит менга яқинлашаркан.

Мен унинг гапидан хафа бўлганимни ва аразлаганимни билдириш учун лабларимни буриб, қошларимни чимирдим.

– Мен опачаларимнинг ҳамширасимен...

– Жаҳлинг бурнингнинг учида эркан-а, сенинг?! – деди йигит кулиб ва қўлидаги тангаларни ёнимдаги янгамнинг рўмолчасига ташлади-да, қўйнидан бир халтача чиқариб, менга узатди. – Ҳамшира бўлсанг янаям яхши, чунки ҳамширалар кўрманани қуюқроқ олишадур!

Йигитнинг қўлидаги зар гулли халтачани кўриб, янгаларимнинг эси оғиб қолай деди. Опачаларимнинг дугоналари эса хаяжондан, “Вўўй!” деб юборишди.

– Олинг, олинг, кизпошшом! – янгаларим шоша-пиша мени туртишиб, халтачани олмоққа ундашди. – Куёвжўраларимиз ҳимматли эрканлар, барака топсунлар! Бирларига минг, мингларига туман берсун!

Менга йигитнинг “янгапошшо” деган гапи оғир ботгани учун кўрманасини олгим келмай, жим турган эдим, унинг ўзи қўлимдан тутиб, халтачани кафтимга қўйди-да:

– Сенинг исминг нима, ҳамшира қиз? – деди.

– Исминг исм! – дедим бу гал унинг бу гапини шилқимликка йўйиб.

– Шундоқму, жуда чиройли исм эркан! – деди йигит ва ғалати табассум қилиб қўйди. – Менинг исминг эрса Шохрух мирзо!

“Шохрух мирзо” сўзини эшитган янгаларимнинг нафаслари ичига тушиб, куёвлару кўрманани ҳам унутишганича, мени турткилай бошлашди. Катта янгамми ё кичигими, ишқилиб, билмаймен, қайсидир бири биқинимдан чимчиб, “Исмингизни айтинг, тез бўлинг”, деб шивирлади. Мен уларнинг хаёлига келган нарсани билмаганим учун барибир исминини айтмадим.

Катта янгам никоҳ тугаб, куёвлар кетгандан кейин халтачадаги олтин тангаларни бошқатдан санаб, волидамга узатаркан, яна мингирлаб, қулоқларимни қоқиб, қўлимга берай деди:

– Элликта олтин танга-я?! Кўрманга шунча тилла берганини эшитганмусиз, волидам? Оҳ, ул ерда нелар бўлганини ўз кўзларингиз бирлан бир кўрсангиз эрди! Бул ўжар, гап уқмас қизингиз, бошларига қўнаётган бахт кушини учирди-я!? Шундай зўр фурсатни қўлдин бой бердилар!? Шохрух мирзодай шахзода исмларини сўрасалар, “Исминг исм”, деб ўлтирибдур! Ё тавба, шул ҳам жавобму? Бул гап тилларига қайси жиридин кела қолди билмаймен? Жўнгина Гавҳаршод бону деб қўя қолсалар – олам гулистон эрди-ку! Ёқиб қолганлари учун гап ташлади, бояқиш. Йўкса, аларга қиз қаҳатму? Аларга пошшо-ю султонларнинг ўзлари қизларини текин беришадур, шундай эрмасму, волидам?!

– Шундай, шундай... – янгамнинг ваҳимасига ишониб-ишонмай, ачингансимон бошларини солладилар волидам ҳам.

– Ул йигитнинг кимлигини билурмусиз, ўзи? – шахзодадан худди ўзлари қуруқ қолгандай ачинаётган янгам волидамнинг рағбатларидан кейин овозларини янаям баландлатганларича, мен томон ўгирилдилар. – Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг кенжа ўғиллари Шохрух мирзо эрди-я! Вой, ғалча қиз-а! Опачаларингизнинг куёвлари раҳматли шахзода Умаршайх мирзонинг ўғлонлари Пирмуҳаммад мирзо бирлан Рустам мирзо бўлса, сизга талабгор йигит эрса, шахзоданинг ўзлари Шохрух мирзо эрди! Малика бўлишингизга бир баҳя қолган эрди-я, эсизгина!

– Йигит бир оғиз яхши гапирса, дарров ёқиб қолган бўлур эрканму? – дедим катта янгамнинг жиғибийрон бўлаётганидан энсам қотиб.

– Гапдин гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор! – ҳамон ўзиникини маъқуллар эрди катта янгам. – Ёқтиргани шундоқ, кўзларидин кўриниб турган эрди. Шаҳзодалар дилларидагини унча-мунчага тилларига чиқармайдурлар.

– Янгапошшонгиз ҳақ... – янгамга тел берганларича, мени койидилар волидам. – Энди сиз бола эрмассиз, ҳар бир сўзингизни ўйлаб гапиришингиз керак. Модомики, шаҳзодамиз исмингизни сўраган эрканлар, айтишингиз керак эрди.

– Мен ёмон жавоб берганим йўк! – дедим мен ҳам ўжарлик бирлан. – Фаросатли шаҳзода бўлсалар гапимнинг маънисига етадурлар!

– Кўрдингизму, волидам!? – баттар қизишдилар янгам. – “Мен не дейман, кўбизим не дейдур”, деган эркан биттаси. Биз қизпошшомизнинг бахтини ўйласак...

– Ўйламай кўяқолинг, янгапошшо! – дедим янгамнинг танбеҳига нуқта қўймоқ учун. – Менинг ҳали-вери турмушга чиқиш ниятим йўқ ва сизлар ҳам узатиш ҳақинда бекорига бош қотирманг! Иннайкейин, яна шуниси борки, инсон пешонасига ёзилганини кўрадур!

– Вой, вой... Сиздин ким сўраб ўлтирар эркан!? – гапларимдин энсаси қотган катта янгам қавоқларини уйганларича, яна аччиққина жавобга оғиз жуфтлаган жойларида кичик янгам тортишувимизга якун ясадилар. Кичик янгамнинг кўлларида оппоқ ипак матога ўралган кичкинагина тугунча бор эрди.

– Куёв муборак бўлсун, қизпошшом! – дея кўлида тугунни йўл-йўлакай ҳаволатганича, мен томон юрдилар кичик янгам. – Шаҳзодамизнинг юракларидан урибсиз, шекилли, “Исмхон исмли бонуга”, деб мактуб ҳам ёзбидурлар!

– Вой, Худога шукр-ей! – катта янгам ўрниларидан сапчиб туриб, овсинларининг кўлидаги тугунчани юлқилаб олдилар. – Шундай шаҳзодани кўлдин чиқардик деб дарди дунём қаронғи бўлаётган эрди...

– Ҳай, янгапошшо! – энсаси қотган кичик янгамнинг лаблари бурилди. – Тугуннинг эгаси бошқа!

– Биламен бошқалигини! – катта янгам парво қилмай, уни очабошлади.

Тугунда наввот бирлан рўмол бор эди. Ҳаворанг ҳарир рўмолни кўриб, юрагим ҳаприқиб кетди. Чунки опачаларимнинг тўққизда худди ана шунақа рўмолни кўрган эрдим, лекин уларнинг ранги оч пушти эрди ва ўша куни волидамга менинг ҳам шундай рўмолим бўлишини хоҳлаганимни айтган эрдим. Шунинг учунми ялт этиб, волидамга қарадим ва уялиб кетдим. Волидам ҳам тугунчани мамнунлик билан кузатиб турар эрдилар...

Гавҳаршод бегимнинг рўмол ҳақидаги ҳикояси тўйларига уланишини билган канизак қиз бугун ҳам куни хотиралар тинглаш билан ўтишини фаҳмлаб, бошини ирғаганича, маликани шамолдан пана қилиб, сарой томон юрди. Чунки қирқ кеча-ю, қирқ кундуз давом этган ҳашаматли тўйнинг таассуротлари дарров тугамасди. Тўйдан кейин то Улуғбек мирзо туғулгунича бўлган олти йил ичидаги кўрган ситамлари қўшиларди.

– Олти йил бўйимда бўлмагач, мени туғмасак хотинга чиқаришган... – ичкарига киргач, яна ўша аламли кунларини кулиб эсларди Гавҳаршод бегим. – Бегимнинг канизаклари қаторига ўтишимни ўйласам, дарди дунём қоронғи бўлиб кетарди. Шоҳрух мирзони қаттиқ севмасам балки билинмас эрди. Яхши кўрганим учунми аларни йўқотмоқ мен учун гўё фожиа бирлан баробар кўринурди. Оллоҳга шукрки, бегимнинг севгиси мени асраб қолди ва Яратган Эгам бизни фарзанд неъматини бирлан сийлади...

– Маликам, – эшик оғасининг овози унинг гапини бўлди, хотира тинглашдан кутулган канизак қиз енгил тортди. – Ҳазрати олийлари Султон Абусаид мирзонинг хос мулозимлари амир Шайх ҳожи ҳузурингизга ташриф буюрмишлар!

Гавҳаршод бегим кулоғига урилган исмдан бир сесканиб тушди. Малика яқингинада Абусаид мирзо салтанатида қозикалонлик мансабига эришган амир Шайх ҳожини азалдан хушламасди. Алимсоқдан қолган уламо вақтида ўғли Бойсунғур мирзога, кейинчалик набиралари Алоуддавла мирзо ва Абулқосим Бобур мирзоларга ҳам хизмат қилган, ҳукмдорлар кўнглини овлашда беназир амир Шайх ҳожи шахзодалар ўртасида низо-ю нифоқ оловини ёкиб-ўчиришда ҳам устаси фаранг эди. Унинг ҳийла-ю найранглари шу қадар пишиқ ва пухта эдики, бундай ўйинларни ҳатто, шайтон ҳам ўйлаб тополмасди ва энг қизиғи, сирлар фош бўлиб, Шайх ҳожи бирор бир айбга гумон қилинган тақдирда ҳам ҳатто, қилни қирқ ёрувчи қозилар ҳам унинг айбини бўйнига қўйиб беришолмасди. Султон Абулқосим Бобур мирзо қардоши Султон Муҳаммад мирзони қатлга етказиб, катта оғаси Алоуддавла мирзонинг кўзига мил тортирганда ва жияни, Алоудавланинг ўғли, Муҳаммад Иброҳим мирзони зиндонга ташлатганда ҳам малика бу фожиалар сабабчиси амир Шайх ҳожи эканлигини кулоқма-кулоқ эшитган, лекин унинг бу айбини бўйнига қўйдира олмаган ва бу гажир уламо ҳар галгидек, сувдан қуруқ чиққан эди. Бу ҳам етмагандек, яқингинада зиндондан қочган Муҳаммад Иброҳим мирзонинг хос амири бўлиб улгурганди.

Ҳозир эса бир пастда Султон Абусаид мирзонинг мулозимларига бош-қош бўлиб келгани Гавҳаршод бегимнинг энсасини қотирмоқда эди.

Туркистону Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиб олган Султон Абусаид мирзонинг Ҳирот сари от қўйганлиги ҳақидаги хабарни малика бир ойча нарида, зиндондан қочиб, Мурғоб суви томонда лашкар тўплаётган Муҳаммад Иброҳим мирзо юборган хос навакар келтирган мактубдан ўкиб, хушидан кетай деганди.

– Ўғлонингизнинг ақли жойиндаму? – деди ўшанда бошига қайноқ сув қуйилгандай сесканиб кетган Гавҳаршод бегим беихтиёр, мирзонинг волидаси Бегика бегимга юзланиб ва навакарга чиқиб туришини сўраркан. – Шахзодангиз ақлдин озибдур, шекилли, мана ўқинг!

Гавҳаршод бегимнинг зардали овозидан ҳам кўра, мактубни ўқий туриб оқариб кетган афт-ангорига кўзи тушган Бегика бегимнинг гапиришга ҳам ҳоли қолмай, маликанинг қўлидаги қоғозга узанди.

Мактуб шундай бошланган эди. “Ассалому алайкум, бибим! Волидам! Аҳволимни қисқача баён этамен. Эшитган бўлсаларингиз керак, мен ғалаба қилдим! Шахзода Жалолуддин Шоҳ Маҳмуд қўшинлари катта талафот кўриб, Машҳад сари қочди. Мен Ҳирот сори юрмоқдамен, Оллоҳ сафаримизни хайрли этсун! Бибим, қудангиз, раҳматли амакимиз Султон Муҳаммад мирзонинг қайноталари Жаҳоншоҳ туркман ҳам Ҳирот тахтидин умидвор бўлиб, катта қўшун бирлан йўлга чиққан эрмуш. Шул боис, қондошимиз, Самарқанд ҳукмдори Абусаид мирзо ҳазрати олийларидин ёрдам сўрадим ва имкон топсалар, лашкарларига ўзлари бош-қош бўлиб келишларини илтимос қилдим ва элчи сифатида шайхулислом Хўжа Тафтазани ҳазратларининг ҳузурларига йўлладим. Яқин кунларда кўришмоқ ва бирга яшамок бахтига муяссар бўлурмиз, иншооллоҳ... Кўришгунча, Оллоҳнинг паноҳида бўлунгиз!”

Бегика бегим мактубни тез-тез ва қайта-қайта ўқиркан, қайнонасини ваҳимага солган сўзни хабар ичидан тополмай, хайрон бўлди.

– Маҳди улё... Мактубда дилни хира қилувчи бирор бир жумла кўрмадим, аксинча, севинчли муждани ўқиб, кўксим тоғдай кўтарилди, Оллоҳга беадад шукрларким, шахзодамиз ғолиб бўлибдур!

– Яша, фаросатингга қойил! – Гавҳаршод бегим келинининг қувончдан порлаётган кўзларига совуқ тикилди. – Абусаид мирзодин кўмак сўрагани ҳам сенга ҳеч нарсани билдирмаётирму?

– Абусаид мирзодин... Бунинг неси ёмон, маликам? – ҳалиям ҳеч нарсани тушунмаган Бегика бегим елка қисди. Лекин кўнглидан, “Малика ҳам қариб, алжираб қолибдур”, деган ўй ўтди. – Шахзодалар бир-бирларидин ёрдам сўрашлари табиий-ку! “Ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош...” дейсиз-ку, ўзингиз ҳам.

– Шахзодаларнинг бошларига ёғилаётган балолар ана шул калтабинликларининг мевасидур! Ҳукмдор бўлмоқ ҳам ҳар кимнинг қўлидин кела бермайдур. Элга бошу давлат соҳиби бўлмокни орзулаган инсон ақл-идрокда, фаросатда бошқалардин бир бош юқори турмоғи даркор. Чунки қалтис вазиятларда тез ва тўғри қарор қабул қилган ҳукмдорларгина ютади. Сускашликка йўл қўйган ва янглиш қарор қабул қилганлар эрса, жангсиз ҳам мағлуб бўладурлар. – Гавҳаршод бегимнинг ҳафсаласи пир бўлиб, қўл силтади. – Абусаид мирзо Самарқанд тахтини қандай олганини билурсиз! Энди эрса, Ҳирот тахтини олмоғига ўғлонингиз имкон яратиб бераётир! Наҳотки, шуни тушунмаган бўлсангиз?!

– Ўларму? – ўғлини Ҳирот тахтида кўраётган Бегика бегимга маликанинг фаразлари жўн туюлди. “Бобур мирзонинг ўлимининг сўнг, вос-вос бўлиб қолибдур, бечора”, деб ўйлади ўзича ва унинг юзига хавотир аралаш диққат билан термилди.

– Бундин буён араваларини ўзлари тортишсун, энди қўшилмаймен дейману, лек аларнинг қилаётган ишларини кўргач, жим туролмаймен, жоним ачишадур! – Гавҳаршод бегимнинг кўзларига беихтиёр ёш қалқди.

– Маликам, тўғри сўйладингиз, – Гавҳаршод бегимнинг гапи хуш ёққан Бегика бегим унинг ичидаги тузини англамай, дарров фикрини маъқуллади. – Ростдин ҳам энди ўзларига қўйиб беринг! Қачонгача, бирига эн, бирига бўй бўладурсиз? Ҳеч бўлмаса, қариганда тинч ўлтиринг! Аларнинг ҳам жони ачийдурган волидалари бор, ана ўшалар қайғурсун!

Гавҳаршод бегим тоғдан келса, келини боғдан келаётган кўриб, малика унга бир нарсани уқдириш бефойдалигини сизди ва гапини ичига ютишга қарор қилди...

Лекин ўшанда шахзоданинг хабарига ҳам, ҳукмдорнинг келишига ҳам ишонмаган ва Абусаид мирзо Самарқанддай олис манзилни бу қадар қисқа фурсатда босиб ўтишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эди. У эшик оғасига амирни меҳмонхонага киритишни айтиб, ўзи кийимларини алмаштириш учун хос хонаси томон юрди.

Амир Шайх ҳожи Гавҳаршод бегимни узоқданоқ таниган эди. У маликани охириги марта бундан саккиз йилча бурун, ўғли Абдуллатиф томонидан шаҳид этилган Султон Улуғбек мирзонинг таъзиясида кўрган эди. Саксонга кирган малика ҳали ҳамон ўшандагидай бардам, қадди тик эди. Шамолдан хавотирланиб, қўлтиғидан тутмоққа уринаётган канизакнинг қўлларини олмай, шамол юлқилаётган ўнгирларини ҳимарганича, шахдам қадамлар билан сарой томон келарди.

– Хуш кўрдик, ҳожи! – чехрасига хавотир аралаш таажжуб қалққанича, савол назари билан сўз бошлади Гавҳаршод бегим. Шайх ҳожининг қаршисига чўқаркан ва унинг соқоли кузалган, чўзинчоқ даҳанли, буғдойранг юзларига бирров кўз ташлаб олди.

– Хушвакт бўлинг, ҳазрати олиялари! – таъзим қилганича, худди шундай илик оҳангда жавоб қайтарди ҳожи ҳам. У сўзларкан, қовоқлари салқиган, қорачиғи сарғиш чағир кўзларида аллақандай нохуш ва совуқ табассум ўйнади. – Сиз олийҳиммат, адолат нигористонининг соябони маҳди улё маликамиз бирлан кўришмоқ бахтига муяссар этганидин, Яратганга шукроналар айтамен!

– Ташаккур! Оллоҳ сиздин рози бўлсун! – Гавҳаршод бегим уни доимо мавлоно деб иззат билан мурожаат қиларди. Бу гал шу сўзни қўшмади. Ўз навбатида Шайх ҳожи ҳам буни сезиб, юзи гезарди, нигоҳига совуқ ифода қалқди. Малика “Яна не ўйинларни бошлаётирсен” дегандай, ҳожига бу сафар бошдан-оёқ, синчковлик билан назар ташлади.

– Туркистон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абусаид мирзо ҳазрати олийларининг Ҳиротга ташрифи муборак қулоқларингизга етган бўлса керак, маликам?

– Алҳамдулиллоҳ, туйдик, амир! Мирзомизнинг қадамларига ҳасанот, хуш келмишлар ва сафо келтирмишлар! – жилмайган бўлди Гавҳаршод бегим ҳам.

– Ул зоти мукаррамнинг ташрифлари хабарини эшитгач, Ҳирот аёёну акобирлари, саййиду қозилари, маволийу ҳунармандлари ҳадя-ю пешкашлар, назирю ниёзлар ва совға-ю саломлар бирлан Соқи Салмонда пешвоз чикдилар ва кутиб олиш расмини адо этишгач, улуғ ҳукмдорнинг муборак қўлларини ўпиш бахтига муяссар бўлдилар. Соқи Солмондаги зиёфату кичик машваратдин сўнг, барчаларимиз ул муҳтарам зотни Қипчоқ дарвозаси орқали подшоҳларимизнинг қадимий тахтгоҳи Боғи Шаҳрга йўлчи этдик. Йўл азоби гўр азоби деганларидай, олийнасаб меҳмонимиз ҳозир истироҳат этмоқдалар ва бир муддатдин сўнг, Сиз одилу олийҳиммат маликамиз зиёрати учун йўлга тушмоқларини билдирдилар. Мен бандаи қулингиз зиммасига эрса, бул хабарни муборак қулоқларингизга етказмоқ ва сиз, олийнасаб маликамиз учун Самарқанддан келтирилган ҳадяларини топширмоқ мажбуриятини юкладилар! Рухсати олиянгиз бирлан улуғ ҳукмдоримизнинг хос мулозимлари ўшал совға-ю саломларни тақдим этишадур!

Амир Шайх ҳожи шундай деб эшик оғасига ишора қилди. Эшик оғаси Гавҳаршод бегимга қаради ва малика бош ирғагач, ташқарига чиқиб кетди.

Султон Абусаид мирзонинг мулозимлари келтирган совға-саломлар кўп ва турли туман эди. Хоразм гиламлари, Бухоронинг кизил олтинида ясалган тиллақошлару билакузуклар, балдоқлар, Самарқанд бахмаллари, Ҳўқанд адраслари, тилларанг ва кумушранг қорақўлча мўйналар товланиб, кўзни қамаштирарди. Лекин уларнинг ҳеч бири маликанинг кўнглини ёриштирмади.

Невараси Алоуддавланинг ўғли Муҳаммад Иброҳим Боғи шаҳр зиндонидан қочиб, тахт даъвосида лашкар тўплаётгани, ўлганнинг устига тепгандай қилиб Абусаид мирзо ҳузурига элчи сифатида шайхулислом Хўжа Тафтазанини юборгани ва мактубида ёрдам сўрагани, бу ҳам етмагандай амир Шайх ҳожи ҳам Балхдан туриб, яширинча хат ёзиб, Абусаид мирзони Ҳиротга чорлагани хабарини эшитгандан бери, маликанинг дарди дунёси қаронғи бўлган эди.

Тўрт йиллик маҳбуслик ва ғам-андуҳлар шахзоданинг иродасини синдирилмаган, аксинча, юрагида ёнган қасос ўтини баттар аланга олдирган эди. Муҳаммад Иброҳим мирзони зиндонбанд этганларида у энди ўн уч ёшга кирган эди. Мирзо ўсмирлигини зиндонда ўтказдиргани, бунинг устига, падари бузруквори Алоуддавланинг кўзига мил торттириб, оёғига кишан урганича, ўзи билан олиб юргани, сўнг, Дашти Қипчоғу Хоразмга бадарға эттиргани учун амакиси Абулқосим Бобурни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Ҳар ойнинг охириги жума куни уни йўқлагани

келадиган катта бувиси Гавҳаршод бегим билан волидаси Бегика бегимнинг панд-насихатлари, ўғитлари у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чикарди. Гавҳаршод бегим сўнгги борганида мирзо ҳатто тилига келганини қайтариб ҳам ўтирмади.

– Ҳали шошмай турсин, ул Бобур мирзонгиз, кунини кўрсатамен... – деди Муҳаммад Иброҳим мирзо ўнг қўлини мушт қилганича, тиззасига уриб. – Юртинда юмрон ўйнатамен! Ўзининг ҳам кўзларига мил тортириб, бўйнига занжир соламен ва итимнинг уясинда яшатамен!

– Вой, Худойим, қўйинг, мирзом, бул сўзларингизни бировлар туймасун... – кўрқиб кетган волидаси Бегика бегим жон ҳолатда ўғлонини бағрига босганича, йиғлаб юборди. – Бул кунимиз ҳам камлик қилиб қолмасун тагин...

Бошига бехос тушган кўргуликлардан дардманд бўлиб қолган волидасининг озиб-тўзиб, ориқлашган бағрига бошини қўйган мирзо унинг қоқсуяк вужудини туярган, баттар жазавага тушди.

– Ҳаммаси учун тавон тўлайдур... – Муҳаммад Иброҳим мирзо Бегика бегимнинг қўлларини ўпиб, савағичдай бўлиб қолган бармоқларини силади. – Ўтган сафар бу қадар ориқ эмасдингиз, волидам, қаранг, ҳатто томирларингиз ҳам кўриниб қолибдур...

– Одамзот бир этнинг ичинда неча бор озиб, неча бор семирадур, мирзом, менга эътибор берманг... Мен соппа-соғмен. Сиз ўзингизни асрашингиз лозим... Сиз менга кераксиз... Сиз менинг умидимсиз... Сиз менинг келажагимсиз! Сизсиз бу дунёнинг менга кераги йўк!

– Салтанату давлат юмушларинда бу каби можаролар бўлиб турадур, мирзом, жаҳлга ҳай беринг! Жаҳл бирлан ҳеч нарсага эришиб бўлмайдур! – ҳар сафар айтадиган сўзларини насихат оҳангида яна қайтадан бошлади Гавҳаршод бегим ва киприкларига инган ёшни кўрсатмаслик учун узун енгларини юзларига елпиғич қилганича. Муҳаммад Иброҳим мирзонинг ётоғи бўлмиш тор, гиштлари саналиб турган пастақкина, зах анқиётган кулбанинг тўрт бурчини кўздан кечирганича, сомон тикилган тўшанчисини кўтариб кўрди. – Какра ўти ёрдам бердимۇ дейман, мирзом, бургалар кўринмаётир?

– Ул муртаднинг ўзини бургага эрмас, канага чактирамен ҳали! – бувисининг саволига жавоб ҳам бермай, ўзиникини маъқуллади мирзо.

– Йигитга ўлим йўқ, ўзини ўзи тигга урадур дейишадур машойихлар. – Зиндонда улғаяётган чеварасининг мускуллари бўрта бошлаган билакларига, шифтга етай деб қолган бўйи-бастига, майсалардай тук қопланган иякларига ҳасратли нигоҳларини тикканича, гапида давом этарди малика. – Ўзингизни ўзингиз тигга урманг, мирзом... Худо хоҳласа ҳаммаси ўтиб кетадур...

– Қачон? Қачон ўтадур?! – волидасининг бағридан суғурилганича, бувисининг қаршисида тўхтади Муҳаммад Иброҳим. Унинг эндигина сабза ура бошлаган бахмалдек мўйлаблари титраб, ғамнок кўзлари қинидан чиққудек олайди. – Қачон келадур ўшал кун?

– Келадур... Фақат сабр қилинг, мирзом... – жўяли юпанч тополмай чайналди малика.

– Сабр... Сабр...

Муҳаммад Иброҳим ҳар доим маликанинг олдида гапларига кўнгандай, фикрларига кулоқ осгандай бўшашар, лекин вужудида яна шайтон васваса қилганича, зиндондан қочиб бўлса ҳам амакисига қарши оёқланиш режасини тузарди...

– Оҳ... кошки хоқон бобонгиз... орқа тоғимиз қуламаганинда эрди... – Гавҳаршод бегимнинг кўзлари ёшланганича, лаблари доимо ана шу сўзларни такрорларди...

Чиндан ҳам маликанинг назарида Шохрух мирзо буюк бир тоғ эди-ю ўшал тоғ қулагач, унга тиргак бўлган чўққилар ҳам бирин-кетин нураётганга ўхшарди. Нурашнинг аввали, кўз очиб кўрган тўнғич фарзанди, олти йил деганда оналик бахтини туйдирган Туркистону Мавароуннаҳр ҳукмдори, олам донишлари ва фозилларининг сардори Улуғбек мирзосининг чекига тушди. Ўлим ҳақлигини, ўлим Оллоҳнинг иродаси эканлигини билган Гавҳаршод бегимга Улуғбек мирзонинг ҳаётдан бевакт кетганлиги эмас, балки, ана шу жудоликка сабабчи бўлган хунрезликнинг омили, яъни, ўшал шаҳодат шаробини бегона эмас, балки, пушти-камаридан бўлган ўз жигарбанди, севимли фарзанди Абдулатиф мирзоси ичирганлиги аламли эди.

Янаям аламлиси, Улуғ Амир Темур қон кечиб, жон чекиб тиклаган, хоқони сайд Шохрух мирзо ҳаёт-мамонт, ўлим-қолим ва жангу жадаллардан эсон-омон олиб ўтган ва асраб келаётган салтанат кўпкарига ташланган солимга айланган, ит эгасига, мушук бекасига боқмайдиган тирикчилик бошланиб, уят-андиша, одамгарчилик, ака-укачилик, жигарчилик, қондошлик барчаси йиғиштирилган, хоқони сайд билан кўшмозор қилинган эди. Ота-бола жангида эса ғолиблик Абусаид мирзога насиб этган, узоқ йиллардан бери пайт пойлаб юрган мирзо минг хил хийла-ю найранг билан ўлжасини илтиртган тулки каби отани ҳам, ўғилни ҳам икки ямлаб, бир ютган эди.

Лекин бу хунрезликлар ҳам шахзодаларга сабоқ бўлмаётганди. Шундан кейин жилов талашини Бойсунғур мирзонинг ўғлонлари илиб кетди. Султон Абулқосим Бобур ўшанда, кичик оғаси Қутбиддин Султон Муҳаммад мирзонинг жойини солгач, катта оғаси Рукниддин Алоуддавла мирзога марҳамат кўрсатгандай бўлди ва унга икки вилоятни – Гаримсер ва Доварзаминни инъом этди. Бундан кўнгли тўлмаган Алоуддавла эса норозилигининг изҳори сифатида у шаҳарларни кичик ўғли мана шу Муҳаммад Иброҳим мирзога берди. Бундан Бобур мирзонинг жаҳли чиқиб, Гаримсер сари юрган Муҳаммад Иброҳим мирзони йўлда бир ҳамла билан қўлга туширди ва занжирбанд этганича, зиндонига ташлатди. Сўнг оғаси Алоуддавлади кишанлаб, кўзига мил торттирди.

Ҳар сафар малика Муҳаммад Иброҳим мирзони кўргани келганида шахзода қиблагоҳи ҳақида сўрар, ўшандай дамларда Гавҳаршод бегимнинг бутун вужуди зир қақшарди. Чунки набираси Абулқосим Бобур мирзога минг ялиниб-ёлвормасин Алоуддавла мирзони кўришга рухсат бермасди. Бир йилдан кейин сал бўшашди ва ёнига хос соқчисини қўшиб бериб, бир пас кўриб чиқишига розилик билдирди.

Алоуддавла мирзо Ихтиёриддин қалъасидаги махсус зиндонга ташланганди. Шохрух мирзо вафотидан сўнг, Гавҳаршод бегим йўлда, Абдулатиф мирзонинг амри билан ҳибс этилгач, Алоуддавла бибисини озод этган ва Абдулатиф мирзонинг ўзини Ихтиёриддин қалъасидаги ана шу махсус зиндонга ташлатганди.

Бобур мирзодан ниҳоят рухсат теккан Гавҳаршод бегим хос соқчисини қўшиб берганига ҳам шукр қилиб, у билан тонг сахар йўлга отланди. Куз эрта тушганлиги учун Ҳирот боғу боғчаларидаги дов-дарахтлар яшил тусини йўқотиб, сарғиш-қизғиш рангда товланар, кузак елларида ҳаволанганича, ер бағирлаётган хазонлар йўловчиларга умрнинг ўткинчи эканлигини эслатаётгандай, оёқлар остида ўз тилларида ҳазин пичирларди. Маликанинг аравасини узоқдан таниган қалъа кутволи дарвозаларни очиб, қаршиламоққа пешвоз чиқди. Набираси Абулқосим Бобур мирзо тахтга ўтирганидан бери деярлик келмай қўйган кадрдон қалъасига

негадир бу сафар худди бегоналардай кирди. Қалъада ҳам барг хазонлардан таралаётган ачқимтил куз хавоси ҳукмрон, маликанинг келишидан хабардор фаррошлар йўлакларни супуришар, хазматкор йигитлар елиб-югуриб уюлган хазонларни ташишарди.

Қалъа кутволи малика билан сўрашгач, ортиқча гап-сўзсиз уларни зиндон эшигигача кузатиб борди ва зиндонбонга нималарнидир тайинлаб, орқасига қайтди. Гавҳаршод бегим қалъа кутволининг авзойидан Бобур мирзонинг соқчиси олдида сўраша олмаганидан хижолат бўлаётганлигини англаб, томоғини аччиқ бир алам бўғди ва тез-тез юрганича, таниш зиналардан эна бошлади.

Зиндон деворидаги туйнуклар ёпиб ташланганлиги учун ертўла қаронғи, куз хавоси салқинлигидан ичкари унчалик дим бўлмаса-да, сичкон ва каламушларнинг айрича, қўланса ҳиди нафасни буғарди. Зиндонбон малика ва хос соқчини ичкарига киритгач, қўлидаги мойчиروқни бир чеккага қўйди-да, кўришиш вақтининг муддатини қайта эслатиб, чиқиб кетди.

Мойчиروقнинг ёруғи ертўлага тушгач, қаронғуда кўланка каби дўппайиб кўринган Алоуддавла мирзонинг баланд, елкадор гавдаси ёришди. Мирзо калитнинг шиқирлаганини ва уларнинг шовурини эшитиб, энди ўрнидан турган, шекилли, ётган сомон тўшанчисидан соч-соқолига илашган хас-хашакни ҳам тозалаб улгурмаган, ҳатто салласи ҳам ўралмаган эди. Салланинг тагидан кийиладиган оқ қалпоғининг ранги униқиб, киррати тусга кирган, эғни-боши ҳам бир аҳволда, қалами бўздан тикилган пахтали чопони гавдасига кичик келганидан қўлтиқлари сўкилиб кетган, енглари ҳам билагидан тепада эди. Оёғидаги икки хил пойафзални кўргач, жони бўғзига келган Гавҳаршод бегим гапиришга ҳам ҳоли бўлмай, қалтираганича, деворга суяниб ўтириб қолди. Маликани ҳушдан кетди деб ўйлаган Бобурнинг хос тансоқчиси зиндонда ўзларидан бўлак ҳеч ким йўқлиги сабабли сув келтиргани тепага ўзи югурди. Соқчи ертўладан чиқиши билан жон ҳолатда маликанинг ёнига югуриб келган Алоуддавла мирзо бибисини кучоқлаганича, қулоғига, “Хавотир олманг, кўзим кўрадур, фақат ҳеч кимга сўйламанг, ҳатто ўғлимга ҳам...” деб шивирлади-да, маликанинг кафтига букланган қоғозни қистириб, яна жойига қайтиб бориб, сомонли тўшагига ўтирди. Баҳодир келбатли мирзо озиб кетганидан елкалари ишқом кўриқчисиники каби бўз чопонини туртиб чиққан, доим мулоийм кулиб турувчи кўзлари соққасига ботиб, ўққиникига ўхшаб қолганди.

Эшикка етганда маликанинг ёнидан жилмаслиги тайинлангани эсига тушган хос тансоқчи бор овозда зиндонбонни чақирди-да, зувва орқасига қайтди.

Зиндонбон сув кўтариб келганида, Алоуддавланинг гапларидан кейин ўзини тутиб олган малика қўлидаги қоғозни сочининг орасига тикқанича, севинганидан ўтирган кўйи йиғларди.

Инсоннинг феъли аслида шундай, борида ҳеч нарсанинг қадрига етмайди, йўқотгандан кейингина унинг қимматини англайди. Ҳозир Гавҳаршод бегимнинг руҳиятида ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берганди. Унга неварасининг биргина “Кўзим кўрадур” деган сўзи дунё қувончларини ҳадя этганидан мирзонинг афтодаҳол аҳволини ҳам, кийим-кечаклари-ю қўлтиғи сўкилган бўз чопонини ҳам, икки хил пойафзали-ю киррати қалпоғини ҳам, хас-хашак ёпишган соч-соқоли-ю, ориқлигидан соққасига ботиб кетган кўзларини ҳам унутган. “Ўзингга шукр, кўзи кўрадур, кўзи кўрадур”, деганича, Яратганга шукрона келтирарди.

– Кимсизлар? – деди Алоуддавла мирзо хос соқчи киргач, паст овозда.

– Мен... бибингизмен, мирзом.. – деди ҳиқиллаб Гавҳаршод бегим ва хос соқчи ёрдамида ўрнидан туриб, Алоуддавла мирзонинг ёнига келди. – Йўқлаб келиб

эрдим... Лек сизни бул ахволда кўргандин кўра, Оллоҳ жонимни олгани афзал эрди!

– Ахволимга не қилибдур, маҳди улё маликам? – Алоуддавла қўлларини бибиси томон чўзганича, юзларини пайпаслади ва киноя аралаш миннатдор оҳангда сўзлай бошлади. – Оллоҳга шукр, олампаноҳ инимиз салтанатинда кунимизни кунлаб юрибмиз. Еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда, ношукрчилик қилсак кўрнамаклик бўладур. Ҳалиям Абулқосим Бобур мирзо ҳазрати олийлари бул авбош оғасига мурувват этдилар, йўқса, ёнга қолган бул жонимиз инимиз Қутбиддин Султон Муҳаммад мирзодек жуванмарг кетар эрди!

– Не қилайки, ҳеч бирингиз бибингизнинг сўзини олмадингиз! – неварасининг қўлларини юзларига босганича, йиғлади малика. – Сизларни не умидларда тарбият қилиб эрдим. Ҳаммангиз ўз билганингиздин қолмадингиз! Ўнг бармоғимни тишласам, сўл бармоғим оғрийдур... Дардимни кимга айтишни ҳам билмаймен?! Бул не қисматки, дўстим ҳам, душманам ҳам ўзимдин чиқмиш!

– Ҳа, ҳеч биримиз сизнинг ишончингизни оқлай олмадик, бибим... Ёҳуд пешонамизга ёзилгани шулмикин, билмадим... Чиндан ҳам бул не қисмат бўлди, ҳеч ақлим етмай қолди... – Алоуддавла мирзонинг ҳам қарочиқларига ёш қалқиб, совук ялтиради. – Гуёки дуойи бад қилингандекмиз...

“Дуойи бад...” Сесканиб кетган Гавҳаршод бегимнинг вужуди титраб, умрининг қарилик аталмиш фасли қатларига сингган хотираларини титкилай бошлади. “Ким айтган эрди бул сўзни?” Тасавурида уйғона бошлаган хотиралар эса туткич бермас, қарилик худди дард каби уларга соя соларди. Ниҳоят эслади. “Ҳа, Бойсунғур мирзонинг ўғли Султон Муҳаммад мирзони бобосига қарши оёқлантирган саййидлар шундай дейишган эрди. Бул гапни унга набираси Абдулатиф мирзо айтган эрди. “Маликам, ўлимга ҳукм қилинган саййидлар оқсоқоли хоқони саид бизнинг сўзимизни тинглаб, одил фармон бермасалар дуойи бад қиламиз, дейишаётир!”

Ўшанда малика бу гапни эшитиб, хоқони саидга етказган, лекин баттар жаҳл отига минган Шохрух мирзо фармонини бекор қилмаган эди...

– Шаҳзодамиз Муҳаммад Иброҳим мирзонинг ахволи қандай? – деди ниҳоят Алоуддавла мирзо бибисининг хаёлини бузиб.

– Зиндондаги одамнинг ахволи қандай бўлур эрди? – деди малика чуқур ух тортиб.

– Майли, сабр қилсун... – нимадир демоққа оғиз жуфтлаган Алоуддавла мирзонинг эсига маликанинг ёнидаги бегона одам тушиб, гапини ичига ютди. – Оллоҳнинг даргоҳи кенг...

Гавҳаршод бегим ўшандаёқ Муҳаммад Иброҳим мирзога қиблагҳо Алоуддавла мирзонинг кўзлари кўришини айтмоқчи бўлган, лекин мирзо ўғлига ҳам аймадлигини тайинлагани учун, тилини тишлаганди.

Малика Муҳаммад Иброҳим мирзонинг иродасини зиндон ҳам бука олмаганидан суюнган бўлса-да, бул тўрт кунлик дунё учун яна ёш жонини оташга отаётганлигидан қайғуга тушмоқда эди. Бу маъносиз жангу жадаллар, йўқотишлар маликани чарчатган, ҳафсаласини пир қилганди. Ҳайҳотдай саройда етти ёт бегоналар билан яшаётган малика кейинги пайтларда ўзини шохлари буталган дарахт каби сезар, чорасизликдан эзиларди. Чунки дунёларга бергусиз ўғлонлари аллақачон бу фоний дунёни тарк этишган, маликанинг кўнглини оладиган, дардини тинглайдиган неваралари, чеваралари эса тахту салтанат талоши билан овора эди.

Малика ўшанда Муҳаммад Иброҳимининг хабарчисига кўнглидаги гапларини очик айтолмади. Бегоналарнинг кулоғига етишидан кўрқди. Чунки кейинги

ойлар ичида юз бераёган воқеа ва ҳодисалар шу қадар хилма-хил ва ақл бовар қилмас даражада ҳайратланарли эдики, эшитган одам ёқа ушламай иложи йўқ. “Шаҳзодамиз ўйлаб, етти ўлчаб, бир кесиб, иш қилсунлар, кейинги пушаймоннинг фойдаси йўқ”, деди хабарчи навкар билан хайрлашиш чоғи малика ва Ҳирот тахти тақдири яна елкасига тушганидан, бир дарди ўн бўлди...

Воқеаларнинг ривожланиши эса Гавҳаршод бегимнинг тахминидай бўлиб чикди. Муҳаммад Иброҳим мирзо катта қўшин билан Ҳиротга кирди ва Мурғоб дарёсининг ўнг қирғоғида Жаҳоншоҳ туркманнинг қўп сонли лашкарлари билан тўкнаш келди. Жанг ниҳоятда қаттиқ ва аёвсиз кечган бўлишига қарамасдан ғалаба Жаҳоншоҳ туркман лашкарларига насиб этади. Бу пайтда Абусаид мирзо Ҳиротга кирганди. Абусаид мирзонинг Ҳиротга киргани ҳақидаги хабарини эшитган Муҳаммад Иброҳим мирзо уни ёрдамга келган деб ўйлаб, қувонганича, ҳузурига хос навкарини юборди. Лекин Муҳаммад Иброҳимнинг мағлуб бўлиши Абусаид мирзога қўл келган, шу боис, унинг одамини қабул қилмади. Хос навкари ҳукмдор қариндоши ҳузурига киролмай қайтган Муҳаммад Иброҳим мирзо бибисининг айтганлари тўғри чиққанини англади ва чорасиз, омон қолган қўшини билан Балх вилояти томон чекинди.

Абусаид мирзонинг Ҳиротга кириши Гавҳаршод бегим учун дард устига чипқон бўлганди. Унинг совға-саломларига тикилганича, шуларни ҳаёлидан ўтказган маҳди улё амир Шайх ҳожига хушламайгина миннатдорлик билдирди.

– Бул туҳфаларсиз ҳам Абусайд мирзо бошимизнинг устиндадурлар! Бул даргоҳ эшиклари ул мирзомиз учун ҳамиша очикдур ва аларнинг ташрифларидин бошимиз кўкка етадур!

Шайх ҳожи маликанинг сўзлари устидан кулгандай тиржайди. “Аларнинг ташрифидин бошингиз эрмас, фиғонингиз фалакка ўрлайдур, маликам”, унсиз такрорлади тиллари.

“Ё, тавба, инсони соз – дунёда оз деганлари шулми”, ҳожининг юзидаги ифодани укқандай ҳайрат бармоғини аламли тишлаганича, ўзига-ўзи такрорлади маҳди улё. Бул бетавфиқ Шайх ҳожи тузимизни, кўзимизнинг ёғини еб эрди. Ҳеч қачон бирор кимса анинг мушугини пишт демади. Ўчоғимизнинг кўри, уйимизнинг тўри доимо аники эрди. Ани нечун бул қадар Худо урди?

Маликанинг кўзғалганини кўрган Шайх ҳожи ҳам ўрнидан турди. Совуққина хайрлашиб, эшикдан чиқаркан, Абусаид мирзо билан кечаги суҳбатни эслади.

* * *

Боғи Шаҳрда ҳордиқ чиқараётган Султон Абусаид мирзонинг кайфияти ҳар кунгидан ҳам кўтаринки эди. У Муҳаммад Иброҳим мирзо томонидан элчилик расми билан юборилган вакил, барча уламолар раҳбари, шайхулисом мавлоно Тафтазани келтирган мактубни олган заҳотиёқ оти жиловини Самарқанддан Ҳирот сари бурган маҳали, гарчи, амирлари-ю беклари қарорини қувватлаб, мунажжимлар юлдузлар хайрли ғолибликдан хабар бераётганини башорат этган бўлса-да, ҳаёлининг бир чеккасида уйғонган хижилликдан кўнгли ғашланган, ўзининг фавқулотдаги бу ташрифи Хуросон аҳлини ташвишга солиши, норозилик уйғотиши, ҳатто, кўрқитиши мумкинлигини тахмин қилиб, иккиланган, лекин бу қадар дабдабали, олий даражада кутиб олишларини ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

1. Улуфа – жанг сўнгида бериладиган инъом.

Абусаид мирзонинг зафар оятлари битилган байроқли манқлоий шаъбоннинг йигима бешинчи кунини Ҳиротнинг Соқи Салмон қаъриясининг шимолига кириб келганда кун пешиндан оғганди. Намозидан кейин бирор фурсат ҳордиқ учун чўзилган қари-қартангларни ҳисобга олмаганда ҳамма ўз юмуши билан банд, бозорларда савдо қизир, мадрасаларда таълим давом этарди. Қурол-аслаҳаларнинг жаранги-ю отларнинг туёқларидан кўтарилаётган дўпир-дўпирдан қимирлаган жон борки талвасага тушиб, ўзини ин-инига ура бошлади. Масжиду мадрасалар, бозору дўконлар, гузару кўчалар бир пастда хувиллаб қолди. Қиличу найзалар, болта-ю гурзилар ҳаёт ё мамот даҳшатидан огоҳлантираётган каби ҳавода басма-бас ярақлар, куч-қуввати танида кўрғошиндай кўпираётган баҳодир суворийлар ваъда этилган мўл-кўл улифалар¹ умидида жазавага тушганларича, оғзи-бурнидан кўпик сачратиб, шусиз ҳам шамолдай учаётган уловларини тинмай камчилашарди.

Ҳиротда қиёмат кўпганга ўхшар, лекин Абусаид мирзо учун Оллоҳ иноят эшикларини очганди. Аъёнлару ақобирлар, саййидлару қозилар, амиру беклар, хосу ом жам бўлиб, навбатма-навбат, Боғи Шаҳр саройига қўнган олий ҳукмдор остонасига бош ураётгани, қўлини ўпаётгани, камарбасталик изҳор этганича, Қуръони каримни ўртага қўйиб, қасам ичишаётгани Султон Абусаидни тўлқинлантириб юборган, катта бобоси Мироншоҳ мирзо бир вақтлар ўтирган тахтда савлат тўққанича, ўзини соҳибқирон Амир Темур каби Хурасон элининг халоскори, пуштипаноҳи сифатида тасаввур этабошлаган ҳукмдорнинг қувончи чексиз эди. Чиндан ҳам Ҳирот тахти Амир Темур томонидан Шохрух мирзодан аввал Мироншоҳ мирзога инъом қилинган, катта бувиси, яъни, Мироншоҳ мирзонинг бош маликаси Хонзода бегимнинг чакуви билан у тахтдан азл этилганди.

Ҳаяжону май шавқидан юзлари қизарган Абусаид мирзо Ҳирот амиру бекларини, уламо-ю фузалоларини мавқе ва даражасига қараб эҳтиром этганича, мурувват ва фазлу қарам эшикларини ланг очганича, барчаларига салтанат суфрасидан насиба улашарди.

Меҳмонлар ҳам куруқ қўл эмасди. Келтирилаётган оту туялар, ҳўкизу қўчқорлар, туҳфа-ю инъомлар шу қадар кўп эдики, мулозимлар уларни жойлаб улгуришолмасди. Боғи Шаҳр саройига кираверишдаги отчопар майдони ҳайвонларнинг турли-туман овозига тўлган, айникса, узок йўл босганидан оч қолган қўйлар маъраб, хизматкорларнинг жонига тегарди. Совға-саломга бунчалик кўп мол тушишини кутмаган мулозимлар хизматкорларни ем-хашак учун бозорга пайдар-пай йўллашса-да, келтирилган емишлар урвоқ ҳам бўлмасди.

Осмонларда учаётган Абусаид мирзонинг қувончига биргина нарса соя солмоқда эди. У ҳам бўлса, малика Гавҳаршод бегим билан учрашиш, унга рўбарў бўлиб, суҳбатлашиш ва отдан тушса ҳам эгардан тушмаётган маликанинг дийдиёларини тинглаш ҳақидаги бир-биридан совуқ ва таҳликали хаёллари эди. Шу боис, малика эсига тушса, вужуди ўз-ўзидан сесканиб, паришонхотир бўлиб қолар, то чалғиганича, юрагидаги ғашлик нари кетмасди. Абусаид мирзо охири ўйлаб-ўйлаб, Шохрух мирзо ва авлодлари салтанатида сочи оқарган, лекин яхши бузук икки онани эмади нақлига амал қилиб, унинг ҳам хизматига оёқланган, Абулқосим Бобурнинг вафотини эшитган заҳотиёқ, гарчи Муҳаммад Иброҳим мирзонинг хос мулозими бўлишга улгурган бўлса ҳам, Балхдан туриб, “Хурасон мамлакати эгасиз қолмиш, агар ҳазратимнинг бандалари юриш жиловини бул вилоятга бурсалар, иншооллоҳ, ўзлари ҳокимдурлар” деган маънода мактуб йўллаган амир Шайх ҳожини чақириб, маслаҳат солишга қарор қилди.

– Эртага момомиз, маҳди улё малика Гавҳаршод бегим саройларига бормоқни

ният қилиб эрдик, тақсир? Шул боис, сизнинг ҳам маслаҳатингизни олмоққа қарор қилдим, – деди Абусаид мирзо қаршисида букилиб турган амир Шайх ҳожига қувлик билан. – Ҳам таъзия, ҳам зиёрат деганларидай.

Табиатан зийрак, бунинг устига салтанат ўйинларида тобланиб, чиғирикларидан ўтавериб, устаси фаранг бўлиб кетган амир Шайх ҳожи Абусаид мирзо бошлаган гапининг индаллосиданок нима демокчи эканлигини дарров илғади.

– Кўп маъкул, улуғ ҳукмдор, зеро, ояти каримада ҳам, “Ўз ишингизда маслаҳатлашинг”, деб гўзал тарзда буюрилган. Яъни, маслаҳатли тўй – тарқамас, – амир Шайх ҳожи саллалли бошини янаям қуйироқ эгди. – Боғи Сафидни албатта, кўрмоғингиз даркор. Хоқони саидимиздин илгарироқ раҳматли бобонгиз Мироншоҳ мирзо Боғи Шаҳрда тахтга ўтириб, Боғи Сафедда истиқомат қилганлар...

– Шундай, шундай, тақсир, – деди Абусаид мирзо ярим сўзиданок ниятини англаган амир Шайх ҳожига тикилди. Кечадан бери қозиколонликка муносиб номзод излаётгани эсига тушиб, кўнглидаги одамни топгандай мамнунлик тўйди. – Сиздай уламолар ёнимда суянч бўлиб турсалар, иншооллоҳ, Боғи Сафидда ҳам, ундин яхшироқ жойларда ҳам яшагаймиз ҳали, мавлоно!

– Суянсангиз тоғингиз, ишонсангиз боғингиз бўлурмиз, олампаноҳим! – Абусаид мирзонинг шаъмали сўзларидан ўлжа ҳидини олган бўридай шошиб қолган амир Шайх ҳожининг вужуди ҳаволаниб, оғзининг таноби қочганича, унинг кўзларига илинж билан тикилди.

– Ишонмасам, сизни чорлармидим, мавлоно! – амир Шайх ҳожининг овозидаги музтарлик мирзонинг кўнглига янаям хуш ёқди. – Билурсиз, сизга азалдин меҳрим айрича эрди...

– Қуллуқ, олампаноҳ, қуллуқ!

Абусаид мирзо анчадан бери Бобур мирзо салтанатидаги “зўр” аъёнларни овлар, қармоғига илинганлардан марҳаматини аямасди. Амир Шайх ҳожи ҳам хоқони саид ва авлодлари салтанатида униб-ўсган, туб қўйиб, палак ёзган бўлса-да, ҳадиси шарифдаги, “Сахий, гарчи фосиқ бўлса ҳам дўзахга қирмайди, бахил гарчи обид бўлса ҳам жаннатга қирмайди”, нақлига кўра, бул ғаддор дунёнинг найрангларидан бир қамчи тотган ва сувининг оқимиға кўра иш юритадиган бандалар сирасидан эди. Шул боис, ноқис ақли бахту иқбол осмонининг порловчи куёши Шохрухий шахзодалардан юз ўгириб, Мироншоҳий шахзодалар бошига соя солаётганини англади. Балхдан йўллаган илк мактубигаёқ Абусаид мирзо томонидан тақдирланган бир дунё совға-саломлар хаёлини қочирди. –

Бизга тўнқайиб намоз ўқишу таҳоратни қайси аъзодин бошлаб, қайси аъзода тугатишни ўргатувчи чала муллолар эрмас, сиз киби заколи, ақли теран, дунёвий фикрловчи обид руҳонийлар керак. Хоқони Саиду Бойсунгур мирзо ва Бобур мирзолар ҳам сизнинг саҳти сумбатингизга эрмас, аминманки, ақлу идрокингизга, билимингизу савиянгизга қарашган. Йўқса, салтанатлари нонини бул қадар узоқ муддат сиз бирлан пойлашмас эрдилар. Зеро, ҳар ким ҳам бундай ҳурматга сазовор бўла олмайду! Ўзини билган, бола-чақасини ўйлаган, келажагини кўра олган зотларгина мансабу мартабаларида узоқ вақт қола биладилар. Мана биз ҳам, сизнинг ана шул хислату фазилатларингизни ҳисобга олган ҳолда, ўзимизга янада яқинроқ бўлишингизни истадик, Худо хоҳласа, бизга ҳам камарбасталик қилурсиз, тақсир!

– Иншооллоҳ, олампаноҳ! Танимда жоним бор эркан, ўтингиздин кириб, қулингиздин чикурмен! – кимсан дунёнинг чорагини сўраб турган улуғ ҳукмдорнинг оғзидан ўзи ҳақидаги мактовларни эшитган амир Шайх ҳожининг

кўзлари ҳаяжондан ёниб, қароқларига ёш қалқди. Шернинг феълини ҳали яхши билмагани учун эҳтиёткорлик билан узоқдан ялтоқланаётган тулки каби хавотир исканжасида Абусаид мирзонинг хатти- ҳаракатларини зимдан кузатаётган мавлоно вужудини камраб олган қўрқув ҳисини қувганича, замон ҳукмдорларига мадҳу сано ўқийвериб, бийронлашган тилига эрк берди. – Оллоҳ сиздин рози бўлсин, олампаҳо! Дунё турғунича туринг! Нафақат хизмат қилурмен, керак бўлса, жонимни ҳам берурмен! Сиз олий мақом, куёш тожли, Жамшид мартабали, даврон Искандари гўзал шахриёрга камарбаста бўлмоқ бахтига муяссар этганидин ва итоат занжирларини бўйнимга зуннор киби тақиш имкониятини ноил қилганидин Оллоҳга шукроналар айтамен! Ҳукмдорлигингиз абадийликка ва мангуликка дахлдор, салтанатингиз сояси бошимизга соябон бўлсун! Улуғлик ва жамол кавкаби сиз олий адолат соҳибини Яратганнинг ўзи асрасун!

– Ташаккур, мавлоно! – мактовлар хуш ёққан Абусаид мирзо шундай дея амир Шайх ҳожининг ҳаяжондан титрай бошлаган лабларига, кўксига бориб келаётган қўлларига, бир қўр назар ташлаганича, муддаога ўтди.

– Марҳабо, ўтира билурсиз, мавлоно, суҳбатимиз узоқ давом этиши мумкин.

– Оллоҳ сиздин рози бўлсун, олампаҳо! – ҳаяжони кучлилигидан, бунинг устига, оёғи панд бериб, бир гал Бобур мирзонинг ҳузуридагидай йиқилиб тушишидан хавотирланиб ўтирган амир Шайх ҳожи Абусаид мирзонинг, “Ўтира билурсиз”, деган гапи жонига оро кириб, ортиқча мулозамат ҳам кутмай, унинг қаршисига, шоша-пиша чўкди.

Бундан саккиз ойча нарида раҳматли Абулқосим Бобур мирзо мавлононинг мансабини кўтариб, “уламолар уламози” деган фахрий унвон билан тақдирлаганида, қувончдан ўзини йўқотиб қўйган амир Шайх ҳожи ҳаяжони зўрлигидан мирзонинг пойига йиқилиб тушган, ўшанда билганлар, “Мавлоно ҳам қарипти, энди дуони уида ўқиб ўлтирса бўлур эркан”, деган, билмаганлар, “Ҳукмдорнинг оёғини ўпмокчи эрди, ўла маддох, ўзингни шунчалик хор қилмай”, деб ичида сўкинганди. Шайхнинг ўзи эса бу мункишини қариликка ҳам, ялтоқликка ҳам йўймаган, оёғим панд берди деб ўйлаганди. Шундан бери ҳукмдор зоти чорласа, тадоригини кўрар, хотинининг маслаҳатига амал қилиб, бақувватроқ бўлиш учун кўкноридан бир кафтгина отиб оларди. Бугун эса бир кафтга қаноат қилмай, икки кафт ичган, шунинг учун кайфияти зўр, ўзини йигитлардай ҳис этмокда эди.

– Хўш, тақсир... – ҳали гапи тугамасданоқ мавлононинг таппа ўтириб олиши, бунинг устига ўрталаридаги масофани сақламагани, ўзига жудаям яқин жойга чўккани Абусаид мирзога ёқмаган бўлса ҳам, шунча мактовдан кейин унинг кайфиятини бузгиси келмади. – Бул сафарги хизматингиз момомизни тобга олишдин иборат, малоно. Олдин гапни момомизнинг ўзларидин эшитиб, оғзиларини ҳидлаб кўрурсиз, лекин чўчитманг. Сир бой бермасалар, қистаманг. Чунки баъзи бир хабарларга кўра, набиралар ва абираларни гиж-гижлаётган ҳам малика момомиз эрмуш...

Имонли, инсофли, диёнатли инсоннинг кўнглига шайтон пайт пойлаб васваса солиб кўргани каби, ёмон, инсофсиз, онқўр, сотқин одамнинг кўнглига ҳам Раҳмон эзгулик нуридан юбориб, гуноҳлардан покланиш имониятини беради. Фикру зикрида фақат ундириш, олиш, юлиш, таъма чарх урган яратик эса, у хоҳ ўқиган, хоҳ устоз кўрган, хоҳ гўзал тарбия топган бўлсин, бундай имкониятни илғамайди. Илғаса ҳам ақл тарозисида ўлчамайди, фақат фойда илинжида уни тарозига солиб кўради... Ҳозир амир Шайх ҳожига ҳам Раҳмон шундай синовли бир вазият берган эдики, бундай қулай имконият эса камдан-кам ҳолларда бандасига насиб этарди. Уч

авлодга хизмат қилган, уч авлоднинг нону тузини еган, уч салтанат мартабасининг пиллапояларидан кўтарилган амир Шайх ҳожи бир лаҳза каловланиб қолди.

Мирзо айтаётган бу гаплар ҳақиқатдин йироқлиги, малика бундай вазиятда ҳеч қачон набираларининг жонини гаровга қўймаслиги унга кундай аён эди. Лекин... Унинг ноқис ҳаёллари ақлини чалғитмаслиги учун бу тарзда фикрлашдан ўзини тийди. Ойнанинг орқа томонига қаради.

“Демак, навбат маҳди улёга келибдур. Бул ҳам Оллоҳнинг иши... – дея масъулиятни ўзидан соқит қилганича, Яратганнинг гарданига юклади мавлоно. – Бундай вазиятда эрса ҳақиқатни айтмоқлик нодонлик бирлан баробардур... Зеро, тўғриси айтиб, ҳеч ким, ҳеч қачон барака топмаган! Ҳозир мирзога қай тарзда бўлмасун малика ҳақиндаги айблов керак. Ёқловчи фикр эрса мирзо шаъма қилаётган нарсаларга нуқта қўядур. Нуқта қўйиш ҳалво, бул қайсар мирзо маликага қўшиб, ўзининг ҳам тақдирини ҳал этадур... Энг яхшиси, Оллоҳнинг ҳукмига ташламоқ, бул борада анинг Ўзи чевар, бир кампирнинг муаммосини бизга қолдирмайдур...

– Ҳақ сўзни сўйладингиз, олампаҳо! – деди бир лаҳзалик сукунат орасида фикрини тўғрилаб олган Шайх ҳожи енгил тин олиб. – Тахтда ким ўтиришидин қатъи назар, маҳди улё салтанатнинг жиловдори эрдилар. Шул боис, жиловни бериш аларга анча қийин бўлаётир, шекилли!

– Қийин бўлса, осон қилмоқ керак, мавлоно, осоннинг йўлини эрса, сиз билурсиз? – кулди Абусаид мирзо.

– Мен... Биз... Кичкина бир одаммиз, олампаҳо... – чайналди Шайх ҳожи.

– Кичкина деманг бизни, деганларидай, ўттиз-қирқ йил салтанат остонасини ялаган сиздай одам кичкина бўладирму? Очикроқ сўйлайберинг, мавлоно, – деди амир Шайх ҳожи тилига келган гапни сўйлашга мулоҳаза қилаётганини ҳис қилган Абусаид мирзо.

– Кампир дарди ғозада деганларидай... – чайналди Шайх ҳожи.

– Момомизнинг ғўзалари не эркан?! – бу сафар жиддий тортди Абусаид мирзо.

– Яна тахтни ҳаёл қилаётирларму деган гумоним бор, олампаҳо! – тилига келган гумонни ростга йўйди мавлоно. – Дашти қипчоққа бадарға қилинган набиралари Алоуддавла қайтаётгани ҳақиндаги хабарни кеча эшитгандай бўлдим ва сизга шул ҳақда етказмоқчи эрдим.

– Эшитдим. Демак, хабарларда жон бор... – деди Абусаид мирзо бош ирғаб ва бир лаҳза сукут сақлаганича жим қолди. Кўнглидан ўтаётган мулоҳазаларини мавлонога билдиргиси келмади, шекилли, суҳбатни якунлаб қўя қолди. – Майли, мавлоно, арқонни узунроқ ташлайлик-чи, учи қаергача борар эркан. Сиз, барибир, ҳозир малика ҳузурларига йўл олинг. Совға-саломларимизни етказиб, зиёратга боришимизни сўйланг! Қолганини вақт кўрсатадур!

– Иншооллоҳ! – дея ўрнидан қўзғалди амир Шайх ҳожи.

* * *

Гавҳаршод бегим саройида ҳам Султон Абусаид мирзо ташрифига тадорик бошланганди. Фақат олий меҳмонларгина кутиладиган тиллақори саройининг олтин нақшли эшиклари очилган, меҳмонлар емаги учун ёзилган дастурхонда ҳўлу куруқ мевалардан тортиб, Ҳиротнинг турли рангдаги ширинликлари-ю пиширилари, Самарқанднинг парварда-ю пашмаги, лабзи-ю соч ҳалвоси, Ироқнинг ёзин-қишин тугамайдиган анжир, узумларию норинжигача қўйилган, юз кишига мўлжалланган

узуи ва ҳайбатли тилла нақшли хонтахта устида қушнинг сутидан бўлак ҳамма нарса муҳайё эди. Тўрт ойдан бери мотам ичида, сасини ютган сарой, худди ҳайитлардаги каби гавжумлашган, мулозиму хизматкорларнинг қўли-қўлига тегмас, ҳамма нима биландир овора эди.

Саксонни қоралаб қўйган Гавҳаршод бегимнинг кўриниши ҳамон тетик, баланд ва кўркам гавдаси чўкмаган, оппоқ кулча юзлардаги ажинлари деярлик кўринмас, сийраклай бошлаган қошлари ва юпқалашган лабларини айтмаса, малика қариликка бўй бермаганди. Анчадан бери қуш уйқу бўлиб қолгани учун қовоқлари салқиб, хорғин тортган тийрак кўзларигина унинг ғамноклигини ошкор этиб турарди.

Гавҳаршод бегимнинг Султон Абусаид мирзо истиқболига пешвоз чиқиши Хирот ақобирларининг гап-сўзига сабаб бўлди.

– Ҳай, ҳай, маҳди улёнинг бошларига чўп синдирмоқ керак! Отдин тушсалар ҳам эгардин тушмаётган маликаимиз олий меҳмоннинг истиқболларига ўзлари чиқибдурларму? – деди орқароқда келаётган Сафо жалойир ёнидаги Турдиқора бекка шивирлаганича, кинояли оҳангда.

– Зўрдин – зўр чиқса, оёғи питир-питир дейишадур! – деди Турдиқора бек бошини маъноли ирғаб.

– Ҳа, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейишган, машойихлар! Йўқса... – қалин, бароқ қошини маънодор учуриб, кулди Сафо жалойир ва овозини пастлатди. – Йўқса, Абусаид мирзо ҳам тузини еб...

– Ҳай, ҳай... – кўрсаткич бармоғини лабига текизиб “жим бўл” дегандай имо қилди Турдиқора бек. – Бош иккитами дейман, деворнинг ҳам қулоғи бор-а?

– Шунинг айтиши, амир! Рост, менга нима? – Сафо жалойир ён-верига аланглаб, бир пас жим юргач, яна тили кичиди. – Бири ўлиб бири қолмайдиму? Аслинда, маликаимиз тўғри қиладур! Ҳозир шаҳзодалар ичинда Султон Абусаид мирзодин бошқа пичоққа илинадургони йўқ! Бобур мирзонинг тузини еб юрганлар ҳам қуённинг ишини қилишиб, жуфтани ростлашгандин кейин қуни учун қулайдида, бечора, кампир!

– Кампир? – Турдиқора бек кинояли бош соллади. – Кампир эрмуш, туришига қаранг, амир, маликаимиз ҳали қиличдай! Кўрурсиз, сиз билан мени қаритадур, бул кампир! Билсангиз, бул кампирда гап кўп. Шаҳзодаларнинг ақли бўлганда анининг этагидин тутиб, йўриғидин чиқмаслиги керак эрди. Алар эрса, устоз кўрмаган шогирддай ҳар нағмага йўғалашмоқда. Шаҳзода Алоуддавла шўрлик ҳали Дашти Қипчоқда, ҳали Хоразмда. Ўғли Муҳаммад Иброҳим мирзо хибсдин қочган эрмуш. Бул ахволда не бўладур, ёлғиз Оллоҳга аён! Эрни эр қиладурган ҳам, қаро ер қиладургон ҳам хотин деган гап мана шундай маликаларга нисбатан айтилган. Бул аёл ҳар жиҳатдин Бибиҳонимга ўхшайдур. Ақлли, фаросатли, зеҳни ниҳоятда ўткир, одамни бир қараши-ю, бир оғиз сўзидин ажратиб оладур, яна бир мактовга лойиқ томони вазиятни тўғри баҳолай биладур. Раҳматли хоқони саидимиз ҳам бекорига аларнинг йўриғига юрмаган. Йўқса, бечоранинг чекига қанча мусибат тушди, бошимнинг яраси дўппим остида деганларидай, синини бузмаганини қаранг!?

– Тўғри айтасиз, бек, – Сафо жалойир ҳайратини яширолмай, ёқасини ушлади. – Астағфируллоҳ, аёл боши бирлан шунча ғамни кўтарди-я!? Аларнинг ўрнида мен бўлсам, ўлиб қолар эрдим!

– Ҳа, найманларнинг жони савил қолган, дейишадур, амир! Йўқса, раҳматли фарзандлари Улуғбек мирзонинг ўзлари дунёларга бергусиз бир подшоҳ эрди! Бошқаларини айтмаёқ қўяқолай! – ачиниб бош чайқади Турдиқора бек.

– Подшоҳликлари бир томон, олимликларини айтинг, етти иқлим фузалолари тан олишган эрди, раҳматлини... – Сафо жалойир ҳамон ачиниш билан бош чайқамокда эди. – Астағфируллоҳ, Оллоҳ бундай қисматни ҳеч кимга раво кўрмасун! Қаердаги савил қоладургон тожу тахт деб ўз ўғлинг ўзингни ўлдириб ўтирса-я!? Тавба, тавба, эшитгандин йироққа!

– Ҳа, хом сут эмган бандаси ани савил қоладур деб ўйламайди-да! – истехзоли кулди Турдиқора бек.

– Шунинг учун ҳам хато қиладур-да, бек! Ўйлаган, калласини ишлатган шахзода бундай қабоҳатга қўл урмас эрди! Ўйламаганининг оқибати эрса не бўлди? Осмонни кўзлаган Абдулатиф мирзо олти ойга етмай, тахтидин ҳам, бошидин ҳам айрилди! Лекин энг ёмони, бул фожиалар қолган шахзодаларга сабоқ бўлмаётир!

– Шундай, шундай... – сарой эшигига яқинлашиб қолган суҳбатдошлар, сўзларини ютган қўйи, тўдага қўшилишди.

Султон Абусаид мирзо канизаклар қуршовида келаётган Гавҳаршод бегимнинг елкасига бош қўйиб, таъзия изҳор қилган бўлди.

– Бандалик, маҳди улё маликам, кечмиш бўлсун!

– Оллоҳ раҳматига олсун! – Гавҳаршод бегимнинг кўзи беихтиёр ёшланиб, нигоҳини олиб қочди.

Султон Абусаиддан кейин башка меҳмонлар ҳам таъзим билан таъзия изҳор этишди. Абулқосим Бобур мирзонинг таъзиясига Ҳиротнинг кўпчилик амирлар келмаган, келганлари ҳам ўшандан кейин қорасини кўрсатмай қўйганди. Ҳозир эса Абусаид мирзонинг пинжига кирганларича, ўзларини қайғудошдай тутишмоқда. Улар орасида Султон Иброҳим мирзонинг ишонган амирларидан Шайх ҳожи, маърака кунларидан кейин ўзини касалликка солиб олган Ҳирот шайхулисломии Хўжа Тафтазани ва Абусаид мирзонинг пинжига кирмоқ учун зиёфат баҳонасида маликанинг энг яқин Тархон амирларини қиличдан ўтказган амир Шерҳожи ҳам бор эди. Шерҳожининг садоқатини яқинда Абусаид мирзо “Панжҳазора” унвони билан сийлаган ва қаерга бормасин думи каби ёнида олиб юарди...

Меҳмонхонанинг маҳовати Абусаид мирзонинг ақлини шоширгани унинг юзларига қалққан ифодадан кўриниб турарди. Мирзонинг кўзлари порлаб, лаблари мамнун бурилди, ўнг қўли беихтиёр, энгагини силаб, сийрак соқолини тутамлаганича, ислими нақшлар билан тилла ҳал берилган деворлардан ҳайрат тўла нигоҳини узолмай, тўрга ўтди. Тўр деворига ганчдан ихчам ва нафис қилиб турли ўлчовда, лекин бир-бирига мутаносиб шаклда тоқчалар ясалган ва бу тоқчаларга катта-кичик идишлар терилган эди.

– Ҳаммаси ўлпон тўловчи тобе ҳукмдорларнинг итоат тариқасида юборган инъомлари, тоза моллар! – деди Шерҳожи ҳукмдорнинг кўнглидан ўтаётган фикрларни укқандай, тоқчадаги идишларга изоҳ бераркан. – Барчаси қуйма олтиндин! Заргарларининг ишлари шунчалик инжаки, бирор жойидин нуқсон тополмайсиз!

Абусаид мирзо Шерҳожининг гапини синаб кўрмоқчидай, чап тарафдаги кўзалар томон юрди. Кўзалар чиндан ҳам ниҳоятда нафис ишланган, қорни ва қапқоғига қадалган гул нусха инжулар оловдай товланарди.

– Гулнинг қабосиндаги оқ инжу – олмос... – овозини пасайтириб шипшиди Шерҳожи. – Бир мамлакат хирожига тенг!

Абусаид мирзонинг қўли беихтиёр, кўзага узанди. Кўзанинг туткичлари ингичка ва нафис кўрингани билан оғиргина экан. Қорин тарафига ранг-баранг жавахирлардан уйғунлаштирилиб, ясалган гулнинг қабосидаги каттагина олмос

ишланмаганлиги боис, оддий тошга ўхшар, лекин мол танийдиган кўз унинг қимматбаҳо жавоҳир эканлигини дарров ажратарди.

– Қадаҳлардаги гуллар эрса зумрад тошлардин ясалган! – дея яна изоҳ берди Шерхожи кўзани жойига қўяётиб, қўли ёнидаги қадаҳларга тегиб кетган Абусаид мирзога. Қадаҳ майин ва ёқимли жаранглаганича, ерга тушди.

– Оҳ, оҳ, жонивор... – Шерхожи қадаҳни оларкан, “Менинг лабларимдин шароб ич”, деётир деб Абусаид мирзога узатмоққа оғиз жуфтлаган жойида шайхулисломнинг таҳдидли нигоҳига дуч келиб, индамай, қўлига берди.

– Чиндан ҳам гўзал ишланган эркан! – деди майнинг таъмини туйгандай ютиниб Абусаид мирзо. – Бул қадаҳларга қуйилган майнинг ҳам кайфи бошқача бўлса керак-а?

– Ҳозир синаб кўришимиз мумкин, олампаноҳим! Бизга имо қилсангиз бўлди! – Абусаид мирзонинг гапидан яйраб кетган Шерхожи тамшанганича, кафтларини бир-барига ишқади.

– Йўқ, йўқ, бугун мавриди эрмас, бошқа куни келурмиз! – Абусаид мирзо шундай деб қадаҳни жойига қўйди-да, орқадаги меҳмонларнинг ҳам киришига рухсат бериб, хонтахтанинг тўрига ўтди.

Зиёрат Қуръони карим хатми билан тугагач, меҳмонларнинг аксарияти тезгина қўзғалишди. Султон Абусаид мирзо шайхулислом ва амир Шерхожига “қолинг” ишорасини қилганича, Гавҳаршод бегимни меҳмонхонага чорлатди. Гавҳаршод бегим уни илк ва сўнгги бор бундан анча йиллар илгари, аразлаб кетган Абдулатиф мирзони қайтариб келиш баҳонаси билан Самарқандга борганида, Улуғбек мирзонинг Боғи Чинордаги саройида кўрганди. Унда Султон Абусаид мирзо ҳали анча ёш, соқолига қайчи урилмаган бўйчан ва ориқ, ҳаракатлари чакқон, қиличдай йигит эди. У Абдулатиф мирзонинг кўнглини топган, шекилли, иккаласи туну кун ҳамроҳ, муносабатларидан икки шахзоданинг какликлари сайрашганди. Ҳозир танасига бироз эт битиб, юришлари ҳам сустрлашган ва катта бобоси Мироншоҳ мирзога ўхшаб қолганди. Сўзлари мулойим, тавозели ва камгап мирзо малика ўн гапирганида бир марта жавоб қайтарган ва кўпроқ унинг кўнглини олишга ҳаракат қилганди. Улуғбек мирзо ўшанда Абусаид мирзонинг елкасига қоқиб, “Менинг жон жигарим, шогирдим, энг асосийси, бўлажак садоқатли амирим”, дея меҳр билан таништирган эди. Ана шул “Жон жигари, шогирди ва садоқатли амири” биринчилардан бўлиб чув туширди раҳматли Улуғбек мирзони...

Гавҳаршод бегимнинг хаёлида беихтиёр, ўша кунлар тикланиб, кўз олдида Улуғбек мирзонинг хайрлашув чоғидаги қиёфаси намоён бўлди...

– Волидам, Абдулатиф мирзони сизга, сизни эрса Оллоҳга топширамен! – деди Улуғбек мирзо Работи Ём дарбозаси олдида Гавҳаршод бегим билан хайрлашар экан. – Сиздин рижойим шулки, авлодларнинг барчаларини бир кўзда кўриб, барчаларига бир хилда меҳр беринг!

Ўғлининг сўзларидан Гавҳаршод бегимнинг вужуди қакшаб, кўзларидан ўт чатнагандай бўлди, беихтиёр, оппоқ юзлари қизариб, пешонасига тер қалқди. Малика Самарқандга келганидан бери мирзо Абдулатифнинг Ҳиротдан сўроқсиз кетиб қолиши борасида Улуғбек мирзонинг сўз очишини кутиб, оғзини пойлаган, лекин ўғли индамагач, олий даражада меҳмоннавозликлар билан кўнглини топишга уринаётган фарзандининг кайфиятини бузишни, тўғриси, қотган ярани тирнашни истамаганди. “Демак, Улуғбек мирзо мен ҳақимда ёмон фикрда эркан-да...” хаёл қилди Гавҳаршод бегим, каловланиб қолган тилини жавобга шайлар экан.

– Сиз фарзандаларингизнинг қай бирини айрича кўрурсиз, султон ўғлим? –

деди лаблари титраганича, Гавҳаршод бегим, бўғзига тикилган аччиқ изтиробни базўр ютаркан, ўглининг гапини жавобсиз қолдириб.

Гавҳаршод бегим Самарқандни кезган маҳали шаҳардаги ўзгаришларни, қурилишларини, шаҳар кўркига-кўрк қўшган мадраса-ю масжидларни, Хитой меъморларини ҳам лол қолдирадиган Чиннихонани, айниқса, гумбази фалак тоқига туташ расадхонани кўриб, ҳайратланган ва қисқа фурсат ичида султон ўғли улгурган бу ютуқларга ҳаваси келиб, таҳсинлар ўқиган, Ҳиротда ҳам шундай иморатлар солишни кўнглига тукканини Улуғбек мирзога тўлқинланиб сўзлаган, хатто Улуғбек мирзо курдирган мадраса тарhini тузган меъмор Қувомиддин Шерозийни Ҳиротга юборишини ҳам сўраганди. Волидасининг болалардай қувонганини кўрган мирзо Улуғбек ўша дамда ўғли Абдулатифнинг арази ва шикоятларини ёш боланинг эркаликларига йўйган эди. Гарчи, баъзи бир қилиқлари ўзининг ҳам кўнглига теккан бўлса-да, бу борада Гавҳаршод бегимга сўз очмасликка қарор қилганди. Гавҳаршод бегим билан хайрлашар чоғи, ўғли Абдулатиф мирзо қулоғига, шивирлаб, “Қиблагох, маликамизга менинг хусусимда бир сўз ҳам сўзламадингиз, агар яна шундай мунасабат қилсалар, қочиб келурмен...” деган гапидан кейин беихтиёр, тилига эрк берганди.

Улуғбек мирзо гапи волидасининг дилига қаттиқ текканини ҳис қилиб, айтган сўзларидан пушаймон бўлди ва вазиятни юмшатмоқ учун гапни ҳазилга бурди.

– Мен учун фарзанднинг борлигининг ўзи бахт, волидам... Мен аларнинг ҳеч бирини иккинчисидин ортиқ ё кам кўрмасмен! Аларнинг барчаси мен учун суюмли ва аларни борица қабул қиламен!

Гавҳаршод бегим изтиробли кўзларини ўғлига кўрсатмаслик учун ерга тикканича, бир лаҳза жим қолди. Сўнг, Самарқандда кечган қувончли кунларининг хотимасини кетар чоғи дилхиралик билан яқунлашни истамай, ўзини босишга ҳаракат қилди.

– Шундай, султон ўғлоним, авлодларимиз барчамиз учун суюмли ва азиздур. Лек машойихлар, “Бола азиз, одоби андин ҳам азиз”, деб бежизга айтишмаган. Аслинда, болаларнинг ўзлари қилиқлари бирлан ё суйдирадур ёхуд куйдирадур. Шул боис, болага тўғри тарбия бермоқ лозим. Сиз, мирзо Абдулатифнинг рухсатимизсиз Самарқандга кетиб қолганлиги борасинда сўз очмаганингиз учун, индамаган эрдим, тўғриси, дилингизни қиргим келмаган эрди. Модомики, гап очдингиз, энди сўйламасам бўлмас. Мирзомиз ўсмирлик ёшинда эрканлигини ёхуд феъл хўйи волидасига тортгани учунму, ҳар қалай, жуда жиззаки ва иззатталаб бўлиб ўсаётир.

– Волидам... – Улуғбек мирзо жилмайишга ҳаракат қилди. – Сўзим сизга оғир ботмасину, лек қайнона ҳеч қачон келинга, келин эрса ҳеч қачон қайнонага ёққан эрмас. Бул азалий рақобат!

– Келинимизнинг иззатталаб ва жиззакилиги ёлғонму? – Гавҳаршод бегим Улуғбек мирзога, “Ғапим тухматму”, демоқчи эди-ю, мулоҳаза қиларкан, гапини юмшатди.

– Балки, ҳақдурсиз, волидам, лек, авлодларимиз муносабатиндаги қусурни ота ёхуд онага боғламоқ қанчалик тўғри бўларкин?

– Мен боғлаётганим йўқ, бор гапни айтаётирмен... Биргина отабеги нолиса, тушунар эрдим, лек аксарият устозлари ҳам анинг муомаласи-ю хатти-ҳаракатларидин шикоят этмоқдалар. Сўнгги пайтларда менинг сўзларимга ҳам қулоқ осмаётир...

Улуғбек мирзо волидасининг гапларини сўз қўшмай тингларкан, юзларида зардага ўхшаш ифода пайдо бўлди. Зеро, волидаси ҳақ эди. Авваллари Абдулатиф

мирзо ёш бўлганлиги учунми унинг инжиқликлари Улуғбек мирзо учун боланинг эркаликлари каби кўринган ва бунга кўп ҳам эътибор бермаганди. Яқиндан бери, айниқса, Самарқандга келганидан буён унинг сўзларида, қарашлари-ю ҳаракатларида манманлик, кибру ҳаво пайдо бўлганини илғади. Улуғбек мирзога оғир ботгани унинг укаси Абдулазиз мирзога нисбатан нописанд муомиласи эди.

Абдулазиз мирзо табиатан юмшоқ, оқкўнгил, лекин бироз ишонувчанроқ эди. Бу нарсаяйниқса, волидаси билан қиблагоҳининг канизақларига жуда кўл келар, улар содда ва ўлгудай кўли очик шахзоданинг қўйини пуч ёнғокка тўлдиришганича, алдаб-сулдашар ва бир ўпич билан чўнтақларини қоқлаб олишарди. Кенжа мирзо шариат аҳкомларига юзда юз амал қилса-да, диний билимларни умуман ёқтирмасди, бунинг устига дунёвий фанларга ҳам қизиқиши суст эди. Лекин қиличбозлигу чавандозликда моҳир, машқ чоғи унга унча-мунча одам бас келолмасди. Камгап, юввош ва эринчоқ ўғлининг от устида шердай шижоатли давранишига ҳатто Улуғбек мирзонинг ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Унинг феълида бир яхши хислат бор эдики, бу жуда ибратли эди. У ака-укалару қариндош-уруғларга нисбатан меҳрли ва оқибатли эди. Ҳайит ёки маросимларда йўқламаган одами ҳайитлик олмаган болачақа қолмасди, ҳатто уруғининг уруғига ҳам албатта, эҳсон ҳалтасидан нимадир тегарди. У оғаларига нисбатан ҳам жуда меҳрли эди. Айниқса, Абдулатиф мирзони жуда яхши кўрар, қачон Самарқандга ташриф буюриб қолса, айрилмасдан ёнида юрар, худди қароллардай унинг хизматини қиларди.

Абдулатиф мирзонинг бу галги Самарқандга келиши ҳам у учун худди байрамдай бўлганди. У акасининг қўнглини олиш учун ҳали ов ташкил этар, ҳали кўпқари-ю чавгон мусобақаларини уюштирар, шу баҳонада ўзининг ҳам улардан кам эмаслигини, ҳатто қиличбозлигу чавгонда улардан ҳам маҳоратлироқ эканини кўз-кўз қилмоқчи бўларди. Унинг бу мулозаматлари, айниқса, ҳар нарсани баҳона қилиб, Абдулатиф мирзонинг ҳузурига киравериши эса акасига ёқмасди. У Абдулазизга негадир ётсираб қарар, кўзи тушиши билан юз ифодаси бирдан ўзгарар ва мирзо Ҳиротдан келганидан бери думи бўлиб олган Абусаид мирзога кўз қисганича, бирор нарсани баҳона қилиб, суҳбатга яқин ясарди-да, уни чиқариб юборарди. Ўша куни ҳам ака-укалар орасидаги совуқ муносабат устидан чиқиб қолган Улуғбек мирзо бу сафар индамай кетолмади, айниқса, Абусаид мирзонинг ёнида укасига бақираётгани оғир ботди, Абдулатиф мирзога танбеҳ берган бўлди.

– Сиз инингизни жеркимасдин саволларига тўғри жавоб беринг, шахзодам, – деди Улуғбек мирзо Абдулазиз мирзо ва Абусаид мирзолар чиқиб кетгач, Абдулатифга насихат оҳангида.

– Қиблагоҳ, бул шахзодангизга ўн марта тушунтирдим, лек бариси бефойда, бир пас ўтмай, ёдлаганларининг бирортасини ҳам айтиб беролмаётир. Тўғриси, анинг телба-тесқари савол-сўроқлари бўғзимга келди! – Абдулатиф кўрсаткич бармоғини тамоғига сермаб кўрсатди. – Бунинг устига мен анинг мударрисини эрмасман-ку! Бундин буён бориб, билмаганларини ўз мударрисидин сўрасун!

– Инингиз сизни мударрисдин ҳам зўр деб ўйлайдур! Аслинда ҳам шундай. Оллоҳга шукрки, фалакиёт илминда унча-мунча олимлар ҳам эгаллай олмаган мартабаларга эришдингиз. Устоз Қозизода Румийнинг эътирофи мен учун энг катта совға бўлди, мен сиз бирлан фахрланамен. Яна мени қувонтирган нарсаяшулки, мен бунёд этган илм хазинаси энди эгасиз қолмайдур! Анинг сиз киби илмга чанқоқ ворислари бор. Шул боисдин, табиийки, инингиз ҳам сизга ҳавас қиладур ва сиз билган нарсаларни ўрганмоқ истайдур. Мударрисидин эрмас,

сиздин сўраётганининг сабаби ҳам шундин бўлиши керак! – деди кулиб насиҳат оҳангида Улуғбек мирзо.

– Қиблагоҳ, хафа бўлмангу, инимиз сал ғалчароқ... – деди Абдулатиф масхаралаш оҳангида гапини чўзиб. – Анга калласи қабул қиладургон илмлардин ўргатмоқ даркор. Фалакиёт илми анинг учун мисоли ўрмон, кирса адашиб, бул ковоқ калласидин ҳам масуво бўладур!

– Инингиз ҳақинда бундай беъмани сўзлар айтмоқ сиз учун уят, шаҳзодам... – укаси ҳақида беандишалик билан гапирётган Абдуллатифнинг сўзини кесди Улуғбек мирзо.

– Мен... тўғрисини айтаётирмен! – ерга қараганича, гапидан қайтмади Абдулатиф мирзо.

– Гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор! – ўғлининг гапларидан ҳайратга тушган Улуғбек мирзонинг овози баланд ва зардали чикди. – Бунинг устига сиз бировлар ёнинда ўз жигарингизни мулзам этаётирсиз...

– Абусайд мирзо биров эрмас, ҳам жиянингиз, ҳам шогирдингиз...

– Ким бўлишидин қатъи назар ул мирзо учинчи киши! Инингизни ғалча деётирсизу лек ўзингиз андин ҳам бадтарроқ фаросатсизлик қилаётганингизга фаҳмингиз етмаётир!?

Қиблагоҳининг сўзларидаги аччиқ-тизиқ, кўзларидаги алланечук совуқ ифодани иллаган Абдулатиф мирзонинг ёдига волидасининг гаплари тушди. “Алар ҳеч қачон бизга дўст бўлмайдур, шаҳзодам! Ҳатто қиблагоҳингиз ҳам... Қиблагоҳингиз учун бул дунёда ёлғиз, Абдулазиз бор! Кўзлари андин ўзга фарзандларни кўрмайдур! Шунинг учун ҳам сизни Самарқандга йўлатишмайдур, ўшал жалажин кампирнинг даргоҳинда етимдек ўсмоқдасиз! Чунки алар бобо душманларимиздур... Алар бобонгиз Халил Султон мирзо бирлан бибингиз Шод Мулк бегимни ўлдиришган! Алар мени ҳам, сизни ҳам... Астағфируллоҳ, сўзимни ел учурсун! Оллоҳнинг ўзи кўрисин! Оллоҳнинг ўзи аларни даф қилсун! Аларни кўргани кўзим йўқ...”

– Сиз ҳам маҳди улё бибимизнинг гапини такрорлаётирсиз, олампаҳо! – деди волидасининг гаплари ёдга тушгач, янаям қизишиб кетган Абдулатиф мирзо энсаси қотганича. – Малика бибимиз ёлғиз Алоуддавла қардошимизга меҳр-мурувват кўрсатганлари киби сиз ҳам мирзо Абдулазиз мирзонгизга ортиқча баҳо бераётирсиз!

– Мен учун ҳаммангиз бирдайсиз... – деди Абдулатифнинг беандиша гапидан ўнғайсиз ҳолга тушган ва ҳайратланган Улуғбек мирзо ўғлини қойишни ҳам, насиҳат қилишни ҳам билмай, жим қоларкан. – Ишқилиб, тожу тахт учун бир-бирининг бошини еган амакиваччаларингизга тортмасангиз бўлди...

– Мен амакиваччаларимга ҳам, волидамга ҳам тортмаймен! – Абдулатиф мирзо атай “волидам” сўзини қўшди. Чунки бувиси Гавҳаршод бегим ҳам бир куни унга, “Волидангизга тортаётирсиз”, дея киноя қилган эди. – Мен... Оллоҳ насиб этса, ўзимга ўхшаймен!

Абдулатиф мирзо чиндан ҳам дунёвий ва диний илмда қиблагоҳи каби салоҳиятли эди. Ҳатто дин уламоларига Улуғбек мирзодан ҳам кўра, кўпроқ эътибор берар, жума намозларини сира канда қилмасди.

– Омин! – Улуғбек мирзо ўғлининг овозидаги изтиробни ҳис қилиб, унинг елкасига қўлини ташлаганича, сўзларини юмшатди. – Зеро, ўзликни топиш, ҳақни, ҳақиқатни топишдур! Ҳақни топган одам эрса, ҳеч қачон адашмайдур!

Абдулатифнинг волидаси малика Дуржаҳон бегим (унинг асл исми Ҳусн Нигор бегим эди. Улуғбек мирзо эркалаб, “Дуржаҳон бегим” дега, ҳамма уни шу ном

билан атай бошлаган эди) чиндан ҳам шаддод, шартаки, бунинг устига ўлғудай инжиқ эди. Улуғбек мирзо азбаройи уни қаттиқ севганлигидан қилиқларига чидар, кўриб-кўрмасликка, эшитиб – эшитмасликка оларди. Эрининг оғриқли нуқтаси, қаттиқ севишини билган ва жон жойидан ушлаб олган малика эса уни ҳар кўйга соларди.

Аммаси Бекиси Султон бегим даргоҳида тарбия топган Дуржаҳон бегим ёши улғайиб, ақлини танигандан сўнггина, ота-онасининг аянчли тақдиридан воқиф бўлган, унга ҳеч ким унга бу ҳақда гапирмаган ва ўзи ҳам ота-онаси Бекиси Султон бегим билан Искандар мирзо деб ўйларди... Бекиси Султон бегим Мироншоҳ мирзонинг Хонзода бегимдан туғилган қизи бўлиб, Халил Султон мирзонинг синглиси эди. Искандар мирзо эса малика Миликат оғонинг биринчи эри Умаршайх мирзодан туғилган ўғли бўлиб, отасининг вафотидан сўнг, соҳибқироннинг қарори билан Шохрух мирзо никоҳига ўтган волидасига эргашиб келганди.

Гавҳаршод бегим шу баҳонада кўнглига туғиб келган бор гапларини тўкиб солди. Лекин Улуғбек мирзодан садо чиқавермагач, дийдиёсини тўхтатди. Шундан сўнггина, Улуғбек мирзо ўзларидан нарида, тахтиравон ёнида Абусаид мирзо билан гаплашиб турган Абдулатиф мирзо томон юрди ва унинг елкасидан тутганича, четга чиқариб, нимадир деди. Абдулатиф мирзонинг кулиб турган чеҳраси бирдан тундлашиб, бувиси томон бир ўкрайди-да, қўлларини силкитганича, қиблагоҳига нималарнидир тушунтира бошлади. Улуғбек мирзога унинг гаплари эриш туюлди, шекилли, тинглайтуриб, негадир кулиб юборди. Унинг кулгусини эшитибми, эшитмайми Абусаид мирзо ҳам уларга жўр бўлди...

...Хаёли ёш, мулойим, хокисор Абусаид мирзодан қаршисидаги ҳукмдор Абусаид мирзога кўчган Гавҳаршод бегим, “Ҳаммаси оёққа туриб олгунича, қўйдай ювош, мушукдай мулойим бўлишадур, чўнтаклари ақча кўруб, кулоклари ҳамду санолар ҳадисини олгач, нотаваон кўнгуллари ҳавойи-орзу ҳавас дардида ғимирлаб қолишадур. Алар тахтга ўлтирмоқ бахт деб хаёл қилишадур. Лек бул тахтга лойиқ ёхуд нолойиқ эканликлари борасинда ўйлаб ҳам кўришмайдур ва энг ачинарлиси, бул бахтнинг сояси ҳисобланмиш бахтсизликнинг ҳам катта бўлишини хаёлларининг кўчасига ҳам келтиришмайдур”, дея кўнглидан ўтказди.

Чиндан ҳам ҳукмдорлик нусқи Абусаид мирзонинг феълига ҳам, тилига ҳам урган эди. Унинг сўзларида, ҳаракатларида ҳатто қарашларида ҳам “Тақдирингиз энди менинг қўлимда” деган иддао сезилиб турарди. Эғнига кийган либослари ҳам антиқа, ич кўйлагининг ёқа ва енглари тилла ва кумуш иплар билан илмак бериб тикилган, оч яшил рангдаги гулдор енгил хилъатининг ҳар ер, ҳар ерига тилла ва кумуш ипдан билинар-билинемас гул нақши солинганди. Малика бу қадар ҳарир ва нафис матони ҳеч бир тужжорда, ҳатто, ҳинд савдогарларида ҳам кўрмаганди. Ўраган салласи ҳам темурийлар салтанати бош кийими каби сидирға эмас, йўл-йўл ва катак нусха эди.

Мирзо гапнинг индаллосини нимадан бошлашини билмай, бироз вақт чайналиб, мавзунини бугунги оби ҳавога, шаҳарнинг ғаротини чиқарган қуюн аралаш тўфонга бурган бўлса-да, аслида, у ҳам Боғи Чинордаги ўша учрашувни эслаётганди. У Гавҳаршод бегимни то кўргунига қадар, Абдулатиф таърифлаган киёфада, шаддод, жодугарсифат бир кампир сифатида тасаввур этганди. Маликага кўзи тушгач, ҳайратдан қотиб қолган эди. Малика мирзонинг кўзига осмондан тушган малакка, фариштага ўхшаб кўринди. Баланд бўйли, кулча юзлари оппоқ, қайрилма киприкли чакноқ кўзларининг қарашлари нозли ва меҳрли малика у билан кўришаётиб, узуклари куёшда ярқираётган узун-узун момик бармоқларини мирзонинг юзига

текизганича, “Бунча ширин бул шаҳзодамиз, қайси биродаримизнинг ўғлонлари эркан?” дея пешонасидан ўпганида ундан таралаётган бўйдан Абусаид мирзо энтиккан, хушидан кетишига бир баҳя қолганди. Мирзо ўшанда деярлик ҳар куни Абдулатиф мирзо билан биргаликда маликага ҳамроҳлик этган, маҳди улёнинг ақли ва билимига тан берган, ўзининг ҳам завжаси Гавҳаршод бегимга ўхшадини орзулаган эди.

Лекин ўзининг ўшандаги бир журъатини ўйласа, Абсаид мирзонинг ҳали-ҳамон эти жунжикиб кетарди. У ёшлигига борибми ёки Абдулатиф мирзонинг гапига кирибми ёки Гавҳаршод бегимнинг ўзига нисбатан айрича бир меҳрли муомиласидан руҳланиб кетганиданми, хуллас, ҳаётини хавф остига қўйиб, бир ой нарида Улуғбек мирзо томонидан негадир бирдан зиндонбанд этилган Дуржаҳон бегимдан маҳди улё номига мактуб келтирди. Гавҳаршод бегим ўғли билан келини ўрталарида юз берган воқеалардан беҳабарлиги учун Абусаид мирзодан мактуб эгасининг номини эшитибок, энсаси қотди ва ҳаёлан, Дуржаҳон бегим уни йўқлаб келишни истамаганлиги учун узрини дастурхон қилганича, бирор баҳона тўкиб, хат юборгандир деб ўйлади. Чунки Гавҳаршод бегим Самарқандга келган куни маликага пешвоз чиққан келинлари сафида Дуржаҳон бегим йўқ эди. Энг қизиги, меҳмондорчиликнинг иккинчи ҳафтаси ўтиб бораётган бўлса ҳам, қорасини кўрсатмаётганди. Малика унинг бу қилиғини Дуржаҳон бегимнинг келин бўлиб тушишидаги аразига йўйган эди. Чуки ўшанда малика ўғли Улуғбек мирзонинг Хусн Нигор бегимга уйланишига розилик бермаганди. Шу боис, ўғлидан ҳам келини ҳақида сўраб ўтирмади. Мактубдаги воқеа шарҳини ўқиғач, маликанинг хуши оғиб қолай деди. У бўлиб ўтган гаплар ҳақида на ўғлидан, на набирасидан бирор оғиз ҳам сўз эшитмаган, шу боис, ишонарини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай, бир мактубга, бир Абусайид мирзога қараганича, анча вақт бошини афсус маъносидида соллантириб, жим қолди. Маликанинг авзойини кўргандан кейингина, волидасининг гаплари эсига тушиб, бошланажак тўполонни тасаввур этган ва бошига тушажак балолар бор бўйи-басти билан ҳаёлида бўй ростлаган Абусаид мирзо ўзини маликанинг оёқлари остига ташлади.

Дуржаҳон бегим ҳақидаги миш-мишлар ошкора бўлмаса-да, оғизма-оғиз унча-мунчанинг қулоғига етган, лекин ҳеч ким, кундошлар ва канизақларни ҳисобга олмаганда, бу можаро ҳақида ошкора гапирмас, ҳамма бирдай, ўзини дунё беҳабар тутарди. Абусаид мирзо эса бу гапларга ишонмади. Кимсан Турон мамлакатининг ҳукмдори, дунё тан берган олим Улуғбек мирзодай подшоҳнинг хотини бу қадар юзсизликка бориб, номаъқулнинг нонини ейишини ақлига сиғдиролмади. Шаҳзода Абдулатиф мирзонинг мактуб ҳақидаги илтимосини рад этолмаганининг боиси ҳам шундан эди. Бунинг устига волидаси бир гап айтдики, бу сўзларда ҳам жон бор эди.

– Ҳаммаси кундоши Шакар биканинг иши! – куйиб-пишиб изоҳ берди волидаси. – Ўшал мўғил жалажиндин чиққан гап бул! Ҳар қандай хотин устига ўзидан-да гўзал, ақлли кундош тушса, чидолмайдур. Шакар бика-ку Дашти Қипчок хони Дарвеш ибн Илоқи ўғлоннинг қизи! Бунинг устига ул бика Дуржаҳон бегимгача мирзонинг сеvimли, эрка хотини, анинг айтгани айтган, дегани деган эрди. Ҳеч ким ул хонойимнинг мушугини пишт деёлмасди. Ҳатто, мирзонинг бош хотини Ўғи бегим ҳам Хонзода бегимдай маликанинг набираси бўлсалар-да, журъат қилиб, Шакар бикага бир оғиз бирор нарса деёлмас эрдилар, раҳматли. Йўқса, ани ҳам роса ўйнатган. Ҳатто, боласининг ўлиминда Шакар биканинг кўли бор

деганларини ҳам эшитганмен. Эркак мардум шундай эркан, яхши кўрса суярган, ёмон кўрса туярган! Яъни, итнинг кейинги оёғи қилар эркан бечораларни! Ҳали кўрурсиз, ҳаммасини ошкор этишса, бул ғалванинг боши Шакар бикага бориб тақаладур! Чунки Дуржаҳон бегим ҳам жуда ақлини еган хотин эрмаски, қаердаги отбоқар бир қарол бирлан дон олишса!

– Балки севишгандур! – куйиб-пишиб Дуржаҳон бегимнинг ёнини олаётган волидасининг гапини бўлди Абусаид мирзо.

– Сиз эркаклар дарров шундай фикрлайсиз! – жаҳл билан қўл силтади волидаси. – Эркак мардумнинг мияси бузуқ ўзи. Аслинда ҳамма бузғунчиликни ўзлари бошлайдур, кейин хотинларни айбдор қилишадур! – сўнг ўғлига ажабланиб қараганича, у томон яқинроқ юрди. – Сизни ҳам уйлантириш керак шекилли, уялмай-нетмай волидангизга севги ҳақинда сўйлаётирсиз!?

– Севги ҳақинда сўйласам, айб бўлурму, волидам? – қувлик билан волидасининг юзларига тик қаради Абусаид мирзо.

– Айб бўлмасда, лек... – кўнглига келган гапни тилига кўчиришга хижолат чеккан волидаси чайналди. – Раҳматли қиблагоҳингиз бўлганларинда, балки, сизни аввалроқ уйлантирар эрдилар. Мен эрса, ёлғизлик қилиб бул ҳақда ўйламабмен ҳам. Ҳай, майли, шахзодам эртага десангиз эртага уйлантирурмен! Сиз хўп десангиз бўлди.

– Мен нима ҳам дердим, ота-онага қош қайирмоқ гуноҳи кабирлардин бўлур эркан!

– Гапимиз шахзодамизнинг қулоқларига мойдай ёқиб кетдими-а?! – волидаси ҳаворанг қашқар шоҳи қўйлагининг узун енги билан шахзоданинг елкасига эркалаб урганича, ўзининг бўйини унга яқинлаштириб, ўлчади. – Кечагина белимдин ошмаган гўдак эрдингиз, бўй етганингизни сезмай ҳам қолибмен. Қаранг, мен бирлан бўйлашибсиз!

– Фақат, худди менга тегадургон қизлар тайёр тургандек, эртагаёқ деганингизга ҳайрон бўлаётирмен!?

– Мен келин қилурмен десам, қай бирлари бўлса ҳам қизини берадур! Сиз қизлар орзусиндаги шахзода, оналар тилагиндаги куёвсиз! – волидаси ўғлининг елкаларидан қучиб, қулоғига шивирлади. – Мурувват қилса қулига, чиқариб қўяр йўлига деганлариндай, ана, катта қайнонангиз ўз оёқлари бирлан келибдурлар, бунда ҳам бир хосият бор. Кетгунларича хизматларини сидқидилдин қилиб турсангиз, бирорта набира хонзодаларини сизга илинса! Кўнглингиз Улуғбек мирзонинг қизлари Робия Султон бонуга мойиллигини сезиб юрибмен... Сиз “хўп” десангиз, мен маҳди улёнинг оғизларини хидлаб кўрурмен, зора...

Абусаид мирзо ялт этиб волидасига қаради. Қовоқларини уйганича, нимадир дейишга чоғланди-ю, лекин индамади. У чиндан ҳам Робия Султонни ёқтириб қолган, лекин бу ҳақда ҳатто волидасига ҳам оғиз очишга юраги бетламасди.

– Зора деганингиз нимаси, волидам, ҳозиргина сўйлаганингиз киби, маҳди улё менга бир эрмас, ўн набираси бўлса ҳам берадурлар! Маликанинг мен ҳақимдаги тасаввурлари жуда баланд! Айтдим-ку, сизга, биринчи кўрганларидаёқ, елкамга қоқиб, “Бўладиган бола бошидин маълум”, дедилар.

– Иншооллоҳ, зора...

– Яна “зора” деётирсиз! Зора деманг, иншооллоҳнинг ўзи етадур! Ўғлингизнинг ким бўлганини кейин кўрурсиз! Мен бобомиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидин кам бўлмаймен!

– Ҳай, ҳай... секинроқ! – волидаси кўрка-писа атрофга аланглади. – Деворнинг ҳам кулоғи бор, биров эшитмасун! Оллоҳ насиб этса бўладур, шахзодам!

– Оллоҳ насиб этса бўладур деб оғзимизни очиб ўлтирсак, ҳеч нарсага эришмаймиз, волидам! Бўлдириш учун ҳаракат қилмоқ лозим!

– Менга тинчлик керак, шахзодам. Кўпини истаб, озидин ҳам қуруқ қолмайлик. Давлатпаноҳ амакингиз даргоҳинда кам бўлаётганингиз йўқ. Четини солишиб юрибсиз! Тожу тахт истагида ўзини ҳар балога гирифторм қилган амакиларингиз амакиваччаларингизнинг ҳолини кўрдингиз... Тахт битта, шахзодалар эрса, сон мингта! Жон шахзодам, бундай фикрларни каллангиздин чиқаринг! Иннайкейин, мактубни маҳди улёга Абдулатиф мирзонинг ўзи берсун! Волидаси учун бошини ўзи кундага қўйсун! Бул можарога сиз аралашманг... Давлатпаноҳимиз Улуғбек мирзо эшитсалар, хафа бўлиш ул ёқда турсун, сизни даргоҳларидин қувишлари ҳам мумкин...

– Улуғ маликам... – Абусаид мирзо волидаси билан ўрталарида бўлиб ўтган ўша суҳбатни эсларкан ранги оқариб, сўзлари узук-юлуқ чиқа бошлади. – Мен хато қилдим... Бул мактубни сизга келтирмаслигим керак эрди... Мактуб ҳақида давлатпаноҳ устозимга сўйлаб ўлтирманг, ўтиниб сўраймен сиздин! Мен нодон Абдулатиф мирзонинг сўзини икки қилолмадим...

Дуржаҳон бегимнинг бу ишга қандай журъат этганини ақлига сиғдиролмай, лолу хайрон бўлиб, қотиб қолган малика Абусаид мирзога розилик ишорасини берди-ю, ўзини ёлғиз қолдиришини сўради. Мактубдаги хабар маҳди улё учун даҳшатли фалокатдан ҳам кучлироқ таъсир қилган эди. У ўғлининг, ўзининг, салтанатнинг шаънини топтаган келинни Улуғбек мирзо нега ўша заҳоти от думига боғлатиб, сазойи этмаганига хайрон қолган бўлса-да, бир ҳисобда шайтонга хай берганига ҳам шукр қилди. Аслида маликанинг ўзи ҳам ҳеч қачон тезлик билан бир тўхтамга келмас ва дарров қарор бермасди. Ҳамиша ҳаяжони босилиб, фикри тиниқлашгандан сўнггина, беражак қарори ҳақида мулоҳаза этарди. Ўшанда ҳам обдон ўйлар, иложи бўлса бошқалар билан ҳам маслаҳатлашиб оларди. Бу соҳибқироннинг бош маликаси Бибиҳонимнинг қарор қабул қилиш усули эди. Мирзо чиқиб кетгач, малика ҳаяжонини босиш учун узоқ вақт шарбат ҳўплаб ўтирди, сўнг, мактубни бошқатдан ўқий бошлади:

“Улуғ маликам... Бул мактубни мен, келажаги қачонлардир сиз томонингиздин фожиали башорат этилган бахти қаро келинингиз...”

Хатнинг давомидаги анчагина сўзлар ва исм кўзёши томганидан бўялган, харфлар чаплашиб кетган эди.

Гавҳаршод бегимнинг ёдига ўзининг “башорат”и тушиб, юраги зил кетди. Чиндан ҳам малика ўғли Улуғбек мирзонинг Ҳусн Нигор бегимга уйланмоқчи эканлиги ҳақидаги миш-мишларни эшитгач, бу никоҳга тиш-тирноғи билан қарши турган, хатто тўй маросими белгилангандан кейин ҳам уни бузишга ҳаракат қилганди. Такдири азалга ишонадиган ҳоқони саид эса, ўғлининг танловига унчалик хайрихоҳ бўлмаса-да, Гавҳаршод бегимнинг фикрларига ҳам қўшилмади, ихтиёрни ўғлига қўйиб беришни сўради. Чиқмаган жондан умид қилган малика эса, тўй баҳонасида, Самарқанд сари йўл олди. Улуғбек мирзога юлдузлар бул никоҳнинг не қадар хатарли ва фожиали оқибатларидан хабар бераётганини ижикилаб тушунтирмоққа уринди. Муҳаббат дардидан сармаст, кўзлари кўр, қулоқлари қар бўлиб қолган мирзо эса, волидасининг гапларини ўнг қулоғи билан эшитиб, чап қулоғидан чиқазганича, волидасига ўзича таскин берди.

– Шод Мулкнинг кимлигини ҳеч ким билмаса ҳам сиз билурсиз, подшоҳ

ўғлоним... – ўғлининг гапини кесганича, насиҳат оҳангида бошлади маҳди улё ўғли билан ёлғиз қолгач. – Раҳматли соҳибқирон бобонгиз бекорга ани ўлимга ҳукм этмаганини кейинги воқеалар тасдиқ этмадиму? Йўқса, Халил Султон мирзо қандай доно, шерюрак, етти ўлчаб бир эрмас, етмиш ўлчаб бир кесадиған шахзода эрдилар! Шундай шахзоданинг бошини еди, ул шум қадам гўзал!

– Ул аёл волидаси эрди, маликам, бул киз эрса, мақтаётганингиз ўшал доно, етмиш ўлчаб бир кесадургон шахзодангиз Халил Султон мирзонинг зурёдидур!

– Машойихлар эрса, онасини кўриб кизини ол дейишган! Олманинг тагига олма тушадур!

– Хусни Нигор бегим аммамиз Бекиси Султон бегимнинг қўлинда улғайган жуда тарбияли киз. Бунинг устига ниҳоятда гўзал! Кўрсангиз ўзингиз ҳам яхши кўриб қолурсиз!

– Гўзаллик баъзан алдамчи ниқобдур! – малика лабларини норози бурганича, кўзларини ўғлидан олиб қочди.

– Сиз ҳам гўзалсиз, волидам! – онасининг кўнглини юмшатмоқ илинжида мактов арлаш мулозаматга ўтди Улуғбек мирзо.

– Хусн тўйда, ақл эрса кунда керак! – овозига қатъиятли оҳанг берди малика.

– Ақл ва фаросат бобинда ул бонуда ҳеч бир қуср кўрмадим, волидам. Хоҳласангиз, суҳбатлашиб кўришингиз мумкин!

Лекин Гавҳаршод бегим суҳбатлашиб ўтирмади. Ўғлининг қарори қатъийлигини кўргач, дилидагиларни тилига чиқариб қўяқолди.

– Мен бир она сифатинда сизни бўлажак ташвишлардин огоҳ этдим, халос. – Гавҳаршод бегим “бахтсизликлардан” демоқчи эди-ю, тили бормади. – Зеро, кўриладургон фойда ҳам зарар ҳам сизники бўлур...

– Иншооллоҳ, зарар бўлмас, волидам, бизни дуо қилсангиз бас! – деди волидасининг кўна бошлаганини кўрган Улуғбек мирзо ёш болалардай қувониб...

Хат охирида келини унинг зиндонга келишини ва воқеа тафсилотларини охиригача ўз қулоклари билан эшитишини ўтиниб сўраган эди. Малика келини ҳузурига бормади, лекин уни афв этишни ўғлидан сўради.

– Волидам, шул илтимосни сиз сўраётирмусиз? – онасининг гапларидан ҳайрон бўлди Улуғбек мирзо малика бу хабарни кимдан эшитганлигини сўраш ҳам эсидан чиқиб.

– Нима, бундай илтимос қилишга менинг ҳақим йўқму? – ўғлининг нима демоқчи эканлигини тушуниб етган бўлса ҳам малика ўзини гўлликка солди.

– Сиз доимо ҳақ тарафда турар эрдингиз! – бўшашгандай бўлди Улуғбек мирзо.

– Ҳозир ноҳақлик қилаётирманму? – Гавҳаршод бегим ўғлининг қиёфасидан аслида гапи ёққанини, фақат эркаклик ғурури йўл қўймаётгани сабабли, эгардан тушгиси келмаётганини ҳис қилди.

– Менинг назаримда... – Улуғбек мирзо, “Менинг назаримда шундай кўринаётир”, демоқчи эди, лекин волидасининг дилини киргиси келмади, – янаям, Оллоҳ биладур, волидам!

– Худди шундай, келинимизнинг ҳам ҳақ ёки ноҳақлигини Оллоҳ биладур! – деди Гавҳаршод бегим, – Шундай бўлгач, ани ҳам Оллоҳ ҳукмига ҳавола этинг, ажрини Ўзи берадур! Шахзодангизнинг волидаси ёмонотлик бўлмасун...

... Ўшанда учлари кўнғироқ, қоп-қора сочлари ҳозир кумушранг тусга кирган Гавҳаршод бегим Абусайд мирзонинг қарашларидаги маънодан сўйламоқчи бўлаётган сўзларини англаб турар, яъни, мирзо сўйган хўрозни аллақачон парт қилиб қўйган ва унинг ўзи ёрилишини кутиб, сукут сақламоқда эди.

– Муҳаммад Иброҳим мирзо зиндондан қочган эмишму? – деди ниҳоят мирзо ҳаёлини жиловлаб, муддаога кўчаркан, гўёки ҳеч нарсадан хабарсиздай. Лекин нигоҳлари Муҳаммад Иброҳим мирзо ҳақдаги гапларнинг ҳаммасини, ипидан игнасиғача билишини айтиб турарди. У Муҳаммад Иброҳим йўллаган мактуб ҳақида малика билармикин-йўқмикин деган маънода Гавҳаршод бегимнинг ҳар бир ҳаракатига синчковлик билан қаради. – Шаҳзода ҳузурингизга келмадим, маликам?

– Мен ҳам шаҳзодамизнинг зиндондан қочганларини кулоқма-кулоқ эшитдим, мирзом, – деди Гавҳаршод бегим ҳам мактуб ҳақида, Абусаид мирзонинг Муҳаммад Иброҳим мирзога ёрдам бериш баҳонасида келганлигини гўёки эшитмагандай. – Лекин ҳузуримизга ҳали келганларича йўқ. Келсалар, аларга айтадиган гапларим кўп эрди...

– Тўғри килурсиз, маҳди улё маликам, – Султон Абусаид мирзо Гавҳаршод бегимнинг “Гапларим кўп эрди” жумласини Муҳаммад Иброҳим мирзонинг зиндондан қочиб, Ҳирот тахти учун лашкар тўплаётганидан норози эканлигини англатмоқ учун айтгандай тушунди. Мактубдан беҳабар, деб ўйлаб, енгил тортди. – Зеро, бул борада сизнинг тажрибангиз катта, бул фанонинг оқу қорасини биздин кўра яхшироқ ажратурсиз. Аслинда, сизнинг ҳаётингиз ҳаммамизга сабоқ бўлмоғи керак эрди. Афсуски, биз ношуд шаҳзодалар ўз билганимиздин қолмаётимиз!

– Шундай, мирзом, мулоҳазаларингизда жон бор ва фикрингизга юзда-юз кўшиламен... Лекин шаҳзодаларларимизнинг бошини бирлаштирмоққа раҳматли Сохибқирон киби қудратли ҳукмдор ёхуд Ҳокони саид ҳазратларидай бир сўзли подшоҳ керак эрканму, билмадим, ҳар қалай, менинг насиҳатларим бирортасига қор қилмаётир! Йўқса, гапирмаган сўзим, айтмаган ҳикоятим, мисол келтирмаган ривоятим қолмади... – Гавҳаршодбегим қўлидаги кумуш тасбеҳини айлантирганича, гапим қандай таъсир этаётир деган маънода мирзонинг юзига қаради. Абусаид мирзо малика гапининг бир учини ўзига ҳам тегизаётганлигини илғаб, тамоқ қириб олди. – Билурсиз, раҳматли набирамиз Абулқосим Бобур мирзонинг валиаҳди Жалолуддин Шох Маҳмуд мирзо ҳали ёш, Оллоҳ насиб этса, янаги йил бир мучални тўлдирадур. Бул ёшдаги бола ким не деса, ишонадур, дўсту душманнинг фаркига бормайдур. Бул нарса эрса, ғанимларимизга қўл келадур. Ҳозирги вазиятни олинг. Абулқосим Бобур мирзонинг ваъзири аъзами Хожа Исмоил Симноний жаноблари бирлан хос амири Ҳусайн Алининг мирзо Алоуддавла бирлан душманчилиги борлигини билурсиз. Аслинда оға-инининг орасини бузган ҳам ўшал иғвогарлар эрди. Валиаҳд Шох Маҳмуд мирзомизни ҳам бизга қарши қайрамаётганига ким кафиллик берадур? Мана таъзия кунидин бери шаҳзодамиздин дарак йўқ? Машҳади муқаддасга кетганлари бўйича, ҳатто хабарчилар ҳам юбормадилар...

– Бўлиши мумкин... – деди Султон Абусаид мирзо ўзини бу гаплардан хабарсиздай кўрсатиб. – Балки Муҳаммад Иброҳим мирзонинг зиндондин қочиб, Ҳирот тахтини олмоқ жаҳдида лашкар тўплаётгани хабарини эшитгач, Жалолуддин Шох Маҳмуд мирзо ҳам жанг тадоригини кўраётгандур.

– Мен ҳам шул фикрдамен, маликам, – Абусаид мирзонинг ўзига маъноли қарашидан сўнг, суҳбатга кўшилди шайхулислом Хўжа Тафтазани. – Аслинда, Жалолуддин Шох Маҳмуд байталини қамчиламаса ҳам бўлур эрди. Қиблагоҳи инъом қилган Мозандарон ва Журжон мамлакатлари етти пуштига ҳам етур эрди. Бунинг устига, сўйлаганингиз киби ҳали жуда ёш: ким дўст, ким душманлигини ҳам билмайдур. Сиз не қилсангиз ҳам, бул шаҳзодаларга тўғри йўл кўрсатиб, бошларини бирлаштирмоғингиз лозим. Йўқса, кўриб турганингиз киби барчалари ўзлари хон,

кўланкалари майдон бўлганча, аравани ҳар ёққа тортишадур ва боридин ҳам қуруқ қолишадур. Эшитган бўлсангиз керак, давлатпаноҳимиз Абусаид мирзони Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон ҳам, Мўғилистон хони Юнусхон ҳам Турону Хуросон салтанатининг ҳукмдори, соҳибкироннинг муносиб вориси сифатинда тан олдилар.

“Тан олган эрмуш... — малика шайхулисломнинг сўзларини эшитиб, юраги зиркиради. — Алар не ниятда ва нени кўзлаб тан олганларини бул мирзо қаердин билсун!? Анга ҳозир фақат тахт керак, қолгани бирлан иши йўқ. Тахтга ўтириб олсам бўлди деб ўйлаётир. Аслинда эрса, Абулхайрхону Юнусхонларга энди Хуросон йўлини очиб бераётир бул ғалча мирзо. Абулхайрхон фойдаси тегмаса, ҳеч кимга бир қуруш ҳам бермаслигини мен биламен...”

Абулхайрхоннинг номини эшитиб, аслида, Абусаид мирзонинг ҳам юраги бир қалқиб тушганди.

Абулхайрхон Чингизхон наслидан бўлиб, қиблагоҳи Давлатшайх ўғлон ибн Иброҳимнинг еттинчи отаси Жўжихонга бориб тақаларди. Уларнинг сулоласини шайбон (қўш) авлодлари деган ном билан ҳам аташган. Дашти Қипчоқ ҳукмдори Хожа Маҳмудхон шаҳид этилгач, унинг салтанати ва қўл остидаги мулклари, Туркистонун Сигноққача бўлган ерлар, Абулхайрхонга насиб этди. Динпарвар ва шариат пешвоси саналмиш Абулхайрхон мавқеини мустаҳкамлаб олгач, йигирма тўрт ёшида, Шохрух мирзо тасарруфидаги Хоразм вилоятига ҳам от қўйди. Унинг мурод камонидан отилган ўқлар ижобат нишонига тегди. Бу ҳам етмаганидек, Шохрух мирзо вафот этгач, Самарқандни фатҳ этишда кўмак сўраган ва оти узангисининг мулозимига айланган Абусаид мирзога берилажак ёрдами эвазига, Улуғбек мирзо салтанати гулшанининг латиф ғунчаси — Робия Султон бонунини ҳарамига келтиришни шарт қилиб қўйган эди. Аслида бу шарт Абусаид мирзонинг бўйнига сиртмоқ бўлиб тушганди. Анчадан бери Робия Султон бонунинг илинжида юрган Абусаид мирзо икки ўт орасида қолди. Бахтни деса, тахтдан, тахтни деса, бахтдан қуруқ қолишини ўйлаган мирзо охири тахтни танлади. Кеча-ю кундуз ҳаёлини банд этган, сунбул сочларини шамоллардан ҳам қизганган бонусини ўз қўллари билан Абулхайрхоннинг кучоғига олиб борди ва ортига йиғлаб-йиғлаб қайтди... Ўшандан бери Робия Султон Абулхайрхон ҳарамиди маликалари қаторида яшар, икки ўғли Кучкинчихон ва Севинчхўжахонлар ўн бир ўғлонларининг саккизинчиси ва тўққизинчиси эди...

— Амирларнинг айтишича, Марвда Султон Санжар мирзо ҳам оти жиловини Ҳирот сари бурган эрмуш. — илмоқли қилиб гапга қўшилди амир Шерҳожи.

— Валиаҳд шаҳзодамиз бирлан қилган охирги суҳбатимизда, — деди Гавҳаршод бегим гарчи саволни амир Шерҳожи берган бўлса ҳам жавобни Абусаид мирзога қаратди. — Мен аларга садри аъзам Шайхзода Пир Қавом бирлан куёвлари шаҳзода Ҳусайн Бойқорони шаҳзода Султон Санжар мирзо ҳузурларига жўнатиб, Марвни идора этишлари учун янги нишон юборишларини маслаҳат берган эрдим. Билурсиз, Марвни ул шаҳзодамизга раҳматли Абулқосим Бобур мирзо иноят қилиб эрди. Шаҳзода Султон Санжар Ҳирот сари отланган бўлсалар, демак, валиаҳд шаҳзодамиз Шох Маҳмуд мирзо ё нишон юбормаган ёхуд Султон Санжар мирзо валиаҳдимизнинг таклифларига рози бўлмаган... — деди кейинги воқеалардан хабарсиз қолганидан ҳайратга тушган Гавҳаршод бегим.

— Менга етган хабарларга қараганда, Султон Санжар мирзо садри аъзамга аниқ бир жавоб бермаган эрмуш, — деди Султон Абусаид мирзо ҳам кеча ҳузурига келган садри аъзам Шайхзода Пир Қавомнинг ташрифи ва жавобларини Гавҳаршод бегимдан сир тутди.

Аслида, Султон Санжар валиаҳд томонидан юборилган ишончномани ўқиғач, узоқ вақт сукут сақлади. Шайхзода Пир Қавомнинг қайтишига изн бериб, куёви шахзода Ҳусайн Бойқарони ёнида олиб қолди. Ўзининг фикрларини мирзо Шох Маҳмуднинг ҳузурига борғач, баён этишини айтди. Лекин ҳаракатларидан Ҳирот тахтига кўз тикаётганлиги ошкор бўлган.

– Демак, қабоҳат Султон Санжар мирзонинг ўзинда! – ачингандай бош чайқади малика. Гавҳаршод бегимнинг юзларида ҳайрат билан бирга жаҳл аломатлари ҳам зоҳир бўлганини мирзо илғамай қолмади. – Бул мирзоларга ҳайронмен, нечун давлат ва салтанат қонунарига, ясо-ю юсунларига, тузукларига амал қилмайдурлар, садоқат сақламайдурлар?

Султон Абусаид Мирзо маликанинг гап оҳангидан, “Ҳирот тахтининг қонуний валиаҳди бор: ул даъвогар Абулқосим Бобур мирзонинг ўғли мирзо Шох Маҳмуд-ку!” демокчи эканлигини англади.

– Шундай, сиз ҳақсиз, маҳди улё маликам. Тахтда ўлтирган ҳукмдор салтанатнинг фармонраволик тузукларидин кўз юмса, эл додини тингламаса ва ўз навбатинда элу улус ҳам анинг амру фармонига амал қилмаса, барча сайёи-ҳаракат ва тоат-ибодат зое кетадур! – Султон Абусаид мирзо кўнглидан кечаётган гапларни очиш пайти келганини англаб, очикчасига ўтди. – Билурсиз, аслинда бул тахт бизнинг бобомиз, гўрлари нурга тўлгур, жаннатмакон Мироншоҳ мирзо ҳазрати олийларига инъом этилган эрди. Раҳматли бибимиз Хонзода бегим баъзи бир нодон ва авбошларнинг кутқусига учиб, соҳибқирон бобомизга ҳар хил фисқу фасод гапларни етказганлар. Натижада, бобомиз тахтдин азл этилган. Майли, ўтган нарсга ўтди-кетди, бунинг учун хоқони саидни айбламаймиз. Лек кейинги воқеаларни бир тафтиш қилиб кўринг. Тахт Шохрух мирзонинг марҳаматлари бирлан ўғлонингиз Бойсунғур мирзога иноят қилинган эрди, тўғриму? Ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, бул коидани раҳматли биродаримиз, Мовароуннаҳр ҳукмдори, марҳаматли подшоҳимиз, устозимиз Улуғбек мирзо ҳазратлари бузиб, ани фарзандлари мирзо Абдулатифга инъом этдилар. Ул шахзода эрса, бул тахтни ҳатто бир йил ҳам тасарруф эта билмади.

Абусаид мирзо Гавҳаршод бегимнинг оғриқ жойига теккан эди... “Илоё, устозингнинг тузи кўр қилсун...” деб малика ичида қарғанди. Беихтиёр, Шохрух мирзони эслади. “Оҳ, давлатпаноҳим, нечун сўзимни олмадингиз-а? Балки ўшал сафарга бормаганингизда бул кўргуликлар бўлмас эрдиму?”

...Чиндан ҳам кўргуликларнинг ҳаммаси хоқони саид Шохрух мирзонинг бемаврид сафарга отланишидан бошланганди. Хоқони саиднинг ҳумоюн фармонига биноан Ироқ мамлакатлари инъом этилган набираси, Бойсунқур мирзонинг иккинчи ўғли, давлат ва дин қутби деб эъзозланган Султон Муҳаммад мирзо томонидан содир этилган исён сабаб, хоқони саид беморлигига ва вазиру уламоларининг эътирозия Гавҳаршод бегимнинг ялиниб-ёлворишларига қарамади. Ўзбошимчалик билан иш юритишга ўтган исёнкор набирасининг жиловини тортиб қўйиш баҳонасида гардун шавкатли қўшинини ғалаба шиорли байроғи остига жам қилиб, Ироқ мамлакатлари сари оёқланди. Султон Муҳаммад Султон мирзонинг даргоҳини ўзларига қиблагоҳ, боргоҳини бошпана қилиб олган бир гуруҳ муфсиду фитначилар Шохрух мирзонинг беморлигини ўзларича талқин қилишиб, шахзоданинг қўлтиғига сув пуркашганича, пайтдан фойдаланиб қолишга ундагандилар. Ҳолбуки, унга беш йилгина нарида, яъни, йигирма тўрт ёшида бобоси томонидан унга Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятлари ҳокимлик сифатида

инъом этилган ва ҳукмдорлик фатвоси берилган эди. Фитначиларнинг кутқусига учган мирзо аввал Ҳамадонни, сўнгра Исфаҳонни қўлга киритгач, иштаҳаси борган сари очила бошлади. Оти жиловини Шероз томон бурди. Шероздан келган хабарларни туйган Шохрух мирзо чидаб туролмади, зудлик билан фармони олий иншо этди.

Хоқони саид Шохрух мирзо сафарга отланишидан олдин ўрнига Бойсунғур мирзонинг бош ўғли, шахзода мирзо Рукниддин Алоуддавлани қойим мақом қилди. Амир Шамсуддин Муҳаммад Сўфи тархонни девонни бошқаришга масъул этиб қолдирди. Ғалаба ёр қудратли қўшинга амир Султоншоҳ барлос, амир Султон Боязид барлос, амир Шайх Абулфайз кўкалдош, амир Низомиддин Аҳмадлар манқлой тарзида қўйилди ва улар мавкиби ҳумаюндан илгарироқ йўлга тушишди.

Бобоси хоқони саид дарагини эшитган Султон Муҳаммад мирзо эса мол-мулк қўч-қўронларини ташлаганича, Лўристон томон қочмоқни ихтиёр этди.

Исфаҳон саройига келиб тушган Шохрух мирзо шахзодага тел берган, бошини айлантирган бир нечта саййидлару раислар жамоасини зиндонбанд эттирди, раҳнаомларини қатлга буюрди. Шахзоданинг тарафдорлари ичида Соҳибқирон салтанатининг тарихчиси, машҳур “Зафарнома” асарининг муаллифи Шарафиддин Али Яздий ҳам борлигини эшитиб, Шохрух мирзо аввал бу гапга ишонмади. Чунки неча йиллардан бери Улуғ Амир Темуру ўзининг тузини еб, садоқат билан хизматда бўлиб келаётган фозил бир инсоннинг бу янглиғ кўрнамаклик қилишидан ақли шошди. Унинг қўли билан ёзилган байтларни ўқигач, кўнгли озор чекди.

Яздийни хоқони саид Шохрух мирзонинг ҳузурига олиб кирганларида ҳаяжонланаётган тарихчининг тери-ю устихондан иборат коксуяк қўллари титрар, лаблари қуриқшаганидан тили базўр айланарди. Яздий кейинги уч йил ичида янаям кексайиб қолган, олдинги салобатидан асар ҳам йўқ эди.

– Мавлоно ҳазратлари, сизни кўрганимдин хурсандмен... – деди Шохрух мирзо жилмайишга ўхшаш кинояли табассум билан. – Лек кулоқларим туйган хабардин дилим қанчалик озор чекканини сўйлашга тилим бормаидур! Ёш, тажрибасиз шахзодамизга сиздай ёши улуғ, кўпни кўрган, донишманд, энг асосийси, ота қадрдонимиз суянч, таянч бўладур деган маънода ўзим ҳузурига йўллаганимдин афсусдамен. Чунки бул қадар шаккокона байтлар бирлан анинг кўнглини бузмोकни ҳар касдин кутган бўлсам ҳам, сиздин бекламаган эрдим!

– Олампаноҳим...

Яздий ҳарчанд тамшангани билан лаблари намланмай, тили танглайига ёпишиб, сўзлари узук-юлуқ чиқа бошлади. Хоқони саиднинг ишораси билан мулозим унга сув бергач, тарихчининг овози очилгандай бўлди.

– Сиз қайси байтлар ҳақинда сўйлаётганингизга ақлим етганида эрди, балки жўяли жавоб бера билардим, ҳукмдорим!

– Шахзодамизга бағишлаб ёзган байтларингиз ёдингизда йўқму, мавлоно ҳазратлари?

– Шахзодаи жувонбахтимиз шаънларига кўп байтлар битганмен, олампаноҳим, лек шаккокликка ундовчи калималар... Астағфируллоҳ, бундай нонкўрликдин Оллоҳнинг ўзи асрасун!

Шохрух мирзо ён чўнтагидан қоғоз чиқариб, Яздийга узатди. Яздий, “Чарх ҳам, юлдузлар ҳам қариб қолганлару, сенинг бахтинг энди вояга етган. Қари киши ўз навбатини ёшга топширса дуруст бўлади...” деган жумлаларни базўр, ҳижжалаб ўкиди.

– Ё, Олло! – Яздийнинг чуқур қовокларига ботган кўзлари айрича ёлқинланди. – Бул дуогўингиз бўйнига тухмат туморини осигганидин беҳабар қолибман-ку! Мен ҳақимда қулоқларингизга етказилган барча хабарлар ёлғон, ҳукмдорим. Яратган Эгамни ўртага қуюб, қасам ичурмен... Ишонмасангиз, бул бошим қиличнингиз тиғига нисор бўлсун...

Яздий шундай деганича, бўйнини эгди.

Шоҳрух мирзо унга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмаса-да, унинг қарилик буккан гавдасига, соқоллари сийраклашиб, сумакка ўхшаб туртиб чиққан иякларига, бир донагина сўйлоқ тиши қолганидан гапирганида ўрадай каппа-каппа очилаётган оғзиларига тикиларкан, беихтиёр, ҳаёлидан, “Мен ҳам саксонга кирсам, шул аҳволга тушаманму?” деган ўй ўтди. Тарихчининг киёфасида ўзини тахтда тасаввур этаркан, унга юраги ачишди. Мулозимга, “Олиб чиқ”, ишорасини қилди.

– Олампаноҳим, сиздин бир рижойим бор эрди... – кетатуриб ҳокони сайдга мурожаат қилди Яздий.

Шоҳрух мирзо индамай, бош ирғади.

– Шаҳзодаи жувонбахт Султон Муҳаммад мирзо салтанатингиз чаманинда вояга етган яхши бир ниҳол, давлат матлаъидин тулуъ қилиб, шон-шавкат осмонинда порлаган бир юлдуздур! Ҳам ҳукмдор, ҳам бобо сифатинда анга мурувват қилинг...

Шоҳрух мирзо қошларини чимирди-ю, лекин Яздийга жавоб бермади. Ёнида ўтирган Абдулатиф мирзога, “Кузатиб қўй” ишорасини қилди.

Яздийнинг гаплари Шоҳрух мирзонинг юрагини ўртаб юборган эди. Суврати Бойсунғурига ўхшаб кетадиган Султон Муҳаммад мирзо чиндан ҳам салтанат чаманининг ҳар томонлама мукамал бир ҳилқати эди. Ҳуснда унга ҳатто Юсуф ҳам лол қолар, баҳодирликда Рустам олдида тушолмас, сахийликда эса Ҳотамтой тан берарди.

Байтлар қулоғига мойдай ёққан Абдулатиф эса ич-ичидан мавлонони ёқламоқда эди. Ташқарига чиққанларидан кейин ҳам тарихчи билан алоҳида гаплашмоққа ҳаракат қилди. Лекин Яздий шаҳзода, “Мени атайлаб синаб кўрмоқчи”, деган шубҳага борди, шекилли, очилмади.

– Ўртамизда қолсину, умумун олганда, сиз ҳақсиз, мавлоно ҳазратлари, мен сизнинг фикрингизга юзда-юз қўшиламен... – деди Абдулатиф мирзо иккаласи холи қолишгач. – Олампаноҳ бобомиз эрса бул нарсани тушунмаётлар.

Яздий яна индамади.

– Соҳибқирон бобомиз тарихини, сиз, яхши билурсиз... – Абдулатиф мирзо у ёқ-бу ёққа қараб қўйгач, “Менга ишонаверинг, мен сотмайман”, дегандай тарихчининг еркасига қўл ташлаб қўйди. – Аслинда, улуғ бобомизнинг кўзлари очиклигинда тахтга лойиқ кўрган шаҳзодаларини ўтқазмаганликлари боис, ўшал қирғин-баротлар содир бўлган, тўғриму?

Яздий бу гал бош ирғагандай бўлди-ю, лекин барибир чурқ этмади.

– Соҳибқирон бобомиз тирикликларинда, валиаҳдликка менинг бобом Халил Султон мирзо Мироншоҳий ҳазратларини муносиб кўрганлар, шундай эрмасму?

– Мен қариганмен... – шаҳзода билан суҳбатга киришишдан қўрқаниданми, ростини айтишдан бош тортган Яздий. – Кейинги пайтларда хотирам панд бераётир, ҳатто бир йил нариндаги воқеаларни ҳам эслай олмаётирмен, узр, шаҳзодам...

– Ёшларнинг ўлимитасодиф, қариларники эрсаму қаррардур! Олампаноҳимизнинг аҳволларини кўрдингизму? – тарихчидан жавоб ололмай, ҳафсаласи пир бўлган шаҳзода Абдулатиф дилидагиларни яшириб ўтирмади. – Худо кўрсатмасин эрта-индин, йўл-пўлда бирор кори ҳол юз берса, нима бўлишларини тасаввур

этиб кўринг-а!?! Мени айтди дерсиз, қиёмат кўпадур! Соҳибқирон бобомизнинг қайтишлариндаги қирпичоқликлар ҳалво бўлиб қоладур!

– Астағфируллоҳ! Кўринишлари ёмон эрмас... Яхши ният қилинг, шахзодам, фаришталар ҳар гапга “Омин” дейишадур! Олампаҳоҳимизни Оллоҳнинг ўзи асрасун! – ўзича гудранди Яздий.

– Оллоҳ асранганни асрайдур, тадбир кўрганни сақлайдур! – барибир ўзининг гапини маъкуллади шахзода.

Хоқони сайд Султон Муҳаммад мирзодан кўнгли хотиржам бўлгач, кишламок учун Рай ноҳиясининг Пашов қасабасига қўш ташлашга амр этди. Шоҳрух мирзо деярлик ҳар кеч кузда ҳордиқ чиқармоқ ва кишламок баҳонасида бу ерга келарди. Кетишига бирор жиддий ваз бўлмаса, кўкламга қадар ана шу гўзал гўшада қоларди. Кундуз кунлари кўпроқ “Далли сой”даги шикоргоҳга борар ва ов қиларди. Бу ернинг яйлови тоғ эчкиси-ю қўчқордан тортиб, тустовуғу какликкача жуда мўл ва овбоп жой, айниқса, кўриниши жиҳатдан бошқа қушларга ўхшамайдиган олтин қирғовулларнинг қони эди. Кичкинагина тожли бошлари олтинга ўхшаш сапсарик, бўйни ва тўшлари оловранг қизил, елкасидан қанотлари бўйлаб қуйруғи қадар чўзилган кўм-кўк нақшлардан тортиб, узун ва нафис малларанг ҳошияли думлари шу қадар гўзал ва малоҳатли эдики, уни отишга Шоҳрух мирзонинг қўли бормасди. Жон-жаҳди билан бор маҳоратини ишга солганича, узун думларини пирпиратиб, турли оҳангда нағма қилаётган ва сергак нигоҳлари билан жуфт чорлаётган қирғовулларни Шоҳрух мирзо узоқдан томоша қиларди. Ёгингарчилик кўп бўлган маҳаллар, айниқса куз ва баҳорда “Далли сой”нинг суви қирғоғидан тошиб, кўпириб оқарди. Шунинг учун уни ана шу ном билан, яъни, “Тентак сой”, деб аташарди. Бу ерга келган кўрима навқарларнинг ҳам жони кирар, баҳоргача кунда, кунора қоринлари гўшт кўриб, жангу жадалда рамакижон бўлиб қолган таналарига эт битарди.

Райнинг этагидан Мозандарон ҳудудлари бўйлаб ястаниб кетган ва маҳаллий тилда “Кўхи қоф” ёки “Кўхи Қорун” деб аталувчи Албурз тоғи дунёдаги энг ҳайбатли ва узунлигининг чегараси йўқ улкан тоғ ҳисобланарди. Боши Хатти устиво (экватор) чизиғи ўртасида жойлашган Санор водийсидаги Жабали Қамар тоғидан бошланиб, дунёнинг жуда кўп манзилларини босиб ўтар ва Муҳит денгизига ниҳояланарди.

Тоғнинг шундоқ биқинида қад кўтарган икки ошёнли “Боғи хон” қароргоҳини Бойсунғур мирзо қурдирганди. Шунинг учунми Гавҳаршод бегим уни худди ўғлонидан қолган ёдгорликдай азиз тутар ва доимо унга талпинарди. Боғбон кўчатларни ўтқазар чоғи Абулқосим мирзоси ҳавас билан уларни ўз қўлларида тутиб турган лаҳзалар кўз олдига келарди. Кичик ва нозик новдадан бақувват, кўркам дарахтларга айланган кулранг ва яшил арчаларга, сарвларга, санобарларга тол ва қарағайу жийда баргли буталарга термилган кўйи, ўғлининг бармоқлари изини кўргандай қувониб кетар, япроқларига сингган нигоҳини туйганича, димоқларига урилаётган анвойи бўйларида унинг нафасини ҳис қиларди.

Малика ўша куни ҳам бомдод намозидан сўнг, икки ҳафтадан бери мунозара-ю муҳокамадан асаблари бузилиб, табибнинг хоб дорисидан кейингина чарчаб, каттик ухлаб қолган Шоҳрух мирзога ҳалал бергиси келмай, ёлғиз ўзи боғ айлангани чиқди. Ҳовлида хизматчи қизлар ишини назорат этаётган Асила бека маликани кўргач, ҳар доимгидай ҳамроҳлик қилмоқ илинжида югургилаб, Гавҳаршод бегимга пешвоз чиқди. Бўйлари пастгина, кулча юзлари доимо кулиб турувчи Асила бека Абдулатиф мирзонинг амирларидан бири Жунайид Бўтанинг хотини эди. Хизматчи қизларига

бош бўлиб келган, малика сайрга чиққан пайтлари унга ҳамроҳлик қиларди. Тилли-жағли, бунинг устига ўзи ҳам жуда чаққон, хизматчилардан ҳамма нарсани рисоладагидай бўлишини талаб қиладиган бу жувон маликанинг хурматини қозонган ва ишончига кириб олганди. Гавҳаршод бегим ҳозир кайфияти йўқлиги сабаб, унга рўйхуш бермади.

Гавҳаршод бегим тонгда ёлғиз ўзи сайр қилишни яхши кўрарди. Эрта тонгда тоғ чўққиларидан кўтарилаётган куёш нурларининг ғалати жилваланиши завқини келтирарди. Камалакрангда товланаётган саҳарги нурлар кўзни қамаштирмас, аксинча, кишин-ёзин зумрад тусда товланиб турувчи баланд-паст, худди зубаржад тошга ўхшаш қояларга ёйилганича, оҳиста кўтариларди. Кушлар ҳам худди шуни кутиб тургандай, чуғур-чуғурини бошлашар, уларнинг турли оҳангдаги баланд-паст, жарангдор-майин саслари ҳаммаёқни тутиб кетарди.

Бугун эса негадир ҳавонинг қовоғи солиқ, куёш нурлари деярлик кўринмасди. Салобат ва қудратини намоиш қилмоқчидай, узоқ-узоқлардан паҳлавонлар каби виқор билан савлат тўкиб турувчи чўққилар ҳам булутлар исканжасида қолиб, хира тортганди. Эрталабдан кўшиғини бошлайдиган қушларнинг ҳам, олтин кирғовулнинг ҳам нағмаси эшитилмасди. Узоқ-узоқлардан ҳар-ҳар замонда молларини тоққа ўрлатаётган чўпонларнинг ҳайқириғи-ю серкаларнинг огоҳлантируви маъраши келарди. Бир лаҳза ичида тоғу осмонни забт қилган булутлар ўз ғалабасидан масрур навкарлардай, шамолларга ҳам бас келмоқ қасдида, қувлашмачқ ўйнашганича, “Боғи хон” томон шитоб билан энмоқда эди. Гавҳаршод бегим боши узра ҳаволанаётган оппоқ паркуларга ҳайрат билан термилганича, уни тутмоқ илинжида қўлларини кўкка чўзди. Лекин паркулар маликага яқинлашганда бармоқларига тутқич бермай, худди сеҳр қилинган каби бир зумда борлиққа сингиб кетди. Ёқимли ва намхуш зарраларгина ўзининг борлигидан дарак бераётгандай юз-кўзларни майингина эпкинни билан силаб ўтди. Лаҳза ўтмай, осмон тоқида чақмоқ чакиб, қулоқни қоматга келтургидай бўлиб момақалди роқ гулдуради. Малика ҳали бокқа кириб улгурмаганди. Зарралар ёмғирга айланмасидан олдинроқ, қайтмоқни ихтиёр этди. Шамсия кўтарганича, орқасидан югуриб келаётган Асила бекага миннатдорлик билдириб, ичкари томон юрди.

Хосхонага кирганида Шохрух мирзо уйғонган, лекин чехраси маҳзун, кўзларининг атрофи шиша бошлаганди. Кўрқиб кетган малика хизматкор кизга табибни чақиришни буюриб, ўзи унинг ёнига чўкиб, қўлларини ушлади. Хоқони саиднинг бармоқлари оташ каби ёнарди. Унча-мунча дардга бўй бермайдиган ҳукмдорнинг бу сафарги беморлиги жиддийлигини Гавҳаршод бегим бирдан ҳис этди.

– Бул хосиятсиз сафарга чиқмаслигингиз керак эрди, олампаҳо... – деди оғриқданми ғалати ихрай бошлаган Шохрух мирзонинг пешонасига қалққан терларни артаркан.

– Қисмат... – деди нафаси ичига тушиб кетган Шохрух мирзо ва маликанинг кўзларига аллақандай ачиниш билан тикилди. – Қисматимизга шул кунлар ҳам ёзилган эркан... Душманларимдин ҳар нени кутган бўлсам ҳам, авлодларимдин бул қадар юзсизликни бекламаган эрдим... Наҳотки, шундай муносабатга лойиқ бўлсам деган ўй мени қийнаётир!

– Ҳа, сиз ҳақсиз, олампаҳо, не дейишга ҳам ожизмен... – Гавҳаршод бегимнинг лаблари титраб, қароқлари ёшга тўлди. – Майли, ҳар не бўлганда ҳам эл олдида

юзингиз ёруғ бўлди. Шаҳзода Султон Муҳаммад мирзо балки ёшлигига боргандур, балки авбошлар қуткусига учгандур... Фақат... Сиз шаҳзодамизни қарғаманг...

– Астағфируллоҳ, қарғамасмен, фақат энг ёмони, кўнглим қирилди... – Шохрух мирзо нафас олиши тезлашганидан, беихтиёр, кўтарилиб тушаётган кўксини оҳиста силади.

– Худого шукр, ҳаммаси орқада қолди, олампаноҳим. Энди гина-кудуратни унутинг, соғлигингизни ўйланг.

– Энди ўлимдин бошқа... Ҳеч нарсани ўйламасмен...

– Ўлимни эслатманг, олампаноҳим!

– Ўлим ҳақ... – Шохрух мирзонинг кўзларидаги нур сўнггандай бўлди. Гавҳаршод бегимнинг қўллари туги турсан бармоқлари ҳам бўшади. – Лек менсиз, ёлғиз сизга қийин бўладур, Гавҳарим...

Гавҳаршод бегимнинг юраги бир қалқиб тушди. Шохрух мирзо уни фақат илк келинлик даврида шундай чақирарди. Кейинчалик эса “маликам” дейишга ўтган ва ярим асрдан ортиқ кечган турмушлари давомида бу калимани ҳеч қачон қайтарган эмасди.

– Олампаноҳим! Кўнглимнинг Султони! Дард меҳмондур... – малика шундай деди-ю, лекин ич-ичидан даҳшатли фожиа яқинлашаётганини ҳис қилиб, Шохрух мирзога далда бериш учун жилмайишга уринди. – Сиз ҳали кўп йиллар яшайсиз! Бирга яшайдурмиз! Бундин уч йил олдин қилган васиятларингизни эсланг! Бул кунларни ҳам ҳали қулиб-қулиб эслайдурмиз!

Ёшиқдан кирган ва томоқ қирганича, бўсағада тўхтаган табибнинг овозини эшитиб, малика ўрнидан турди.

– Энди бефойда... Такдирга тадбир йўқ... – қуриқшаган лабларини ялаганича, маликанинг қўллари бўшатмай, “кетманг” ишорасини қилди Шохрух мирзо.

– Шул ердамен, кетмаймен, хотиржам бўлунг... – юраги ўртаниб, кўзларига ёш қалққан Гавҳаршод бегим йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлади.

Шохрух мирзо ёнига келиб чўккан табибга, “Керак эрмас, фойдасиз...” деди шивирлаб. Нима қилишини билмай қолган табиб бир Шохрух мирзога, бир маликага қаради.

– Сиз мени эшитинг! Муолажани давом эттиринг, биз Хиротга етишимиз керак... – деди ўлимнинг совуқ нафасини ҳис қилган малика. – Шогирдларни ҳам чорланг ва қўлингиздин келган барча тадбирни қилинг, йўлда бирор кори-ҳол бўлмаслиги керак...

– Сиз ҳақ эрдингиз, ўрнимга Алоуддавла мирзони қоим қилиб эрмас, тахтни бериб келмоғим керак эрди... Қиблагохимиз соҳибқирондин кейинги талошлар бошланмаса деб кўрқамен! – ёнига келган табибга эътибор бермай, Гавҳаршод бегимга гапира бошлади Шохрух мирзо. – Мен... Менга бирор нарс бўлса, қўшин қўмондонлигини Абдулатиф мирзога топширинг... Абулқосим Бобур мирзо эрса...

Бу Шохрух мирзонинг сўнгги сўзлари эди. Ундан кейинги калималари шу қадар секин ва ноаниқ чиқдики, Гавҳаршод бегим бирортасини ҳам англолмади. Қайта сўроқлаган эди, Шохрух мирзонинг лаблари қимирласа-да, товуши эшитилмади. У табибдан Шохрух мирзонинг сўнгги, Бобур мирзо ҳақидаги калимасининг мазмунини сўради. Лекин табиб ҳам тайинли жавоб айтолмади. Хоқони сайд огоҳлантирганидай, табибнинг ҳам барча уринишлари фойдасиз кетди...

...Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Ироқ, Хуросону Шимолий Афғонистондан иборат катта мамлакатнинг ҳукмдори бўлмиш улуғ хоқони сайднинг умри сафарда ниҳоясига етди. Гавҳаршод бегим гарчи ўлимнинг ҳақлигини, кексаликнинг

бедаволиги ва мукаррарлигини англаб турса-да, Шоҳрух мирзонинг бу тарзда ўлим топишига ишонгиси келмас, ўзини ишонтиролмас, талвасага тушиб қолганди. Ўзига яқин амирларнинг насиҳати билан кўзёшини тийишга, ҳеч нарса содир бўлмагани каби ўзини хотиржам тутишга қўнса-да, кўз-ёшини сафар асбоб-анжомларини шошиб йиғиштираётган хизматкорларга кўрсатмаслик учун айвонга чиқиб йиғлаб оларди.

Бошига тушган фожианинг даҳшати, алами Шоҳрух мирзонинг васиятига амал қилиб, Абдулатиф мирзони эллик минглик қўшинга қўмандон этиб тайинлагандан сўнг бошланди. Невараси борасидаги хавотиру гумонлари тўғри бўлиб чиқди. Икки кун ўтмасдан йўлда, унинг аробасини туронлик суворийлар қуршаб олишди.

– Сиз қайси қўшуннинг навкарларисиз? – деди Гавҳаршод бегим аробаси атрофида саф бўлиб кетишаётган бегона суворийларга. Улар орасида ўз кўримасидан бирорта тансоқчи йўқлигига ҳайрон эди малика.

Суворийлар бир-бирларига маънодор қарашиб, индамай йўлларида давом этишди. Аравакашнинг ёнида ўтирган қорувли, бурни узун, қорамағиздан келган навкар эса маликанинг гапини жавобсиз қолдиришга уялди, шекилли, бир лаҳза каловланиб тургач:

– Биз олампаноҳ Улуғбек мирзо юборган туронлик қўшунларданмиз, – деди овози ғалати товланиб. – Лекин бизнинг ҳеч нарасадин хабаримиз йўқ, бизга сизни кўриқлаб кетиш тайинланган, холос, маликам!

Қорувли навкарнинг хатти-ҳаракатлари, ғалати кўз қарашлари ва гапи Гавҳаршод бегимнинг кўнглида шубҳа уйғотди.

– Абулқосим Бобур мирзони чорланг! – деди амрона оҳангда.

– Абулқосим Бобур мирзо ўз қўшунлари бирлан қочиб кетган эрмуш, маликам! – деди яна қорувли навкар.

– Астағфируллоҳ! – Гавҳаршод бегимнинг юраги энди аниқ қандайдир ёмонлик рўй берганини ҳис этиб, хаёли беихтиёр, набираси Султон Муҳаммад мирзога кетди. “Демак, Бобур мирзо ҳам бекорга қочмаган. Оғаси Султон Муҳаммад мирзо бобосининг вафотини эшитиб, яна ҳужумга ўтган бўлса, вазиятдан шу йўл билан чиқмоқни ўйлаган...” – Унда амир Султоншоҳ барлосни чорланг!

– Амир Султоншоҳ барлос, амир Султон Боязид, амир Абулфайз кўкалдошлар ҳибсга олинмиш, маликам!

– Нима? – бу гапни эшитиб, малика беихтиёр бақириб юборди. Ўзининг овози қулоғига даҳшатли акс садо бўлиб қайтди. – Ким ҳибсга олмиш? Султон Муҳаммад мирзонинг одамлариму?

– Бизнинг ҳеч нарасадин хабаримиз йўқ, маликам. Барчасини олий қўмондонимиз шаҳзода Абдулатиф ҳазрати олийлари биладурлар!

Ранги қув учган малика бир лаҳза қарахт ҳолда қотиб қолди.

– Абдулатиф мирзони ҳамон ёнимга чорланг! – деди ўзига келгач, лаблари титраб.

Қорувли навкар ёнма-ён кетаётган суворийлардан бирига боши билан “бор” ишорасини қилди. Суворий сафдан ажралиб чиқиб, шамолдай елиб кетди.

Гавҳаршод бегим ароба пардасини ёпаркан, Шоҳрух мирзонинг сўзлари қулоқлари остида қайта жаранлагандай бўлди. “Менсиз ёлғиз сизга қийин бўладур, Гавҳарим...” Малика ёнида ҳамроҳлик қилиб келаётган Асила бекага ўгирилганича, йиғлаб юборди.

– Оҳ, олампаноҳим!.. Оҳ, суянч тоғим!.. Ўлими олдида ҳам мени ўйлаган кўнглимининг султони...

– Маликам... Секин... – кўрқиб кетган Асила бека маликани огоҳлантирганича, бағрига босди. – Овозингизни эшитишмасун... Не бўлса ҳам Ҳиротга етиб олайлук...

Абдулатиф мирзодан уч кунгача дарак бўлмади. Тўртинчи кун эса пешиндан сўнг, худди само жаҳл отига мингандай, бир пастда осмонни қора булут қоплаб, чақмоқ чақди. Илон изи йўлдан ҳорғин ўрлаётган қўшиннинг юрагига гулгула солмоқчидай, момақалдироғини гулдураганича, ёмғирини бошлади. Отлар туёғи остида кўпчиётган тупроқлар бир пастда лойу балчикқа айланиб, аравалар юриши секинлашди. Сафар машаққатида пишган навкарлар ёмғирда ивимаслик учун йўл-йўлакай хуржунларини титкилаб, ошланган теридан тайёрланган ёпинчиқларини бошларига илиб олишди. Йўл ҳадисини олмаган ёлланма навкарлар эса, эғни-бошлари баданларига ёпишганича, узоқ-узоқлардан баланд-паст миноралари элас-элас кўринаётган қалъада жон сақламоқ илинжида, отларига қамчи босишди.

– Кичик Дамашққа етдик биродарлар! – дея қувонч билан ёнидаги суворийларни суюнчилади аравакашнинг ёнида ўтирган қорувли навкар. Сўнг қўлларини айвон қилганича, деворлари ҳам кўриниб қолган каттагина қалъа томонга ишора қилди. – Уловларнинг қадами сустлашганидин, менимча, Фос қалъасига қўш ташлашаётир!

Кичик Дамашқ аслида, Нишопур шаҳри бўлиб, Ҳуросоннинг тўрт пойтахт бошкентларидан бири ҳисобланарди. Унинг ободлиги, боғу боғчаларга бойлиги, гулзорлари кўплиги боис, ерли аҳолиси Дамашққа қиёс қилишиб, уни шундай ном билан ҳам аташарди. Шаҳарни кесиб ўтган тўрт дарёдан ташқари кўплаб анҳорлари-ю сув тегирмонлари билан ҳам машҳур эди. Бу ерда айниқса, тутзорлар кўп, аҳолиси асосан ипак мато тўқиш билан шуғулланарди. Унинг шойи, наҳо, кимхоб каби газламалари ҳатто Ҳиндистонда ҳам машҳур ва тақчил эди.

Фос қалъаси шаҳарнинг шимолий дарвозаси томонда. Қалъа деворлари баланд ва мустаҳкам қилиб қурилган, келиб-кетувчилар учун мўлжалланган карвонсарой ҳам каттагина эди.

Қалъа кутволи Гавҳаршод бегим ва Асила бекани пастаккина, тор ва сомон тўшанчили хонага олиб кирганида, хона ичидаги аҳволни кўриб, маликадан олдин Асила беканинг эҳсонаси чиқиб кетай деди.

– Ё, алҳазар, бул хона бизгаму? – деди Асила бека бир кутволга, бир йиғидан қизариб, шишиб кетган кўзларини базўр очганича, хайрону лол қотиб қолган Гавҳаршод бегимга қараркан, – Абдулатиф мирзо биладирму?

– Бул хона маликамизга... – деди қизариб кетган кутвол дудукланиб. Асила бекага буйруқ оҳангида таъкидлади. – Сизнинг хонангиз эрса нарғи томонда, бул олий қўмондоннинг амри!

Гавҳаршод бегим беихтиёр, соҳибкироннинг ўлиmidан сўнг, Бибихонимнинг бошига тушган қисматни эслади ва хаёллари остин-устун бўлганича, беҳуш ўтириб қолди...

...Малика ҳозир шуларни ўйларкан, бу хунрезликларнинг бош ўйинчиси бўлмиш Абусаид мирзонинг ёвуз чангали энди хоқони саиднинг муътабар гўшаси томон чўзилганини ҳис қилди.

– Майли, менга ижозат беринг, маҳди улё маликам, – деди Абусаид мирзо атрофга синчковлик билан яна бир кўр назар ташлаганича. – Эртага қилинадургон ишларимиз кўп. Сиз ҳам боя сўйлаганим киби, шахзодаларингиз бирлан қай бир усулда бўлмасун маслаҳатлашинг, алар менинг жон жигарларим, аларга ҳеч бир хусуматим йўқ, бурда нонимни ҳам бўлишамен. Фақат ёнимда камарбасталик қилиб турсалар бўлди. Зеро, бирлашсак ўзармиз, бирлашмасак тўзармиз...

Абусаид мирзо кейинги икки жумлага “Бирлашмаса тўздираман” деган маънода урғу бераркан, сарой ҳовлисига чиқатуриб, нимадир демоққа тараддудланди.

– Саройингиз жуда улкан эркан... – деди учи-қуйруғи кўринмайдиган уч ошёнли мрамор иморатнинг пештоқларига ҳавас билан тикилиб. – Ёнингизда яқинларимиздин ҳеч ким йўқ, шекилли, жигарларимиздин ҳеч бирига кўзим тушмади, ёлғиз зерикиб қолмайсизму? Ёхуд волидамни келтиришсинму, гурунглашиб ўлтирасизлар!

– Волидангиз шул ердамилар? – Абусаид мирзонинг гапи оҳангидан нима демоқчи эканлигини англаган малика нафаси ичига тушиб, саволига савол билан жавоб қайтарди.

– Ҳозирча Самарқанддалар, ҳадемай келиб қоладурлар! – Абусаид мирзо шундай деди-да, маликанинг жавобини ҳам кутмасдан хайрлашди.

– Малика момомиз ҳали тетик... – деди Абусаид мирзо ташқарига чиқишгач, шайхулисломга маънодор қилиб.

– Тетик ҳам гапму, – шайхулислом қозондай салласини ирғади. – Ҳали унча-мунча одамга бас келаду!

– Шайхулислом ҳазратлари авайлаб гапираётирлар, олампаҳо, – кулди амир Шерҳожӣ. – Аслинда маҳди улё момонгиз унча-мунча одамнинг бошини ейиш шашти бор, демоқчилар!

Абусаид мирзо уларнинг гапини, “Буни тинчитмасангиз сизнинг ҳам бошингизни ейди”, деган маънода тушуниб, қошларини керди:

– Йўғ-ей, маҳди улё ҳалиям шул қадар қудратлиму?

– Олампаҳоим... – шайхулислом худди муҳим гапни айтмоқчидай атрофга бир аланглаб олди-да, овозини пасайтирди. – Билурсиз, қудратнинг калити олтинду! Олтини бор одам ҳар ишни ҳал қиладу!

– Олтин? – Абусаид мирзонинг юзларига ҳайрат қалқиб, овози товланди, лекин кизикаётганини билдириб қўймаслик учун жим қолди. – Тўғри айтурсиз, тақсир. Фақат... Момомизнинг олтинлари бул қадар кўплигини билмас эрканмен.

– Кўп ҳам гапму, олампаҳоим?! – шайхулисломдан олдин жавобга шайланди амир Шерҳожӣ худди олтинлар ўзиникидай оғзини тўлдириб. – Етти пушти тугул, етти юз пуштира ҳам етаду! Турону Хуросонда маликаимизни жуда кўп номдор амирлар қўллашининг боиси ҳам шундин. Қорақуюнли туркманларнинг каллақесар ҳукмдори Жаҳоншоҳ ҳам момонгизни ўз волидасидай кўраду. Кизини раҳматли Султон Муҳаммад мирзога бериб, қуда бўлгани бир ўйун. Ҳиротга ҳам бекорига от қўйгани йўқ. Сиз вақтинда етиб келмаганингизда, ул малъун туркман шаҳзода Муҳаммад Иброҳимни ер тишлатиб, Ҳирот тахтига ўлтирур эрди.

Абусаид мирзонинг юзи қизариб кетганини кўрган шайхулислом Шерҳожига маъноли қараб, секин томоқ кирди. Лекин Шерҳожӣ тушунмади, шекилли, норозиланиб, бош ирғаб қўйди.

– Муҳаммад Иброҳим мирзо йиққан қўшун кўпсонли ва тажрибали дейишган эрди менга. Наҳотки, шаҳзодамиз амир Жаҳоншоҳни енголмаган бўлса?! – уруш тафсилотларидан хабардор бўлса ҳам худди ҳеч нарса билмагандай, талмовсиради Абусаид мирзо.

– Амир Жаҳоншоҳнинг ҳам қўшуни тажрибали эрди. – Бу сафар Шерҳожидан олдинроқ гапга қўшилди шайхулислом.

– Хуллас, олампаҳоим, салтанат тинч бўлсин десангиз, энг аввал Ихтиёриддин қалъасиндаги хазинага эга бўлинг! – деди Шерҳожӣ шайхулисломнинг гапини бўлиб. – Фақат ул қалъани забт этмоқ бировз қийин кечаду. Қалъанинг кўрикчиси

амир Аҳмад ясовулбоши маликанинг содиқ одамларидин ва ўлгудай гажир. Ана ундин сўнгра...

Амир Шерҳожӣ ўнг қўлини бўйнига сермаб кўрсатди.

Дарвозадан чиқишаётган вақти шайхулислом Шерҳожини орқароққа тортиб, шипшиди.

– Амир, тилингизга сал эҳтиёт бўлунг!

– Нима, қовун тушурдимми, ҳазрат? – деди Шерҳожӣ хавотирланиб.

– Қовун тушириш ҳам гапму, сезмадингизму, олампаҳо қўтандай қизариб кетдилар. Фалон туркман, тугун туркман, деётирсиз, малъунига бало борму? – астойдил қойиди уни шайхулислом. – Олампаҳонинг катта момолари, раҳматли Мироншоҳ мирзонинг волидалари туркман бўлганлигини билмайсизму?

– Оббо! Эсимдин чиққанини қаранг?! – шайхулисломнинг томоқ қиришини энди тушунган Шерҳожӣ ҳурраси учиб, типирчилаб қолди. – Шундай пайтда туртиб қўймайсизму, ҳазрат?!

– Оғзингиз қизиган пайтда туртмоқ тугул урсам ҳам етиб бормайдур!

– Оббо! Оббо! Энди нима бўладур, ҳазрат? – хавотир ичида астойдил ўкина бошлади Шерҳожӣ. – Олампаҳо оғир олдилармикин-а?

– Бўлари бўлди, энди бул ёғига эҳтиётингизни қилинг!

* * *

Хиротнинг кўрки бўлмиш Гавҳаршод Оқо олий мадраса ва мусаллоси эндигина кўтарила бошлаган саратон қуёшида камалақрангда жилоланиб, сирланган кошинларида товланаётган нурлар кўзни қамаштирарди. Малика ҳар сафар зиёратга келиб, уни кўрганида маҳоватли ва гўзал қўш иморатнинг нилий гумбазларига, ранго-ранг нақшли пештоқларига ҳавасу ҳайрат билан тикилар, вужуди тасаввур қилиб бўлмас бир шавққа тўларди. У ичкарига интиқлик ва ҳаяжон билан кирарди. Энг аввало, ўғли Бойсунғур мирзо мангу қўним топган хонақоҳни зиёрат қиларди. Мадраса ва мусалло тарhini чизган меъмор Қавомиддин Шерозий ёнида бинонинг пойдевори ва асоси мустаҳкам бўлиши учун куну тун бирга бўлган, баланд гумбазларидан тортиб, деворларигача гишт уришган, пештоқлар-ю вассажуфтли шифтларига ўз қўллари билан ислими нақшлар чизган ўғлининг оёқ учида ўтирганича, узоқ тиловат қилар ва беихтиёр, ўша бахтиёр лаҳзаларга қайтарди. Бойсунғур мирзо эринмасдан мадраса қурилишига жалб этилган оддий ишчидан тортиб, муҳандису кошинкорни, наққошу сангтарошни ўзи имтиҳон қиларди. Ишга тушмасидан аввал ўша соҳага боғлиқ бирор бир юмуш бажартириб кўрарди. У ҳам Улуғбек мирзо каби гўзал хулқли, ҳиммати баланд, одил ва мурувватли шахзода эди. Хоқони саид, улуғ ҳукмдор Шоҳрух мирзо уни Хуросоннинг олий девонига масъул қилгач, мирзо илм оламининг сарафрозларига, хирад аҳлининг пешволарига, ақлий ва нақлий фанлар фозилларига кўп иноятлар ва риоятлар кўрсатди. Улар мирзонинг мажлисларида гултож эдилар. Мирзонинг ўзи ҳам нозиктаъб мусаввир ва хаттот, “хутути ситта” яъни, етти хил хат ишлатишда Шамсуддин ал-Херавий даражасига етганди. Тасвир чизиш, рақам тортиш, қалам юритиш ва зарҳал беришда беназир эди. У Хиротдаги Гавҳаршод Оқо мадрасасининг қурилишида бошидан охиригача усталарга бош-қош бўлиб, ислими нақшларнинг зарҳалини ҳам ўзи тортганди. Гавҳаршод бегим Машҳадда Имом ар-Ризо мақбарасига ёндаш масжид қурдирганида ҳам Бойсунғур мирзо жомеъ деворларига китоба битганди.

Хоқони саид Бойсунғур мирзога катта эътимод қўйган, уни ҳам худди Улуғбек мирзодек сулоласининг давомчиси, Хуросон салтанатининг вориси сифатида кўрганди. Шоҳрух мирзо унга олий девон масъуллигини топширган куни мажлис аҳлига шундай мурожаат этганди:

– Биз, лаёқатли азиз фарзандимиз, салтанатимиз тожининг дури, давлатимиз осмонининг куёши Бойсунғур Баҳодирга Тус, Машҳади муқаддас, Абивард, Самалқон, Жармағон, Хабушон, Нисо, Ёзир, Мозандарон, Астрабод, Шосмон, Кобуджома ва Журжонга қарашли барча ерларни инъом этдик. Шаҳзодаи жувонбахт мулозимлари сафига Собий билимли вазирларни, олам уламоларию одамзот фузалоларини, тафаккур гулшанининг алломалари ҳисобланмиш шоиру қиссахонларни, кунгул ва руҳ табиблари санъаткорларни қўшдик. Умидимиз шулки, Оллоҳ соясининг соябони ҳисобланмиш ғамхўрлик шаҳзодаи жувонбахтимизнинг иш йўсини бўлғай ва аҳли раият бул ғамхўрлик паноҳинда тинч, осуда ҳаёт кечиргай. Соҳибқирон ҳазратлари тузуқларинда қайд этганларидек, адолат, мурувват ва марҳамат боғиндагина мурод дарахтлари ўсиб-ўнгай, гуллаб-яшнагай! Кимки дастини зулм тиғи ила қудратли этибдур, охир-оқибат ўшал зулм заволига қолибдур.

Яна бир муҳим вазифани алоҳида таъкидламоқ истаймен, дастурхонимизни нозу неъматларга тўлдирувчи, ризқу рўзимизга барака қўшувчи деҳқонлар бирлан муносабатда ғоят эътиборли бўлмоқ лозимким, баъзи ноинсоф солиқчиларнинг зулм рақамидин салтанат хирмони куймасун.

Шаҳзодамиздин яна бир ва энг асосий ўтинчим шулки, баъзи бир қондошларимизга ўхшаб, тахту салтанат учун ғайриахлоқий, ғайрининсоний қусур бўлмиш қардошқушлик иллатидин узоқ турсунлар...

Хоқони саид бир-бирлари билан ёвлашиб, бир-бирларининг ҳаётларига зомин бўлаётган амакваччаларини назарда тутаётган эди. Инсонийликка зид бўлмиш бу қабиҳ хунрезликни темурийзода шаҳзодалар ичида биринчи бўлиб, Мироншоҳ мирзонинг ўғли Халил Султон мирзо бошлаб берган эди. Халил Султон мирзо севгилиси ва хотини бўлмиш Шод Мулк бегимнинг қутқусига учиб, раҳматли улуғ Амир Темур васиятларидан бўйин товлаган ва тожу тахт учун ўз биродари, валиаҳд шаҳзода Пирмуҳаммад мирзо Кобулийнинг жонига қасд қилган эди. Шундан кейин бу биродарқушлик иллати шаҳзодалар орасида борган сари томир ёймоқда ва бу омонат, фоний дунёнинг лаҳзалик ҳашамидан кўзлари кўр, қулоқлари қар бўлган мирзолар тожу тахт талошида бир-бирларини маҳв этмоқда эди.

Бойсунғур мирзо чиндан ҳам ота-оналар орзусидаги фарзанд эди. Оллоҳ уни ақлдан ҳам, қадди-қоматдан ҳам, хусндан ҳам сийлаган, у шижоатда Рустамдек, сахийликда Ҳотамтойдек, билимдонликда Хурмусдек, диловарликда Ҳайдардек эди. Бўйи паҳлавонларники каби баланд ва қорувли, чехраси кўркам, қалин қошлари остидан хиёл қулиб турувчи кўзлари иссиқ ва меҳрли эди. У болалигидан адабиётни, санъатни севар, лекин кўпроқ вақтини мусаввирликка сарф қиларди. Феъли ҳам аксарият мусаввир ижодкорлар каби сокин, мулоҳазали ва камгап эди. У диёнатли, бировнинг ҳақидан ҳазар қилувчи, адолатли шаҳзода эди. Ҳеч қачон бировга қаттиқ гапирмас ва шу жиҳати билан кўпроқ Шоҳрух мирзога тортганди. Гавҳаршод бегимга унинг ана шу хислати ёкса-да, баъзан гап орасида, “Бул қадар юмшоқ бўлманг, шаҳзодам, йўкса, маликаларингиз бошингизга чикиб оладур”, дерди ҳазил аралаш. Ўшандай пайтларда Бойсунғур мирзо, “Волидам, маликамиз сизга ўхшасалар, аларни бошимга ўзим чиқариб куюрмен! Зеро, қиблагоҳимиз сизни бошда кўтариб кам бўлган эрмаслар”, дея ҳазилга ҳазил аралаш жавоб қайтарганича, писанда ҳам қилиб қўярди.

Бойсунгур мирзо худди Улугбек мирзо каби илмни, илм аҳлини ғоят азиз тутар, мажлислари ақлий ва нақлий билимлар донишлари суҳбатисиз ўтмасди. Унинг саройида бунёд этилган кутубхонада дунё олимлари, тарихчилари ва шоирларининг энг ноёб қўлёзмалари сақланар ва бундан шаҳзода фахрланар, бўш вақти бўлди дегунча ўзи севган қўлёзмаларга ғоят гўзал муқовалар ишларди. Кутубхонада ўша даврнинг энг машҳур, салоҳиятли қирққа яқин хаттотлари, наққошлари, мусаввирлари саҳҳоф ва заркорлари ишлашар, илмий изланишлар қилишарди. Улар Бойсунгур мирзонинг бевосита назорати остида Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асарининг қирққа яқин қўлёзмасини солиштириб, мукамал матнини тузишган ва Бойсунгур мирзонинг сўзбошисини илова этишганди. Энг ёмони, шаҳзода севимли канизагининг ўлиmidан кейин ўзини ичкиликка урди. Унинг шаробу майга ружу қўйганидан Гавҳаршод бегим жуда кеч хабар топди. Билганида, вақт ўтган, май шаҳзоданинг ақли ҳушини олиб, кайфу сафо қадаҳи куну тун ҳамроҳига айланиб бўлганди. Шаҳзоданинг шароб ичишини унинг мулозимлари маликадан яширишган, ҳатто Шохрух мирзо ҳам ўғлининг бу даражада майхўр бўлганидан хабарсиз қолганди. Малика шароб борасида Хокони саидга жуда кўп маротаба хавотирланиб гапирган, лекин ўзи май ичмайдиган Шохрух мирзо ичкиликнинг саройида бу қадар томир отишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Ўша куни малика тасодифан, мадраса деворларига нақш солаётган ўғлонининг ишларини кўриш, “Хорма – бор бўлинг” қилиш учун бирров, тушлик пайтида хабар олишга борганида хабар топди. Гавҳаршод бегимнинг тахти равонли аравасини кўрган меъмор Қавомиддин Шерозий негадир шошиб қолди. Соқоли калта кузалган чувак юзли чехрасига саросимали ифода қалқди. Хаёли бинода бўлган Гавҳаршод бегим эса меъморнинг хатти-ҳаракатига унчалик эътибор бермади. Фақат ҳар келганида гавжум бўладиган, узокданоқ одамларнинг овози эшитилиб турадиган қурилиш майдони бугун бўм-бўш ҳамда жимжитлигига ҳайрон қолди.

– Усталар қани? – сўради бинонинг ён-верига алангларкан малика.

Шерозий маликани кутиб оларкан, уни чалғитмоқ учунми савол-сўроғини яна эътирмасидан бурунроқ дарров ичкарига таклиф қилди.

– Усталаримиз тушлик қилишаётир... – деди йўл-йўлакай меъмор, “Шаҳзодамиз бугун келмадиларму?” деб савол беришига имкон қолдирмай.

Олдинги гал келганида мадрасанинг сувоқдан чиққан хайҳотдай хонаси Гавҳаршод бегимнинг кўзига жуда ғариб кўринган, хаёлида бино унинг тасаввуридаги каби гўзал ва салобатли қурилмаётгандай эди. Бугунги манзара эса маликани ҳайратга солди. Оёғи остига тўшалган оппоқ мрамардан тортиб, ислими нақлар билан безатилган деворлару шифтлардаги болор ва вассаларгача ўзгача бир гўзаллик касб этган, ақлни шоширар даражада кўркамлашган эди. У кўзларига ишонмай, бўёқлар анқийтган деворларни ушлаб кўрар, ҳайратланар, тили калимага келмай, ичида нималарнидир ғудранар, сиртида эса ёқасини тутганича, “Ё, Оллоҳ, ўзингга шукр, беадад шукр!” дерди, холос.

Бутун вужуди кўзга айланган маликанинг хаёлини қиз боланинг қикирлаган овози ва қадам товушлари бузди. Гавҳаршод бегим беихтиёр, товуш келган томонга ўгирилди. Тўрдаги хонақоҳларнинг биридан қувлашмачоқ ўйнаётган каби югуриб чиққан қиз маликани кўрмадими ёки эътибор бермадими, яқинига келгунича, тўхтамади. Ораларидаги масофа оз қолганда қизнинг кўзи маликага тушиб, кўрқиб кетганидан жойида тош қотди. Бир лаҳза ўтгач, ўша тезликда яна орқасига қайтди. Малика меъморга қаради. Шерозийнинг юзи алвон каби қизариб кетган, ердан кўз узмасди.

– Мажид ва мадраса Оллоҳнинг уйдур... Оллоҳнинг остонасига ҳаром-ҳариш... – кўнглига келган фикрдан Гавҳаршод бегимнинг ранги ўчиб, тили тутилди. – Бул киз кимдур?

– Маҳди улё маликам... – нафаси ичига тушиб кетган меъмор Шерозий елкаларини қисди.

– Э, э, э... ас... салому алай...кум! – киз кириб кетган хонақоҳдан чиққан Бойсунғур мирзонинг афт-ангорига кўзи тушган маликанинг юраги орқасига тортиб кетди. Шаҳзода оёқда базўр турар, сўзларни кийналиб гапираётганлигидан лаблари кийшайиб кетарди. – Олий маликамизнинг ташрифларидин беҳабар қолибмиз-ку! Нечун менга сўзламадингиз, меъмор жаноблари!

– Мен ҳам хабарсиз қолдим, шаҳзодам! – Шерозий айбдордек бошини эгди. – Узр тилармен...

– Бир қошиқ қонимиздин кечсинлар, волидам!

Бойсунғур мирзо иш кийимида эди. Эғнидаги кумушранг яктаги бўёқлардан ола чалпоқ бўлиб кетган, ўзидан эса шароб иси келарди.

– Хаёлингизга ёмон фикр келмасун, маликам, ул киз менинг ёрдамчим... – қўлларини киз кетган томон нуқиб кўрсатди шаҳзода. – Бўёқларимни ўшал киз тайёрлаб бераётир! Истеъдодли мусаввир эркан...

Гавҳаршод бегимнинг юзларидан таралган қувончдан асар ҳам қолмаганди.

– Сизни бул аҳволда кўргунча... – деди лаблари йиғига шайланган Гавҳаршод бегим гапининг давомини ютиб. – Бул не аҳвол? Бул не кўргулик, шаҳзодам?

– Аҳволимга не қилибдур, маликам? – жилмайганича маликанинг қўлларини ўпмоққа узанди шаҳзода. – Кўзингизга хунук кўринмоқдаманму? Мана бул уст-бош бирлан ҳаммолга ўхшаб қолибманму?

– Гап уст-бошда эрмас... Уст-бошингиз аъло, лек, ўзингиз хароб бўлибсиз! – Гавҳаршод бегим ўғлининг қўлини кафтига олиб, ўпди. – Замон яктоси ҳисобланмиш менинг шунқор шаҳзодамни не жин урди?

– Оҳ, волидам, замон яктоси шаҳзодангизни жин эрмас, фаришта урган... Фариштам мени ташлаб кетди! Фариштамсиз эрса менга ҳаётнинг қизиғи қолмади, анингсиз яшай олмаётирмен! – волидасининг бўйнидан қучганича, йиғлаб юборди шаҳзода. – Ҳа, мен хароб бўлдим, волидам! Мен тамом бўлдим!! Менинг дардим оғир... Бул дард шаҳзодангизни бир кун йикадур...

Севимли канизаги Меҳрибон бонунинг ўлими Бойсунғур мирзо учун оғир зарба бўлганди. Канизак Самарқанддан, Улуғбек мирзо томонидан юборилган бўлиб, гўзал рақслари ва мумтоз ашулалари билан шаҳзодани ром этганди. У Меҳрибон бонудан бир лаҳза ҳам айрилмас, ҳатто овга чиққанда ҳам бирга олиб кетарди. Тўсатдан юз берган бу фожиа шаҳзодани довдиратиб қўйди. У сеvimли ўйинчоғини йўқотиб қўйган ёш бола ҳолига тушиб қолди. Оқшом қўйнида ором олиб уйкуга кетган севгилисиз эрталаб уйғонмаслиги унинг учун даҳшатли бўлган эди. Севгилисининг совуқ юзларидан ўпганича, йиғлаб, уйғонишини илтижо қилган шаҳзода, ўшанда анча вақтгача ҳеч кимни хонасига қўймаган, волидасининг ташрифидан сўнг, йиғлаб чиқиб кетган эди. Бу йўқотиш унинг учун оғир зарба бўлганди. Ақли ҳушини йўқотган шаҳзодага яқинларининг насиҳати-ю юпанчи қор қилмас ва аламини шаробдан ола бошлади. У севгилисининг ўлимини хотинларидан кўрар, лекин аниқ далили ва гувоҳи йўқлиги сабаб, бирортасини айбдор этолмади. Унинг гумони кўпроқ бош хотини Бегика бегимда эди. Шаҳзода Бегика бегимга ҳам севиб уйланган, амир Ёдгоршоҳ орлотнинг қизи бўлмиш Бегика бегим шунинг учун ҳам уни канизакдан қаттиқ рашк қиларди. Бегика бегим канизак келганидан

бери у билан чиқишмас, ўтирса ўпок, турса, сўпок деб кўзини очирмасди. Лекин ўша воқеа юз берган кун Бегика бегим ота уйига кетганлиги учун шаҳзода уни ҳам айблай олмади, гумон қилди, холос.

Мадраса қурилишидан хабар олгани кетган Гавҳаршод бегимнинг бир аҳволда қайтганини кўрган Шоҳрух мирзо хавотирга тушди.

– Тинчликму? – сўради маликадан кўнгли бир хил бўлиб.

– Оҳ, давлатпаноҳим... – малика шундай деди-ю, изиллаб йиғлаб юборди. – Бойсунғур мирзонгизнинг аҳволини бир кўрсангиз эрди! Бул майу шароб охири ани хароб этадур! Шул заҳари қотилни ичмакни маън этинг деб сизга нечча бор айтдим. Нечун қулоқ осмаётирсиз? Кейин кеч бўладур ахир!

Малика айтганидай, чиндан ҳам кеч бўлди. Шоҳрух мирзо ўзи юриб, ўғлону набираларининг ҳар бир саройу қалъасидаги маст этувчи ичкиликларни тўктириб, хумдонларини синдириб, майу шароб тайёрловчиларга қаттиқ жазо тайин қилгани билан барча сайёи ҳаракати беҳуда кетди.

Ичкилик енгиб қўйган Бойсунғур мирзони асраб қололмади.

Гавҳаршод бегим шуларни ўйлаганича, юраги тўкилиб, яқиндагина Бойсунғур мирзонинг ўғли, набираси Абулқосим Бобур мирзо қўйилган хилхона томон буриларкан, орқа тарафидан, қулоғига ғалати бир шовур эшитилгандай бўлди. Малика бир нафас тўхтаб, овозга қулоқ тутди. Жимлик ва сукунатдан бошқа ҳеч нарсанинг сасини туймагач, юришда давом этди. Лекин ичида уйғонган аллақандай хавотирли туйғу кўнглига ғулғула солди ва ҳар эҳтимолга қарши орқасига секин ўгирилди. Ундан анча орқада, баланд бўйли, ориқ, қорачадан келган чувак юзлари серсақол, ҳазора қабиласининг суворийларига хос уст-бош кийган, ёши ўтинқираган навкар узун-узун, бақувват бармоқли ўнг қўли билан қиличи дастасини тутганича, ўлжа пойлаган мушукдай, қотиб турарди. Бошидаги кулранг салласи қошигача тушириб ўралган, кузалмаган соқолли юзида қирғий бурни билан ковоғига ботган катта-катта чағир кўзларидан бошқа аъзоси кўринмасди. У Гавҳаршод бегимнинг ўтирилганини сезиб, жойида тўхтади ва саросимали нигоҳини ерга қадади. Гавҳаршод бегимнинг юраги беихтиёр, сесканди ва шошганича, эшик томон бўйлади. Эшик оғаси яқин атрофда кўринмас, эшикнинг икки табақаси ҳам ёпилганди. Азалдан давом этиб келаётган қоидага биноан Гавҳаршод бегимнинг ташрифи чоғи ичкарига ҳеч ким қўйилмасди. Малика болалари ва набиралари бошида тиловат қилар чоғи кўнглини бўшатиб олиши учун ҳатто хос канизакларини ҳам унга ҳамроҳ эттиришмасди.

Гавҳаршод бегим навкарга бошдан-оёқ кўз ташларкан, бир ҳафтадан бери тушларига кираётган нохуш ҳодисани эслади. Ҳодиса ҳар куни бир вақтда, сахар уйқусидан сўнг такрорланарди. Гавдаси ва қўл-оёқлари одамларникига ўхшаш, лекин юзлари йўлбарс қиёфали ғалати бир махлуқ уни қувлар ва узун, қоп-қора қўллари билан маликани тутмоққа уринарди. Қоқсуяк бармоқлари этакларига етай деганида, Гавҳаршод бегим чўчиб уйғонар ва шу зайл тонг оттирарди. Маликанинг нигоҳи навкарнинг қўлларига тушаркан, беихтиёр, ўша қоп-қора ва қоқсуяк панжалар кўз олдига келиб, юраги сесканди. Боя, ўзи билан ичкарига кирмоққа чоғланган канизак қизнинг юзларидаги хавотир ва жонсарақликнинг маъносига энди етгандай бўлди. “Демак, бул навкар ёлланма...” Шундай ўй-хаёлига келган Гавҳаршод бегим уни даъфатан қотил деб гумон қилишдан ҳам ўзини тийди, лекин қизга нисбатан барибир шубҳаси йўқолмади. “Ҳа, қиз навкарнинг келишидан хабардор бўлиши мумкин. Ичкарига кирмоққа урингани ҳам балки шундандур.

“Бирга кирсам, қотил бул ишга журъат қилолмайдур”, деб ўйлагандур. Ёхуд... Балки тили бирдир... Астағфируллох, гумон имондин айирадур, дейдилар, бекорига гумон қилмай...

Гавҳаршод бегим ҳаяжондан терлаган кафтларини юзларига босди. Ёноқлари ўт бўлиб ёнарди. Кейинги йилларда бошига кетма-кет тушаётган фожиалар маликани шусиз ҳам гангитиб қўйганди. Бу ўлимлар нафақатфожиали, балки, аждодлару авлодлари шаъни учун уятли, маъломатли ва бир умр ўчмас доғ бўлди.

Улуғбек мирзо, Жўгий мирзо ва Бойсунғур мирзолардан кейин кимга суянишни билмай, мунғайиб қолган малика учун Бойсунғир мирзонинг ўғлонлари суянч тоғларидай бўлиб кўринган ва уларга умид боғлаганди. Чунки ҳар учала шахзода ҳам маликанинг бағрида улғайган, Гавҳаршод бегим уларга оналари каби меҳрини берганди.

Катта набираси Рукниддин Алоуддавла отаси Бойсунғир мирзо каби хушфеъл, диний ва дунёвий илмлари мукаммал эди. Иккинчи набираси Султон Муҳаммад ҳам дунёвий илмлар олишда отаси Алоуддавладан қолишмаса-да, диний илмларга рағбати йўқ, фикри ҳаёли тахтда, бирдан-бир орзуси ҳукмдор бўлмоқ эди. Учинчи ўғли Абулқосим Бобур мирзо эса диний илмларни кўпам хушламас, дунёвий илмларга иштиёқи баланд, маърифатпарвар, илм эгаларини кадрларди. Айниқса, санъатга меҳр қўйган, куй-қўшиқ жони дили эди. Тахтга ўтиргач, жуда кўп яхши ишлар қилган бўлса-да, энг ёмони, Абдулатиф мирзога қўшилиб, Улуғбек мирзога қарши оёқланди. Лекин ҳеч бири момосининг гапларини тингламади. “Бунинг оқибати эрса, мана нима бўлди? Энг ёмони, ўзининг ҳам ҳаёти бул тарзда ниҳояланиши... Астағфируллох, шармандаликлардин ўзинг асра, Оллоҳим! Ҳузурингга ёруғ юз билан борай...”

Гавҳаршод бегим бу фикрни ҳаёлидан кувишга ва ўзини босиб, нафасини ростлашга ҳаракат қилганича:

– Кимсен, чироғим... – деди у томон бир-икки қадам босиб. – Бул ерда не ишинг бор?

Навкар воқеани бу тарзда эврилишини кутмагани учунми, шошиб қолди. Ортга қайтишини ҳам, олдинга юришини ҳам билмай, қиличи сопини тутганганича, саросима ичида ён-верига аланглади.

Навкарнинг безовта ва чақчайган кўзлари-ю ғайритабиий ҳаракатларидан унинг ёлланма қотил эканлигига шубҳаси қолмаган Гавҳаршод бегим бирдан бўшашди. “Ҳа, инсон ҳаёти қай тарзда яқунланишини билмайдур... Ҳар не бўлганда ҳам барчаси Оллоҳдин, пешонамга шул тақдир ёзилган эрса, ул қазои қадардин қочиб қутулиб бўлмайдур... Тақдирга тадбир йўқ...”

Малика қадамини секинлаштираркан, беихтиёр, қўлидаги тасбеҳи тушиб кетди. Мармар тошга урилган кумуш тасбеҳ, ҳайҳотдай мусалло ичида ғалати овоз чиқарди. Ваҳима ичида вужуди музга айланган навкар чўчиб тушди.

– Қўрқма, чироғим, ҳеч кимни ёрдамга чорламаймен! – Гавҳаршод бегим лаблари ва томоғи қуриётганини ҳис қилиб, ютиниб олди. – Бошга тушганни кўз кўрур дейдилар! Зеро, осмоний тақдирга қаршилиқ қилиб, раббоний қазодин қочиб қутулиб бўлмайдур! Фақат... Бул юмуш сенинг чекингга тушганига ва сендай бир бегуноҳ банданинг умрига зомин бўлаётганимга ачинамен, холос! Чунки мендин сўнг, сени ҳам тирик қўймайдилар, шуни биласанму?

– Маликам... – навкар ҳам терлаган пешонасини чап қўли билан сидириб ташлаб, ўзи томон оҳиста қадам ташлаётган Гавҳаршод бегим яқинлашмаслиги

учун орқасига тисарила бошлади. – Узр тилармен. Бул юмуш чекимга тушгани йўқ, қасос олишим учун имкон беришди, холос... Зеро, Қуръони карим оятинда, “Ёмонликнинг жазоси шу қабилидаги жазо бўлур...” дейилган.

– Қасос? – кўзлари ҳайратдан катта очилган Гавҳаршод бегимнинг вужуди зиркираб, бирдан тўхтаб қолди. – Қасос дегин... Кимнинг хунини олаётирсен?

– Инимнинг! – навкарнинг овози бу гал зардали ва товланиб чиқди. – Ул шўрлик йигирма бир ёшда эрди, ўғлони етим қолмиш. Инимни набирангиз Абулқосим Бобур мирзо қатл этиб эрди...

– Абулқосим Бобур... – Гавҳаршод бегимнинг тили базўр айланганича, кўзларига беихтиёр ёш қалқиб, юзлари маҳзун тортди. – Оҳ, Оллоҳим анинг гуноҳларини ўзинг мағфират айла! Сен ҳақсен! Раҳматли мирзо гарчи марҳамат ва саховат соҳиби эрса-да, қудрат ва шавкатига лойиқ подшоҳ бўлолмади. Инсон зоти учун энг ёмон гуноҳ ҳисобланган ақраболик ипларини узгани етмагандай, биродаркушлик киби разил ишларга ҳам қўл урди...

– Астағфируллоҳ! – навкар беихтиёр, ўнг қўлини қиличдан бўшатиб, ёқасини ушлади.

– Шундай... Лекин сен... Йўқ, алар тўғри танлов қилишибдур. Ҳозир мени ўлдирсанг нафақатхунингни олурсен, балки савобга ҳам қолурсен! – Гавҳаршод бегимнинг овози титраб, товланди. – Чунки аларни мен, мана шул қўлларим бирлан улғайтганмен. Аллалар айтиб, бешикларини тебратганмен! Энди англасам, аларни эркалаб бағримга босибману, лек бағирларига кира олмабмен!

– Маликам... – навкар ноқулай аҳволга тушиб, каловланди. – Узр тилармен...

– Узр сўрама... – бу гал Гавҳаршод бегимнинг юзлари жиддийлашди. – Сен одам ўлдириб гуноҳга ботаётирмен деб қайғураётган бўлсанг, асло ғам чекма! Мен аллақачон ўлган одаммен! Мана бул гавдам аслинда, соям, яъни, суратим, холос... Сийратим эрса аллақачон ўлган! Фақат... Аларга ачинамен, кимлар ҳақинда гапираётганимни англагандурсен! Ўлган одамга ҳам золимлик қилмоқдин қўрқишмадиму демак, ишлари чатоқ. Ўзлари ҳам узокқа боришмайдур! Экканини ўришадур!

Навкарнинг томоғига нимадир текилиб, қилич тутган қўли бўшашди.

– Маликам...

– Эгни-бошингга кўра ҳазора қавмига ўхшайсен?

– Шундай, ҳазора уруғиданмен!

– Ҳазора қавмини биламен. Гарчи жангари бўлишса-да, ҳеч қачон ноҳақлик қилишмайдур. Шул боис, сенга айтмоққа ортиқча сўзим йўқ... – Гавҳаршод бегим бўғзига текилаётган йиғига бўй бермаслик учун томоқ кирганича, унга тик қаради. – Фақат... Ҳозир набирам Бобур мирзо турбасини зиёрат қилиб, тиловат этмоқчи эрдим. Фурсат берсанг, кириб чиқай...

* * *

Гавҳаршод бегим зиналардан пастга қандай энди, ўзи ҳам билмади. Бўғзини куйдираётган хўрлик, бағрини эзаётган андуҳ шу қадар кучли ва аламли эдики, бундай аччиқ изтиробни у ҳаёти давомида иккинчи маротиба туймоқда эди...

...Биринчиси олти йил бўйида бўлмай, Худонинг берган куни бошига тушажак кундош балосидан хавотирда яшаётган Гавҳаршод бегимга Шохрух мирзонинг уйланаётгани ҳақидаги хабарни етказишган кун эди. Ўшанда Рамазон ҳайитининг

арафаси эди. Кўк саройда ҳайитга тайёргарлик авжига чиққан, ҳар кун и ёғ тушса ялагудек супуриб-сидириладиган ҳовли-ю йўлаклар айрича ялтирарди. Турли-туман пишириклару таомларнинг бўйи димоқларни қитиқлар, маликалару хонзодалар, хизматчилару оқсоч қизларгача қўлларига хино, қошларига ўсма қўйишганича, ўзларига оро беришар, янги либосларини бир-бирларига кўз-кўз қилишар, бичими янги кийимлар устида эса баҳсу мунозара қизигандан-қизирди. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг бош маликаси Бибихоним ҳам ҳар кунгидан ўзгача тарзда кийинган: ҳаворанг ҳарир қўйлагининг ёқа ва енгларига тикилган зарли нақшлари куёш нурида ял-ял ёниб, кўзни қамаштирарди. Малика чошгоҳдан кейин сарой кўшида ҳаммага бош-қош бўлганича, Рамазон таомилига биноан, маликалару хонзодаларга, келинлару канизакларга, жориялару хизматкорлардан тортиб, фаррош аёлларгача ҳайитлик улашарди. Аёллар мавқе ва даражасига қараб, навбатма-навбат ҳайитликларини тавозе билан қабул қилишар, баъзилари жойларига етиб боришга ҳам сабрлари чидamay, қизиқишлари устун келиб, ярим йўлдаёқ тугунларини очишар ва аёлликларига бориб, бир-бирларининг инъомларига ўғринча кўз ташлаб қўйишарди. Жойларига ўтиришгач, секингина пичир-пичирни бошлашарди.

– Хонзода бегимнинг совғаси зўр эркан... – дея ёнидаги бўйлари баланд, чувак юзли, кир юваверганидан қўллари оқем бўлиб кетган оқсоч хотинга шивирлади микти гавдали, юзлари думалоқ, бурнининг учида катта холи бор фаррош аёл. – Матосининг нафислигини қаранг, менимча ҳиндларникиёв...

– Хонзода бегим Улуғ Амиримизнинг севимли келинлари-да. Бунинг устига алар Ўзбекхоннинг набиралари-ку. Шунинг учун ҳамиша совғанинг асилини оладилар! – бош ирғади оқсоч хотин. – Ой боқса ҳам Хонзодамизга, кун боқса ҳам Хонзодамизга бокадур! Лекин кичик шахзодамиз Шохрух мирзонинг маликаси Гавҳаршод бегимники ҳам Хонзода бегимникидин қолишмайду! Матоси ҳам алламбало! Ҳам нафис, ҳам куёшда товлананишини қаранг. Хонзодаларнинг кўзи чиққудай бўлиб, бир-бирларини турткилашганларини кўрдингизму?

– Кўрдим... – фаррош аёл бурнидаги холини пана қилганича, унга жавоб қайтаришга чоғланаркан, негадир чайналди. – Менимча, бибимиз кенжа келини ўксимасун учун бу гал совғанинг зўрини бераётирлар...

– Тушунмадим, кенжа келин нега ўқсийду? – хайрон бўлди оқсоч хотин.

– Кечаги янгиликни эшитмадингизму? – фаррош аёл ўзи эшитган “янгилик”ни айтсами-йўқми деган истехолада овозини янаям пастлатди.

– Қандай янгилик? Очикроқ айтинг? – оқсоч хотиннинг қизиқиши ортиб, ҳайитлик улашилаётган томондан диққатини тамоман айирди ва шеригининг биқинига киргудай энгашди.

– Фақат... Мендин эшитмадингиз... – аёлларнинг ғала-ғовури кучайганлиги учун энди овозини кўтарганича, шаъма қилди фаррош аёл. – Кенжа шахзодамиз Шохрух мирзо яна уйланаётган эрканлар...

– Вой, ўлмасам, вой шўрлик келин... Аниқму? – оқсоч хотин худди эри ўзининг устига хотин олинаятгандай, аянчли бош чайқади. – Шўрларига шўрва тўкилибду-ку, бечоранинг!? Энди Гавҳаршод бегимнинг аҳволлари не кечаду?

– Нега шўрларига шўрва тўкиладур? – эътироз билдирди фаррош аёл. – Гаҳаршод бегим сиз бирлан менмидики ҳолларига маймунлар йиғласа! Кимсан, салтанатнинг номдор амирларидин Ғиёсиддин тархоннинг қизлари-ку! Ҳеч бўлмаганда шахзоданинг канизаклари бўлиб ўлтирадулар!

– Канизак? – бурнини жийирди оқсоч хотин бошини сарак-сарак қилганича. – Гавҳаршод бегим ўлса ўладурларки, лекин канизак бўлмайдулар! Шундай гўзал, ақлли маликанинг канизак бўлишларини ҳатто тасаввур ҳам етолмаймен!

– Дунёда тасаввур қилиб бўлмайдургон нарсалар кўп, лекин бошга тушгач, кўраберадур. Канизак бўлмасалар, ўзларига қийин, унда, шимириғларини тортиб, уйларига кетадурлар! – ишонч билан ўзининг гапини маъқуллади фаррош аёл. – Эҳхе, дунёни сўраган не-не шахзодаларимизнинг волидалари ҳам вақтида “кетмаймен” деб кўришган. Оқибати не бўлган, эшитгансизу?!

– Эшитишга эшитганмен, лек, дунёи кўтир, устига ўтир деганларидай, вой, бечора... – ёнидаги ошпаз қизнинг қулоғи динг бўлаётганини сезган оқсоч хотин гапни калта қилди. – Ҳай, майли, элдин бурун фол очмайлик, вақт кўрсатадур!

– Мендин эшитмадингиз-а? – кўзини қисганича, қайта уқтирди фаррош аёл. – Ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп!

– Мендин кўнглингиз тўқ бўлсун! Лекин... – ёнидаги ошпаз қизга ишора қилди оқсоч хотин. – Ёнимиздаги қулоқ бўлмасин, ишқилиб...

– Қулоқ бўлса ўзига қийин! – оқибатига шаъма қилганича, пўписа оҳангида гапирди фаррош аёл ошпаз қизга эшиттириб. – Билурсиз, гап етказган кафансиз кетадур!

Фаррош аёлнинг шаъмасидан энсаси қотган ошпаз қизнинг тили қичиди-ю, лекин гап пойлаётганининг исботи бўлиб қолмасин учун охиригача сабр қилди. Ёнидаги ҳамроҳининг сўзларини маъқуллаётгандай, у томон энгашиганича, нимадир деб, қикирлаб қулди.

Кейин фаррош аёлнинг гапига қасдма-қасд, кафансиз кетишдан ҳам кўрқмасдан янгиликни айлантириб-айлантириб, семиртириб, тўн кийдириб, Гавҳаршод бегимнинг қулоғига ўзи етказди. Ҳайитликдан кўнгли яйраган Гавҳаршод бегим сарой этагидаги кўшқиди, бир ҳафта олдин овга кетган эрининг келишига ясан-тусан қилганича, қошига бошқатдан ўсма қўяётган эди. Шунинг учун аввал ҳеч нарсага тушунмади. Канизагига эргашиганича, кўшкнинг зиналаридан йиғлаб чиқаётган ошпаз қиз, гапининг индаллосини айтолмай, ҳиққиллайвергач, тоқати тоқ бўлган Гавҳаршод бегим канизагини чақирди.

– Ҳай, нима бўлибдур, бечора қиз нега йиғлаётир?! – деди кўнгли хижил бўлиб.

Канизаги ҳам ошпаз қизнинг дийдиёсига қўшилгач, кўнгли ёмонликни сезгандай, ўрнидан сапчиб турди.

– Вой, ўлмасам, тинчликму?! – деди қизларнинг ёнига учиб келаркан ва йўл-йўлақай, ёнокларига оқа бошлаган ўсмани сидириб ташлади.

– Оҳ, маликам, бул хабарни мен айтмасам, сиз эшитмасангиз қошки эрди... – деди ранги оқариб кетган канизак қиз ҳам ошпаз қизнинг гапини қандай етказишни билмай титраганича. – Шахзодамиз ҳазратлари...

Гавҳаршод бегимнинг хаёлига келган биринчи нарса, “Овда юрган шахзодага бирор бир кори хол бўлган”, деган ўй бўлди ва юраги орқасига тортиб кетди. Чунки ўтган йилги овда шахзоданинг энг номдор амирларидан бири йўлбарс тутаман деб унинг қурбони бўлганди.

– Ҳай, қиз, сўйласанг-чи, тезроқ, шахзодамизга не бўлибдур? Тирикмилар ишқилиб... – деди овози титраб.

Давоми бор



Восил бўлгум кайҳоний сирга

ЖАМШИД

Илҳом оғушида

Олтмиш йил қошимда юлдузлар тошар,
Ой чиқар орзумнинг кучоқларида.
Буларни қолдириб умр қайга шошар,
Бўтакўз гуллайди сўқмоқларимда.

Бағримни ел сийпаб шеърлар ўқийман,
Бу шан дам, икболим, бахтимга атаб.
Шу лаҳза ҳеч тугаб қолмаса дейман,
Руҳимда кезинса шундай нозик таб.

Ҳар йил адирларга чиқиб ҳайқирсам:
Салом бинафшалар, салом булбулжон.
Илҳом оғушида тўлғониб турсам,
Осуда яшаса юртимда ҳар жон.

Оҳ, шундай пайтларим қайтармикан, оҳ,
Умрбод кузатсам юртим ёз, қишин.
Бўй етган набирам айтармикан:
– Сизни эслатади ойнинг чиқиши.

***ЖАМШИД** – 1948 йилда тугилган. Хўжанд давлат педагогика институтининг та-
рих факультетини битирган. Шоирнинг ўнлаб шеърӣй ва публицистик китоблари нашр
этилган.*

Омонат

Нафас ютди тили бурролар,
Ўйга чўмди аҳли диёнат.
Эй, воиз-а, бунча сайрадинг,
Билмасмидинг, сўзинг омонат.

Кўзи очлар семирди обдон,
Болалади битдай хушомад.
Бир кун дамдан тушиб, кўрдики,
Давру даврон экан омонат.

Илмдорлар чаппа тўн бичди,
Гўё фанда кўпди қиёмат.
Терс шарҳланди кўп хулосалар,
Бу жабҳа ҳам экан омонат.

Болам, вазмин қадам бос мудом,
Илло, сендан кетмасин омад.
Бу ўткинчи, ёлғон дунёда
Мен ҳам, сен ҳам, ҳамма омонат.

Муҳаббат

Гина қилма мендан унутибсан деб,
Юрак қарийдими яғонам, жоним?
Сен, ахир, бир умр ҳаётимга зеб,
Порлоқ ёдинг билан ўтар замоним.

Учрашиб қоламиз икки дуоғўй,
Гаплар ҳам нуроний кексаларга хос.
Оҳ, қандай унутаи ... сеникидай бўй,
Кўзлар... набирангга ўтибди, холос.

Кайфият

Муз қозонин қайнатар қуёш,
Шарбат чак-чак томар тарновдан.
Шамол сийпаб олмаларини
Қиз мўралар кўшни ўтовдан.

Лабларида шудринг ялтирар,
Дили қизиб ютоқар йигит.
Чиколмайди бесўроқ четга,
Бўй етганлар ўлтиради хит.

Яхмалаклар эрир асалдай,
Келиб қолди баҳорой иси.
Туйғулари ғунча очадир,
Оқ, қизилга бўялар юзи.

Кўкдан сариқ ёғду ёғилар,
Қоқи – сариқ, бойчечак – сариқ.
Тўрхалтада сапчиб излайди
Маст бўлган жуфт бедона тариқ.

Меҳмон букун қор-қиров, оқлик,
Яшил тошар ҳадемай қирга.
Қуй туғилар вужудимда, оҳ,
Восил бўлгум кайҳоний сирга.

Кўкламой

Кўкламойнинг келишидан
Юраккинам кўклади.
Кўзичоғим-кўзмунчоғим
Барра ўтда ўтлади.

Оқ булут-о, оппоқ булут,
Қаерларда бўлдинг, айт?
Чулдур-чулдур ёмғиржонлар
Тўқияпти ғазал, байт.

Кўнгилгинам эзилди, оҳ,
Болалигим қайтсайди.
Неварамга ўртоқ бўлиб,
Би-ир бойчечак айтсайдим...

Ун берарди қўшни кампир,
Кулча берар келиной.
Ул бойвачча куёвтўра
Танга берар, ҳойнаҳой.

Оқшом чўккан. Тупроқ кўча,
Чанги чиқар “айтиш”дан.
Мингта кўчқор эгасидай
Бой бўлардик қайтишда.

Ўйинқароқ болалигим
Кел, юзингни кўрайин.
Адирларда улоқ бокиб,
Ширин хаёл сурайин.

Беғуборим, навбаҳорим
Қўлларингни бир ўпай.
Олиб кетгин қайга борсанг,
Изингдан қувлаб етай.

Овоз бердим, етолмадим,
Ул сеҳрли онимга.
Ўпкам тўлди, сени эслаб,
Бир марта, кел, ёнимга.

Кўкламойнинг келишидан
Юраккинам қўклади...

Фасллар

Осмон гулдиради, ёмғир шивалар,
Висолга ошиқдик қору дўл демай.
Мени иситарди сўзинг, нигоҳинг,
Сувларни кечардик арик, кўл демай.

Осмон гулдиради, чақмоқлар чақиб,
Шамоллаб қолмай, деб титрайман дир-дир.
Гапингни қисқа қил, ярим кеч бўлди,
Ёмон толиққанман, ухлайлик, кампир.

Қишлоқ соғинчи

Рухсат олиб йилда бир маҳал,
Қишлоғимга шошардим қушдай.
Оҳ, қирларим, оҳ, булоқларим,
Болалигим ўтибди тушдай.

Лек, дилимда армон бор, не у,
Адирлардан топиб олардим.
Қайтар чоғим кузатиб маъюс
Боғ-роғлар қўл силтаб қоларди.

Йиллар ўтди, бесоҳиб итдай
Кезарканман ўтлоқларимда.
Данғиллаган уйлар кўрдиму
Меҳр топмадим ўртоқларимда.

Соч оқарди, энди англайсан,
Йигитчалар ким бу, дер мани.
Момоларим, бобожонларим,
Мен соғинган қишлоғим қани?

Тўртликлар

Холиким, умрки покроқ бер менга,
Сарфингни мўл этмай, озроқ бер менга.
Соф ҳаво, сувингга шукр айтиб кетай,
Сепсинлар бир сиким туфроқ бер менга.

* * *

Кўрдик, томошага бир ҳавас дунё,
Бирга тилло кўза, бирга хас дунё.
Маъюс ўлтирибсан, нечун укажон,
Тур, кетдик, кўзёшга арзимас дунё.

* * *

Худойим қабокни қошдан қорибди,
Бошимизни қаттиқ тошдан қорибди.
Бунча нолакормиз, энди ўйласам,
Вужудимиз лойин ёшдан қорибди.

* * *

Хўб кездим, умрнинг кенг бозорида,
Кимларга ёқдимۇ кимга ёқмадим.
Бир хуржун зар кўрдим қаллоб қўлида,
Аммо, оч кўзида ҳаё топмадим.

* * *

Ғам, шодлик пойимда юрар эргашиб,
Қисмат йўлларида олис кетибман.
Шодликни қавмимга тақсимлаб бериб,
Барча андуҳини ўзим чекибман.

Йироқлардан берар ажиб сас



Фарида ХУСАИНОВА

Кўнглимда баҳор

Борлиқ узра кезар илдамланиб куз,
Сукут оғушида ухлар дала-туз,
Жилғалар юзида нафис, ҳарир муз,
Лек, менинг кўнглимда гуллаган баҳор.

Боғлар теграсида шаффоф бир туман.
Қишки уйқусига чоғланган чаман.
Бир ҳис юрагимга ташлаган каман,
Лек, менинг кўнглимда гуллаган баҳор.

Дарахтлар эгнида қабо ранго-ранг
Япроқчалар олтин, яшил, олов ранг,
Заминга бош қўяр сассиз бир жаранг,
Лек, менинг кўнглимда гуллаган баҳор.

Чакмоқ чақар, бирдан ёришар осмон,
Орзули юракдан қувилар армон,
Еллар – ҳисларимга моҳир таржимон,
Лек, менинг кўнглимда гуллаган баҳор.

Фарида ХУСАИНОВА – 1959 йилда туғилган. Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Шоиранинг “Сунбулгинам”, “Порлаётган ишўла”, “Кўнгил кўзи”, “Борингизга ишкур, яхшилар!” номли шеърӣ тўпламлари ҳамда “Шеърӣят тили халқчиллигини таъминловчи лисоний воситалар” номли монографияси нашрдан чиққан.

Гул – буток эғнида қордек оқ тўнча,
Бошида ардоқли сирли тугунча,
Қалбим боғларида ниш урар ғунча,
Чун, менинг кўнглимда гуллаган баҳор.

Ҳақнинг йўли

Шахмат каби асли бу дунё,
Оқ ва қора рангдан иборат.
Ҳақиқатнинг ракиби рўё,
Тунлар кунга элтади, албат.

Ҳар кимсага ёқмайсан бирдек,
Суймагани суйдириш қийин.
Меҳр – боғда очилган гулдек,
Қаҳр – тикан кўрсатар бўйин.

Гулга даркор эътибор, ҳавас,
Чирмаб ўсар зарпечак – ҳасад.
Қора эрур нафратнинг туси,
Оппоқ гулдек меҳр-муҳаббат.

Шахмат каби асли бу дунё,
Борар доим аёвсиз кураш.
Ғолиб меҳр кун номли зиё,
Ҳақнинг йўли билмайди нураш.

Гуноҳи азим

Ойга етиб борди инсон оёғи,
Етти қават осмон сирлари ошкор.
Олис сайёралар қилинди тадқиқ,
Қолмагандай гўё бирорта асрор.

Лекин очилмади бир қитъа хануз,
Бир қайнар булоқнинг кўзи яширин.
Бағрида оташли вулқонлар бисёр,
Бир хазина ҳамон сақлайди сирийин.

Ким ё нима у? Осмон, денгизми?
Ўзи кимлигини билмас ўзи ҳам.
Уни деб қуймаган, севмаган зот йўқ,
Дардингиз аритар дилларга малҳам.

Оллоҳнинг бетакрор мўъжизаси у,
Шу қадар ҳайратли ундаги иқлим.
Ундан нур олмаган, куч олмаган ким,
Донолар тубига етмаган билим.

Аста қадам босар сассиз, шарпасиз,
Ёнингиздан ўтар бир боди сабо.
Этакларин майин шилдирашидан
Таралар атрофга тилсимий наво.

Бу мўъжиза аёл – она Ҳавонинг насли,
Аёлни тушуниш, катта бир билим.
Қалбин англамаслик – ғофиллик асли,
Уни танимаслик – гуноҳи азим!

Сен – шамолсан

Сен – шамолсан, эрка бир шамол,
Лекин, кафтда бўлмайдиган тутиб.
Ширин ҳаёл, учқур бир ҳаёл,
Жон ўртанар бўлмас унутиб.

Сен – ҳавосан, тоза бир ҳаво,
Ҳаволарки, тўлмас кучоққа.
Йироқлардан таралган наво,
Айланарман шунда қулоққа.

Тоғ ҳавоси беғубор тоза,
Энтикиб дил олади нафас.
Йўл беради қалбдаги роз-а,
Йироқлардан берар ажиб сас.

Учдим, пастда қолди шамоллар.



Саломат ВАФО

Лайлак хотин

Ҳикоя



*Худо қушларни суюб оғочларни яратди.
Одам қушларни севди ва қафасни яратди.*

Жак ДЕВАЛЬ

Оқ, сариқ, кизғиш чироқлардан мунчоқ шодалари таккан гўзал Истанбул атрофини куршаган Мармара денгизининг олис-яқинига жойлашган тўққиз оролдан иборат “Шаҳзодалар ороли” томонда недир содир бўлган эди. Ороллар устида ёпинчикдай осилиб турган бутлутлар қирмизи, қонталаш тусга кирганди. Осмонда катта Айиқ юлдузлар тизимининг ердаги аксидай тўққиз оролдан иборат ҳудуд шимол тарафдан жуда узокда бўлса-да, Буюк Адалар осмони Шимолий қутб нурланишидай алвон рангга кирганди. Денгиз шамоллари ороллар тарафидан йиғи-сиғи, дод-фарёд, кемаларнинг вупиллаши ва итми, бўриларнинг увиллашини олиб келарди. Мармара денгизи ҳаддидан ошиб йиллар давомида оролларга келиб жойлашиб ўтроклашиб қолган тўрт минг нафар одамнинг ўтакасини ёрарди. “Эй, гафлат босган бандалар тур, тур, уйғон... Оёққа қалқ... Бу ерга бадарға қилинган сон-саноксиз шаҳзода ва маликаларнинг аҳволи не кечдики, сизники не бўлар. Увв... увв... мени Мармара денгизи дейди, ҳатто сувимда денгиз қушлари, очкўз бўрон қушлари ҳам музда сирғалгандай сирғалади. Буюк Адалар не бўлибди... Мен қолган Хиналиада, Садафадаси, Яссада, Сивриадани кемаларга йўл кўрсатадиган маёқ-паёғи, X асрда қурилган монастири ва бўрига дўнаётган гала-гала итлари билан киприк қоқмай ялмаб юбораман. Увв... мен Мармараман... бағрида поезд вагонларидай улкан китлари, йиртқич ақулалари, заҳарли илон, саккизоёқлари, тиним билмас овсар чавақ балиқлари, бугун ва қадим замоннинг чўккан

Саломат ВАФО – 1962 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Фарида”, “Ўзини излаган аёл”, “Кўнгил фариштаси”, “Тилсим салтанати”, “Оворанинг кўрган-кечирганлари”, “Қора бева”, “Номсиз кема” ҳикоя ва романлари нашр этилган.

кемаларининг оламнинг ҳарир белбоғидай кийим-кечак қолдиқлари, елим идишлар, ўз нафси курбони бўлган бўронкуш суяк саноклари, қанотлари, аллақандай эски шаҳар суврати, китоб муқовалари қолдиқлари илашиб қолган тўрларини қийналмай ютадиган мармара денгизиман”, дерди.

Яқинда касал бўлиб ётиб қолган Сабиҳа Султон бегойимга энага бўлиб келган, Қора денгиз орқали яширин сувлардан ўтган ўттиз ёшдан ошган Анжеланинг ўтакаси ёрилаёзди. “Саби... Саби хоним... эй хола... Худоё, ўзинг сақла...” дерди уйқусираб хизматчи аёл, нимқоронғилик бағридаги қоронғи уйда. Тўлқинлари Атлантик океанига тутшиб кетган кўпикланаётган Мармара маккор ишвагар хотиндай тўрт томони сув билан куршалган оролдаги ҳар сафар бўрон, сел ёмғирларда кўмакка Худони чорлайдиган тўрт минг нафар осуда уйқуда ётган гуноҳкор бандаларининг ойнаси остида ваҳшат билан долғаланарди. Гўё орол фуқароларини осойишталикка ундагандай аллақасда қарда сувнинг у томонидаги она Истанбул тарафдами қутурган тўфонлар, куш қичқириклари, улкан кемаларнинг Босфорда бир-бирига тўқнашгандай “Гумм... Гум...” этган товушлар қоришиғида узук-юлук азон саслари келгандай бўларди. “Ҳаййа ас солат... ас солат...” Ер юзи, дарё-ю-денгизларни чирпирак қилиб айлантираётган қадим Сулаймон пайғамбар девларининг наъралари ичидан бу ҳаёт каби азиз товушларни миллион саслар ва миллион тақдирлар, олис Византия давридан ҳали она шаҳар Константинополь давридалигидаёқ бу оролларга келиб айрилиқ ва хўрликда жон таслим қилган миллион тақдирлар хотиралари садолари ичидан ажратиб оларди.

“Шукур... шукур...” дерди пичирлаб энага Анжела. “Тинчлан, тинчлан Анжи. Ой туғди ана кўрмайпсанми, қандай гўзал... Сув тортилётир... Ҳозир сув қайтади... Мармаранинг шалоплашини кўрдингми ўрўсмир қиздай Ойга бўйсунмай осмонга сапчийди... Ҳозир ҳаммаси тинчийди...” деди хоним уйқусираган ҳорғин овозда. Унинг овозидан ҳаёти давомида бундан оғир пўртаналарни, сув тошиб эшигидан тошбақалар, шилимшиқ мавжудотлар, бўйбермас балиқлар кириб келган кунларни кўргани билиниб турарди. “Увиллаётган, йиғлаб, фарёд чекаётганлар ким бўлди Сабиҳа хоним...” Қўшни хона томонда биров сукунат чўқди. Мармара ишвагар хотиндай тўлғониб, эркаклар ишлайдиган қирғоқ кафелари, бегойим ва энага қизнинг деразаси олдида ипак этакларини кўтарарди. “Бу товушлар қирғоқдаги хотел ёки кафедан келаётир... Ухла, ухла эртага сени зўр қаҳвалти ейиладиган жойга олиб бораман, кўриб хайрон қоласан... Қадимий осуда, кўрсанг аввалги Истанбул дейсан... Ухла...”

Чор-атрофини денгиз куршаб олган Буюк адалар ороли соҳилидан уфқ чизиғига тутшиб кетган мовий борлиқ узок-узокларгача кўринарди. Байроқлар ҳилпираётган, турли-туман мусиқа таралатган, уч-тўрт қаватли уйлар ва кўм-кўк оғочлар қоплаб олган Буюк Адалар, яқин орадаги “Шаҳзода” ороллари тизими осмонини тўлдириб, учиб юрган мазахўрак бўлиб қолган бўрон кушлари, чайкалар оролга келиб-кешиб турган Туркиянинг ой ўроғи акс этган қип-қизил байроқларини ҳилпиратган сайёҳ кемаларга ҳарбий самолётлар каби хужум қилишарди. Улар ҳавонинг ўзида чиғиллар, бир-бири билан чўқишар, емак илинжида қирғоқ бўйи кафеларига вақт-бевақт хужум қилиб туришарди. Баъзан, XXI асрнинг турли оғулари билан заҳарланган мутантлашган ўрдаклар, қирғоққа яқин юрган хонаки куркалардай йирик бакланлар ҳаво хужумида умумий лашкарлар қаторига қўшилиб қора булутдай ёприлишарди. Кушлар ҳар сафар қўнганида гўё энг сўнгги бор патлари шамолда учиб оёғи ва куйруғи ҳар тарафга солланиб, ўзи йиллар давомида ўрганиб қолган турли емаклар пишадиган кафеларнинг яқинига бориб қўнарди.

Анжела оролга илк келган кунлари оқ булутлардай кўкка кўтариладиган денгиз кушларини яхши кўриб, уларнинг фонида ўзини тинмай расмга оларди. Мармара денгизи қирғоғи яқинидаги Лайлак уясига чиқадиган бўлгани учун улар билан ёвлашиб қолди. Хотин кўзлари билан Туркиянинг аллақайси вилоятларида катта лавозимларда ишлаган, отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган Сабиҳа Султон айтган тунги шовкин-сурон қайси хотел ёки кафелар томондан келди экан, деб изларди. Аммо ҳашаматдор оқ, қизил, қаймоқранг тусли меҳмонхоналар мовий борлиққа қараб қад кериб турар, “Balikxana”, “Isparakofte” каби ёзувлар битилган, баъзиларида тунги чироқлари ўчирилмаган соҳилбўйи тамадди кафелари саҳни тим-тирс кўринар, хизматчилар эшик олдларини кўпиклаб ювиб юришарди. Олисдан туманлар ичра оқариб кўринаётган кемаларнинг вупиллаган товуши келарди. Мусиқа саси эшитилмас, сайёҳларга хизмат кўрсатиш эвазига яшайдиган орол одамлари тунда кеч ухлаганлари учун уйғонмаганди. Балки, Буюк Ада оролида ўзича буюк ҳаёллар билан яшайдиган Анжела, дайди итлар, мушуклар, денгиз шамоллари ва очкўзликда бир-биридан қолишмайдиган денгиз кушлари уйғонган эди. Сабиҳа султондан изн текканда, бир вақтлар миллий колоритни кўрсатиш учун орол эгалари томонидан қурдирилган ердан уч-тўрт метр баландликдаги зинали лайлак уясига чиқиши билан чуқур нафас оларди. Негадир шу баландликка чиқиши билан кўз олдига туғилган ери Моноқ элатидаги Шовот кўприқдан тушиладиган йўл ва унинг ўнгидаги дарахтзор келарди. Қайсидир турк меъморининг ғаройиб фантазияси билан қурилган лайлак уясидан оролнинг тўрт томони қафтдай кўринар, айнан шу ер, тинч-осойишта маскан унинг умри, хотиралари билан боғларди. У аввал уйдаги уриш-жанжаллар, келини билан келишмовчиликлар сабабли элат хотинлари билан Қозоғистонга жўнади. Барчасининг сабаби эрдан қайтиб келганида, ота-онаси дунёдан ўтиб, мактабда 3 синф болаларини ўқитиб пул топса-да, оиласига сиғмай қолганида эди. Кўзига ёш келди... Неларни кўрмади: Қозоғистондан яна хоразмлик хотинлар билан Россиянинг Самара вилоятига бориб қарам полизида ишлагани. Кечалари парник ичида ухлашгани... Омборхонада ётган моноқли беш нафар йигирма-ўттиз беш ёшлар орасидаги моноқлик йигитлар тириклайин ёниб кетгани... Уни ва оиласини танийдиганлар, унинг хотиралари ёнгани.. Ўртада турган ўзбек хотинлар буларнинг пулини бермагани... Бир ҳафта давомида кўчада қолишгани. Бошларига ит кунли солишгани, полиция изоляторида майпарастрлар, тунлари пултопар дўндикчалар билан сасиб-бижғиб беш кун ўтиришгани... Салкам бир йил қиш давом этадиган совуқ қорли Россия ҳаётидан сўнг, иссиқ тропик иқлимга яқин Мармара денгизидagi Буюк Адалар бамисоли жаннатдай эди. Россияда пайтида Туркияга боргач бирон ёш болага энагалик қиламан деб ўйлаганди, аммо Сабиҳа Султонни кўриб, бегойим хотиннинг гап-сўзида недир таниш, азиз ҳолат борлигини кўриб қарорини ўзгартирди. Сабиҳа Султон хоним уйининг иккинчи қаватида яшайдиган ўзбек қизлар билан ҳам Россияда танишган эди. У Россияда қарам экилган иссиқхонада ухлагани, қарам парвариш қилгани ва егани қарам бўлгани учун ҳозир ҳатто дўкон витринасида турган қарамни кўриши билан кўнгли ағдариларди. Яна кушларнинг саси қулоғига қиради, гўё бўрон кушлар, чайкалар унинг осмонига, эркига дахл қилаётгандай тинмасди. Хотин: “Қанотларинг узилиб тушсин сени учар динозаврлар, ит тўяди, мушук тўяди, бу ялмоғизлар тўймайди, илойим товушинг Қора денгизнинг остидан чиқсин, илойим қанотларинг чингул ва чаловларга илашиб сувга чўкиб ўл...” деб қарғарди чайкаларнинг бир-бирини чорлаган чинқирик товушини эшитмаслик учун қулоғини беркитиб. Қайси бир сайёҳлар уяга кириб овқатлангач ва ҳар сафар

нон, қоврилган лимонли балик, катта-кичик пишлоқ бўлақларини қолдириб кетишар... Ялмоғиз чайкалар энг моҳир исковуч итдай лайлак уясини ҳам топиб келганди. Болалигида кўзини тонгларда қумриларнинг “Ку-ку”лаши, чумчуқларнинг живир-живири билан очарди. Тупрокли ерда қанотини сариб юрадиган қумриларни “Хуббининг куши, хуббининг куши” дейишарди. У даврда гўё фасллар алмашиши, баҳорнинг келиши қушларнинг рангига ҳам боғлиқ эди. Кўк қарға келиши билан ўрик, олма, олчалар гулларди. Қалдирғоч жуфти билан келиб айвонларга уя сола бошласа, онаси энди сени қулоғингни тешдириб бўлмайди, тешилган қулоғинг яра бўлиб кетиши мумкин, дерди. Ҳар йили чиройли сирға тақолмай қолиб кетадиган қиз айвон, даҳлиз, уй шифтларини айланиб, орада “чиир” этиб овоз чиқарадиган қалдирғочларга хитоб этарди. “Сал эртароқ келсанг, бўлмасми, қалдирғоч... гоч... гоч...” дерди қалдирғочни ёзғириб. Амударёни қирқ дарра уриб ҳам ўзига итоат эттиролмаган ўз ўзанини бузиб, ўзгартириб оққани учун телба Жайхун дея номлаган дарё-денгизларининг шоҳи Сулаймон пайғамбар, даррасини бир уриб ўз измига бўйсундирган мулойим Қора денгиз не-не тақдирлар, Султон Аҳмад Фотиҳ кўпригидан денгизга ташлаб ўлган одамлар, дунёнинг ҳар жойидан уруш бўлган Сурияга йўл олган қурол ортилган кемада кимлардир чўқдириб юборган қуроллар, бомбалар, узоқларга отадиган замонавий замбараклар маржон қоялари остида ўзлари билан содир этилмаган қотиллик, ўлимлар солномасидай осилиб ётарди. У куни туш пайтида кечаси билан қутурган тўлқинлар соҳилга хотинлар, болаларнинг кийимларини, шапкача ва кичик туфли, крассовкаларини чиқариб ташлабди. “Эгалари қаерда экан буларнинг?” деб ўйлади. “Бу Сурия урушидан қочган қочқинларнинг бечора болаларининг кийимлари”, деди ишини тухтатмасдан оролга келадиган сайёҳ хотинлар, қизларнинг баданига дириллатиб кўк ва ботқокранг тату чизадиган Ҳусайн Ақбош. Аммо барча сир-синоат, ҳайкириқлар, жон талвасасидаги қичқириқлар, она деган нидолар, кулгилар ва ҳасратлар тунлари Ой томон тортилиб кўтариладиган тонгда чекинадиган денгиз сувлари оралиғи масофаларида қолиб кетганди. Шу сувларнинг қайси тарафидадир, балки ғарб томонида денгиз ўртасида қолиб кетган, балки инсониятга мангу армон бўлиши учун сув ўртасида қаққайган “Қизкуле”си бир кунмас, бир куни сувга ботиб кетмай дея фарёд чекади. Оламнинг машҳур ТВ каналлари оламни сув босишидан дунёнинг ягона севишганлар шаҳри бўлган Венеция, орзулар мамлакати бўлган Америка, ўз жажжи оролларида ўзлари яратган миллионлаб роботлари билан миниб ўтирган чўмолидай меҳнаткаш япон ерларини сув босади. Инсониятнинг гуноҳи: бир-бирига ўқ отгани, ерини босиб олгани, гўдақлар ва оналарнинг қонини тўққани, яратмишнинг иродасига қарши чиқиб хотиндан эркакка, эркакдан аёлга айлангани учун учун Худо бандаларига, “Бўғзингача сувга кўмаман, бойлик, хирс йўлидаги кўнгил майлларингни денгиз остида саккиз оёқларга ва юнус балиқларга айтасан”, деб қаҳр этарди. Кўм-кўк осмон, мовий кўкдаги оқ булутлар ортида, куёш нурида борлиққа кўкрак кериб турган мағрур турк байроқлари ортида Истанбул гўзал хотиндай ястаниб, нозланиб ётарди. Бир тунда Анжела ва бошқа ўзбек қизларни катта миқдордаги пул эвазига Грузия орқали Туркия қирғоқларига ўтказиб қўйишганди. Уни олиб келган кемада йигирма чоғли қочқинлар бўлиб, уларнинг аксарияти ёш-ёш чиройли қизлар эди. Тунда чироқларини ёқмаган кемада аёллар бир-бирига бошдан кечирганларини, уйдан қувилгани, эри қалтаклагани, уч ёшли боласини онасига ташлаб келаётганини айтиб ҳасратлашишарди. Кема чайқалар, денгиз осмони қоронғи эди. Аммо шу улкан сувлиқлар, яширин ҳолатда сузаётган кема, серсоқол одамлар, кўчага чиқмай беркиниб ётгани, очлигидан баланд туйғу

бор эдики, бу “Истанбул” сўзи эди. Гўё янги ҳаёт истаб келаётган хўрланган хотинлар тўпи учун Истанбулда жаннат дарвозалари очиларди. Уларни қимматбаҳо ресторанлар, фаранг атирлари иси, нимқоронғиликда роҳатбахш ялтираётган момик кўрпа-тўшаклар, қаерлардадир яхталарда сузиб юрган, хув анов осмонўпар биноларни кураётган, ҳар сайловда Туркиянинг бир қарич тошли зилзилалар титратадиган ери ва кафеларда мазали емаклар пиширадиган мўйловдор турк ошпазлари берадиган овози учун ёқа бўғишадиган сиёсатчиларнинг, бойлар, санъат, телеюлдузларнинг белбоғига боғланган... Жингалак соч, мовий кўз турк болачаси ва сепкилдор қизчалар кутарди. Дарё-денгизлар оша ўз тақдирини излаб келаётган қиз-жувонларни парку, ипакли кўрпалар остидаги турк болача ва қизчаларининг мангу қўшиқлари кутарди. Қоронғи ялтироқ денгиз ва зулмат орасида олисдан кўринаётган бўйнига мунчоқ таққан аёлдай чироқларга кўмилган Истанбул эди. Улар Истанбулга кетишаётганди. Хотинлар Истанбулга етиш учун ҳар қандай хўрлик, таққирлаш, топташларга чидашга рози эди. Истанбулга етса бўлди, у ерда жаннат дарвозаси очилади. Ҳали эсида тун қўйнида соҳилга тушгач хотинлар ўзларини мижозлари оз бўлган кафеларга уришди. Гўё эртага Исрофил сурнайи чалиниб бутун инсоният қирилиб кетадигандай, “Кўфта кебаб...” дейишарди аёллар тўтиқушдай уйқусираган официант болаларга... Ярим тун бўлса-да, соҳил кафеларида юзларча канали бўлган Туркиянинг машҳур радиоларида турк оҳанглари янграб турарди. Қувноқ бошловчининг “Севгили севинжилар Бурсадан Ўрда Қора гелиёёор”, деган қувноқ товушлари эшитиларди. Сўнг радиодан тантанавор серенада саслари тараларди. Анжелагина турклар “Маржимак чўрба” дейдиган шўрвасини олиб ичганди. Қуюк шўрванинг иссиқлиги ва лимон таъми вужудига худдики Истанбул сўзидай роҳатбахш бўлиб ёйилган эди. Гўё у бошқа хотинлар каби ўз-ўзидан жилмаяр ўзини бегона шаҳарга эмас, онасининг уйига келгандай фароғат туярди.

Аёл уясида ўтирган пайтлар ялмоғиз бўрон кушлари ва қирғоққа келиб кетаётган сайёҳлик кемаларини ёмон кўрарди. Миясидан кечаётган фикрлардан бироз чўчийди ҳам, балки у энди ўзини эркин ва озод қуш мисол ҳис қилиб, Буюк адалар осмонини безбет ва олғир бўрон кушлари, чайкалардан қизғанаётган эди. Гўё кемалар келтираётган минглаб сайёҳлар, таътилга келган елкалари қуёшда қизарган хотинлар, шўртик ва сандал кийган эркаклар унинг ҳузури, хотираларини бузар, эркинлигига даҳл қиларди. Шу дупур-дупур келаётган оломон бир-кунмас бир куни умрининг гўзал хотиралари билан боғловчи лайлак уясини бузадигандай... “Тумшугинг қирғоққа сунчилик пачақ бўлганини гўргайман...” дерди Анжела сайёҳлик кемаларини туркча хоразмча қарғаб. Кема матчаси, очик деразаси, палубага чиқиб турган юзлаб одамларнинг ортида ялтираётган ойналарида акс этаётган қирғоқдаги қора, яшил, паст-баланд 20–30 қаватли ойнаванд уйлари тилсимланган кентдай қотиб турарди. У буғ ва булутлар ортида ястанган шаҳарга боқиб, нега жами турк қавми Истанбул дея ҳасрат чекади деб ўйларди. Бундан ўн беш йиллар олдин Марказий Осиё мамлакатларини ларзага солган “Қуртлар водиси”си номли сериал фильмининг кўрганини эслади. Кинонинг кўча ҳаёти етиштирган қаҳрамонларидан бири Чақир Истанбулга бир гўзал ёрдай мурожаат қилади. Ва Қора, Мармара, Эгей денгизи орасида ястланиб ётган Истанбулга “Оҳ, Истанбул санго на бўлди?...” дейди. Туркларнинг улкан ёзувчиси Ўрхан Памук ҳам ўз ёшлиги кечган Истанбулни йўқлаб Тақсим майдонини кезиб ҳасрат чекади. Сезен Аксу “Оҳ, Истанбул”, дея нола чекади ўзининг залворли овози билан. Ҳатто қайси бир сайёҳ унутиб қолдирган “Гўлгалар” деган китобни ўқишга меҳри борлигини билиб унга

тутказишди. Шу китобнинг муқовасига ҳам “Истанбул силинийор”, яъни Истанбул баҳорги мойчечаклардай тўзғиб кетмокда деган фикр бор эди. Истанбул бундан йигирма йил олдин, ўттиз йил олдин, осмонларга қад ростлаб турган қушлар ва булутларга қўшни уйлар қурилмасидан олдин қандай бўлган экан? Назарида барча кўргиликлар Истанбулнинг ўзида эмас эди, аввал Истанбулнинг чет кўчаларига, қишлоқларига ва энг сўнггида “Шаҳзода” оролларида чекинган дунёнинг ярмини маҳв этиб турк байроқларини ҳилпиратган, қўхна Грегорий тарихи солномасида 650 йил ер юзида империя қурган ориятли, саховатли, адолатпарвар турк халқида эди. “Истанбул... оҳ... Истанбул...”

Қизларнинг қаҳқаҳаси қулоғига кириб чўчиб ўзига келди. Мусика, шовқин-сурон қоришиқ заминда кимдир паст овозда эзилиб-эзилиб йиғларди. Бошини кўтариб гуллар ва оғоч япроқлари орасидан ишдан қайтаётган қизларнинг қора, яшил ва чечакли капрон жўрроп кийган ҳамхоналарининг ялонғоч болдирларини кўрди. Апил-тапил ўрнидан қўзғалиб ёғочдан ясалган, ростмана чўп-чарлардан қурилган уянинг зиналаридан югуриб ерга тапиллаб сакради. “Ия, Лайлак хоним ўз уяларида экан-да...” “Анжела сеники зўр, кун узун кун уядан ўтиришдан бошқа ишинг йўқ... Биз...”

“Биз ишқалашда давом этамиз”, дейди Ўзбекистоннинг Чирчиқ шаҳридан келган баланд бўйли калта сочли собиқ спортчи Роза кулиб. “Бугун буюк одамизда не янгиликлар, Анжела. Сабиха Султон олий ҳазратлари биз камбағалларга не емак бермок истагида”. Қизлар бир-бирини эрмак этиб кулишади. “Янгилик сизларда-ю, мен Сабиха хонимнинг кетини ювиб, тоза ҳавога чиқиб-чиқмай ёки уяга етиб-етмай телефоним жиринглайди. “Анжи, нерни газижурсан, очдан ўлдим”, дейди қадимги турк пашшоларининг эналарига ўхшаган, бармоқлари кумуш узукларга тўла оқ сочли келбатдор кампиршо ярим соат олдин еган овқатини унутиб. Унинг устига кунига икки марта кафеларда тамоқ еб бўхчадай семириб кетган мушукларга, “Бор, Анжи кадиларга емак вер, онлар очдан ўлиюр”, деб бир тўрхалта емак билан ташқарига чиқариб юборади. “Ҳа-ҳа, сенга шу Анжи деган яъни туркча Эжа деган номга оҳангдош ном ҳам ярашар экан. Анжела деганда менинг кўз олдимга сочлари жингалак, юрганда ерлар зириллайдиган бўйдор қиз келади. Сен эса илм уриб эрга теголмай қолган чўзинчоқ юзли, қирра бурунли туркманми, хоразмли хотинга ўхшаган қариқизга ўхшайсан. Ҳа-ҳа”. “Бугун ёғли ўрис клиентлардан яхши ишлабсан чоғи... Вақтинг хўш Розалинда...”

“Ўлайми... шунга... Бугун тепсанг ҳам кетидан бир танга тушмайдиган ўзимизни қирриқ уч-тўрт йилдан бери Истанбулда ишлаётган ўзбек болалар келишди.

Қизларнинг кулгиси айвон олди дасторли гуллар ораси, кенг зиналар, бироз қуёш олган турк байроқлари узра акс садо бериб турди. Улар уйга яқинлашиб қолгани учун бармоғини лабига босиб, “Тисс... тисс”, дейишади. Уч нафар хотин-қиз кулишиб банан, авокада, ананас мевалари, нон ва пишлоқ солинган елим халтани кўтариб айвончасига қизил бўлиб очилган гуллар чирмашган уйга киришди. Ўзбек қизлар Анжела ишлайдиган Сабиха хоним уйининг иккинчи қаватида ижарага туришарди. “...ўзбекларинг жуда кўп қуларкан-да, Анжи... дунёдаги энг қабиҳ ишларни этиб яна қулади-я. Аллоҳ-Аллоҳ”, дерди Собихахоним ўзи юрар аравачасида қаддини кўтариб.

“Хоним... Энди улар, тирикчилик, ҳаёт...” “Сўйлама, Анжи, сен сўраганинг учун у икки қизни эвда қўйибман. Бўлмаса ўғлимга айтсам полиция чақириб депорт қилдирадди”. Анжела саксон ёшидан ошган Собиха хонимнинг жаҳл отига минганига дарров унинг аравазини туалет томонга бурди. Хоним юролмаётгани ва

кам ҳаракатлилиги учун қабзиятга дучор бўлар, бундай пайтларда орқадан келганни тешиб, олдидан келганини тишларди. Бу вақтда у хонимга мойли ҳуқна қилиб деворга суяб турғизиб қўйяди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас... хоним енгиллашиб, кайфияти кутарилиб куларди. Анжела ванна шланкасини тортиб олиб бир вақтлар офатижон жувон бўлган Собиха хонимнинг терилари бироз салқиган оппоқ оёқларини, серрайган елкасини, узун қўлларини кўпиртириб илиқ сув билан юварди. Кампир ёш болалардай кулиб тоза бўлаётган баданига қараб севинарди. У хонимнинг баданига хушбўй гелларни суриб, ювилган оппоқ футболка ва шимларни кийгизиб ваннахонага ҳам ёқимли бўйли дезодарантларини сешиб, “Қочинглар, қочинглар Сабиҳа султан гелиюр”, деганича аравагани гилдиратиб чопарди. Арава дигирчаки полларга урилиб деворларига хонимнинг беш нафар фарзанди, набиралари, Туркия Буюк мажлиси, Истанбул эминият бўлиmidан олган ташаккурнома ёрлиқлари, орден ва медаллари осилган катта залга олиб кирарди. Девор ёнида турган пионини зириллаб кетарди. Кампиршо эски турк чиновникларидан бўлгани боис куну тун “TRT Haber”ни кўриб гоҳ президентни, гоҳ Истабул ҳокимлигига намозларни қарғаб ўтирарди. “Туркияни не ёпди бу ҳиссизлар. Шарафсизлар булар инсон дейил, боқ, боқсанга Анжи, не ёпиюр булар Истанбулни, бу қавак бошлар Истанбулни дошларинача кемиражак”, деб сўкина-сўкина қон босими ошиб кетарди. “Оҳ, Сабиҳа ана, сиза на”, дерди хоразмчалаб кампиршони эркалаб. Бундай чоғларда у музхоналари емакдан тўлган ошхонадан хоним яхши кўрадиган зарҳал чашкада олмали чой келтирди. “Дамлашга қачон улгурдинг, Анжи. Ўқитувчи онанг сени қандай меҳрибон қилиб тарбиялаган. Қиз, боқ, сенга чой деб сўйламадим, аммо олма чой истагимни қаердан биласан? Сирли қиз. Мен болаларимни университетда ўқиши, яхши ишларда ишлаши учун нелар ёпмадим. Туну кун ишладим. Аммо бири сенга ўхшамайди. Шу иккинчи қаватга чиқмасанг, ўзинг жуда яхши қизсан ва чиройлисан”, дейди Сабиҳа Султон узун суякдор бармоқларини юқорига кўтариб. “Емак буюрганман. Шуни ол”. Эшик телефони жиринглайди. Одатдагидай Анжела “Талсин” дейди уй кўриқчиларига. Авваллари музхонадаги овқатларни хоним ахлатга ташла дегани учун, Анжела таомларни кампирдан сўраб бир елим халтани тўлатиб олиб кўярди. У турли хил қимматбаҳо таомлар тўла елим халтани олиб юқорига йўналганда “Аллоҳ қаҳр этсин шу дугоналарингни”, дея вайсарди кампир Анжелани юқоридаги қизлардан қизганиб. Аёл буни билар, худди онасининг хузурида кулгандай хохолаб куларди. Сабиҳа Султоннинг онасига ўхшайдиган томонлари, шижоатими, саховатими кўп эдики, Анжела чин дилдан иззатларди. У юқори қаватдаги қизларнинг хонасига кириб борганида қизлар гиламли катта хонада диванга ястланганича ётар, бири телефон ўйнарди. Роза кўзларини юмиб ётарди. Унинг яноқларида кўзёшларнинг изи бор эди. Ўзининг айтишича у мусобақаларда ғолиб чиқиши, тўсиқлардан чаққон сакраши учун кўп маротаба допинг олган экан. Баъзан суякларининг қақшаб оғришига чидай олмасдан, “Допинглар умримга эга чикди”, деб йиғларди. “Туғмаслиги ҳам шу допинглардан эмиш”, деб кўшиб қўйди Камола дегани. “Салом, кридитчилар уюшмаси, қани туринглар, онангиз ўтлоқдан елини сутга тўлиб келди. Анжела чаққонлик билан столни артиб, Сабиҳа хонимнинг музлаткичидан олиб келган турли хил кабоблар, салат, ширинликлар, қутиларда лаҳмажун, пидье, мева сувларини чиройли қилиб териб қўйяди. Шақир-шуқур этиб тақсимча, коғоз сочиқлар ва санчикларни тахлайди. Телевизор ёнида турган узун-узун кумуш идишдаги шамдонни олиб келиб ёқиб қўйди. Хонани хушбўйлар қоплаб олди. Ошхонанинг очиқ деразасидан денгиз шовури, кемалар вуппилаши ва чайкаларнинг ғалати овози эшитиларди. “Ана, сизларга романтик кечки овқат. Қани кўзғалинлар, уюшманинг ялқов дўндикчалари”.

“Ўххў, бундай зўр яшайсизлар, бизни эркалатасанда Анжела. Шунинг ҳаммасини кампиршо буюртма қиладими? Энг зўр рестораннинг дастурхони-ку. Ўтир ўзинг ҳам. Раки йўқмиди?” “Жим. Музлаткичда вино бор, хоним билан иккаламиз бир қадахдан ичиб турамиз. Шундан олиб келарман. Аммо, сизларни раки ичишингизни хоним билса... Кетдим. Агар сизларни ёнингизда ўн дақиқадан кўп қолсам Сабиҳа хоним уриб ўлигимни денгизга отиб чайкаларга ем қилади”. “Э, кампирингни биз билан не иши бор. Пулини берсак, истасак раки ичамиз, истасак рус ароғини ичамиз. Бизга ароқ яхшироқ, Роза опа, ҳам қиздиради, ҳам дезинфекция қилади”, деган Камоланинг сўзларини Анжела йўлакда эшитади. Қизларга емакларни берганига қувониб, зиналардан сассиз тушиб хонага киради. Хоним ювингач бўшашган чоғи, олмали чойни ичиб ухлаб қолган эди. У креслонинг оёқ тарафини кўтариб хонимнинг бакувват оппоқ оёқларига юпка кўрпа ташлайди.

Анжела уяга чиқиб олисан мавжланаётган денгизга тикилиб ўтирарди. Буюк адалар оролига илк келган кунларида денгизни ва мовий кўкка ирғишлаётган кўпикли тўлқинларни соатлаб кузатиб тўймасди. Энди тунлари уйку орасида денгиз шовурини, Босфорда тирбанд турадиган кемалар вуппиллашини ва уйкусираган чайка қушлари товушини эшитиб юрагига кўрқинч кирарди. Қора денгиз Таиланд цунамиларидай қутуриб икки-уч метргача кўтарилса не бўлар... Буюк Адаларнинг сайёҳлари, емакхоналари, қирғоққа лангар ташлаб турган кемалари, уйқуда ётган Сабиҳа Султон ва шўрлик Анжелани денгиз қарига тортиб кетади. Агар шундай ҳол юз берса Анжела тўлагина кампирни қандай кўтариб кутқаришини ўйлаб асабийлашар, сўнг бироз ўзига келиб, “Астағфирулла... астағфирулла...” деб кўярди. Телефони жиринглаб Розанинг овози ҳаяжонли эшитилди. У Камола ускударлик Нажот деган йигит билан бутунлай кетиб қолганини айтади. Анжела Розанинг баланд овозидан чўчиб, унинг калта сочли бошини силкитиб нақадар асабийлашаётганини кўз олдига келтирди. “Бу масала қаердан чиқди”. Янгиликларни ҳамиша Анжела Сабиҳа Султон хонимнинг адолатли тарозусида тортиб кўрарди. Уйқудан уйғониб иккиси денгизни, учиб юрган оқчорлоқларни томоша қилиб ўтирганда “Камола усткударлик йигит Нажот билан қочиб кетибди. Улар бир-бирини севармиш”, деди. Кампиршо яна Туркия буюк миллат мажлиси минбарларида нутқ сўзлаган кунларини кумсагандай қатъият билан, “Гетсин, эркак севмиш ўлса гетсин, ўшанда рўмол ўрамади, ёёё”, деди қошини чимириб. Анжела ҳайрон қолиб, олисларда тизилишиб келаётган сайёҳлик кемаларига ўйчан тикилиб ўтирган бегойимга қаради: “Розанинг бир ўзи қолди, уйидагилар Камолани эрга текканини билмайди”, деди. Анжи ўй ганч қиз, ҳар кун Розани Буюк Адалардан эр топишини қараб ўтирмайди, ёёё... Гетсин. Ана емак кафеларда сон мингта ўзбек хотини уй тополмай юрибди. Шуларнинг бирисини олади”. Сабиҳа Султон Пушкин эртагидаги шох **Салтанни**нг онасидай оппоқ қўлини юкорига кўтариб кўйди. Бу “Юр кўп сўзламай” дегани эди. Анжела бегойим ўтирган аравагани ғилдиратиб кетди. Рюкзак кўтарган, шўртик кийган, спорт пайафзали кийган сайёҳлар денгизга яқин жойлашган кафеларнинг емаклари тотли бўлган жойларини излаб ўтиб боришарди. Анжела аввалги ҳафта ҳам қовун туширганини ўйлади. Хоним шунга ишора қилаётганди, бало кампиршо унинг хотираси Лалели бозорига келиб “Боку” меҳмонхонасида яшайдиган ўнлаб тижоратчи ўзбек хотинларниқидан кучли бўлса керак. Қизлар Роза, Камола ва Анжела дам олиш куни Истанбулни айланишга кетаётганларида Саби хоним кўпроқ пул бериб, “Аё Софияга кир, қизларга рўмол ол, масжиднинг ичида икки ракаат намоз ўқинглар”, деганди. Анжела, “Сизларга рўмол оламан,

қизлар, сўнг ичкарига кириб намоз ўқиймиз”, деди. Икки қиз хохлашиб кулиб, “Энди биз ҳам Туркияга келиб ҳижобга кириб, анови пингвинг нусха шалвар кийиб юрган хотинларга аланайликми, тирикчилигимиз нима бўлади... Ҳижоб ўрасак бизга ким қарайди. Бор ўзинг ўқийвер”, деб кулиб қочиб кетишганди. “Бок, Анжи, бу шарафсизлар на ёпиюр, бунлар аа... ёё... Элчихонада ўлдирилган журналист Жамол Қошиқчининг жуфт одамими – двойникини топмишлар... У порасиз журналистда двойник на этсин. Двойник дегани бир макрух сўзёё”, дерди Сабиҳа Султон бутун дунёни ларзага солган “TRTHeber” дан репортаж кўрсатаётган катта экранли телевизорга сочикни отиб.

“Бошқаканалга олинг, Сабиҳаэна”, деб жавоб беради Анжела ошхона деразасидан уй атрофида яшайдиган ўнлаб мушукларнинг олдига емак ташлаб. Шамоллар унинг қулоғига “Анжела” деган товушни олиб келарди. Мармара денгиздаги оролда бунни танийдиган одам бормикан? Бирдан қиз икки довангирдай полициячи эркак спорт кийимидаги аёлни судраб кетаётганига кўзи тушди. Бу Роза... Рооза.. Ажела Розалинда деб эркалатадиган Роза бугун ишдан олдин ўзбек хотинлар йиғиладиган кафега бориб Камоланинг ўрнига одам олиб келиши керак эди. “Тўхта... тўхта”, дея бақирди лайлак уясида тапирлаб. Икки ҳатлаб зиналардан ошиб, бўронда қолган балиқчи қушлардай у ёқдан-бу ёққа югурди. Ва бирдан Сабиҳа Султон эсига тушиб уйга қараб чопди. “Хоним Розани полициячилар олиб кетяпти”, деди ҳаллослаб. Сабиҳа хоним қумушдек оқ сочларини турмакляётган экан. “Нега олиб кетади, юр, юр, аравани ҳайда...” Анжела ҳали уйқуси ўчмаган кампиршонинг аравасини совуқ денгиз шамолларига юзма-юз этиб, полиция кемалари турган, турли-туман байроқлар ҳилпираётган бекат томонга ғизиллатиб кетди. Йўлда оёқ остида оролнинг балиқларга тўйган офтобда тобланаётган мушуклари, эринчоқ сайёҳлар, созларини шайлаётган кўча мусиқачилари қоларди. Улар яқинлашгани сайин қирғоқдан ажралган полиция кемаси денгиз сари вариллаб юриб кетди. Сабиҳа хоним ва хизматчи ҳаллослаб соҳилга етиб келганларида, бекатда оқ тутунлар қолган эди. Бирдан атрофда тўс-тўполон кўтарилди. Соҳилда турган сайёҳлар, очиқ саҳнни тозалаётган фаррошлар, хизмат либосидаги мулозимлар бақириб-чақиришарди. “Бок, бок, бок, кадин дениза гирди, дениза гирди...” Воҳ, шу он қирғоққа етиб келган Сабиҳа хоним ва Анжела кемадан сакраётган спорт кийимли хотинни кўрдилар. Роза спортчиларча чапдаслик билан полиция эркакларни ҳар тарафга иргитиб ўзини денгизга отган эди. “Роза, Роза!” дея Анжела ихтиёрсиз қўлларини узатиб шовқин-суронга тўлган саҳнда чинқирарди. “Қўркма, у спортчи ҳало сувдан қалқир”, деб кампир уни юпатарди. Кемадаги одамлар ҳар тарафга югуриб, шовқин-сурон солиб, телефонда кимларнидир ёрдамга чорлаб бақириб-чақиришарди. “Роза, на ишлар қилдинг, Роза”. Атрофдаги кемалар вупиллаб хавфдан огоҳлантириб изма-из сигнал чалишарди. Кема палубаси сувдан беш-олти метр баланд эди. Полициячилар Роза тушган жойга кетма-кет қутқариш чамбарақларини ташлашди. Аммо, Розанинг эркаклардай бақувват танаси кўпикланаётган тўлқинлар ичида кўринмасди. Қизнинг Россия қор ва совуқларига бардош берган танасини денгиз ости гирдоблари ўз қаърига тортиб кетган эди. Жами Буюк Адалар ороли қирғоғи, сайёҳлар ва полиция кемасидагилар саросимада қолишди. Шўрлик спортчининг допинглар емирган танаси беш дақиқа ва ўн дақиқа ўтганидан сўнг ҳам чиқмади. “Ааа... Роза!” фарёд чекди Анжела, бу ёруғ оламда сувга чўккан қизга қайғуриб. “Лаънатлар ўлсин, сан шарафсизлара, надан менга айтмадинг... Минг ланъат ҳиссизлар”.

Сабиҳа хоним денгиздан қайтган полициячиларга оғир сўз айтарди. Ўғиллари Туркиянинг казо-казо жойларида ишлайдиган Сабиҳа Султонни Буюк Адалар оролида ҳамма танирди. Шунинг учунми полициядагилар негадир индамасди. Сабиҳа хоним гўё аравачасидан туриб кетадиган важоҳат билан оппоқ сочлари шамолда ёйилиб полициячиларни ҳақоратларди. “Сиз инсон дейилсиз”. Роза Соҳил 12 уйда яшаб сувга чўкиб ўлгани учун маълум ҳужжатларга қўл қўйиб уйга келишди. Уй эшиклари очик чироқлари ёнмаган, гўё ўлик чиққандай оғир сукутга чўккан эди. Уйнинг иккала истиқоматчиси кўзёшларини артиб сўзсиз ўз ўринларига ётишди. Тонгда Анжела одатича бекасига нонушта бериб яна Лайлак уясига борди. Денгиз безовта ва ғалаёнли эди. Самода канот қоқаётган чайка ва сувчи кушлар сайрамай, гўё қулоғига, “Роза қани, Роза қани?” деб чинқираётгандай бўлди. У денгиз ва уфқ туташиб кетган мовий дўнғалакка қарар, ўша ораликда аллакимнинг қорасини кўргандай бўлар ва балки Роза сузиб келаётганмикан деб ўйларди. Денгизга чўккан дугонасини ўйлаган сари кўзёшлардан бўғиларди. Улар Камола билан Россияда ишлаганида бир куни бир тўп мастлар уларни ўрмонга олиб бориб қорда иш бажаришган экан. Ўшанда Роза қаттиқ шамоллаб, оёқ-қўллари увишадиган бўлиб қолган экан. Демак, у ўзини сувга ташлаганидан кейин томирлари тортишиб, допинг таъсири кетмаган оёқ-қўллари увишиб қолган. Анжеланинг олдида гўё аллақандай ғорда қолиб кетгандай баҳайбат чайка учиб келди, ғалати бўғиқ овоз чиқарди. Гўё у Розани чингулларга ўралиб сув юзига чиқа олмай қолди. Ҳозир унинг ўлиги тун бўйи голфстрим оқими билан оқиб Атлантика океанининг бошқа уммонлар билан туташ очик денгизда сузиб юрибди”, дерди. “Анжела, Шодмонбика мени қутқар”, дерди, у отини қайдан билди экан. Баҳайбат чайка оламлар орасида элчи бўлиб келганди. Анжела ўрнидан сакраб туриб “вааа... ааа... Роза” деганича ҳўнграб йиғлаб уйга чопди. Улкан чайка куш патиллаб елкандай қанотларини қоққанича денгиз ичкараси томон учиб кетди. Эшикдан ёв қувгандай отилиб кирган сочлари ёйик Анжелани кўриб, ҳали у тайёрлаб кетган нонуштани еб ўтирган Сабиҳа хоним қотиб қолди. “Хоним рухсат беринг кетаман, бу ерда жини бўлиб қоламан, Роза куш тилинда Шодмонбика мени қутқар дейди, мени қутқар дейди. Қани мени чамадонларим”.

Кампир умрида бир маротаба бегойимлик – буюк мажлис вакили мартабасидан тушиб, аравани ўзи ғилдирашиб келди. “Шодмонбика ким. У ҳам ўлдимиз?”. “Шодмонбика мен, номимни ўзбеклигингни билиб ишга олишмайди, деб Россияда ўзгартиришганди”. “Не эди... Бика”. “Пулингиз керак эмас. Учоққа билет олиб берсангиз бўлди, Худо хайрингизни берсин, Сабиҳа Султон. Кетаман, ҳозир, шу лаҳзада”. Сабиҳа хоним аравачадан узун қўлларини узатиб кўркув ва ҳаяжондан қалтираётган Шодмонбикани бағрига босди. “Тинчлан, тинчлан, қани иссиқ чойдан ич”. Анжела Шодмонбика Сабиҳа хонимга итоат этиб ўргангани учун қалтираб, тўкиб-сочиб лимонли чойни ичди. “Денгизга қарашим билан Мармаранинг уфқ билан туташган жойида Роза сузиб келаётганга, кўмакка чорлаётганга ўхшайди. Денгизнинг барча кушлари, сайёҳлик кемалари, “Роза, Роза”, дея чинқираётганга ўхшайди”, деб ваннага кириб совуқ сувга юзини ювди. Ўзининг оқарган юзи, гезарган лабини кўзгуда кўради.

“Мени афв эт, Шоломон Анжибика”, дерди номини бузиб талаффуз қилиб собиқ депутат. “Сен мендан биринчи келган кунинг ёмғирли тунда йиғлаётганлар оҳунола этаётганлар, увиллаётган кимлар деб сўраган эдинг. Сенинг кўрқмаслигинг учун ёлғон гапиришга мажбур бўлдим. Х асрлар... Византия давридан, Истанбул ҳали Константинополь эканлигида бу Худо қаргаган тўққиз оролга, асосан, тахтдан

ағдарилган, урушда енгилган қироллар, ўлимга ҳукм этилган шахзодалар, ишқий саргузаштлари туфайли сургун этилган маликалар, диндорлар бу оролларга бадарға этилган. Оролга келган подшоҳлар, шахзодалар ва маликалар қайғу-аламдан Константинополга қайта олмай ҳасратдан куя-куя шу ерда ҳалок бўлишган. Ой туғиб сув тортилган чоғда йиғлаганлар, фарёд чекканлар, олиб кет дея тавалло этганлар, ўша шахзодалар эди. Шунинг учун бу ерни “Шахзодалар ороли” дейди.

Шодмонбека хонимнинг сўзларини эшитиб даҳшатга тушди. Кампирнинг ўзи ҳам сургун этилган маликаларга ўхшаб кўринди. Гўё ҳозир кемага ўтириб бу ердан жўнаб кетмаса тонггача жони узиладигандай ичидан калималар қайтарди.

“Ло илоҳа, иллолоҳу, Муҳаммадун расулуллаҳ”, дея пичирларди. “Ҳеч қаерга кетмайсан, Анжи бика. Шодмон нима эди отинг сенинг карточкангга ўн минг доллор ташлайман. Бу иш ҳақи эмас. Хайр учун, азоб чекканинг учун”. Шодмонбика қошларини баланд кўтариб аравачасида виқор билан ўтирган Сабиҳа Султонга бокди. Ва гурс этиб тиззасини полга ташлади. “Мени кечиринг, кетаман, энди бу денгизларга, кушларга, кемалар, ҳатто осмонга ҳам қарай олмайман. Уларнинг ҳар бири денгиз тубида чингуллар, маржонларга ўралиб қолган Розанинг фарёд ва илтижоларини олиб келади”. Собик амалдор Сабиҳа Султоннинг деворларига портрет, оилавий расмлар, орден, медаллар, усмонийлар саройи емак товоқларини эслатадиган тақсимча, лаганлар осилган музей залига оний сукунат чўкди. Очик деразадан денгизнинг шовури, баликчи кушлар товуши ва сайёҳларнинг вағир-вуғури келарди. Кемалар чайкатган денгиз тўлқинлари, спортчи Розанинг туғилмаган ўғил-қизлари кўйлаклари, мактаб сумкалари, маккажўхори кутичалари, пойма-пой спорт оёқ копиларини қалқитиб олисларга куёш чиқаётган томонларга олиб кетарди. “Шундайми?” деди бегойим қўли билан ҳали ҳам қалтираётган Шодмонбиканинг қўлларини ушлаб. Кампиршонинг бирдан туркий ватанпарварлиги кўзиб яна ўзини Буюк миллат мажлиси минбарида ҳис этиб қаддини мағрур ростлади. “Унда биз эртага Истанбулга қараб йўлга тушамиз. Шунда сен кўп қаватли уйлар ортида денгизни кўрмайсан. Анжи Шодмон бика... бок. Мен сени қандай кўйиб юборай, беш фарзандимда кўрмаган инсоний меҳр ва саховатни кўрдим. Ҳади геталим”. Денгиз кўринмаслиги учун пардаларни тортиб қўйган Шодмонбиканинг кўзларида қувонч порлади. Қалбининг миллион хужайралари “Истанбул, Истанбул”, дерди. “Аллоҳ, қаҳр этсин булар... а... бок. Истанбули... миллатни на ёпиёор бунлар, бунлара бок, бунлара бок, ўн шў икки ёш жўжиклара ўрич, рўза тутдириб, манглайна “Илк рўзамни тутдим деб ёздириб “TRTHeber”да гўстариюр, Валло... Ататуркин йўли қани, шу ишни этганинг учун сени манглайига Худо Қашиқадаси билан урсин, ё!” дерди Сабиҳа Султон столдаги финжон, санчки ва қошиқларни асабий шақирлатиб. Шодмонбеканинг йиғидан қизарган кўзлари билан синиқ кулди. Жуда ғалати халқ бу турклар: мактаб ўқувчиси, фаррошидан тортиб, энг бойигача аллақандай жазавий телбалик зоҳир. Туркияни севиш жазаваси.

Илоҳий

наво

топсам



Абдуҳамид ПАРДА

Таҳаммул

Маъзур тутинг, бир замон сизга
Бағоятда таниш содда, ғўр,
Ҳар бир зотни ҳур дея билган,
Кўр-кўрона инсон зотига
Ҳаддан зиёд ишонган гўлнинг
Фақат синик суврати ҳамда
Ўргимчакнинг ипидек нозик
Ришта тутган, нотавон, ўксик
Бор умиду ишончи сароб
Қариб кўнгли қолгандир яккаш.

Йирокларда бўй чўзган тоғлар
Чорлар такрор-такрор бағрига.
Чорлар бироқ қошига боргач
Кўтарилмай ярим бағрига,
Тиздан мадор, кўздан кетиб нур
Ҳолдан тойиб қолармиз тайин.

Абдуҳамид ПАРДА – 1958 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Бир неча шеърӣ тўпламлари, “Дўстнома” достони нашр қилинган.

Барча-барча асти йироқдан,
Жозибадор оҳанрабодай.
Нимагаки эга бўлсак, бас,
Бор қимматин йўқотар шу он.

Йўқотгунча қадар бошимиз,
Нелардан, воҳ, бўлмаймиз жудо.
Ўлим келиб қучганга қадар,
Неча бора ўлар бандаси.

Ажаб, одам жони тошдан ҳам,
Қаттиқроқдир, қирқ йил қуруқда
Қақшаб, ногоҳ нам етган ҳамон
Кўклайдиган қайсардан-қайсар,
Ажриқдан ҳам яшовчанроқмиз.

Бу ҳаётда фожиаданда,
Даҳшатлироқ ҳодисотларнинг
Афюнидан телбамаман басир.
Юрагимни киймалар такрор,
Қабоҳатнинг қаттол ханжари.

Йўқ, йўқ, ҳаёт демангиз, йўқ, йўқ,
Хиёнат у фисқу фуҷурлар.
Адоватдек тубан иллатлар
Бижғиётган мудҳиш дунёда
Лошим судраб юрибман аранг.

Ишқ-муҳаббат – қачонлардир мен
Сажда этган маъбуда – сароб?!
Назаримда Тохиру Зуҳро –
Фарҳод-Ширин, Лайли-ю Мажнун
Қиссалари муҳаббатга зор.
Яшаб ўтган ва яшаётган
Балки, хайҳот, яшовчиларнинг
Қалбидаги абадулабад
Ушалмас чўнг армондир, армон.

Ҳақ ҳурмати, виждон ҳурмати,
Қалбдан силққан қоннинг ҳурмати,
Ўтаётган, ўтган ва ўтар –
Бокира софдиллар ҳурмати –
Тавқи лаънат тамға босган бу
Тубанларнинг қавмига мен-да
Нафратимнинг шиддатли, кескир
Чақмоғини ёғдираман боз!

Ва уларга қасдма-қасд ўқисик,
Кўксим аро мени бу мудҳиш
Қаро кунлар исканжасидан
Саодатли онлар васлига
Соғу омон олиб борғувчи
Халоскорим умиднинг нимжон
Чечакларин қилгум парвариш.

Шукрона

Юрагимда дардим кўп, дардим,
Дардларимга даво ахтардим.
Дардларки, сир – шакл-мазмунсиз,
Булутларга сўзладим унсиз.

Абри найсон яйдоқ яғрини,
Чакмоқ бўлиб тилди бағрини.
Чўғланиб боз эслари оғди,
Ва сел бўлиб ерларга ёғди.

Шамолларга айтдим мен хаста,
Ёқа йиртиб бўлди дилхаста.
Дилларини айлаб сўнг вайрон,
Юлдузларни қилдим мен ҳайрон.

Дардим тинглаб ҳаттоки тошлар,
Мумдай эриб, тўқди кўзёшлар.
Дарддан фориғ бўлсам деб зора,
Дардим борин кўмдим начора.

Ер бағри ҳам кетганми тўлиб,
Унибди ҳар дардим минг бўлиб.
Ва дардларим шукрона айта,
Юрагимга жойладим қайта.

Чорлов

Шаффоф шишадай тиниқ,
Юлдузлар сочар зиё.
Мусаффо ёғдусига,
Чўмиб мудрайди дунё.

Ҳад-худудсиз самода,
Ҳадсиз нукраи анвар.
Айлаб қалбимни асир,
Этар равшан, мунаввар.

Термилсам-да сизга боз,
Тўя олмасман сира.
Асли не бор сизданда,
Юксак, соҳир, бокира.

Ноёб бу фазилатлар,
Менга ҳам бўлсайди ёр.
Вале мен ер фарзанди –
Айби бисёр гуноҳкор.

Бироқ порлаб чорлар то,
Юлдузларнинг гулшани.
Бир кун узилгай тайин,
Гуноҳкор ер кишани.

Нақш

Қишлоқнинг ўртасида,
Уй бор ғиштдан қурилган.
Нақшин дарбозасида
Юлдуз шакли ўйилган.

Уйда уч пари рухсор,
Бири юлдуз, бири ой.
Малаксиймо кенжаси,
Юрагимдан олган жой.

Насибам ҳижрон-фироқ,
Васлига етолмадим.
То ҳали-ҳануз бироқ,
Асло унутолмадим.

Қишлоқнинг ўртасида,
Уй бор ғиштдан қурилган.
Уйнинг тархи юлдуздай
Юрагимга ўйилган.

Надомат

На эҳтирос топди таскин,
На ташна қалб ҳаловат.
Улкан умид боғлаб лекин –
Кўрдим катта талофат.

Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа,
Дилда беадад армон.
Уролмайман бошим тошга,
Яшашга ҳам йўқ дармон.

Бамисоли қанотсиз куш,
 Фақат унсиз бўзлайман.
 Совумаган мурдам учун
 Қаро қабр излайман.

Озод қалб

Кетолмадим, ташлаб қаламни,
 Қалампирдан аччиқ аламни.
 Болдан тотли умидга қўшдим
 Ва эринмай чилвирдай эшдим.
 Пайдо бўлди дунё ранг-баранг,
 Асаблардай тортилди таранг.
 Хиёлгина чертиб қўйсанг бас,
 Жаранглагай илоҳий ҳур сас.
 Озод қалбим созладим шундай,
 Ловуллагай у ёзги кундай.
 Чақмоқдайин кескир, шиддатли,
 Арслондай ёвқур, ҳиддатли.
 Даррандалар султони шердай,
 Эл ишонган мардона эрдай.
 Бўронларга тўш урар дадил,
 Довюрақдир жумла мард одил.
 Йўқ, йўқ бу не мардликка шўхлик,
 Қўрқитолмас заволу йўқлик.
 Қай зот ахир яшар мардона,
 Азал-абад завол бегона,
 Азал-адаб завол бегона!

Муножот

Нечун мени бадбинларга қўшиб қўйдинг,
 Бир чилвиру бир арқонга эшиб қўйдинг.
 Нечун ахир тубан муҳит фарзандиман,
 Юҳолардек нафсимга мен ҳам бандиман.
 Нечун ахир айро тушиб имон билан,
 Сулҳ тузай Худобезор шайтон билан.
 Нечун собит юриб бўлмас Ҳақ йўлидан,
 Нечун ахир чиқиб бўлмас куфр чўлидан.
 Нечун ахир миллат борки, иллати қўп,
 Шайтонсифат каслар кезар бисёр, тўп-тўп.
 Покдомонлар уруғими ё анқонинг.
 Очилмасми эшиги кенг хонақонинг.
 Нечун қалбим англагувчи бирон жон йўқ,
 Машаққатсиз ош не, ҳатто тўғрам нон йўқ.

Нечун ахир яхшиларга кун йўқ сира,
 Кўзи очик борки, қалби кўр, басир-а?!
 Тозаман деб қай тил билан ахир айтай,
 Тубанликдан булғанмасдан қандоқ ўтай.
 Бедаволар тилимни ҳам заҳар қилди,
 Қилмишларин кун-тун, оқшом-саҳар қилди.
 Булар оташ юрагимга солдилар чанг
 Ва иродам билан тенгсиз қилдилар жанг.
 Мажруҳ этиб ҳали мурғак ёшимдан-эй,
 Не бир кунлар ўтди бадбахт бошимдан-эй.
 Бу не ҳолки, дўсту ғаним қоним ичар,
 Қоним ичиб, боз устига кафан бичар.
 "Бер-бер!" дейди булар бари тўтикушдай,
 Шунданмикан умрим ўтар мудҳиш тушдай.
 Жонимни ҳеч ўйлагувчи дўсту жон йўк,
 Ранги рўйим афтодаҳол, томчи қон йўк.
 Бироқ олғир каслар юрар кекириб бад,
 Ким сурбету ҳаромхўрдир ёрдир омад.
 Ришва билан, пора билан ҳали-ҳамон,
 Кенг дунёнинг тенг ярмини олмоқ осон.
 Гарчи, кўплар Худо дейди ёниб тилда,
 Худо билар не муддао пинҳон дилда.
 Гарчи, мўмин-мусулмонлик бизга мерос,
 Атворимиз ғайридинга аксари мос.
 Эзгуликка ташна гарчи жумла жаҳон,
 Ёвузликнинг дасти дароз, дароз ҳамон.
 Гарчи, жумла одамларнинг нияти пок,
 Топилгувчи тубанликдан қайтмас бебок.
 Бандаларда ҳавас эмас, ҳасад кучли,
 Руҳоният қайда, баднафс жасад кучли.
 Мол-дунё деб қай бирлари диндан чиқар,
 Қасдлашса бас, дарҳол қилич қиндан чиқар.
 Одам бисёр, одамийлик оздан ҳам оз,
 Шанғиликда эркак-хотин бирдек шаввоз.
 Қилгувчи кўп тап тортмасдан гуноҳ ишни,
 Юз кўрмас ҳеч аксарият қўни-қўшни.
 Қолишмайди дўзахдан ҳам аросатдан,
 Бир хилқатки, қисган Худо фаросатдан.
 Нечун бундай дунёларга эш қилдинг сен,
 Қабоҳату разолатни пеш қилдинг сен.
 Гарчи, дилда муҳаббатим, меҳрим бисёр,
 Пок ишқимга муносиб ёр, айт, қайда бор?!
 Ҳукмингда гар замин, етти қават осмон,
 Келиб кетди минг Пайғамбар, минг бир Усмон.
 Гарчи бисёр каломларинг турфа тилда,

Гарчи, Сенга итоат бор турфа элда,
 Гарчи, бисёр одамийлик дастурлари,
 Ҳаволарда аксарият улар бари.
 Ҳали-ҳануз камолотдан беримиз биз,
 Она замин куррамизнинг шўримиз биз.
 Бир томонда баҳор бўлса, бир ёнда қиш,
 Бир томонда қарғиш бўлса, бир ён олқиш.
 Оч-юпун эл ҳали-ҳануз бунда бисёр,
 Тўқларни ҳам деёлмайман шод, бахтиёр.
 Висолингга ташнаю зор одамизот.
 Танграм, ўзинг қўлла уни, кўрсат имдод.
 Шарқу Ғарбга айирмагин, оқ-қорага,
 Совуқчилик солмагайсан ҳеч орага.
 Насронийми, мусулмонми, будпарастми,
 Тоғу тошда адашган бир ўтпарастми,
 Юракларга, Аллоҳ, аввал ўз ишқинг сол,
 Қўлингга ол, улусларни қўлингга ол.
 Токи, бари эртаю кеч Худо дегай,
 Ҳақ йўлида жисму жоним фидо дегай.
 Худо деган ахир ҳануз кам бўлмади,
 Худо деган бошлар ҳануз ҳам бўлмади.
 Бирлаштирса эл-юртларни улуг номинг,
 Ушалмасми минг бир йиллик эзгу коминг.
 Бизлар учун майли камол армон бўлгай,
 Бироқ, умид дардимизга дармон бўлгай,
 Бироқ, умид дардимизга дармон бўлгай...

Тавалло

Нимаики кўрдим, бари бадкирдор.

Шекспир

Беҳишт дея билдим дунёни,
 Ҳар инсонни фаришта-хур деб.
 Заҳмин татиб аксар риёни,
 Ғазабландим минг карра панд еб.

Гўё мудом тангу тор олам,
 Гўё хира тортар кун-бакун.
 Гўё ортар кундан кун нолам,
 Ҳалокатли интиҳо, якун!..

Қўшқанот бўл, Ўзинг бўл дармон,
 То янгратай ҳақиқат созин.
 Ва баралла куйлай беармон,
 Ташна қалбим муқаддас розин.

Хотирим жам айла то абад,
Ҳам иродам собит айлагин.
Юрагимда меҳру муҳаббат,
Оташнафас нафрат жойлагин.

Ром этолмас ҳеч ҳою-ҳавас,
Бахт-саодат ўзингга сийлов.
Юрагимда ёниб турса бас,
Ёлқинланиб покиза олов.

Покиза бу аланга омил,
Бор иллатлар куйиб-доғлансин.
То беғубор дунёга комил,
Ташна қалбим мангу боғлансин.

Илтижо

Қайдасан, қай томонда,
Қай тошга урай бошим?
Ломаконман маконда,
Дўзах рад этар лошим.

Тилда такбир-тавалло,
Минг розиман баридан!
Вале, Тангри таоло,
Қутқар бу чоҳ қаъридан!

Қалбимга не бегона,
Барча-барчасин ўлдир.
Қалбим телба-девона,
Бокира нурга тўлдир.

Бу маконда ломакон,
Тугади бор бардошим.
Бағрингга дориламон,
Кетарман олиб бошим!

Шунда соғинасан ёруғ маъвони



Зилола
ХЎЖАНИЁЗОВА

* * *

Қуёш – кўкнинг мангу тегирмонтоши,
Эврилади кунлар оғир нафас-ла.
Сўкмоғим тугаган, ҳамон кетяпман,
Минг бора адашиб, кўкрак қафасда.

Юрак тўла фарёд, менчи алқайман,
Лабларим кулади, кўзларимда ёш.
Нафрат сени ичда қанча асрайман,
Яна қанча умринг қолдийкин, бардош.

Алахлаб ётибман, вужудим беҳуш,
Ё Раб, нега беҳад чиврилар тақдир.
Нақадар узундир беҳосият туш,
Ранглар кўп эдику дунёда ахир.

Қуёш – кўкнинг мангу тегирмонтоши...

* * *

Дарахтларнинг сирғасин ечиб,
Олиб қочар ўйинқароқ ел.
Деразамдан сездирмай кириб,
Жилмаяди мен суйган апрель.

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА – 1973 йилда тугилган. Қариш давлат университетининг филология факультетини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олган. Шоиранинг “Юрагимда бир гул ўсади”, “Дил шеваси”, “Кўнгилга йўл”, “Соғинч шивирлари” шеърий тўпламлари, илмий-публицистик рисолалари чоп этилган.

Ох, дило, юракнинг осмони,
Шаркираб куяди кўзёшин.
Бўлди, бас, ёмғирда кўп турма,
Қара, қайтиб келди сирдошинг.

Кўклам гулдан қасава ясаб,
Боғларимга этар бахшида.
Майсаларнинг нозини кўмсаб,
Уйғонади замин уйқудан.

Атиргуллар кўйлаги қат-қат,
Қимтибгина ечишар наҳор.
Ширин эртақ бошлагин, фақат
Муҳаббатдан сўз очма баҳор.

Деразамдан сездирмай кириб,
Жилмаяди мен суйган апрель.

* * *

Асрлар ўтдиким, эгикдир бошинг,
Ҳамон таъзимдасан, эсса ҳар шамол.
Наҳот тугамаган сабру бардошинг,
Бошинг кўтарасан қачон мажнунтол?

Не учун бунчалар маҳзун, мустарсан,
Нимани ўйлайсан, қаддинг мудом дол.
Балки, рўёдан бир мадад истарсан,
Саждага бош эгган асрий қул мисол.

Сени ҳам яратган шу кўҳна башар,
Қуёшнинг меҳрига ташнасан, иллоҳ.
Бас, энди ўйғонгил, яшиллан, яшар,
Қисматинг қарғама, этма дил сиёҳ.

Яшамоқ маъносин англагил бироз,
Эгилма, дол бўлма, ўй сурма пинҳон.
Қалбингни ошкор эт, мағрур бўл, ўктам,
Қад ростла, ўзлигинг айла намоён.

* * *

Сирқираб кетади, ногоҳон юрак,
Фурсат йўқ, дилингга берсанг тасалли.
Сарҳадсиз ҳудудда сарсонман, ҳалак,
Бу йўллар манзилсиз яралган асли.

Ширин хотиралар қатини ситиб,
Хойин кунлар мезон тафтин олади.
Кузакнинг кўнглини овламоқ истаб,
Сўйлай десам, сўзим тугаб қолди.

Кунлар бирам совуқ, дийдам тилинар,
Насибам тўнади сомон йўлида.
Юрагим оғриғи яна билинар,
Тиланчи умрим гунг қисмат қўлида.

Кўзларимга энар оппоқ сукунат,
Туннинг этагида танҳо изларим.
Мени қийнаётган алаалоқибат,
Ҳали сизга айтолмаган сўзларим.

* * *

Ташқарида иззиллайди қиш,
Қор ёғар латиф ва беғубор.
Ичкарида ўйим фаромуш,
Хаёлларим саркаш, беқарор.

Ташқарида бир нафис, маъсум,
Пағалаб ёғади оппоқ қор.
Деразамга бош қўйсам маҳзун,
Мўралар хотирлар умидвор.

Чорладим охири, пичирлаб,
Истагим терс бўлиб аҳдимга:
“Келсайдинг, қор парчаси каби,
Эриб тушармидим кафтингга”.

Кечмаган, ўтмаган кунларим,
Унутиб гина-ю зардасин.
Умидвор кўнглимнинг юз йиллик,
Юлқирдим замҳарир пардасин.

Қароғимда минг асрлик мунг,
Йўқ хазин туйғулар тўзими.
Йўқотганим, соғинчларим гунг,
Сен келсанг, топардим ўзимни.

Ташқарида иззиллайди қиш...

* * *

Бугун хижрат этди юракни ҳайрат,
Умримни тўрт фасл талашиб қолди.
Тунги шубҳазорда тентираб руҳим,
Билмам, телбаланиб қайга йўл олди?

Ёмғир деразамни кучганча йиғлар,
Шамдай эриб оқди, ҳасратдан ҳислар.
Умид мунғаяди, кўз тикканча жим,
Қалбим, пахса девор каби тўкилар.

Қачонлардир мағрур эдим, адл эдим,
Ўққидан баландда, кўкдаги чақмоқ.
Ўшанда, ғурурим тоғ эди метин,
Ишқ йўлида бўлдим, гилми ё тупроқ.

Ярим тун, кўларим сурмасин суриб,
Кўксимда потирлаб бир қуш оғринди.
Қалбим ямоғининг чоки сўкилиб,
Мен сизни соғиндим, бирам соғиндим.

* * *

Кари итдай гингшиб, улийди шамол,
Деразам кўзидан боқаман аста.
Чопонин елкага ташлаб бемажол,
Эски йил кетмоқда, эгик бўй басти.

Бонг уради соат ўн иккига нақ,
Ўвлиқиб эшигим қоқади биров.
Остонадан уйим қулгуга тўлар,
Янги йил киради, шодон-шўх, асов.

Азалдан бу чархнинг эртаги мунгли,
Келиш доим қувонч, кетиш эса ғам.
Танграм, менга шундай қисмат битгинки,
Қаҳқаҳ отиб қулай, кетишимда ҳам.

* * *

Баъзан соғинасан, кимнидир тинмай,
Баъзан қайларгадир келади кетгинг.
Яна хос кунларга кўникмай, сизмай,
Қалбинг шамолга фош келади этгинг.

Керакмас ўткинч шон, керакмас дунё,
Хаёллар беқўним, бебош, дарбадар.
Руҳинг самоларга интилар гўё,
Учмоққа шай олис юлдузга қадар.

Сезимлар, кечимлар беун, саросар,
Кўксинг оғирлашар, надир чораси?
Совургинг келади, боринг ҳавога,
Охир, қабаради дийданг яраси.

Ишонч йўқолганда, гўё ҳақорат,
Туюлар дўстнинг ҳар тақаллуф лутфи.
Аслинг йиғлаганда, қулмоқ – маҳорат,
Сабр тугаб, занглайди кўнгилнинг қулфи.

Шунда соғинасан ёруғ маъвони,
Келар кенгликларга бош олиб кетгинг.
Умидла юракка жойлаб дунёни,
Боладай қалбингни учириқ этгинг.

Ҳисларимга эртак айтаман



Феруза
ХАЙРУЛЛАЕВА

* * *

Мени йироқлатма нигоҳларингдан,
Фасллар алдайди қароқларимни.
Меҳринг тут, даволай йиллар ортимдан
Эргашган ранж тўла қадоқларимни.

Инжитма, дунёнинг ҳасратларига
Чўкмайин, йитмайин озорлар ютиб.
Тутиб бер бахтларни эрка йўғрилган
Севгидан юксалган кўкни кучгани.

Ва бахтга айлансин дунёнинг юзи,
Гўдақлар кулсинлар, йиғламай туриб.
Тиниқ нигоҳингга шамоллар каби
Шивирлаб ботайин шафақлар билан...

Мажнун кўзларингга ичиқар дунё –
Кипригим остига яширсам сени.
Юлдузлар гулламиш тунлари сенга
Менинг ҳисларимни сўзлаб бергани.

Дераза пичирлар томчилар билан,
Турналар овози янграйди яқин.
Сен севган қўшиққа айлангим келар,
Баҳорга жуда оз қолгани сайин...

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА – 1993 йилда тугилган. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистрлигини тамомлаган. Шоиранинг “Қақнус парвози” китоби чоп этилган.

Зориқиш

Мени енгиб келди минг йил ҳаловат,
Лаҳзалар айланди сўнгсиз тунларга.
Ҳувилдоқ кўчалар бахт тилаб келди,
Ўзим оч эдим-ай, не берай унга?!

Мардум музлаб ётар – жангсиз мағлублар,
Кўзимга ўт тушар, кўнглимга исён.
Тоғларнинг бағрида қолсам эди-я,
Шамол бўлармидим, балки, онажон!..

Ичим кезиб юрар дунё устина,
Ташига чиқмайди на араз, на кин.
Ғазабим ютилган нафас ичида,
Ютилган нафасим – заҳар, талотум...

Ўрмалаб юради мажруҳ умидлар,
Ўргимчак инидай омонат вужуд.
Йўқолиб кулгулар, кетиб уйқулар
Титранаверади қўрқувдан сужуд...

Бу қора булутлар қуйса бўлмасми,
Бу қора булутлар қуйса бўлмасми,
Ёмғирнинг исига тўйсайдим бир бор.
Рухимни эзгувчи асрий қўрқувдан
Жонимнинг борича тонсайдим бир бор!
Ёлғонсиз ҳаловат туйсайдим бир бор!

* * *

Тугадим, тугатдим, тинмадим гоҳо,
Сийладим ўзимни дунёлар билан.
Асрадим бахтлардан икки кўзимни,
Теграмда чайқалиб рақс тушди туман.

Саволсиз изиллаб санғидим узоқ,
Жумбоқлар муштлади маъсум бошимга.
Ўзимни атадим энг мушфиқ одам
Ёлвориб борганда ёрнинг қошига.

Тўкилдим, узилдим, титилдим давом,
Мавжуд дардларимга юкинган кўйи.
Кўнглимни ўзимча кемирдим тинсиз –
Мендан келаверди ғамларнинг бўйи.

Бошимни қўйгани вужуд топмадим,
Онам тиззасидан узилдим тамом.
Хаёлга эргашиб, ҳаёт соврулди,
Отам ўйларидан тонг отган оқшом.

Борарим, сўрорим, бўзларим Ўзи,
Пешонам боғладим майсалар билан.
Чечаклар тергали қирлар изладим –
Тушимда тебранар лолалар ҳамон.

Тутилдим, ситилдим, битилдим қадар
Ёзолган кўшиқни куйладим фақат!
Мен тунга аталган эмасдим, аммо,
Тонггача етмади мендаги тоқат...

Тинмадим, билмадим, кўнмадим давом...

* * *

Сенинг соғинчингга бас келиб бўлмас,
Чумоли ташийди қаро тунларни.
Дарахтлар куй чалар кўчада сармаст,
Чироқнинг нурларин опичган кўйи.

Титроқ лаҳзаларга тўкилар умрим,
Ҳаяллаб боради бўғзимдаги "ув",
Мен аянч нигоҳда қараган зотлар,
Бугун кўринади ўзимдай сулув.

Туғилмоқ шаштидан қайтар оханглар,
Дунёнинг касоди аввалроқ бўлган.
Сенинг соғинчингга исинай десам,
Атрофга изғирин нигоҳлар тўлган.

Қонимда рақс этар бахтсиз қушчалар –
каноти қайрилган, нигоҳлари оч,
Қировли кечалар соврулиб кетар
мудраган япроқлар – бахтлар ялонғоч.

Сенинг соғинчингга бас келиб бўлмас...

Мадинага

Худони топиш истагида,
Хаёлларимни даштга сочганча,
кетиб бораман майсалар билан.
Кулоққа чалинар орзулар охи
Мен илдам кетаман, қарамай
На ўнгга, на сўлга.

Ҳиргойи бошлайман денгиз тилида,
Кимса тушунмайди – яқинроқ келар
Сўнг кетар қўл силтаб,
Айблаб,
Ёлғонлаб.
Унинг нигоҳидан оғринаман мен.

Сувурдан четлайман, кузатаман жим,
Булоқдан чанқоғин қондирганларни.
Ҳавасим келади,
Қақраб бораман
излаб Худони.

Тун чўкмайди сира ва ё тонг отмас,
Кипригим ниш урар,
Сочим узаяр,
гуллар рангида
Осмонга термилиб сўрайвераман –
"Меним" қаерда?

Бир тонг яқин келар саробдек сулув,
Мен унинг қўлидан тутаман дадил.
Ва нафас оламан умримда илк бор
Беҳадик!

Уйғона бошлайман товушлар билан,
Сўзлашга айтгулик бир ҳис кўнглимда.
Дунёга гуллагим келади бирдан
Бахтлар ҳақида!

Тоғлар эргашади, минг йилдан буён
музлаган бошини қуёшга тутиб.
“Ой гулчамбар тўқир бармоқларимдан”^{*}
Ҳавода учётган бахтларни тутиб.

Мен эса сўзлайман ўша лаҳзада,
ҳилолга
Ердаги Худоли тушлар ҳақида...

Май оҳанглари

Сўнган умид,
Исталмаган орзу юки
Эзиб борар елкаларимни.
Кўзларимни юмиб эслайман
Кечки икки, чироқ ёруғи
Ва ўқилётган китоб шивирин.

Уйғониб кетарди бобом уйқудан,
кўзларимда айбдорлик ва
Уйку истагини яширганимча
Табассум қилардим шафақранг.

^{*} Мадина Норчаева сатри

Ададсиз меҳрни таниганман мен,
Ўшанда бобомнинг нигоҳларида.
Ишончни, умидни, муҳаббатни ҳам
Дуога очилган кафтлар ичида
Кўрганим ёдимда.

Бугун олис, катта шаҳарда,
Ҳашаматли емакхонада
Ёғаетган ёмғирга қараб
Исталмаслик азоби ичра
табассум қиламан шафакранг.
Лек,
Бобомни қайтармас энди бу ҳаёт...

25 май

Мени шаҳар эзмаган,
Ва на одамлар,
На адоқсиз ғам
Ва ҳаттоки ишқ.

Кўзимга кулгуни бермаган асли,
На дийдор,
На дунё
Ва на ҳатто сен.

Уларнинг бариси менда бор эди,
Худди кулол лойни қорётган маҳал
Қўнғирсоч қизчаси югуриб келиб
Жажжи бармоқларин шеваси билан
Яхши кўришини айтгани каби
Ғам ва бахт ичида яралганман мен...

26 май

Баҳор кетар экан ўзидай
Хуш ифор қолдириб кетар дунёга
Илк кўклам очилган ўрик гулидай
Напормон майинлик ҳис этар кўнгил.

Майсаларга юз босган чоғда
Қитиқлаган фараҳ ёприлар
Юзларга, кунларга, дунёга...

Баҳордек яшагим келади азал –
Кетсам...
Гўзал бир майинлик қолса ортимда,
Энтикиб эсланса бахтнинг бўйлари.
Ахир баҳор ҳар дамгидан-да
кетаётган лаҳзада гўзал...

31 май

* * *

Худонинг энг бахтсиз кўчаларида
Тентидим бир ҳовуч чўғга овуниб.
Санолмай япроқлар шивирларини
Йиғладим шамолга айлана туриб.

Нигоҳинг тутмадим, яшайин десам,
Бармоқлар – умримнинг ҳижрон чолғуси.
Қўрқаман, сенингсиз қолган сўзларим
Ерга ҳам сенсиз ва менсиз боргуси...

Амаллаб етсада ҳар қиш-баҳорга
Ҳар гулда униш бор, сўнгра сўниш бор.
Туғилган ҳар одам қисматида ҳам
Қурашиш, савашиш ва жим кўниш бор...

Дунё – мендай далли,
Сендай афсунгар,
Қисмат бешигида аллалар тинсиз.
Туғилмоқ энг катта бахтсизлик баъзан,
Баъзан бахтдан ўзиб чопган сулув қиз.

Худонинг энг бахтсиз кўчаларида
Югурсам, томоққа тиқилар йиғим.
Уйғониб кетасан парвоз товшидан
Анвои қушларга қўшилса руҳим.

Дунё мендай далли, сендай афсунгар...

* * *

Майлими, кейинроқ гаплашсак,
Йиғлагим келяпти ҳозир жуда ҳам.
намикқан увада ёстикқа
юзимни босганча,
Сенга кераксиз ҳисларим билан
ёлғиз қолмоқчиман.

Ва улар ҳақида айтиб бераман
тунга,
Шамолга,
Уйғонишни истамасам-да,
Яшашни-да истамасам-да,
Мени ҳар тонг уйғотавергич
онамдек меҳрибон
ва ўжар тонгга.

Яшашнинг манзили қаерда,
Умрнинг юки?
Узоқ йўл хоритар одамни.
Дам олгиси келар, мизғиси келар.
Менинг эса ўлгим...

Ҳисларга ҳар кеча эртак айтаман -
Келар у,
Келади кўкни етаклаб,
Етмаётган ҳаво,
Тўймаётган нафсга
Нон каби татийди бу гўзал дийдор.

Фақат ўшангача сабр қил бир оз,
Фақат ўшангача яшаш ҳам керак.
Фақат ўшангача...
Бироқ,
Майлими кейинроқ гаплашсак,
Йиғлагим келяпти ҳозир жуда ҳам...

* * *

Мен талош бўлдим,
дардга, кўзёшга,
Ҳавотир, хасратга
Сўзсизликлар, жимликлар ичра.

Баҳс этарлар,
танирлар яхши
Менинг кўзларим,
Нигоҳларимни.
Бармоқларим изи,
Томиримда оқмиш
Ғамларни.

Соялаб эмас,
Итлардан эмас
Ҳуркиб андуҳ ва ё
Ҳирслардан
Деворлаб юришим
билишар яхши.

Кўзим узилмаган ерлардан,
Сўзим етмаган ерлардан,
Баҳс этарлар
Армонлар, исёнлар,
Парвозлардан!

Бу талошлар аро
Кузатаман мен
Умримнинг энг олис бурчагидаги
Ёлғонлар ичида қолган эркимни.

* * *

Зериксанг дунёни бошингга йиғиб,
Шовқинлар чарчаса сукутларингдан
Яшолмай келётган бахтларни ичиб,
Сочингни ўйнасанг оғриқларингдай.

Тим қора кўзларни соғинаверсанг,
Тим қора ҳасратлар ичида, яна
Сўзласанг Худога зерикиш ҳақда
Саждамас, бошингни столга қўйиб...

Кечириб кетолар сени ҳисларинг,
Кечилган аҳдларинг сингари бир кун.
Соғинмай қўйилган қишлоғинг каби
Чироқсиз яшасанг балки бир умр.

Титилган умрнинг ҳисоботида,
Ёзилса узундан-узун зерикиш.
Столга эгилган бошинг ичида
Худони эслатиб шивирласа қиш
У қадар қийинмас,
у қадар қийин
лабларинг четида сокин жилмайиш...

Кўксимга ботмоқда аламли тикан



Машхура
АБДУРАЙИМОВА

* * *

Қишлоқда...
Жуда бахтли яшар одамлар,
Кафтдаккина ери, осмони билан.
Қишлоқда...
Жуда бахтли яшар одамлар,
Ҳам қайғу, орзуси, армони билан.

Болалари шаҳарга кетган.
Бири давлат излаб, бири юрт излаб.
Таҳажжуддан бомдодга қадар,
Момом-чи, уларга бахт сўрар бўзлаб.

Мен энтикиб келдим шаҳардан,
Қишлоқнинг дардига гўё доридай.
Нетай совиб кетибди кўнглим,
Онамнинг тандирда қолган нонидай.

Юрагимда болалар соғинч,
Кўксимга ботмоқда аламли тикан,
Чироқлар кўп шаҳарда аммо,
Лек нетай, юлдузлар кўринмас экан.

Машхура АБДУРАЙИМОВА – 2002 йилда туғилган. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини Босма ОАВ ва ноширлик иши факультетида ўқийди. Унинг “Митти юлдузча”, “Юртим, мадҳинг куйлайман” номли шеърый китоблари чоп этилган.

Тонг ёришмай кўча супурар,
Сочлари супурги, сулув бир малак.
Ўн тўққиз ёш эндигина, у
Орзуси шаҳарда қолган келинчак.

Туршак, майиз тўла жомадон,
Кенжасига момом тахлар сафарлик.
Олим бўлиб қайтса-ку яхши,
Йўкса, ортар яна битта "шаҳарлик".

Абдулла Орипов ҳайкали пойида

Бир шоир яшади ҳар лаҳза ёниб,
Фақат эл қувончин, дардин ўйлаган.
Ўз қайғу, шодлиги, ташвиши қолиб,
Она халқим дея ёниб қуйлаган.

Булбулга айланган тўтилар сарсон,
Тополмай жўяли бирор қофия.
Эҳ, дўстлар қуйламоқ эмасди осон,
Ўзбекистон менинг Ватаним дея.

Сиз суйган халқ сизни унутмас асло,
Ҳар лаҳза номингиз дилда этиб ёд.
Сизга таъзим бўлсин, сизга тасанно,
Издошлар руҳингиз айлағайдир шод.

Бутун ўзбек халқи сизни ёд этиб,
Олқишлаб, ардоқлаб қўйдилар ҳайкал.
Аммо сиз, шоирим, минглаб қалбларга,
Ҳайкал ўрнатдингиз бизданда аввал.

Соғинч

Ёз чоғида биргалашиб,
Чиқар эдик сой бўйига.
Сой бўйида тутлар қатор
Чорлар эди ўз қўйнига.

Баҳор пайти пишқирган сой,
Ёзда юввош, тиниқ эди.
Сувли кумдан чумчуқ уя
Қуриб ўйнаш қизиқ эди.

“Чиллак”, “бештош”, “оқтерак”да,
Гоҳ мағлуб, гоҳ ютар эдик.
Кун ботганда қуёшни ҳам
Уйга олиб қайтар эдик.

Қош қорайгач, самоларда,
Юлдузлар ҳам ортар эди.
Лой супада ухласак гар,
Сойда ой ҳам ётар эди.

Биз яйраган қир-адирлар,
Бағри тўла майса эди.
Қани энди ўша дамлар,
Тағин ортга қайтса эди,

Тағин ортга қайтса эди...

* * *

Турналар овози кирар тушимга,
Улар чорлаяпти мени учмоққа.
Мен ўшал турналар қанотларида,
Онажон, қайтыпман мунис қишлоққа.

Соғиндим онажон, соғиндим нетай,
Тошлоқ кўчамизни, тупроқ исини.
Қишлоқ қарши олар, кўзларида нам
Бир пайтлар учиб кетган турна қизини.



**Абдужалол
ТАЙПАТОВ**

Баҳор кунларида

Икки ҳикоя



Кенгбоев жума куни тушликдан сўнг раҳбаридан рухсат олди-да, қишлоққа бориб, кекса ота-онасини кўриб келиш учун йўлга отланди. Бошлиғи, “Байрамда ишлар кўпайишини биласиз-ку, ҳеч шаҳарга кўниколмадингиз-да”, дея бироз инжиқлик қилди-ю, аммо рухсат берди.

Пойтахтдан воҳага қатнайдиغان таксилар майдони одатдагидан гавжумроқ экан. Машиналар кўп бўлса-да, нархлар юқори. Сабаби, воҳадан келганларнинг аксарияти бугун-эрта йўлга чиқади.

Кенгбоев ҳам беш-олти йилдан буён пойтахтдан воҳага, қишлоқдан шаҳарга бўзчининг мокисидай қатнагани-қатнаган. Байрам, ҳайитларда албатта боради. Гарчи телефонлашиб турган бўлса-да, саксондан ошган ота-онасини тез-тез зиёрат қилиб турмаса, бўлмайди. Улар ҳам ғанимат.

Ёши элликдан ошганда шаҳарма-шаҳар қатнаб юриш гоҳида малол келади, лекин Кенгбоевнинг ўзига хос бир ақидаси бор. Ҳар бир оилавий сулолада бир йўл кўрсатувчи, йўлбошловчи инсон бўлади. Кенгбоевлар сулоласида шу вазифа унинг зиммасига тушган. У ўқишни битириб, дастлаб қишлоқда оддий ўқитувчи бўлиб иш бошлаганди. Иши яхши эди, болалар ҳам унга ўрганиб қолишганди. Аммо у қишлоқда, қирлар орасида қолиб кетишни истамасди. Вилоят марказидаги университетга ишга борди. Тўғри, қийинчиликлар бўлди. Ишчилар ётоқхонасида яшашди. Кейин бир амаллаб шаҳардан уй-жой килди. Болалари шаҳарда ўқишди. Бугун ҳар бирининг маълумоти, ўз уй-жойи, иши, оиласи бор. Сўнг Тошкентга ишга таклиф қилиб қолишди. Бу айни муддао эди. Зеро, институтни битирганда устозлари уни пойтахтда қолишга ундашган, бироқ қийинчиликларни ўйлаб, кўнмаганди.

Абдужалол ТАЙПАТОВ – “Шуҳрат” медали соҳиби, “Олтин қалам” XV Миллий мукофоти совриндори. 1958 йилда тузилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. “Тазарру”, “Ўғил” номли тўпламлари чоп этилган.

У болаларини йиғиб, айтди: “Биз вилоят марказини забт этдик, энди навбат пойтахтга! Мен сизлар учун ўзим йўл очиб бераман!” Ажабланиб қараганларига деди: “Шу Ватан, мамлакат бизники. Пойтахтда яшашга, ишлашга ҳаққимиз бордир”. Кўзига ёш олган аёлига, “Олдин ўзим бориб жойлашай, кейин сени ҳам олиб кетаман. Чет элга кетаётганим йўқ, ахир, кимлардир Америкага, Японияга ҳам кетишаётибди-ку?!” деди. Кичик ўғлини Тошкентда ўқитиб, ўзи билан олиб қолди. Шундан буён фақат бир йўналиш – пойтахт – вилоят маркази – ўзи туғилиб ўсган, ҳозир ота-онаси яшаётган қишлоқ бўйлаб айланади.

Бекатда машинадан тушиши билан уни таксичилар ўраб олди.

– Ҳозир жўнайдиганлар бўлса, ўтираман, – деди Кенгбоев йўлда юравериб кўзи пишган одамдай.

– Менда бир келин ва икки талаба йигит бор. Фақат олди банд, – деди Кенгбоевнинг йўгон гавдасига яна бир бор кўз ташларкан қорачадан келган узун бўйли киракаш. – Лекин орқадаги болалар ихчам-ихчам.

– Келинчакни орқага ўтказинг, кетамиз!

– Кореядан келаётган экан, кўпроқ бераман, деди-да, – узр оҳангида жавоб қайтарди ҳайдовчи.

Кенгбоев кун кеч бўлаётгани, йўл узоқлигини ўйлаб, талабаларнинг ёнига жойлашди. Олдинги ўриндикда эса ёнидаги болалар тенги, лаб-лунжини бўяб олган, олифтанамо бир қиз ўтирарди.

Манзил узоқ, гаплашиб кетилмаса, вақт ўтмайди.

– Кореяда ҳаёт қандай? Ўқийсизми? – дея қизга гап ташлади талаба йигитлардан бири.

– Биздан яхшироқ. Ҳамма нарса бор. Бой яшашади. Мен ўша ёққа эрга текканман, – деди қиз орқага бирров ўгирилиб.

– Э-э! – беихтиёр йигитлар ажабланганини яширолмади.

Бу жавоб Кенгбоевга ҳам таъсир қилди.

– Нима-а, шу атрофдан топилмадими? – деб юборганини билмай қолди.

– Бизда мард йигитлар йўқ! – қиз сақич чайнаб, хотиржам жавоб қайтарди.

Талаба йигитлар жойларида ўтиролмай қолишди. Қиз корейлик турмуш ўртоғининг “мардлик”лари ҳақида жўшиб сўзлай бошлади. Унинг гаплари йигитларнинг ғашини, рашкини келтирар, ғазабини кўзғар, эътироз билдиришар, хуллас, олис йўл учун баҳс мавзуси топилганди.

Қиз корейлик ёстиқдоши билан интернет орқали танишган, йигит воҳага бормаган, қизни ва унинг онасини Тошкентга таклиф қилиб, самолётда учиб келган ва пойтахтнинг ресторанларидан бирида тўй қилишган, шартнома тузишган. Ҳозир қизнинг онасига ойма-ой маълум бир суммада доллар юбориб тураркан.

– Энди бутунлай ўша ёқда қоласизми?

– Йўқ, – деди келинчак, – фарзанд кўрсам, уларнинг қонунчилиги бўйича, маълум бир ҳуқуқларга эга бўларканман. Масалан, эримнинг ярим мулки номимга ўтаркан...

– Бир корейснинг уйини куйдирмоқчи экан-да – бу! – талабалардан бири иккинчисига шивирлайди.

– Ўзимизда йигитлар билан танишиб кўрмадингизми?

– Кўп йигитлар билан танишиб, “юриб” кўрдим. Бари ёлғончи, миркурук. Мана бўлмаса, деб шу корейсга тегдим-кетдим. Нима, ичларинг куйяптими? – қиз бир гапдан қайтмас, шаддод ва шарттаки эди.

– Корейсчани ўрганиб олдингизми? Эрингиз нима иш қилади? Қанча маош олади? Ўзбекистонни соғинмайсизми? – йигитларнинг саволлари адо бўлмасди.

– Тилдан қийналаяпман. Гоҳида фикримни имлаб тушунтираман. Онаси, эрим, мен бирга турамыз. Заводда ишлайди. Ишдан келгач, пиво ичади, тез маст бўлиб қолади. Кейин гитара чалиб беради. Мен кун бўйи уйдаман. Йиғлайверганимга бир ойга рухсат берди. Қайтиш билетимни ҳам олиб, учирворди. Уларда йигитлар кўпинча ёши қирққа яқинлашиб, оила қуракан. Фақат зерикаман, онамни соғинаман...

Кенгбоев ёшларнинг гапларидан зерикди. Машина тоғларни ортда қолдириб, қир-адирлар бўйлаб шитоб билан илдамларди. Баҳор ҳавоси танга ёқади, атроф-олам кўм-кўк. Самарқанддан сўнг ҳовли девори йўқ қишлоқлар бошланди.

Кенг далада, қирлар ёқалаб, ялангликда қурилган бу уйларнинг биронтасида ҳовли ўралмаган. Оқланган, томлари қизил, кўк рангларга бўялганлари ҳам бор. Уй, ундан анча нарида моллар учун қўра, қўшимча бинолар, тандир, ўчоқ... Атрофда ўтлаб юрган қўй-қўзи, сигир-бузок, тўп тепиб юрган болалар. Ажойиб манзара!

– Шу ерларда ҳам одамлар яшашармикин? Бу дашту далаларда зерикиб ўлишса керак-ов. Ҳар ўтганда шуни ўйлайман, – деди томдан тараша тушгандай “корейлик” келин.

Болалиги шундай қиру адирларга туташ қишлоқда кечган Кенгбоевга бу гап малол келди. “Энг завқли ҳаёт шу ерларда-ку! Нега катта шоир-ёзувчилар, донишмандлар кўпинча қишлоқдан чиқади. Бу ерларнинг ўзгача сەҳри бор, қизалоқ”. Ҳаёли воҳада ишлаган йилларига олиб қочди.

...Қаҳратон қиш, дам олиш куни эди. Уйда зерикиб ўтирганди. Устозларидан бири Норкул ака қўнғироқ қилиб қолди:

– Оғайнимиз Суюн ака “Галақир”га раис бўлибди. Юринг бир табриклаб, тоза ҳаволардан нафас олиб келамиз. Яхши улфат. Таништириб қўяман.

Норкул аканинг олимликдан ташқари яна бир ажойиб одати бор. Табиат мавзусида мақолалар, ҳикоялар ёзиб туради. Боладай беғубор одам. Сафарларда юришни, улфатчиликни яхши кўради. Гурунғбоз. Шунинг учунми, раҳбарлар, ҳунармандлар, чорвадору деҳқонлар орасида унинг оғайнилари кўп.

Норкул аканинг янги “Москвич”ида йўлга тушишди. Шаҳардан чиққач, баланд-паст тепаликларни ортда қолдириб, анча йўл юришди. “Галақир” деган хўжаликнинг идораси шундоққина катта йўлнинг четида, сойликда жойлашган экан. Эрталабдан учқунлай бошлаган қор кўпайди.

Муздеккина хонада пўстинга ўралиб ўтирган эллик беш-олтмиш ёшлар чамасидаги тўладан келган, елкалари кенг одам уларни кўриб, чиройи очилди.

– Хуш келибсизлар, мавлонолар! – дея ўрнидан туриб, кучоқлашиб кўришди.

– Янги лавозимлар муборак бўлсин! Шу томонларга йўлимиз тушган эди, сизни бир табриклаб кетайлик, дедик. – Гапнинг андовини келиштирди Норкул ака.

– Айни пайтда келдингизлар. Зерикиб, совқотиб турган эдим, – кулди раис. – Ҳозир қўтонларни айланамиз, чўпонларнинг ҳолидан хабар оламиз. Кейин уйга ўтамиз.

Раиснинг эскирок, ранги униқиб қолган “УАЗ”ига ўтиришди.

– “Катта” қақриб, сиз тажрибали одамсиз, “Галақир”ни ҳеч ким эпюломаяпти, гап-сўз кўп, шу хўжаликни бир тартибга солиб берасиз, деди, – гап бошлади раис. – Келганимга бир ойдан ошди. Асосан лалмикор ерлар. Осмонга қараган эл. Бироз чорваси бор.

Норкул ака ён дафтарига нималарнидир ёзиб қўяркан, раисни саволларга тутарди. Раис тажрибали одам эди. Икки-уч хўжаликда раис бўлган, охирги пайтда қишлоқ хўжалик бошқармасида ишлаётган экан.

Чўпонларнинг қишлоқ ўтказаётган кўтонларига боришди. Раис улардан ҳол-аҳвол сўраб, ем-хашак захиралари билан қизикди. Чўпонлар янги раисни кўрганларидан хурсанд, кўзилаштишни бориши ҳақида маълумот беришиб, чойга таклиф қилишар, лекин Суён ака меҳмонлар ўзимизнинг оғайнилар, ҳали кўп келишади, деб унамасди.

Тушлик вақти бўлиб қолганди. Машинамиз бир қир тепасидаги оддийгина, лойсувоқ қилинган, пастқамгина икки хона, бир даҳлизли уй олдида тўхтади.

Иккови бир-бирига ажабланиб қаради. Шинам ресторан ва чойхоналарга ўрганган кўзлар бу оддийлик ва камтарликка кўниқолмаётганди.

– Келдик, тушингизлар. Ана шу бизнинг уй, – деди раис.

Уй қирнинг тепасида бўлиб, тўрт тарафи ҳам овлоқ, яқин орада бошқа уйлар кўринмасди. Сал наридаги кичик қўрада бир от боғлоқлик турарди.

Раиснинг ҳайдовчиси ичкаридан офтоба ва сочиқ кўтариб чиқиб, қўлларига сув қўйди. Сув илиқ эди. Кегбоев уйнинг томига қаради. Мўридан тутун чиқарди. Ихчамгина хонага киришди. Ўртада хонтахта, тўрт тарафида пўстак устидан кўрпача тушалган. Хонтахтага дастурхон ёзилиб, патир, ёнғоқ-майиз, ўрик, чакки, ҳар хил шишалар қўйилган. Хона ичи иссиқгина эди.

Раис пўстин ва телпагини ечаркан:

– Ҳар куни туман марказидан қирқ километр масофага қатнаш оғир. Кампирни олиб, кўчиб келдим. Болалар ҳаммаси мустақил, – дея изоҳ берган бўлди. – Илгари бу бино қаровсиз ётган экан. Эшик, деразалар ўрнатдик, лойсувоқ қилдик. Мана, қайси меҳмонхонадан кам. – У хонанинг паталоксиз шифтига бир назар ташлаб, мийиғида кулиб қўяди.

Хонтахта атрофига жойлашиб, дуо қилишди. Бир пиёла чой ичар-ичмас, катта лалида буғи чиқиб турган қўй калла-пойчаси, косаларда иссиқгина шўрва, бироздан сўнг ширвоз гўштидан қовурдоқ келди. Ичимлик ва овқатни яхши кўрадиган устознинг кайфияти зўр эди. Пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб ароқ қўйилди. Гурунг-гурунгга уланди.

– Мен бу ерда янги одамман, – деди Суён ака. – Ҳозирдан чўпонларнинг чойини ича бошласам, гап кўпайиб кетади. Шунинг учун сизга ўхшаган нозик меҳмонларни ҳам уйга олиб келаяпман. Кампирга ҳар куни шўрва буюриб кетаман. Ўзим калла-пойчани яхши кўраман. Идорамиз йўлнинг устида, ўтган-қайтган бир бурилиб киради-да. Шукр, ҳар куни меҳмон бор. Сизларни кўриб роса хурсанд бўлдим. Айниқса, мана бу қорни айтмайсизми? Барака бу! Ўтган йили киш қуруқ келганди. Элимиз чарчаган, ҳамма осмонга қараб турганди.

Пиёлалар бир-икки қўл айлангач, Норқул ака яна гап қўзғайди.

– Суён ака, мен сизни танигандан буён раҳбарсиз. Бунинг сири нима-да? Армонингиз ҳам борми?

– Энди бош қизигандан кейин бу шоир оғайнилар ҳам гапни айлантиради-да, – кулиб қўяди раис. – Майли, ечилсам ечилибман-да. Отам оддий деҳқон эди. Болалигимда қорнимиз тўйиб нон емаганмиз. Ака-укалар бир-биримизнинг кийимимизни кийиб катта бўлганмиз. Институтни битиргач, оддий агрономликдан иш бошлаганман. Бош агроном, партком секретари, кейин раис бўлдим. Ўз кучим билан иккита уй қурдим. Болаларни ўқитдим. Бари ишли, уй-жойли, менга муҳтожлиги йўқ. Хурсанд бўлганим, ақлли-хушли. Отам икки бор “Сендан мингдан минг розиман, ўғлим!” деган. Армоним йўқ, десам ҳам бўлади. Ёшим олтмишга яқинлашиб қолди. Туманда иззат-ҳурматим жойида. Ҳатто ёшроқ пайтларимда бирон сулувроқ жувонга кўнглим суст кетган бўлса, “Раис бова, ҳурматингиз бор”, дея раъйимга қараган. Шунинг учун кўп айтаман: “Оллоҳим, хоҳлаган пайтингда – йўлдами, уйдами, қақирсанг мен тайёр”.

Икки-уч соат ўтиришгач, Кенгбоев Норкул акага имлади: “Қайтишимиз керак!” Норкул аканинг яна бир яхши томони шундаки, қанча ичса ҳам ўзини йўқотмас, машинани бемалол ҳайдаб кетаверарди. Энди қонуннинг кучи камроқ замонлар эди-да.

Раис машинага бензин қўйдириб, кузатиб қўяркан, “Энди баҳорда бир келасизлар”, дея қайта-қайта такрорларди.

Кўкламнинг бошида, Наврўз кунларида “Галақир”га яна бир боришди. Раис идоранинг тепасидаги ялангликка, қип-қизил қизғалдоқлар орасига жой қилдирди. Тоза ҳаво, тоза сув, тоза таомлар, роса мазза қилишган эди-да, ўзиям. Йиллар эса шитоб билан ўтмоқда. Бугун Норкул ака ҳам, Суюн ака ҳам абадий дунёга кетишган. Ҳаёт шу экан-да...

Кенгбоев хаёлларини йиғиштириб, машина “Галақир”нинг устидан ўтаётганда бўйинини чўзиб, хўжаликнинг идораси ҳамон борлигини кўрди. Атрофдаги кўм-кўк қирлар қип-қизил қизғалдоқларга бурканган. Ана, идора тепасидаги таниш кирда бир гуруҳ одамлар суҳбатлашиб ўтиришибди. Болалар чиллак ўйнашмоқда. Нарироқда эса икки от бир-бирини искамоқда. Ҳаёт гуриллаб, табиат янги ва азалий қўшиғини куйламоқда.

Ёнидаги талаба йигитлар, маҳмадона келинчак ҳам мизғишмоқда экан. У ҳайдовчидан магнитофоннинг овозини бироз кўтаришни сўради. Лентада халқимизнинг ардоқли ҳофизи Шерали Жўраев жўшиб куйларди: “Карвон кўрдим-м, туялари йиғлаб келар-р...”

Йўловчилар ўтирган машина қирлар, тепаликлар оша манзил сари шитоб билан ошиқарди...

“ФАРИШТА”НИНГ ЭРИ

Шодиевнинг эрталабдан асаби бузилди. Сабаби, кечаси билан чап қўли сим-сим оғриб чикди. Бу нимаданлигини билолмаяпти. Ўн йиллар олдин кўчада шошиб кетаётиб, суриниб йиқилганди. Шундан қолган асоратмикин? Ёки юрагидаги дард кўлига бераяптимикин? Қон босимига қарши дори ичиб юради. Дўхтирга боргани эса ҳафсала, вақт йўқ. Ишхонага бориши биланоқ югур-югур бошланади, ярим кечада силласи куриб уйга кириб келади.

Ишга келгач, бошлиқ қабулхонасига ўтиб, бир дона газета олди-да, хонасига кирди. Кўрпача тўшалган ўриндиғига жойлашиб ўтираркан компьютерини қўшди. Кейин босмахона бўёғининг ҳиди анқиб турган янги газетани варақлай бошлади. Дастлабки бетларидан тез-тез ўтди-да, кўзи “Қизига кўз сузган ота”, “Дўстлар” бир-бирини пичоқлади”, “Йўл ҳодисасида тўрт киши ҳалок бўлди” каби сарлавҳаларга тушиб, кўзларини юмди. “Тавба, қажоқ қараб кетаяпмиз? Ҳукумат матбуотининг аҳволини қаранг. Нималарни бераяпмиз?”

Эртанги сонни режалаштириш йиғилиши – “планировка”да бош муҳаррир айтган гаплар ҳаммасидан ошиб тушди.

– Обуна мавсуми бошланаяпти, – деди ҳали ёш бўлса-да, сочларининг қорасидан кўра оқи кўпайган, баланд бўйли, бугдойранг, хушқомат бош муҳаррир бўлим бошлиқларига бир-бир синчков назар соларкан. – Кимгадир талабимиз ёқмаётган бўлса, қўлидан ушлаб турганимиз йўқ. Тиражимиз кундан-кунга камайиб кетаяпти. Бунинг учун газетамизда шов-шувли мақолаларни кўпайтиришимиз керак. Танқид, таҳлил лозим. Электрон нашрлар аудаторияни эгаллаб бўлди. Биз томошабин бўлиб ўтирибмиз. Бунақа газета ҳеч кимга керакмас. Мабодо ўқувчи йиғолмасак, газетамиз янги йилдан ёпилиб кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

– Шу пайтгача цензура қўймайди, дердинглар, – овозини бир парда кўтарди бош муҳаррир. – Давлат раҳбарининг ўзи демократияни қўллаб, ҳамма нарсани беринглар, деб турган бир пайтда нега биз жиммиз. Қани одамларни уйғотадиган, қўзғайдиган, ёндирадиган гаплар? Халқнинг тилининг учида турган сўзларни топиб айтийлик. Бугун шу масалада ҳамманинг фикрини эшитамиз. Қани, кимдан бошлаймиз?

Ўринбосарлар одатдагидек мингирлаб, бирин-кетин нималардир дейишди. Уларнинг гапи ҳеч кимнинг эсида қолмади. Ташқи сиёсат бўлимининг мудири, ёш йигит ҳар галгидек таъналарга қўмилди. “Сизни чет тилини билади, деб қўйгандик. Қани элчилар билан суҳбатлар? Фақат кўчирамыз? Мамлакат ташқи дунёга очилганига неча йил бўлди?”

Бош муҳаррирнинг ғалати одати бор. У на ўринбосарлари, на бўлим мудирларининг гапини, таклиф-мулоҳазаларини инобатга олмас, эшитмас, кадрларни ҳам ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан “кўча”дан олиб келиб қўяверарди. Масалан, маънавият бўлимининг мудири олдин бозорда ишлаган экан. Тўғри, бир вақтлари шу соҳада бўлган, кейин бозорга ўтиб кетган, дейишади. Чиройли қиз-жувонлар доимо эътиборида туради, гоҳида чиройига қараб ҳам сийлаб юбораверади. Шу иш қўлидан келадими, салоҳияти етадими-йўқми, деб ўйлаб ўтирмайди. Илгаридан ишлаб юрган, ўз ишини биладиган беш-ўнта одам демаса, бошқалар қайси бир жиҳатдандир бошлиққа алоқаси бор, унинг “ўз одамлари”.

Мажлисдаги асабийлик руҳи Шодиевнинг кайфиятини баттар қилди. Фикр сўрашганларида оғир ўрнидан туриб, “Бу журналистика эмас”, деди олдидаги газетага ишора қилиб.

– Нима унда? – бош муҳаррирнинг жаҳли чиқди.

– Бу бозор матбуоти! Бизга давлат пул бериб турибди, қўллаб-қувватлаяпти. Биз ҳукумат олиб бораётган сиёсатни қўллашимиз керак. Мана бу биз бераётган олди-қочди “наrsa”ларимиз мамлакат имижига таъсир қилади. Бу нохуш ҳолатлар халқимиз учун типик ҳодиса эмас. Шундай экан, уларни ёзмаса ҳам, бермаса ҳам бўлаверади.

Бош муҳаррир жим туrolмади. Бу тажрибали ходимдан биров чўчиса-да, уни тўхтатмаса бўлмасди. Агар гапини ўтказа олмаса, жамоанинг олдида нима деган одам бўлади?

– Сиз энди эски даврнинг одамисиз. Бугун давр бошқа, талаб бошқа, – деди-ю унинг ёнида ўтирган ходимга “Сиз давом этинг” дегандик қаради.

Бу гап Шодиевга “Сиз ярамай қолгансиз” дегандик туюлди. Умри матбуот ичида ўтаётган оқсоқол журналистнинг ранги аввал бир қизариб, кейин оқарди-қорайди.

Шодиев сайрай кетди: “Катта давлатларга қаранг. Ҳар бирининг ўз расмий матбуоти бор. АҚШ, Хитой ёки Россия, Япония... Расмий матбуот ўша давлат манфаатини ҳимоя қилади. Шундай бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Европанинг демократияси, кадриятлари бизга тўғри келмайди. Энг шов-шувга ўч, ўзларича “инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси” ҳисобланадиган телерадиоканаллар ортида ҳам “катта куч”лар, давлатлар турибди. Кимки буни тушунишни истамаса, узоққа бормади. Ҳар балони – миллатни ерга урадиган, унинг обрўсига путур етказадиган нарсаларни бериш бу газетачилик эмас. Сўз эркинлигини рўқач қилиб, уйдаги гап кўчага олиб чиқилмайди. Онангни отангга бепардоз кўрсатма, дейишади-ку, ахир. Матбуот бу мафкура, гождир. Менинг қатъий ҳулосам шу: биз халқимизга хиёнат қиляпмиз...”

Мажлисдан чиққач, ходима қизлардан бирига аччиқроқ кўк чой дамлашни илтимос қилди-да, хонасидаги креслога ястанди. Босиб-босиб кўк чой ичаркан,

кариётганини, чарчаётганини ҳис қилди. Сиқилди. "Шу гаплар менга зарурмиди? Бошқалар нима деб ўйлади? Эсим жойида пайтда топширсамми бу бўлим мудирлигини? Болалари одам бўлган, бировга муҳтож жойи қолмаган".

Тушликка яқин шаҳар телефони чўзиб-чўзиб жиринглади.

Болаликда бирга ўсган, яхши-ёмон кунларида ёнида турадиган бўйинса ошнаси, домла Шомурод экан. Икки йил бўлдиёв кўрмаганига. Тошкентга келибди. "Бирон дурустроқ жой йўқми овқатланадиган, атайлаб қишлоқдан келдим", дейди.

Дўстининг овозини эшитиб, чиройи очилди.

– Сизлар бу пойтахтликлар оч юради деб ўйласанглар керак-да, – деди кулиб. – Жуда сизлардай қўй сўйолмасакда, мастава-пастава, лағмон-пағмон топилар... Сиз ҳозир қаердасиз?

– Мен шу бир жойда турибман... Ҳозир сўраймизда қаерлигини.

Шодиев ўринбосарига тайинлади:

– Бояги гап-сўзлардан сўнг ўзимни бироз чалғитмасам бўлмайди. Қараб турарсиз...

Шаҳарнинг бир четидаги одам сийрақроқ емакхонада учрашдилар. Ошнаси ўша-ўша полвонкелбат, деярли ўзгармаган, бироз озибди, қадам ташлаши оғирлашибди, чоғи.

Ошхонанинг дастёри келиши билан, "Чакки, кўк пиёз, бир шиша анавидан, гўшт", деди Шомурод.

– Ҳой, ҳой, бу шаҳарнинг эгалари бор, – деди Шодиев хохолаб куларкан, анграйиб турган хизматчига қараб. – Биринчидан, бу қизимиз сиз айтган бирон гапга тушунмади. Қолаверса, сиз меҳмонсиз. – Кейин хизматчи аёлга ўгирилди. – Нон-чой олиб келаверинг-чи?

– Мен атайлаб беш юз километрдан сизни кўргани, бир дардлашгани келаяпман. Ичим тўлиб кетган. Янгиликни айтиб қўяй: мен ҳам намозни бошладим, жўра. Аммо бугун бузмасак бўлмайди...

Шомурод илтижо билан ошнасига тикилди. Шодиев уни соғинганини ҳис қилди.

Шомурод деганлари ғаройиб йигит. Шалдир-шулдир, қўли очиқ, кўнглини топсангиз, сонидан ҳам кесиб беради.

Қайси йили у бир тўй қилди. Қайта-қайта тайинлайвергач, Шодиев ҳам борди. Ажаблангани, вилоят марказида уй-жойи, ҳовлиси бўлатуриб, қишлоқда тўй қилди. Кўклам эди. Қишлоқнинг бир чеккасидаги қир-тепаликда жой қилдириб, кўм-кўк ўтлар устига кўрпача тушатган. Дастурхонда Чиялнинг "яхна"сидан тортиб Умакайнинг "жиз"игача бор. Санъаткорлар дилрабо қўшиқлардан айтиб туришибди. Яйраб ўтиришган, оғайнилар билан сариеғдай эришганда ўзиям.

– Қанча бир-биридан ҳашаматли тўйхоналар туриб, нега одам келиши қийин бўлган бу қирларда элга ош бераяпти, деб ўйлаяпсизларми? – деганди ўшанда Шомурод. – Мен шу қирларда туғилганман. Кейин ота-онам пастга – қишлоқ марказига кўчишган. Болалигимда бир кун одам бўлсам, қишлоғимга келиб тўй қилиб бераман, деб орзу-ният қилгандим. Катта шаҳарга бориб, кимсан – Шомурод домла бўлгач, кўп тўйлар қилдик. Қизлар узатдик, ўғиллар уйлантирдик. Энди бу ердагиларнинг ҳам ҳақи бор-да, биродарлар. Набиралар бир баҳона.

Кўпқари, кураш бўлди. Шунда Шодиев оғайнисига яна бир бор қойил қолган, вилоят маркази ва пойтахтдан борган амалдор тенгқурларининг мазза қилиб дам олишганига гувоҳ бўлган, болалик хотиралари эсга тушганди.

Оломон тўплангач, Шодиевга ҳам сўз беришганди. Ўша кунни айтган гаплари ҳамон сўзма-сўз ёдида турибди:

– Ҳаётда ҳар бир одамнинг севимли машғулоти, хоббиси бўлади. Кимдир шеър ёзиб завқланса, кимдир қўшиқ айтиб ҳузурланади. Олим илм қилиб, кашфиётлар яратиб, ором олса, полвон кураш тушиб, кўпкари чопиб мазза қилади. Менинг дўстим Шомурод эса ҳақ бериб, зиёфат, тўй қилиб роҳатланади. Мабодо, кўп еб-ичиб бойлигингизни бироз камайтирган бўлсак, Ўзи тўлдирсин. Доимо бардам-бақувват бўлиб, эл-юртга ҳақ бериб юраверинг. Омадингизни берсин, ошна!

Шомурод домла институтда кўп амалларда ишлади. Бой бўлди, камбағал бўлди. Семирди, озди. Лекин сира паст кетмади. Совуқ шамолларга, иссиқ гармселларга қарши кўкрагини очиб, мардонавор пешвоз чиқаверди.

Шодиев бир борганида дўстини чарчаганроқ ҳолатда кўрди. Ёлғиз қолишганида сархушлик билан, “Чарчадим, жўра”, деди. Кейин кўшиб қўйди:

– Ўғиллар менга ўхшамади. Менинг боболарим отдан тушмаган. Кураш тушишган, кўпкари чопишган, биласиз, мен ҳам шу институтга келгунча полвонлик қилганман. Ҳозир ҳам бировдан кам жойим йўқ. На мол-дунёда, на одамгарчиликда бир одамдан кам бўлмасликка ҳаракат қиялман. Илкис биров келиб қолса, икки кило гўшт ва иккита шиша чиксин уйдан деб юрибмиз-да. – У оғир бир хўрсиниб олди. – Оиламда бирон одам ишламайди. Ҳаммаси мендан пул сўрайди. Бари палағда тухумга ўхшайди. Наслим шуларда давом этадими энди?! Нима, менинг уруғим куйиб кетганми? Йўқ, мен бу ҳолат билан мурса қилолмайман.

Шодиев дўстига тасалли беришга уринган ва одатдагидек шошиб шаҳарга қайтганди.

Шундан буён орадан икки йил ўтиб кетибди-я.

– Хўш, дўстим,— деди Шодиев иккинчи шишани ҳам очаркан бу саволни нечанчи марта қайтараётгани эсидан чиқиб. – Қишлоқда нима гаплар? Институтда-чи? Оғайнилар эсон-омон юришибдими?

– Ҳаммасини йиғиштирдим, жўра, – Шомурод домла ҳам нечанчи мартадир бу саволга жавоб қайтарарди. – Туман ҳокими собиқ талабам бўлади. Олдига бордим. Эллик гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилдим. Ўзимизнинг қишлоққа яқин биёбондан. Эсингизда бўлса, бир тўй бергандим-ку. Ўша жойлар. Шамолнинг йўли. Баҳори зўр. Ёзда туриб бўлмайди. Ишонсангиз, бир йил ёлғиз яшадим. Ўзим чой қўйдим, ўзим кир ювдим. Хотин келмади, шароит йўқ эмиш. Биласиз, қўлимда бир-икки сўм пул турмаса, ухлолмайман. Давлат берган маош ҳеч қачон менга етмаган. Доим топганман, сарфлаганман, бировнинг қўлига қараб қолмаганман. Кейин ҳаммасидан воз кечдим. Хотиндан ҳам, болалардан ҳам. Очиғи, борди-келди йўқ. Фақат пул сўрайдиган, дардисар, боқиманда болалар кимга керак? Англаганим шу бўлдики, бу биёбонда мабодо ўлиб қолсам, жасадимни бир ойдан кейин топишади. На ўғил-қиз, на хотин хабар олади. Оғайниларнинг маслаҳати билан уйландим. Бир қора керак-ку?! Қўшни қишлоқдан олдинги турмушидан фарзанди бўлмаган бир бевани топишди. Бечора, қийналган, инсофли аёл экан. Ўзимга ҳам қараяпти, молларимга ҳам. Ҳозир қўй-қўзиларимнинг сони юздан ошди.

– Ёмғирли кунларда худди келин билан ҳинд киноларидагидек қўлтиқлашиб, қўй боқиб юраркансиз-да. – Шодиев жиғига тегмоқчи бўлади ошнасининг.

– Боболар бир йигитнинг бошига уч марта бахт қуши қўнади, дейишади. Шу аёл, ишонинг, менинг учинчи бахт қушим. – Шомурод домла ошнасининг гапига бир қулиб қўйди.— Алламаҳалда уйқум қочиб, ташқарига чиқсам, офтобада илиқ сув турган бўлади. Қачон у сувни илитишга улгурди, қачон менинг чиққанимни кўрди? Қўйларим шу аёл келгандан буён нуқул эгиз туғаяпти. Бир ёшли қўзиларим ҳам туғиб ётибди. Бир-икки бор атайлаб жанжал қилмоқчи бўлдим. Йўқ, у билан

уришиб бўлмайди. Нима десам, хўп, дейди. Бу аёл инсон боласимас, фаришта. Биласиз, катта хотин билан уришавериб, менинг ҳам асабларим тамом бўлган. Лекин бу билан уришиб бўлмайди. У уришлардан кейин туғилган.

– Энди дўстим, осмондаги буюк зот ҳамма савобу гуноҳларимизни кўриб турибди. Сизнинг ҳам кўп қийналганингизни кўриб, дурустроқ бир хотин юборайин, дегандир-да, – кулади Шодиев.

– Йўқ, кулманг, жўра. У ростданам фаришта. Мен бахтиёрман. Бахтимни энди топдим!

Шодиев қўл телефонига бирров кўз югуртираркан, хотини бир неча бор телефон қилганини, вақт ҳам кеч бўлиб қолганини кўрди.

– Бу қирдаги саройингизда чироқ борми ўзи? – яна ўсмоқчилади Шодиев.

– Аҳён-аҳёнда бўп туради. Лекин артезиан қудуғимиз бор. Тандир, ўчоқ. Эринмасак, балонли газимиз ҳам бўлади. Ҳар куни тонгда бир коса қатик-сут, тандир нон ва, албатта, ёнғоқ-майиз, гўшт бўлади. Ҳа, кўк пиёз ҳам бор. – Энди Шомурод домла ҳам кула бошлади. – Лекин телевизор бору интернет йўқ.

“Қандай бахтли одамлар-а?” Негадир Шодиевнинг дўстига ҳаваси келди. У ташқарига чиқиб, хотинига телефон қилди. Меҳмон олиб бориши мумкинлигини ҳам орада кистириб қўйди.

Қайтиб кирса, хонада Шомурод домла худди ёш боладай хўнграб йиғлаб ўтирибди.

– Э-э, нима бўлди, дўстим! – Шодиев оғайнисининг елкасига қўлини қўйди.

– Менинг бир орзум-армоним бор, ошна, – дея Шомурод домла яна қадахларга куйаркан кўзёшларини артди.

– Гапиринг, домла, гапиринг! Бугун битлар тўкиладиган кун экан-да.

– Қайси куни кичик хотинни дўхтирга кўрсатдим. Гумонасини ўғилга ўхшайди, дейишди. Насиб бўлса, шу ўғлим туғилса, уни чўллардек бағри кенг, ажойиб паҳлавон, қалби тоза, мард йигит қилиб тарбияласам, кўрган кўз қувнаса, ҳамма ҳавас қилса, дейман... Ўзимга ўхшаган дастурхони очик, самимий, полвон йигит бўлса. Қишлоқнинг тўй курашларида биринчи тобоқ (зот)ни ҳеч кимга бермаса... Одамлар бир-биридан суриштира: “Бу кураги ерга тегмаган паҳлавон йигит ким, кимнинг ўғли?” Шунда саксонни қоралаб қолган чоллар, “Бу шўрбозорлик Шомурод полвоннинг фаришта хотинидан туғилган ўғли!” десалар... Шу кунларни ўйлаб, хаёл қилиб, кўзимга ёш келди, ўзимни тўхтата олмадим...

– Мен бунга ишонаман, – деди Шодиев баланд руҳда ўрнидан туриб. – Биз бунга ишонамиз! Яъни сизни биладиган ошналарингиз. Сиз Шомурод дўстим, қалби гўзал, мард, танти одамсиз. Бундай одамларнинг фарзандлари ҳам отасидек бўлади. Биологик қонуниятлар ҳам, маънавий қонуниятлар ҳам шуни тақозо этади. Сиз, биз, бутун эл фахрланадиган бўлажак ўғлингиз учун олайлик. – У қўлидаги лимо-лим қадахни охирига қадар сипқорди. – Насиб бўлса, ўша кунларни, албатта, кўрамиз!

Шодиев уйига шунча таклиф қилса ҳам Шомурод унамади. Домлани кечки поездга ўтқазиб, қайтганида ярим тун бўлганди.

Тонгда ўрнидан туриб, хотинига айтган биринчи гапи шу бўлди: “Биз ҳам қишлоққа қайтамиз!”

Тилига кўчарми дилдаги сўзи



Йўлдош МИРЗАЕВ

Дўмбира

Дўмбирам, сен, овозинг бурро,
Бағрим бериб, чертайин бир пас.
Торларингга сингиб кетайин,
Қулоқ оссин ихлоси бор шахс.

Кўксим эгик чаноқ устига,
Бармоқларим учлари қондир.
Кўкайимга чўкиб кетган ғам,
Торларингга тўкилсин ахир.

Гўрўғлибек киёфаси тунд,
Аҳмад Сардор ичдан тойинар.
Душманлари довонда лак-лак,
Йигитлари жанг ичра қайнар.

Алпомишда бир дунё алам,
Ойбарчини қайларда соврин.
Назаркарда Чибори жайрон,
Туғ қилади ўзбек обрўйин.

Йўлдош МИРЗАЕВ – 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Ижодкорнинг “Тонг таровати”, “Довон дарди”, “Рангин соғинчлар”, “Оғриқли туйғулар” каби назмий ва насрий китоблари чоп этилган.

Қон кечавер, дўмбирам, созим,
Тасир-тусир отлар туёғи.
Бийрон куйла, сўзсиз, забонсиз,
Сунбул созим, қалбим маёғи.

Кунтуғмишу Рустамхон бир ён,
Қаттол ёвлар биқиндан санчиқ.
Бўзлаётган созим ичинг қон,
Ўқчиб-ўқчиб, сабчиб тишга чиқ.

Дўмбирам, сен, қалбим қуроли,
Ҳасад, хоин, ёвга дорирсан.
Сени чертсам қалбим ороми,
Хайриятки, ўзинг боримсан.

Юрагингда сийрат чийланар,
Бахши, оқин қўлида уйрул.
Тулпор зоти торингда ўйнар,
Гижинглашар айғирли уюр.

Эслаш

Водий бағри узра чўкканда оқшом,
Осмон тортаверди юзига парда.
Менинг юрагимда соғинч муҳташам,
Ўзим изтиробим ила сафарда.

Нигорим йўлимга тўртмикан кўзи,
Қадримга орзиқиб қиларми тавсиф.
Тилига кўчарми дилдаги сўзи,
Дийдоримни бўлсин дермикан насиб.

Хаёлдай сарҳадсиз дала-даштларни,
Кўплаб очилгандай беҳисоб чечак.
Осмонда чароғон юлдузлар каби,
Нигорим эслайман, орзиқиб шу чоғ.

Ишқ

Кузда келди ишқ менга,
Энди хазон – ҳеч нима.
Ишқим гуллаб мевалар
Берар менга, қиш – нима?

Кўкламдаги эргачи,
Ғунчалар кўп, хўш, нима?
Кузда алвон очилган
Гулим, эй, дўст кам дема.

Ишқим оташ – оловдир,
Юрак менга яловдир.
Ёнади-я ёндирсанг,
Қорни топиб қалов бир.

Кузда келди ишқ менга,
Хазон менга, хўш, нима?
Ишқим гуллаб мевалар
Берар менга, қиш – нима?

Хуш келдинг

Хуш келдингиз, марҳабо,
Қалбимга ишқу баҳор.
Сиз иккингиш доимо
Ҳамдамсиз шому наҳор.

Сиз келгунча бу кўнгил,
Бўм-бўш эдимиз гўё?
Сиз келдингиз энди бул,
Дилга ошно нур, зиё.

Булбуллари ғазалхон,
Кўкламойим, кўкламой.
Ошиқ дилга чўғ солғон
Ишқни нечун куйламай.



**Муҳаммад Мурод
СУЛТОН**

Муҳаммад Мурод СУЛТОН – 1958 йилда туғилган. Ижодкорнинг “Ҳаёт зайли”, “Заковатга йўғрилган умр”, “Куз армонлари” тўпламлари нашр этилган.

Хуш ифордин димоғим,
Бунча сархуш бу дамлар.
Ажиб ҳислар оромим,
Банди этмиш бу дамлар.

Ранго-рангдир бу ҳислар,
Камалакдек сержило.
Ажаб, ажиб нурларга,
Беланмишдир бу дунё.

Шул дамларнинг шавқини,
Шеърга солсам, одамлар.
Қоғозда акс этмоғин,
Эплармикин қаламлар.

Ҳар баҳор она – Ерни,
Яшартирар кўкламой.
Фасли баҳор қалбимга,
Муҳаббат берди чирой.

Илҳом берди шеъримга,
Ишқу баҳор икковлон.
Энди ёниб куйлаймиз,
Ишқ, баҳор, мен – учовлон.

Мадҳ этиб ёр, борлиқни,
Қўшиқ янграр оламга.
Ишқ, баҳор, мен ва қоғоз,
Ҳамда раҳмат қаламга.



Шерзод МИР

Тўртликлар

Тонг отди, сабо йўқ, ухлаб қолганми,
Ҳар сафар гул бўйин тараб толганми?
Ҳолимдан кулмая, айт фалак, бир дил,
Сенинг ҳам меҳрингдан баҳра олганми?

* * *

Бир лаҳза ўтдию кўзлар юмилди,
Уларчи, неларни кўриб улгурди.
Туну кун фарқини англаб етганда,
Вақт деган саман от олға югурди.

Шерзод МИР – 1966 йилда туғилган. Ижодкорнинг “Орқамизда соғинч қоляпти” китоби нашр этилган.

* * *

Бир лаҳза ўтдию кўзлар юмилди,
Уларчи, неларни кўриб улгурди.
Туну кун фарқини англаб етганда,
Вақт деган саман от олға югурди.

* * *

Фалакнинг феълини англаса юрак,
Кўзда яшашни қилади тилак.
Чархнинг бир макрени тушунса юлдуз,
Булутдан юз бор кўп ёш тўкса керак.

* * *

Куёш юз беркитди, тун эшик қокди,
Моҳ само кўксидан жилмайиб боқди.
Кундузи қўйнимда исинган шамол,
Сабога айланиб, заминга оқди.

* * *

Нозиктаъб қилибон яратдинг мени,
Лоланинг лаълига қаратдинг мени.
“Бунданда афзалин ўзингдан қидир” –
Деб, руҳим поклашга ўргатдинг мени.

* * *

Самода юлдузлар тўқнашган чоғи,
Тўлин ой кўксида кўпайди доғи.
Ошуфта икки дил учрашган лаҳза,
Лов этиб ўт олди ҳаёт чироғи.

Беклар замони

Юртим борки, жаннатий макон,
Шоирлари, бахшилари кўп.
Бир-биридан хушфеъл, хушзабон,
Қишлоғимнинг яхшилари кўп.



**Ўзбектош
ТЎРАХОНЛИ**

Ўзбектош ТЎРАХОНЛИ – 1986 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг мусиқали театр режиссураси факультетини тамомлаган. “Қувонч” ҳикоялар тўплами, “Оқ ва қора”, “Қочоқ куёв” қиссалар тўплами нашр этилган.

Сирдарёдай шошқин, жўшқинфеъл,
Навосидан юрак бўлур сел,
Ёшу кекса она юртин дер,
Қишлоғимнинг яхшилари кўп.

Дўст кўраман ҳар ёнга қараб,
Хоҳ Самарқанд, Бухоро тараф,
Бари ака, ё укамдай гап,
Ватанимнинг яхшилари кўп.

Собит турар сўзида улар,
Иймон порлар кўзида, улар
Юрган йўли, изида гуллар...
Қишлоғимнинг яхшилари кўп.

* * *

Юрак денгизида андиша ҳоким –
Одамнинг ожизи шоир бўлади.
Асли ўздан буюк ишларга қодир –
Худонинг ёлғизи шоир бўлади.

Изҳор

Ассалом, деб кўз тушса кўзга,
Меҳримизни ўрайлик сўзга,
Барча бирдир, йўқ бунда ўзга,
Ғаниматмиз бир-биримизга.

Дард-ҳасратмиз бир-биримизга,
Бахт-омадмиз бир-биримизга.
Бу беш кунлик фоний ҳаётда,
Ғаниматмиз бир-биримизга.

Ёлғизга ҳам Худо дўст, аммо,
Одамлар бор: пулга маҳлиё,
Чўнтак бўлмас кафанда, илло,
Ғаниматмиз бир-биримизга.

Қўлни қўлга бериб яшайлик,
Дўст йўлига жонни тўшайлик,
Бир бахтига минг бахт қўшайлик,
Ғаниматмиз бир-биримизга.

Шоир ва ровийнинг овози бирлашганда



Нодира ОФОҚ

Достон ёзиш учун ижодкорда ровий ва шоир уйғунлашиши керак. Шунинг учун ҳам достон – мураккаб жанр ҳисобланади. Бу жанрга қўл уришга ҳамма ҳам журъат этавермайди. Ҳисобот йилида анча-мунча достонлар яратилди. Шу йилда яратилган, эълон қилинган достонларга яхлит ҳолда қарасак, мавзу-моҳиятнинг ҳам, услубларнинг, усулларнинг ниҳоятда ранг-баранг, ўзига хослигини кўрамиз.

Севимли шоиримиз Азиз Саиднинг “Турғунлик болалари” достони ўша олис турғунлик йилларида яратилган. Достон ҳақида ҳозир мулоҳаза билдирилаётганининг сабаби шуки, асар 2021 йилда эълон қилинган “Вақт манзили” китобидан ўрин олган. “Турғунлик йиллари” катта изтироб билан, бошдан-охир ташбеҳлар тилида ёзилган. Агар шундай дейиш мумкин бўлса, бу асарни “изтироб ташбеҳлари” деган бўлардим. Шоир ўзи гувоҳ бўлган воқеалар, ўзи ҳам ичида яшаган нораво йиллар фожиасини, драмаларини ёзган. “Дардини достон қилиш” деган ибора айтилиши шу битиклар учун айtilгандек. Достонда тасвирланган рангсиз турмуш, жулдур қаҳрамонлар, айлана йўқсиллик, қаҳрнок мутасаддилар, юракни сикадиган воқеалар Раскольников Петербургидаги ҳаёт манзараларини эслатади. Аслида булар ҳаёт эмас, ҳаётга ёт манзаралар, дегинг келади. “Тенгсизлик кўчалари”, “муҳтожликнинг сўнгсиз жанги”, “бўм-бўш халталарга сизмаган орзу”, “ҳаётнинг бешафқат дастгоҳлари”, “марҳумсиз чайқалган тобут”, “энг ишрин орзулар қўмилган ёстиқлар”, “бир тунда сочи оқарган “ота” “маъюс бахтиёрлик” – булар кўчим, ташбеҳ ва шу кабилар, албатта. Айтилиши вақтда булар – яшаб ўтилган ташбеҳлар, дейиш мумкин. Аслида ижодкор кўчим ёки ташбеҳ ёки бошқа ном билан аталадиган лисоний ифодадорни ўйлаб тополмайди. Ҳар бир қаҳрамон драмаси ёки фожиасини, ҳар бир ҳолни ўз танида, қалбида ҳис этади ва ўша ҳис этиш ўз-ўзидан сўзга айланади.

Нодира ОФОҚ – 1966 йилда тугилган. Филология фанлар доктори. Бухоро давлат университетининг тил ва адабиёт факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Баҳорнинг бошланиши”, “Аросат фасли”, “Кўнгил шеваси”, “Сўз айвони”, “Қора наво”, “Ватан дарслари”, “Бизнинг эра” каби тўпламлари нашр этилган.

Достонда концентрик сюжет йўқ. Аммо ҳаётнинг бўлак-бўлак манзаралари бош қахрамон образи атрофида бирлаштирилади. Бу эса муаллифга турғунлик фожиаларини кенгрок кўламда камраб олиш имконини берган.

Турғунлик болалари – эрта улғайган болалар. Болалиги тортиб олинган болалар. Достонни ўқидиму, турғунлик йиллари – ўтиб кетган, ўткинчи йиллар эмас экан, дедим.

Азиз Саид бир суҳбатда шундай дейди: *“...шеърдаги машҳурлик ҳолатлари ҳам бор. Бирор шеър ёки шоир вақтинча машҳур бўлади. Аммо давр ва вақт ўтар экан, бу машҳурлик бошқа нарсаларга таянгани маълум бўлиб қолади. Натижада ўша шеърнинг ўрнини бошқалари эгаллай бошлайди. Бу халқнинг ўша пайтда шеърни қабул қилиш талаби, руҳий эҳтиёжига боғлиқ бўлади. Бу эҳтиёжлар пайдо бўлган вақтда бошқа мушоҳадалар қилинмайди”*. Шоир ҳақ, чунки муайян ижтимоий давр тасвирланган асарнинг умри ўша давр билан бирга якун топиши бор гап. Аммо бу гап “Турғунлик болалари”га дахлдор эмас. Чунки унда аниқ бир тарихий давр воқелиги қаламга олинган бўлса-да, шоир инсонга хоҳлаган тарихда, хоҳлаган муҳитда, ҳар лаҳзада ҳамла қиладиган офатлардан баҳс этган. Инсоният тарихининг эгизаги бўлган ҳолу аҳволлардан сўз юритган. Бир замон юксак орзулар билан яшагану, кейин ҳаёт дастгоҳлари қафтларини кавартириб, тирноқларини синдирган тарих муаллимлари бугун йўқ дейсизми? Чиллақдай билагу чиллақдай оёқ билан вагонга тарвуз, картошка юклаётган болалар бугун дунёнинг ҳар бурчида топилмайдими? Ўз боласини тракторда босиб кетган ота – Софокл, Стейнбек ва Чингиз Айтматов қахрамонининг XX асрдаги тақдирдоши эмасми? *“Кўзлари ўлигу томоғи зулук, Мияси йирингу суяги ковак Меҳнаткаш қўл кучи”*ни етиштириб, унинг мутлақ ҳўжаси бўлиш иддаоси хоҳлаган давр “фиръавн”ларига хос эмасми?.. Ҳа, аслида асл санъаткор муайян замон воқеалари асосида замонларга хизмат қиладиган асарлар яратади.

Достон *“Бу сўзни ўтамиз янаги дарсда”* деган мисра билан тугайди. Ўйладимки, шоир, эҳтимол, *“Янаги дарс достони”*ни ҳам битаётгандир?!

Икром Отамуруднинг *“Сукут садоси”* тўпламига тўртта достон киритилган. Бу достонлар ҳам олдинроқ ёзилган, аммо имкон туғилгани учун умуман мазкур шоиримиз достонларига хос айрим фикрларни айтиб ўтсам.

Икром Отамуруд – ўзбек достончилиги ривожига катта ҳисса қўшган шоир. Унинг ижодида лирик-фалсафийлик устувор эканлиги адабиётшуносларимиз томонидан қайд этилган. Худди шу хусусият шоир достонларига ҳам хос. Икром Отамурудда достоннинг туғилишига туртки бўлган эпик воқелик матндан ташқарида қолади ёки элас-элас илғанади, ишора шаклида воқеланади. Достоннинг ифода сатҳида кўпроқ ўша ҳаётинг воқеа таъсирида туғилган ҳис-туйғулар, тафаккур тебранишлари акс этади. У бир галги суҳбатда, *“...бугунги кун достонларида туйғулар тили, “ишоралар тили”, рамзлар тили, руҳият тили сўзлаяпти. Ботин сўзлаяпти. Моҳият сўзлаяпти”*, деган эдики, бу сўзлар тўла ҳолда шоирнинг ўз достонларига ҳам тааллуқли. Масалан, *“Узоқлашаётган оғриқ”* достонининг *“Мусохаба”* қисми икки йўловчи диалоги асосига қурилган. Бу икки қахрамон икки хил дунёқараш вакиллари. Бири – эътиқод одами, иккинчиси – маънавий қадриятларни бир пулга олмайдиган моддийончи. Уларнинг ўзаро айтишуви оғир замзамаси билан Фауст ва Мефистофелни, ўз-ўзини тергов қиладиган Мирёқубни эсга солади. Қизиги шундаки, бундан 20-30 йиллар олдин ёзилган мазкур достонда қаламга олинган ижтимоий, ахлоқий муаммолар ҳозир ҳам манаман деб турибди – бу Икром Отамуруднинг

эскирмайдиган мавзулар, доимий ҳақиқатларга қалам урганини кўрсатади. Мана бу сатрларни бугунга ҳам тааллуқли эмас деб кўринг-чи:

*Кечагина ўнг қўл бўлиб чангини
Ёнида пуф-пуфлаб артиб юрганинг
Эсингдан чиқдимми фурсат ўтмасдан?
Ўқумидан бенасиб бўлмаслик учун
Яшаши зоясига осилиб собит
Ўқорат қилса ҳам, гарданинг эгиб,
Ўрдан олиб ўрга кўмса, лом демай,
Марҳум момонгдан то ўдагинггача
Сўкиб, бир бошидан тилласа ҳамки,
Ўзингга тарсаки тортса ҳам ҳатто
Қўлин ўпиб, раҳмат деган қул – эркинг
Унутдингми, изин чанг босмай дарров?*

“Узоқлашаётган оғриқ” – диалог-достондир. Унда “Довуш” – “Ўй” билан, 1-йўловчи – 2-йўловчи билан, эътиқод – эътиқодсизлик билан, ботин – ташқари билан... тинимсиз мусобаҳада. “Балки” ва “Жадвал” достонлари ҳам чуқур лиризм ва фалсафийлик билан йўғрилган. Икром Отамурод достонлари айни вақтда композицион қурилиши, ифода усули каби шаклий-структур томонлари билан ҳам ўзига хос. Шоир муҳокама, идрок ва хулоса имкониятини ҳамиша ўқувчининг ўзида қолдиради ва шу таҳлит санъат асарининг спецификаси талаб қиладиган “муаллиф – бадиий асар – ўқувчи” учлигидан иборат бир бутунликка эришади.

Замонавий ўзбек адабиётида, айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, тасаввуфий руҳ кучайганини сезиш мумкин. Сирожиддин Рауфнинг “Видо”си ҳам шу руҳда ёзилган фалсафий достон. “Йўқотмасанг, топа олмайсан!” деган эпиграфнинг ўзиёқ Мавлоно Румийнинг машҳур “Маҳрумият – муяссарият”ига ҳамоҳанг. Достонда инсон умрининг мазмуни фалсафий-сўфиёна идрок этилади. Илк фаслдаги мисраларда туғилиш – бақодан, руҳ олаmidан айрилиш ўлароқ тақдим қилинган:

*Содир бўлди буюк айрилиқ,
Биров билди,
бирова билмади.
Бақодан узилган дилинтий,
Бу жон энди фано эрмаги.*

Бош қаҳрамон – фано йўлларида кетиб бораётган Йўловчи, мумтоз адабиётимиздаги Солик образининг замонавий параллелидир. Унинг кўксини сафар соғинчи куйдиради, балоғат шавқидан кўзлари ёнади. У Ҳақни излайди. Баъзан бу Йўловчининг онгини бир ожиз банда ўлароқ шубҳа-гумонлар ҳам ўрайди:

*Йўқлик бўлса охир савдоси,
Нечун қурмоқ жумла иморат?*

Ҳаммамиз ҳам дунё ҳаёти ҳақида ўйлаймиз, яшашни севамиз ва ўлимдан кўрқамиз – шунинг учун ҳам бу савол қай бир фурсат ҳар биримизнинг кўнглимиздан кечади. Йўқ, у осийлик натижаси эмас, шунчаки умр моҳиятини англашга уринаётган банданинг тафаккур лаҳзасидир. Ожиз банда эканимизнинг далолатидир. Камюча абсурднинг моҳияти шу саволда жамлангандир... Сирожиддин Рауф қаҳрамони ҳам ўз гумонларига раддия излаб улуг донишманд – Пир қошига боради. Ҳа, Фано дунёсидаги умримиз шундай гаройибки, бу йўлларда *“Топганлар бой эмас, йўқотган – гариб”*. Бунда *“Мезбонлик зеб эмас инсон шаънига, Меҳмонлик рутбаси ярашгай кўпроқ”*. Инсон эса Холиқнинг буюк яратиги, ўз тийнатида *“қанча офияту қанча касофат”*ни муҳрлаган халқдир... Асар ана шундай азалий ва абадий савдолардан баҳс этади.

Достонда вазн ҳам, банд ва қофия тартиби ҳам, тасвир-ифода тарзи ҳам инсон умри лаҳзалари каби, ҳаёт оқими каби тинимсиз ўзгариб-янгилиниб туради. Асосан 11 ҳижолик бармоқ устувор, аммо ўрни билан 7 ва 9 ҳижолик вазн ҳам қўлланади. Достонда 4 мисралик банд ўз ўрнини бир муддат маснавий ва беш мисралик бандга беради. Асосий қофия *баба* шаклида бўлгани ҳолда, ўрни билан *ббба / ввва; абба* тартиби ҳам истифода этилади. Ҳали бирор достонда учратмаганимиз – бармоқнинг бир фурсат арузга ўрин бериши эса асарнинг мумтоzona, сўфиёна руҳини кучайтирган. Умрнинг ўткинчилиги, ғаниматлиги ҳақидаги ўша ғазалда рамали мусаддаси маҳзуф вазнини истифода этиш орқали шоир мазмун ва шаклнинг юксак даражадаги мувофиқлигига эришган.

Шарқ адабиётида шундай усул бор: йирик ҳажмли асарда монотонликка йўл қўймаслик, ўқувчи диққатини доимий тебранишда сақлаб туриш учун асосий тасвир оқими лирик матнлар (ғазал, қитъа, рубоий, фард, маснавий каби) билан алмашилиб туради. Юсуф хос Ҳожибнинг *“Қутадғу билиг”*ида, Алишер Навоийнинг *“Маҳбуб ул-қулуб”*ида, Фузулийнинг *“Лайли ва Мажнун”*ида, Хоразмий *“Муҳаббатнома”*сида, *“Бобурнома”*да кўрамиз бу усулни. Сирожиддин Рауф *“Видо”*да айна усулдан фойдаланган: Йўловчи йигитнинг ҳаёт йўлидаги воқеалар тасвири лирик-фалсафий характердаги парчалар билан бўлиниб туради. *“Видо”* – академик Акмал Саидов таъбири билан айтганда – *“Сирожиддин Рауфнинг кўнгли, дилидан тошиб чиққан муҳташам сўз”*дир.

Ўтган йилги достонлар ичида инжа шоирамиз Шарифа Салимованинг *“Тўмарис”* достони алоҳида ўрин тутати. Тўмарис афсонаси нафақат туркий халқлар, умуман жаҳон тарихининг қаҳрамонона саҳифасини ташкил қилади. Шу ўринда китобга сўзбоши ёзган профессор Сувон Мелининг сўзларини айтмасдан ўтолмайман: *“Тарихий факт, маълумки, бадий адабиёт учун хомашё ҳисобланади. Умуман олганда тўғри бўлган бу фикр Тўмарис ҳақидаги тарихий воқеага унча мос эмас. Бу воқеа шу даражада пишиқ ва мукамалки, уни хомашё дейиш инсофдан эмас”*. Атоқли олимимиз айтганидек, ўз ҳолича ҳам бадий сюжет бўла оладиган воқеа достонга айлантирилган. Шоира тарих қатларида бир хатбоши бўлиб ётган мозий ҳикоясига жон бағишлаган. Ундаги катта-кичик, санъат асарининг тирикчилигини таъминлайдиган тафсилотларни шоён кўрган. Ҳаяжон ва зиддиятларга, йўқотиш ва топишларга, жасорат ва фожиага, қасос ва изтиробга тўла узун йўл ўлароқ қаҳрамонлик одасига айлантирган. Достон гўё *“она Ватан”* деган муҳташам иборанинг бадий шарҳидек жаранглайди: *“Ахир, битта номи – она Тўмарис, Яна битта номи – бу она Ватан!”* Ғолибни ҳам, мағлубни ҳам бало комига бирдек отадиган уруш ҳақидаги бу асарнинг қиммати, менимча, шу кунларда, хусусан, анча баланддир.

Алигъери Данте “Илохий комедия”да Тўмарис ҳақида ҳам ёзган. Шарифа Салимова дoston финалида дунёнинг улугъ сиймолари массагетлар маликасини ёдга олганидан фахр туяди. Шу сирада Дантени ҳам санаб ўтади. Айтиш лозимки, Данте она Тўмарисга Аърофнинг мутаққабир калондимоғлар сақланадиган қаватидан жой беради. Нариги дунёнинг бу қаватидагилар тегишлича жазолангач, гуноҳларидан пок бўлиб жаннатга ўтадилар. Аслида дунё тарихининг унутилмаган минг-минглаб номлари ичидан Тўмарис момонинг танланганининг ўзиёқ маълум маънога, аҳамиятга эга, албатта. Аммо айни вақтда “Дантени эслашга ҳожат бормиди” қабилидаги андиша ҳам йўқ эмас. Баҳс туғдирмаслик учун яна бир гапни айтиб ўтишим шарт: ҳамма асрларнинг мухташам асари деб ҳисобланган ўша “Илохий комедия”да шарафли пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га ҳам нораво муносабат бор. Бу мутлақо мунозарадан ташқари масала деб ҳисоблайман: Дантени бу борада батамом рад қиламан.

Истеъдодли шоира Ойдиннисо икки дoston ёзибди ва унда айниган, шафқатсизларча ёвуз дунёи дун қаршисида кучсиз қолган Аёлнинг қисматини қаламга олибди. Аслини олганда дostonлардаги барча қаҳрамонларининг исми битта – Хазонгул! Одамлар, муҳит, таомиллар, ғзаб ё ҳиснинг оний чақмоғи хазон этган Гул!

Дostonдада эпиклик ва лиризм икки ирмоқдай битта дарёга айланиши керак, дедик сўзимиз бошида. Адабиётшунослик дoston деб белгилаганларнинг анча-мунчасини шеърӣ ҳикоя ёки шеърӣ қисса деган бўлардим. Дoston жанридаги асарда “Айтсам ўлдиранлар, айтмасам ўлам” қабилидаги воқеалар ҳиссий тўфонга кўмиб юборилади; ўқувчи воқеани илғаб-илғамай қолади; муҳам бир улугъворлик ҳукм суради. “Шилён тутқуни”, “Мис чавандоз” ёки “Сурат”даги шу хусус Ойдиннисонинг дostonларида ҳам бор. Бошдан-охир сусаймаган бир таранглик, воқеликнинг ниҳоятда ҳассослик ила идрок этилиши, ҳаммасини маҳкам жамлаб турадиган марказ “Афв”га ҳам, “Уй”га ҳам хос. Ҳар икки дoston якунида кўриниб-кўринмай турган схематизм излари бордек. Лекин матн ичига чуқурроқ кирсак, саволлар қалашиб кетади: аёлни аёлдай яшатмаганлари учун у қўл урган ишни гуноҳ ё жиноят деб атаса бўладими? Дунёнинг номарддигини гуноҳга қўл урмасдан даф қилиб бўлмайдими? Ўз ҳаққинга эга бўлмоқнинг тўлови шунча оғирми? Афв этмоқ – гуноҳкорликни тасдиқламоқ эмасми? Ўзини ҳимоя қилиш учун жиноятга қўл урган аёлни аслида оқлаш керак эмасми?.. Хуллас, гоҳ жўяли, гоҳ жўясиз хаёллар...

Ойдиннисонинг қаҳрамонлари севимли Паустовскийнинг “Кекса ошпаз”ини эсимга солди. Хаста аёлини даволаш учун ўғрилиққа қўл урган собиқ ошпаз – сўқир чол сўнгги нафасларини олаётиб гуноҳига иқроор бўлади. Истифғорни қабул қилаётган буюк мусиқачи Моцарт унга дейдики: *“Сиз қилган иш гуноҳ ҳам, ўғрилиқ ҳам эмас; бу иш учун Сизга, эҳтимол, Муҳаббат йўлидаги жасоратнинг ажри берилар”*. Хазонгулларнинг қисмат кўшиғини ўқий туриб, менинг ҳам шундай дегим келди...

Яна бир нозиктаъб шоирамиз Меҳрибон Абдурахмонова ҳам бу йил ўқувчиларга икки дoston тақдим этди. “Бахши” дostonи халқона бахшичилик йўлида ёзилган. Унда қадимий халқ ривояти асос қилиб олинган бўлса-да, шоиранинг муддаоси бугунги Ўзбекистонни мадҳ этишдир. Муаллиф ўтмиш ва бугунни бақамти кўяди. Ўтмиш ва бугун киёс этилган асарларда кўпинча бирини дастак қилиб иккинчисини мадҳ этиш тамойили кучли. Ҳатто фақат ўтмиш қаламга олинган асарларда ҳам

матн остида шу мақсад-ғоя ётади. Меҳрибон Абдурахмонова асарида эса бугун ўтмишнинг узлуксиз давоми, тадрижи каби идрок этилади. Бугун – қадим эзгу кадриятлар улуғланган, эзгуликка хизмат қилдирилган давр ўлароқ идрок этилади.

Меҳрибон Абдурахмонова яна бир достони билан мумтоз адабиётда мавжуд бўлган яхши бир анъанага замонавийлик бағишлади. “Қўнғироқлар қўшиғи” – ҳасби ҳол характеридаги асар. Достонда ўзбек аёлининг ҳаёт йўли қисқа чизгиларда бадиийлаштирилган. Асар қаҳрамоннинг гўдаклиги тасвири билан бошланиб, неварасининг туғилиши билан тугайди. Типик ўзбек аёлининг ҳаёт йўли шу. Бу достонлар хос оҳанги, ҳис-ҳаяжонларга тўлалиги, ифоданинг равлонлиги билан эътиборни тортади.

Эргаш Муҳаммад Аторухнинг “Ярадор юрак” китобидан уч достон ҳам ўрин олган. “Уй муборак” асарини шеърӣ қисса ёки шеърӣ ҳикоя десак тўғрироқ бўлади. Муаллиф унда кичик бир драматик ҳаётӣ воқеани ҳикоя қилиш орқали бугунги куннинг маънавий-ахлоқӣ муаммоларини қаламга олган. Қулмат, Севара, Баҳор каби қаҳрамонларнинг номлари рамзий танланган; маънавий тубан, бу дунёнинг арзимас мақсад-муддаолари учун бошқалар ҳаётини вайрон қилишдан кўрқмайдиган қаҳрамон (Севара)нинг номи эса киноявий мазмун ташийди. Ҳикоя қилиш усули, уй мавзуси менга Абдулла Орипов услубини эслатди. Бу таъсир “Қўплар билан иши йўқдир, Ижроқўмнинг вақти зиқ” деган мисрада, айниқса, яққол сезилади. Бу мисра Абдулла Ориповнинг “Уй” шеърӣдаги “Ижроқўм уй бермиш, кўзларингда ёш...” сатрини эслатади дарров. Достонда муаллифнинг позицияси аниқ ифодаланган: у ғайриахлоқӣликни, иродасизликни, ёлғон ва риёни қоралайди. Аммо нотаниш қизнинг ўзи билмаган хонадонга бемалол кириб келиши ва жойлашиб олиши, драматик воқеанинг шошилини равишда оптимистик тугаши китобхонни унча ишонтирмайди.

Эргаш Муҳаммад Аторухнинг “Оймомик ва Қалқонқўл” асари жанри эртақ-достон деб белгиланган. “Дебоча” Ҳамид Олимжоннинг “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” адабий эртаги руҳида ёзилган. Эртақ-достон сюжети анъанавӣ асосда шакллантирилган. Яъни икки севишган ёш ва улар орасига тушган қудратли ҳукмдор учбурчаги бор бу асарда ҳам. Ошиқ ва маъшукнинг бир-бирини тушда кўриб қолиши, баҳодир йигит бўлган ошиқни енгил учун кампир воситасида ҳийладан фойдаланиш, маъшукани “Ошиғинг ўлди” деб алдаш каби эпизодлар; рўмолча, ойнаижаҳон, ёрдамчи қуш, от, аждаҳо каби образлар фольклор ва мумтоз достончиликдан олинган. Асар охирида қаҳрамон ошиқнинг қўлларида унган лолалар шоналаб, ғўзага айланади. Чамбил юртига Қалқонқўл подшоҳ бўлади. Чамбил юрти пахта туфайли бойиб, довруғ қозонади. Бундай якун асарнинг ғоявий-бадиӣ даражасини анча пасайтирган. Асарда “*Нафасининг ёлқини теккан Тоғлар тоши қорайиб кетди*” сингари бадиӣ етук тасвирлар анчагина. Аммо ечимда ғоявий мазмуннинг сусайиши асар охирида ифодага ҳам таъсир кўрсатган: “Хотима”да ўқувчи кутган портлаш кузатилмайди. Умуман, муаллиф лисонӣ жиҳатларини қайта кўздан кечириши лозим бўлган ўринлар достонда йўқ эмас. Масалан, “Сувда кўриб қиз аксин қуёш У ҳам ўзин анҳорга отди” жумласида “у” олмоши ортиқча.

“Молиҳулё” (молиҳулё бўлса керак) достони, муаллифнинг ишорасига кўра, ҳаётӣ воқеа асосида ёзилган. Қаҳрамонларга рамзий номлар берилган: Қурбон, Ботир, Қодир, Иван. Достоннинг ёзилган йили кўрсатилмагану, лекин асар олис йиллар адабиёти мавзуларини эсга солади. Чўлни ўзлаштириш, сув чиқариш, турли миллат вакиллари образлари, меҳнат илғорлари, кўтаринки меҳнат жараёни қабилар

шундан далолат беради. Муаллиф шу жараёнлар ичида моддий бойликка ҳаддан ортиқ ружу қўйган Қурбоннинг фожиасини кўрсатган. Асар Қурбон иштирокидаги эпизод билан бошланади ва яқун топади – шунга қўра, дostonнинг асосий ғоявий муаммоси шу дейиш мумкин. Пировардида Қурбон мол-дунё хирсида ақлидан мосуво бўлади. Аммо дostonда сюжет бир марказга жамланмаган, паришонрокдек. *“Юртинг эрки мен каби ташна, Эрки сен ҳам эта бил талқин”* сингари маъноси мавҳумрок, таҳрирталаб мисралар ҳам бор.

Қорақалпоқ шоири Кенгесбой Каримов “Устюрт дostonи”да қадимий саҳронинг Юртбоши ташаббуси ва халқ иродаси билан обод маконларга айлангани, асрлар давомида жинлар ҳукмронлик қилган чўлу даштнинг кучи инсон манфаатларига йўналтирилганидан сўз юритади. Элобод шаҳарчаси, Буюк ипак йўли магистралининг барпо этилиши, Сиргил конининг очилиши – сюжет шу уч тарихий воқеа асосига қурилган. Устюрт кенглигининг асрий манзараси тасвири фонида бугуннинг моҳияти чуқурроқ очилган. Шоир асарга жин образини олиб кириб, магик реализм усулидан фойдаланган. Севимли шоиримиз Рустам Мусурмон дostonни маҳорат билан ўзбекчалаштирган.

Маҳмуд Тўйчиевнинг “Олтин кўприк” дostonи ҳам мадҳия-фаҳрия руҳи, пафоси билан “Устюрт дostonи”га ҳамоҳанг. Дostonда ўтмиш аجدодлар эришган тамаддун, тарихий кечмишнинг энг шонли лаҳзалари бугун билан узвийликда идрок этилади. Шоир ўтмишдаги буюкларимизни ҳам, бугуннинг муваффақиятларини ҳам эринмай бирма-бир қаламга олади. Афросиёб, “Авесто”, Тўмарис, Широқ, Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Бухорий, Замахшарий, Темур, Навоий қабилардан бошланган фаҳрли рўйхат Ўзбекистон Ислои цивилизацияси маркази, Президент мактаблари, замонавий ситилар, Тошкент металлургия заводи, Қамчиқ доводнидаги ерости йўли қабилар билан давом этади. Мазкур дoston унга сўнгсўз ёзган шоир Муҳиддин Омон сўзлари билан айтганда, *“бугунги жадал тараққиёт йўлига кирган мамлакатимиз ривожидан бир фуқаро сифатидаги фаҳру ифтихори, қалб ҳаяжонларини ифодалайдиган кўтаринки публицистик руҳи билан эътиборлидир”*. Публицистик руҳдаги бу дoston ўқувчига ўтмишдаги улуғларимиз, кеча ва бугун эришилган муваффақиятларни яна бир қарра эслатади; уни муаллифнинг фаҳру ифтихори, юксак ҳаяжонларига ошно этади.

Одил Ҳотамов, Олим Хўжаев, Шойим Шерназар ва Азамат Хўжаевлар томонидан Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси, тадбиркор инсон Улуғбек Файзиевга бағишлаб чоп этилган китобда “Эл фарзанди” деган дoston ҳам ўрин олган. Дostonнинг “Самарқанд Абдивахоб” деган фаслида шундай ҳавола бор: “Самарқанд, Тошкент сафарига Одил Ҳотамов, Олим Хўжаев, Азамат Зарипов ва мен отланган эдик”. Шу изоҳдан келиб чиқиб мазкур дoston Шойим Шерназар қаламига мансуб деб ўйладим. Унда реал қаҳрамон ҳаётининг айрим эпизодлари шеърга солинган. Ўқувчига чинакам бадий завқ берадиган мисралар, ўзига хос кўтаринкилик бор. Том маънодаги бадий асарга хос умумлаштириш мавжуд эмаслиги сабабли эса бир неча ўринларда ҳаволада изоҳ беришга тўғри келган. Масалан, қаҳрамон болалигида яраланган қарғани даволагани ва куш унинг одамдан ҳам ортиқ содиқ дўстига айлангани ҳақидаги изоҳ бўлмаса, “Дўстим қарға” деган сарлавҳанинг ҳам, куйидаги мисраларнинг мазмуни акс таассурот бериши аниқ:

*Дўст содиқ бўлмаса, қушлар содиқ дўст,
Ўрганиб қолгандинг топиб тилини.
Буни ҳаёт дерлар, бўлар каму кўст,
Қарға тушунади сенинг дилингни.*

Чунки адабиётимиздаги анъанага кўра, қарға – салбий рамз ҳисобланади. Ҳаёт фактлари асарга тўғридан-тўғри олиб кирилганлиги, ҳаётий ҳақиқат бадиий ҳақиқатга айлантирилмаганлиги учун ҳам бу асарни манзума дейиш тўғрироқ. Айни вақтда бу асар бош қаҳрамоннинг ўзига ҳам, уни билганлар ва китоб ўқувчиларига ҳам яхшигина мотивация берган, деб ўйлайман. Айни вақтда ҳар учала дostonда ҳам кутилмаган сюжет линияси, ҳаёт нафаси уфуриб турган драматизм етишмайди; декларативлик, баён, схематизм сезилиб туради.

Умуман олганда, 2021 йилда эълон қилинган дostonларнинг бир нечаси замонга, Янги Ўзбекистонга қасида руҳида битилган. Уларда дунё ҳамжамиятининг тенгқучли аъзоси бўлишга ошиқаётган Янги Ўзбекистон манзаралари, кўзни ва қалбни қувонтирадиган бунёдкорлик ишлари қаламга олинган. Обод истиқбол умидида заҳмат чекаётган замондошлар образи яратилган. Бу дostonларда баъзан натурализм, реал воқеликни бадиий қайта ишлашдан кўра иллюстрацион қайд этиш устуворлик қилади; дoston поэтик тизимини ташкил қилган унсурлар бир марказ атрофида жамланмайди; баёнга берилиш, ифоданинг қуруқ ва саёзлиги учраб туради. Шундай бўлишига қарамасдан, заҳматкаш шоирларимиз томонидан замоннинг бадиий солномасини яратиш йўлидаги ҳаракатларни эътиборга молик деб ҳисоблайман.

“Шарқ юлдузи” журналининг 2021 йил 7-сонида андижонлик шоир Икромжон Аслийнинг “Ой сўқмоғи” дostonи эълон қилинган. Дoston фавқулodда самимий руҳи билан қалбга яқин. Унда чуқур драматизм ҳам, кескин зиддият ҳам йўқ; фабула анъанавий, доимий севги ҳикоясидан иборат: қаҳрамонлар муҳаббати “*Юсуф ва Зулайхо қиссаси каби / Тоҳир ва Зухранинг севгиси янглиз*” умрбодлик айрилиқ билан яқун топади. Дoston ошиқ йигитнинг хотиралари, ёшлик ва муҳаббат соғинчига оид романтик ҳаёлларидан таркиб топган. Асар шеърининг фрагментлардан таркиб топган. Мумтоз адабиётдаги номалар каби унда ҳам лирик сюжет тадрижи, поэтик воқелик чегараларидан кўра кечинмалар, изҳорлар устуворлик қилса-да, ишхона ва такси билан боғлиқ эпизодларда муаллиф бугуннинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларидан сўз очган. Аммо шу линиялар ривожлантирилмай қолиб кетган ва асарда бир паришонлик пайдо бўлган. Асар бошидаги Ғайратбек образи ҳам ХХI асрда инсон қалби ва романтикадан, ҳис-туйғудан маҳрум тараққиёт зиддиятини кўрсатиш учунгина асарга киритилгандек. Шуларга қарамай, дoston сентиментал-романтик руҳи, оҳанг ва ифодадаги табиий оқими билан эътиборга молик.

Ҳисобот йилида миллий дostonчиликнинг етук намуналари яратилганини эътироф этган ҳолда, бу жанрнинг истиқболи ҳақидаги башоратлардан тийиламан. Чунки адабиёт шу қадар мураккаб ҳодисаки, бугун яхши ёзган ижодкор эртага ҳам шундай ёзади деб бўлмайди. Ёки бугун ёзилган зўр асарлар эртага бошқаларнинг ундан ўтказиб ёзишига асос бўлолмайди. Агар шундай бўлганда бугун “Муҳаббатнома” ёки “Лайли ва Мажнун”дан ўткирроқ дostonларни ўқиб ўтирган бўлардик. Адабиётда муваффақият бошқалар қурган пойдевор устига қурилмайди. Унда ҳар ким ўз йўлидан боради. Бу ўзимизни камситиш ҳам, маломат ҳам эмас – шунчаки ижоднинг, адабиётнинг темир қонунияти, холос. Миллатнинг зўр шоирлари, ёзувчилари кўпайсин – ҳаммамизнинг орзуимиз шу.

Болалар адабиёти — саёз адабиёт эмас!



Дилнавоз
НАЖИМОВА

Китоб дўконларининг болалар адабиёти бўлимидаги нашрлар сонининг сезиларли ортгани, айниқса 2021 йилда чоп этилган китобларнинг ранг-баранг мавзуларга бойлиги қувонарли ҳол. Аммо шуни унутмаслик керакки, асосий қаҳрамони бола бўлган ҳар қандай асар ҳам болалар адабиёти намунаси бўла олмайди. Боланинг дунёқарашили кенгайтириш, чин маънода инсонни тарбиялаш учун ўқилган китобларнинг сони эмас, салмоғи аҳамиятлидир.

Ўтган йили нашр қилинган асарларнинг аксарияти илмий-фантастик, саргузашт йўналишида ёзилган. Бу болалар ёзувчилари ўқувчиларнинг тафаккур ва тасаввур оламини бойитишни истаётганидан далолатдир. Кичик ҳикоялар, эртақлар эса болаларни ҳайвонот ва набодот олами билан таништириш, табиатга меҳр уйғотишни мақсад қилган. Болалар катта ҳажмли китобларни ўқимаслиги мумкинлиги кўзда тутибми, ижодкорларимиз роман жанрига оид асарлар яратишмаган.

Баҳодир Обид қаламига мансуб “Сеҳрли кармон” саргузашт-фантастик қиссасида Худойберди Тўхтабойевнинг “Сеҳли қалпоқча” асарининг таъсири яққол сезилиб туради. Ҳошимжон ўзини бировга хафа қилдириб қўймайдиган қув йигит бўлса, асар қаҳрамони Омадбек синфдошлари Жасур, Қувонч, Азизбек уни омадсиз деб камситса-да, дадаси айтганидек куч-қудратини билагига билан эмас, ақл-заковати билан кўрсатишни маъқул кўрадиган босиқ ва мулоҳазали йигитча. Доривор ўсимликлардан гербарий тайёрлаш мақсадида тоққа чиққан Омадбек саёҳат давомида сеҳрли кармон топиб олади. Бола бола эмасми, унинг устидан камбағал деб масҳара қилган синфдошларига кўрсатиб қўйиш мақсадида мактабда “қуюқ зиёфат” қилади. Синфхонани таъмирлаш учун ҳамма синфдошларининг

Дилнавоз НАЖИМОВА – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини тамомлаган. Қўплаб мақолалари республика матбуотида чоп этилган

номидан пул тўлайди, кармоннинг шарофати билан қалбаки пуллар, одамларни саваловчи қамчи, сейфларни очиб юборадиган калитлар, ўзи ёзадиган бўр, олмос кўзли тилла тақинчоқ каби буюмларга эга бўлади ва ғаройиб саргузаштларни бошдан кечиради. Қишлоқда бўлаётган бундай ғайритабиий воқеалар қишлоқ инспекторини шубҳалантириб қўйган бўлса, қишлоқдаги энг тажрибали ўғри Саъдулланинг ҳам болага қизиқиб қолишига сабаб бўлади. Аммо Омадбек воқеалар ривожига ўзининг покиза қалбини намоён этади. У қўлидаги сеҳрли кармондан фақат яхшилик йўлида фойдаланишни мақсад қилади. Баҳодир Обид уни Саъдулла ўғрига қарама-қарши қўяди.

Шу ўринда Толстойнинг яхши одам минглаб синовлардан кейин ҳам кўнглидаги эзгуликни йўқотиб қўймаган одамдир деган сўзлари ёдга тушади.

Асар ишонарли чиққан ва бу ёзувчининг маҳоратидан дарак беради. Лекин асарнинг энг катта камчилиги – сюжет, воқеалар ривожига “Сариқ девни қувиб” романининг бошқачароқ талқинига ўхшаб қолган ва асар ўзида кўп қатламли маънони мужассамлаштирмаган. Аслида, инсоннинг чексиз орзуларга эгаллиги ва агар уларнинг бари ушалганда инсон ҳаёти қандай бўларди деган саволга жавоб беришни мақсад қилган асарлар қадим замонлардаёқ яратилган.

Баҳром Акбаровнинг “Митти ботир”¹ эртақ-достони анчадан бери мудраб келаётган бу жанрнинг уйғониши дейиш мумкин. Китобнинг икки тиллилиги (ўзбек-рус) унинг аҳамиятини янада оширган. Бугуннинг болалари ўсимликлар, ҳайвонот оламини табиат ҳодисаларини деярли билмайди. Эртақ-достонда Ёвуз кучлар Аёз ва унинг шериклари Булдурук, Туман, Қиров, Яхмалак, Сумалак, Дўл, айникса, Хут-Ют, Аҳмон-дахмон, Аямажизнинг образ сифатида танланиши болаларни нафақат табиат ҳодисалари билан таништиради, балки халқ оғзаки ижодига қизиқиш уйғотади. Митти ботирнинг 90 кунда аёзни енгиши “тўқсон-йўқсан”, Хут-Ют, Аҳмон-Даҳмон билан курашнинг асар охиригига қўйилиши (февраль ойи хут буржи арафасида бўладиган қаттиқ совуқ турлари) “яхши келса-хут, ёмон келса-ют” каби мақолларни эслатади ва ёзувчининг бу ҳодисалар моҳиятини усталлик билан асарга сингдириб юборганини кўрсатади. Эртақ-достон орқали болалар бойчечакнинг нега бундай номланишини билиб олишади. Пуллари кўп эмас, қалбан эркин ва ҳаловатли одамгина бой бўлишини, митти чечак ўлкасига шундай озодлик келтиргани учун Қуёш томонидан Бойчечак дея номланганига гувоҳ бўлади. Китобга 7+ белгиси қўйилган эртақ-достон ғояси ва мазмуни бу ёшга мувофиқ. Китоб ҳам расмлар билан чоп этилгани айни муддао. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки болалар учун чиқадиган расмлар китобларда нафақат ижодкорнинг сўзларни қўллаш маҳорати, балки рассомнинг маҳорати ҳақида ёзиш ҳам, айтиш ҳам зарур. Асар воқеалари Боботоғ яқинида бўлганига, қаҳрамонлар соф миллий руҳда бўлишига қарамай рассом жуда катта хатоларга йўл қўйган, китобга ишланган расм Дисней компаниясининг мультфильмлари учун ишланган расмга ўхшайди. Ёзувчи юқоридаги 7 ёшли бола қандайлигини тасаввур ҳам қила олмайдиган ўсимликлар, Хут-ют, Аҳмон-Даҳмон каби ҳодисалар изоҳини бермагани етмаганидек уларнинг кўриниши расмларда ҳам акс этмаган. Аксинча асарда номи бир марта ҳам тилга олинмаган Мойчечакнинг расми чизиб қўйилган. Эртақ-достонда Қуёш бобо дея тасвирланган бўлса-да Қуёшнинг расми сира бобога ўхшамайди. Бойчечак тасвири оқ лолани эслатади. Унутмаслик керакки, болалар

1 Акбаров Баҳром. Митти ботир: эртақ-достон – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 56 бет.

тасвир ва сўзлар орқали оламни англайди. Уни бу тарзда чалғитишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шунингдек, китобдаги ўсимликларнинг қўшиқ куйлаши (ўсимликдан сас чикмайди, шамол қўшиғига рақс тушарди деган тасвир ҳаёт ҳақиқатиغا яқинроқ бўлар эди), чегара қўшинлар қўмондони сифатида янтоқнинг танланиши (Янтоқ водийда эмас чўлда ўсади), кичкина қоятош (Водийдаги қоятош кичкина бўладими?) каби тасвирлар ҳаёт ҳақиқатидан бироз йироқдек. Митти ботирнинг Аямажиз билан боғлиқ ҳал қилувчи жанги 5 қатордаёқ баён қилиб қўйилган. Бундай кульминацион жойларда ижодкор воқеалар шиддатини шеърӣ усулда бергани ёки баёнчиликдан қочиб тасвирийликни оширганида яхшироқ бўлган бўларди. Юқоридаги камчиликлар бартараф этилса, китобнинг бадиӣ аҳамияти яна-да ортади деган умиддамиз.

Муҳайё Тўлаганованинг “Кийикча”² тўплами 7 та эртақ, ҳайвонлар ва одамзод орасидаги муносабатларга асосланган 15 та ҳикояни ўз ичига олади. Эртақларнинг айримлари (масалан “Катта ва кичик”) “Калила ва Димна”даги ҳикояларни эсга солса, айримларини (“Қурбақа билан пашша”, “Тентақ хўтик”, “Қуёнча”, “Камтарлик”) эртақ деб бўлмайди. Улар масалга яқинроқ. Аммо масалдаги донолик етишмайди. Ҳикояларда имло хатолардан ташқари услубий хатолар, ўринсиз жумлалар талайгина. Бадиӣ ифода деярли учрамайди. Ҳикоялар аксарияти баёнчилик асосига қурилган. Улар тугалланмай қолгандек таассурот уйғотади. Бадиӣ асарни ўқиётган болакай ундан аввало эзулик, гўзаллик ва доноликни ўрганади. “Бароқвой” номли ҳикояда онасини излаётган мушукча ҳақида ижодкор ачиниб, раҳми келиб турган ҳолда *“Неча бор ўтинхонани искаб чиқди, ниҳоят онаси кириб-чиқиб юрадиган пардадан бошини чиқариб кўрди. Башарасига совуқ шамол урилди”* каби қўпол услубий бирликлар қўллайди. Муаллиф ҳайвонот олами, табиатни яхши билиши ва болаларни ҳам табиатни асрашга, ҳайвонларга меҳрли бўлишга уриниши таҳсинга сазовор.

Зиёдулла Латипов қаламига мансуб “Умр довллари”³ китобини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм тадбиркор Остон Тоҳировнинг болаликдан то ҳозирги кунгача бўлган умри сарҳисобидан иборат “Умр довллари” дея номланган, 11 бетлик эссеси, иккинчи қисм Зиёдулла Латипов томонидан ёзилган “Мажруҳ қалб” номли қисса. Қиссанинг қаҳрамони Оқилжон туғилмасидан аввалоқ отаси ундан воз кечган, онаси бошқа турмуш қурган ва болакай 83 ёшли Муаттар бибининг қарамоғида қолган. Бувисининг эртагу аллаларини тинглаб 9 ёшга тўлган Оқилжон атрофдагиларнинг унга нисбатан ота-онаси ташлаб кетган, деган таъналари, ота-оналарнинг “Менинг фарзандимга яқинлашмасин, етимча” дея ирганиши, умумий айтганда, уни қабул қилмаган бир муҳитда ўзини кераксиз, ҳис қилади, ота-онасидан нафратланади, улардан ўч олмоқчи бўлади ва Олмос бошлиқ ўзи каби аламзада болалар тўдасига қўшилиб қолади. Ҳам руҳи, ҳам қалби вайрон бўлган болани Аҳроржон устози ҳаётга қайтаради. Китоблар орқали, меҳр орқали уни илмга ошно этади. Бибисининг эртақ-маталларини тинглаб улғайган боладаги кучли куввайи ҳофиза ва қобилятни кашф этган устоз уни ҳамма ҳавас қилиши мумкин бўлган инсонга айлантиради. Қиссада бибисининг айтиб берган эркаламалари, аллалари бу жанрнинг чиройли намуналари бўлиб биби руҳиятини очиб беришда ва асарнинг бадиӣ қийматини оширишда муҳим аҳамиятга эга:

2 Тўлаганова Муҳайё. Кийикча: эртақ ва ҳикоялар – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2021. – 44 бет.

3 Латипов Зиёдулла. Умр довллари. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти. 2021. – 336 бет.

Шунингдек, асарда ҳозирги кунда йўқолиб кетаётган “Чўпон ва Шоқол”, “Хола-хола хаш, ту”, “Чархпалак”, “Айиқ полвон боғида”, “Семир, пуфагим” каби халқ ўйинлари, улардаги махсус айтишмалардан намуналар келтирадики, улар бугунги техника асрида ўсаётган бола учун айниқса аҳамиятли.

Муаллиф анъанавий ҳикоя ичида ҳикоя усулидан фойдаланишни ният қилган. Қисса ичида келган “Сехрли кудук” (97-124-бет), “Донишманд йигит” каби эртаклар бевосита халқ оғзаки ижодида бориб тақалса, Оқилжон орзулар кудуғида гувоҳи бўлган Ҳаққушларнинг панжа ва тумшукларида харсангтошлар ташиб душман устига ёғдириши Қуръони Каримнинг Фил сурасидан сув ичган. Аммо бу каби бадий парчалар, Ибн Сино, Беруний, Садриддин Айний каби мутафаккирларнинг таржимаи ҳоллари, Оқилжон ўқиган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”, “Жаннати одамлар” (245-288 бетлар) асарларидан шундоққина кўчириб қўйилган парчалар, асарнинг мазмун-моҳиятини бадий қимматини оширишга хизмат қилмаган. Аксинча, қиссанинг чўзилиб, мужмаллашувига сабаб бўлиб қолган.

Асарда асосий воқеа сифатида Оқилжоннинг 9 – 11 ёшлари оралиғида туйган кечинмалари, саргузаштлари ҳикоя қилинса-да қиссани болалар адабиёти намунаси деб бўлмайди. Қиссани оила қуриш арафасида турганлар, ёш оилалар ва арзимас муаммо сабаб ажралишни ният қилаётган ота-оналар, катталар ўқиши керак. Айнан катталар болани ёлғиз қолдиради, катталар уларни ажратади, ўз бахтсизлигининг сабабчиси қилиб кўрсатади.

Саъдулло Қуროновнинг “Коинот жавоҳири”⁴ илмий-фантастик қиссаси “Галлактикада бир кун” асарининг мантиқий давоми дейиш мумкин. Галлактикадан мовий тош олиб келган Аҳмад эҳтиётсизлик қилиб мовий тошни ҳаракатга келтириб қўяди. Унинг мислсиз қудратга эга нури ерда АҚШ, Россия, Хитой, Эрон каби давлатларни, коинотда эса Сомон йўли галактикасига ҳукмронлик қилиш орзусида яшаётган хастиклар кироли Магистик XXIIни ҳаракатга ундайди. Бунинг учун унга юлдузларга йўл кўрсатувчи харита, тезкор кема ва қудратли курул керак эди. Коинот жавоҳири номли тошнинг Аҳмадда эканини билган ёвуз кироли уни қўлга киритиш пайига тушади. Уларга қарши курашаётган Салмир сайёрасининг иттифокдоши саркарда Тангбур ва энг йирик банк ҳисобланган Лоута XIX Салмирларга хиёнат қилади орада афсонавий мовий тош ҳам бой берилади. Коинот харитаси эса қуйдириб юборилади. Салмирлар мағлуб бўлиши аниқ бўлиб турган вазиятда Аҳмад ва унинг дўстлари Думгом, Моки, Тўғривой, хакер Митник ақл-тафаккур ва бирлик билан уларга қарши курашда ғаройиб саргузаштларни бошдан кечирадilar. Аҳмад Коинот харитасини олиб келиш учун коинотдаги юмронқозик ини деб номлаган тиркиш орқали юз миллион йил ортга қайтиб, харитани яратган мериялик йигит билан кўришишдек хавфли ишни ўз зиммасига олади. Ёзувчи асардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини нисбийлик назарияси, квант назария, умумий майдон назарияси каби физик қонуниятлар асосида исботлайдики, ўқувчи бевосита ҳақиқатан физика фанини чуқур билган одам бу ишларни қила олишига ишонади.

Ёзувчининг маҳорати воқеаларни физик қонуниятлар асосида жуда ишонарли тасвирлайди. Китобни бемалол физика фанига қўшимча адабиёт сифатида ўқиш мумкин. Айтиш мумкинки бу турдаги илмий-фантастик китоблар ҳозирги кун болалари учун жуда керак. Аммо ёзувчи баъзи бир ўринларда янада эътиборлироқ

⁴ Қуროнов Саъдулло. Коинот жавоҳири – Тошкент: Академнашр, 2021, – 192 бет.

бўлса нур устига ало нур бўлар эди: “Салмирлар кемаси ердан 778 миллион километр узоқликдаги *Юпитер сайёраси* яқинига келиб тўхтади”, дейилади китобда. Аслида эса Ердан Юпитергача 588 миллион километр. Асарда учровчи инфляция, гравитация каби терминологик сўзларга китоб сўнгида изоҳ бериш керак. Аммо бу каби кичик камчиликлар асарнинг қийматига раҳна сола олмайди.

Қобилжон Шерматовнинг “Бувамнинг ошқозонидаги мамлакат”⁵ саргузашт қиссасида Баҳодир ва Бахтиёр исмли болакайлар билмасдан олим аканинг антикадорисини ичиб, митти одамчаларга айланиб қолади ва беихтиёр икки инсоннинг ичига тушиб қолади. Яхши инсоннинг оламида гўзал воқеаларни бошдан кечирса, тубан ва нафсининг кули бўлган кимсанинг чиркин дунёсида қайгу чекадилар. Асарни ўқиш орқали ёш ўқувчининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрлари бойийди.

Отабек Қувватовнинг “Улуғбек юлдузлар салтанида”⁶ асари қайта тўлдирилган иккинчи нашр ҳамда ижодкорнинг “Олимжоннинг саргузаштлари” китобининг мантикий давоми. Асар қаҳрамони Улуғбек – 6-синф. У дадаси совға қилган сеҳрли телефон, Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоғи ва Олимжоннинг сирли малҳами ёрдамида юлдузлар оламига саёҳат қилади, Эртақлар оламидаги Олмос ботирга ёрдам беради, Мозийга бориб, ўз донишмандлигини намоён этади. Митти одамлар ўлкасида муҳим обида қурилишига ёрдам беради, ялқовлар мамлакатидан ялқовликни кувади, хунармандлар, пахлавонлар ўлкасига саёҳат қилади, алломалар анжуманига гувоҳ бўлади. Қиссадаги Зухра, Хулкар, қароқчи юлдузлари ҳақидаги шарқ халқларига хос афсоналар уни бойитган. Аммо Абдулла Қаҳҳор айтганидек асарда милтиқ тасвирландими, демак, у отилиши керак. Қиссада отилмай қолган милтиқлар жуда кўп. Кераксиз диалоглар асарнинг чўзилиб, зерикарли бўлиб қолишига сабаб бўлган. Китоб бадий асардан кўра кўпроқ боланинг ўзи ҳақида айтиб берган нутқиға ўхшайди. Масалан, қуйидаги манзарани олайлик: *Ёз кунларида сўри-каравотда ухлаймиз. Катта анҳор шовуллайди. Макказорда чигирткалар чириллайди. Қурбақалар вақиллайди...* китобда тилимизнинг бой имконияти кўзга ташланмайди. Болалар ёзувчилари сўз танлашда айниқса эҳтиёткор бўлиши лозим. 61-бетда қуйидаги жумлага дуч келамиз: *Фақат Куёш сайёрасидан эҳтиёт бўлиш керак. (!) Куёш сайёра эмас юлдуз.*

Чарос Раҳимқулованинг “Мен иккига киргунча”⁷ қиссаси бевосита қизалоғини парваришlash жараёнида ҳосил қилинган тажрибалар асосига қурилгани учун жуда самимий ва ишонарли тарзда ёзилган. Муаллиф хотимада айтганидек, китоб на болалар, на катталар учун, китоб ҳар бир инсон умрининг энг муҳим даври бўлган дастлабки икки йилни хотирлашни истаган барча учун ёзилган. Қиссадаги эртақлар, Баҳоранинг самимияти асар аҳамиятини, бадий қийматини оширган. Муаллифга биргина эътироз: у тушлар мамлакатини Мафталанта, унинг қиролини эса Детто дея номлаган. Бу каби номларда муаллиф ажнабийча жаранглайдиган сўз кашф этмай, ўз тилимизнинг бой имкониятларидан фойдаланганда янада яхшироқ бўлар эди.

5 Шерматов Қобилжон. *Бувамнинг ошқозонидаги мамлакат*, – Тошкент: Академнашр, 2021, – 190 бет.

6 Қувватов Отабек. *Улуғбек юлдузлар салтанатида: саргузашт-фантастик қисса* – Тошкент: Фафур Фулом, 2021 – 200 бет.

7 Раҳимқулова Чарос, *Мен иккига киргунча: қисса* – Тошкент: Забаржад Медиа, 2021. – 88 бет.

Саида Рашидованинг “Дўпка воқеаси” эртаги анъанавий усулда ёзилган замонавий эртак. Дўкондаги дўппилар ўзининг кимлигини, қандай дўппи эканини билмай “Мен зўрман, мен зўрман”, дея баҳслашади. Дўпка исмли дўппи эса ўзини хунук, кўримсиз ҳисоблайди ва замонавий кепкаларга ўхшашни орзу қилади. Аммо кунлардан бир кун Кулоҳ бобо уларнинг келиб чиқиши, гулларининг маъноси, аҳамияти ҳақида гапириб бергач, ҳар бир дўппи ўзининг ва бошқаларнинг бетакрор эканини англайди ва баҳслашишни бас қилиб бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлади. Миллийлик ва замонавийликни бирдек бирлаштира олган дўпка эса ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини камчилик сифатида эмас, ўзига хослик сифатида баҳолай бошлайди. Бахт, қувонч замонавий кепкаларга ўхшашда замонавий турмушда эмас, балки ўзини билиш, таниш ва кашф этишда эканлигини англайди. Ўзини билмаган одам бошқалар билан баҳслашади, ўзини бошқаларга таққослайди, зўрлигини исботлашга уринади. Ўзини англаган, билганлар эса ўзини ҳам ўзгаларни ҳам ҳурмат қилади деган чиройли фикр ётади эртакнинг замирида. Асарнинг тилига бирозгина сайқал берилса, бадиият унсурлари кўшилса, эртак бутунги кун болалари ўқиши зарур бўлган китоблардан бирига айлана олади.

Зулфия Мўминованинг “Қорболанинг саргузаштлари”⁸ эртаги ўрмон қоровулининг фарзандсизлиги, унинг қиш кунларининг бирида қорбола ясаши, нолалари Худога етиб қорболанинг тилга кириб жонланиши ва ўтинчига ўғил бўлиши тасвири билан бошланади. Эртак ғализ, ечим ва тугал хулосага эга эмас. Воқеалар бир-бирига боғланмаган. Қорбола отасининг тилаб-тилаб топгани, дуолар эвазига келган фарзанди. У ягона, танҳо гапира оладиган қорбола сифатида таассурот уйғотади. Аммо Биллур шаҳарда ўзи каби жонли қорбоболар билан мактабга бориши мантиқсиздек бўлиб қолган. Қорбола ҳақида гапира туриб, бўри ва тулкининг музқаймоқ ўғирлаш воқеаси эртакка ёпишмаган гажакдай бўлиб қолган. Матн стилистикаси устида ишлаш керак. Масалан, *У одамлардан олисда, аммо уларнинг келажаси учун ўрмонни ва ўрмон жонзотларини асраб қолишга азиз умрини бағишлабди*. Жумласида гап нотугаллиги сабаб тушунарсиз бўлиб қолган.

Дилфуза Камолжонованинг “Ғалати баҳс”⁹ эртаги компьютер ва китоб орасида баҳсдан иборат. Унда компьютер маҳмадоналик билан ўзининг тенгсизлигини сўзлаганча китоблар аллақачон кераксиз матоҳга айланганини исботламоқчи бўлади. Аммо бирдан чироқ ўчади-ю компьютерда носозлик пайдо бўлади. Уларнинг эгаси компьютерни созлаш ҳақидаги махсус китобни ўқигач компьютерни тузатади. Яна аввалгидек ишлай бошлаган компьютер китобдан узр сўрайди. Эртак мазмуни соддагина бўлишига қарамай ҳақиқий илм соҳиблари мактанмаслиги, камтарлиги ва донишмандона сукути билан ажралиб туриши китоб образида намоён бўлади. Китоб кичик ёшдаги 5 – 10 ёшли болалар учун яхши бадиий манба бўла олади. Муаллифнинг “Катак дафтардаги шумтакалар”¹⁰ туркум эртаклари ҳар бир мактабгача таълим муассасасида бўлиши керак бўлган китоб. Рақамларга ижодкорона ёндашиш натижасида ёзилган туркум эртаклар бир нафасда ўқилади.

8 Мўминова Зулфия, *Қорболанинг саргузаштлари: эртак ва шеърлар* – Тошкент: Стандарт полиграф боокс, 2021

9 Камолжорова Дилфуза. *Ғалати баҳс: эртак* – Тошкент: Забаржад Медиа

10 Камолжорова Дилфуза. *Катак дафтардаги шумтакалар: эртаклар* – Тошкент: Забаржад Медиа, 2021.

Эртақлар нафақат эндигона санашни ўрганаётган болаларга бу ишда ёрдам беради, балки уларнинг тафаккур ва тасаввур оламини ҳам бойитади. Аммо баъзи ўринларда гап тартибининг алмашилиши ҳисобига услубий ғализликлар келиб чиққан: *Ўқувчилар Иккивойни икки қўлидан ушлаб, қаторнинг тўрига ҳоли-жонига қўймай, олиб бориб қўйишди эмас, Ўқувчилар Иккивойни икки қўлидан ушлаб, ҳоли-жонига қўймай қаторнинг тўрига олиб бориб қўйишди* тарзида аввал равиш ҳоллари кейин ўрин ҳолини ишлатса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо бу каби арзимас камчиликлар асарнинг қимматини камайтира олмайди.

Озод Мўминхўжанинг “Лабиринт”¹¹ номли китоби 16+ белгиси билан чоп этилган бўлса-да, ундаги бирор ҳикоя болалар адабиёти намунаси бўлишга даъвогарлик қилмайди. Ҳикояларда ҳаётда учрайдиган маиший муаммоларга буддизм, сўфизм каби шарқ фалсафа мактаблари призмасидан қараб баҳо берилади. Тасвирлар жўн ва ишончсиз чиққан. Бадиий адабиётда фалсафий фикрлар бериш яхши, аммо уларни қай тарзда бериш яна-да муҳим.

Замира Иброҳимованинг “Кўчанинг файзи” ҳикоя ва эртақлар тўплами мактабгача таълим ёшидаги болалар учун аталган. Ундаги қаҳрамонлар бувижонлари билан гуллар экишади, ер билан тиллашади, уй ҳайвонларини қандай парвариш қилишни, математикани ўрганиш кераклигини, сув, газ, электр энергиясини асраш кераклигини билиб олишади. Улар аввалги китоблардан фарқли ўлароқ афсонавий ишлар қилишмаса-да, китоб эндигона оламни англаётган болақайларга ҳаётини билимларни ўргата олиши билан аҳамиятлидир.

Динара Мўминованинг “Куёшнинг сирли ботиши”¹² расмли китоби уч ёшдан катта болалар учун мўлжалланган. Болага яхши ўқиш, ахлоқли бўлишдан ташқари, куёш чиқиши, ёмғирнинг сирли кўшиғи, камалак мўъжизаси каби олам гўзалликларига шайдо эта олиш ҳам болалар китобининг вазифаси. Ва ушбу китоб бу вазифани аъло даражада уйдалаган дейиш мумкин. Бу тарздаги расмли китоблар ўзимизда ҳам чоп этилаётгани қувонарли ҳол. Сабаби оз матнли расмли китоблар кичик ёшдаги болада китобга меҳр уйғотади ва уни фикрлашга ундайди.

Болалар газета, журналлари нафақат ҳали китобини чоп этишга улгурмаган шоир ва ёзувчилар, балки қалбида адабиётга меҳр уйғонган жажжи болақайларни, бўлажак шоир ёзувчиларни кашф этаётгани билан аҳамиятлидир. Уларда чоп этилаётган ҳикоя-ю эртақлар, таржималар боланинг ёши, дунёқарашига мос равишда чертиб-чертиб, танлаб танлаб олиниши ҳам эътирофга сазовор.

“Ғунча” журналида чоп этилган Собир Жабборнинг “Олмақанд”, Улуғбек Мустафони “Одобли набира”, Шукур Курбоннинг “Кичкина ватанпарвар”, Дилфуза Камолжонова “Гул”, Эркин **Маликовнинг** “Меҳмонда”, Яйра Саъдуллаеванинг “Ассалому алайкум” ҳикоялари, Дилфуза Шомаликованинг “Кўклам дарвозаси” бадияси болада табиатдаги бошқалар кўра олмайдиган гўзалликни кўришга ундайди. Ҳикоялардаги болалар нафақат одобли, балки ўрни келганда қайсар, шўх. Масалан, “Меҳмонда” ҳикояси қаҳрамонлари бири ўйинчоқ сўрашни ўзига эп кўрмаса, бири энди танишган дўстини ялантиришни истайди. Бола феълидаги табиийлик ҳикоянинг ҳаётчилигини таъминлаган. “Кўклам дарвозаси”

11 Озод Муминхўжа. *Лабиринт: фантастик ҳикоялар* – Тошкент: Академнашр, 2021. – 304 бет.

12 Мўминова Динара. *Куёшнинг сирли ботиши*. – Тошкент: Академнашр, 2021.

бадияси болаларча хайрат билан ёзилгани учун ҳам бир нафасда ўқилади. Болани гўзалликни, эзгуликни кўра билишга ундайди.

Шунингдек, Феруза Адилованинг “Дўкондор”, Хуршид Тожибоевнинг “Олчавой ва олмахон”, Ҳидоят Олимованинг “Олмахоннинг хатоси” каби эртақлар сўнггида саволлар берилаётгани жуда соз. Чунки бу болани фикрлашга ундайди.

“Тонг юлдузи” газетаси ўтган йил давомида ҳафталик нашр талабидан келиб чиқиб мактабларда, болалар орасида бўлаётган муҳим воқеалар, суҳбатлар, публицистик материалларга, ўқувчилар ижодини ёритишга, ёш қаламкашларни кашф этишга кўпроқ эътибор қаратган. Рўзномада Улуғбек Мустафонинг “Хат”, “Чавандоз ўғил”, Хуршида Тожиевнинг “Оқсоқ мушукча”, Насиба Эрхонованинг “Мусичанинг ватани”, Озода Турсунбоеванинг “Унутилган синфдош”, Юсуф Худойкулнинг “Балоғат”, Пайваста Оппоқхўжаеванинг “Вақт кадри”, Чарос Раҳимқулованинг “Мени кашф этган дарс”, Феруза Сойибжон қизининг “Виждон ва қонун”, “Ака-ука”, “Бош ва калла”, “Шоҳрух иккичи эмас” кичик ҳикоялари, Муҳаббат Ҳамидованинг “Яхши гапнинг ҳикмати”, Тўлқин Сайдалиевнинг “Қора панжанинг саргузаштлари”, Латофат Ҳосилбекованинг “Қиш эртаги” каби эртақ ва ҳикоялари чоп этилган.

“Гулхан” ойномасида чоп этилган Ситора Эргашеванинг “Ажойиб мато” эртаги, Нилуфар Жабборованинг “Ҳаёт устуни” ҳикоясида бугунги кун боласида йўқолиб бораётган инсоний туйғулар қаламга олинган. Муҳаббат Ҳамидованинг “Шиппак”, Наима Анварованинг “Ғаройиб туш” ҳикоясида дангасалик самимий ҳажв билан қораланади. Бобораҳим Муҳаммадиевнинг “Собиржон фермер” ҳикояси болаларда ёш бўлишга қарамай ақл билан бизнес юрита олиш мумкинлигини тушунтирмоқчи бўлган бўлса-да, ҳикоя баёндан иборат бўлиб қолган.

2021 йил болалар насри майдонидаги хирмон баракали келгани, унинг ранг-баранг ҳикоя, эртақ, қиссаларга бойлиги қувонарли ҳол. Лекин унутмаслик керакки, Болалар адабиёти – саёз адабиёт эмас. Болаларга бўлаверади тарзидаги хом-хатала “асар”ларни бола қабул қилмайди. Болалар учун ёзилаётган психологик, саргузашт, фантастик асарлар дунё адабиётида жуда кўп. Лекин ундаги қаҳрамонлар шарқона дунёқараш эгаси эмас. Ундаги болакайлар ўзбек эмас. Умид қиламизки, шунчаки бошдаги дўпписи, бекасам чопони-ю атлас кўйлаги билан эмас, қалби, руҳи, фикри билан ўзбек болажонларини акс эттириб турадиган гўзал ёзмалар ҳали кўп ва ҳўб ёзилади.

Шаън ва ахлоқ қайғуси



**Виктор
АЛИМАСОВ**

Инсон ўз шаъни ва ахлоқини авайлаши баробарида, ўзининг одамийлигини асрайди. Шаън – инсонийлик бобидаги ғурур ва ўзликни англаш ҳамда асраш туйғусидир. Ўзини о д а м билган борки, шаънини асрашдек ўта сермашаққат, оғули ва сералам кўргиликларга дуч келаверади; ўзлигини асрамоқчи бўлган киши гоҳо қадрланавермайдиган, осон топталадиган ва тааммул етмайдиган ахлоқни, ахлоқини ҳимоя қилишга мажбур. Утилитаризм ва прогматизим авж олган даврда эса шаън ва ахлоқни асраш чинакам жасоратни тақозо этади. Ҳатто, ўз-ўзини қурбон қилишни ҳам.

Азиз китобхон, “Шарқ юлдузи” журналининг 2019 йил 7-8 сонларида эълон қилинган “Тухмат” романи шаън ва ахлоқни асраш-авайлаш хусусидаги изтироблар ҳосиласи. Асарнинг бош қаҳрамонлари уста Мирғолиб ва Қўқонбой эса, таъкидлаш жоизки, ўзларича шаън ва ахлоқ фидойилари.

Нортўхта Қилич навбатдаги асарида ҳам ўз эътиқодига – яъни, традиционализмига содиқ қолган. Биз йўқотган ёки йўқотаётган шаън ва ахлоқ ёзувчини ўртаётганини сатрма-сатр, саҳифама-саҳифа ҳис этаверамиз. Ҳали тўла унут бўлмаган одамийлик туйғуси ёзувчига азиз. “Капитализм” – муаллиф атамаси – бедиллиги, инсон шаъни ва ахлоқини нақдига, фойдага пуллаш принциплари ёзувчининг дилини ўртади. Уста Мирғолиб капитализм ичида яшай туриб, унинг ҳамма нарсани, ҳатто, шаънини, ахлоқни, иффатни пуллаш принципига қарши. Бир томондан, У – капитализм вакили – тадбиркор, хусусий мулк эгаси; иккинчи томондан, ҳали тўла унут бўлмаган анъанавий тасаввурларга, миллий қадриятларга содиқ. Унинг учун ушбу тасаввур ва қадриятларни йўқотиш – фожиа!

Виктор АЛИМАСОВ – фалсафа фанлари доктори. 1949 йилда туғилган. Тошкент давлат Маданият институти (ҳозирги ЎзДСМИ) ва Санкт-Петербург Маданият академиясини тугатган. “Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати”, “Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи”, “Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати”, “Қизимга мактублар” (3 жилдли), “Фалсафа Ҳаёт Ижод”, “Эсселар” ва “Одам” фалсафий бадиий термалари чоп этилган.

Мен адабиётшунос эмасман. Асарни услуб, лексика, тасвир воситалари, бади-
ят талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш адабиётшуносларнинг машғулоти.
Мени романдаги фалсафий ғоя, фикр қизиқтиради. Тааққул билан шундай бир ху-
лосага эришдимки, ҳар қандай бадиий асарнинг қиммати қандай фалсафий ғояни,
фикрни китобхонга етказмоқчи эканлиги билан ўлчанади. Менга фалсафий ғоя
беринг, фикр беринг – мен сизнинг қимлигингизни, қандай ижодкорлигингизни
айтаман. Тааққул билан яна шуни англадимки, бадиий асар учун фалсафий ғоя,
фикр том маънодаги асар учун қамлик қилар экан, унда бадиий маҳорат тажаллиси
муҳим экан.

“Тухмат”даги фалсафий ғоя ва фикрдан англанадики, инсон пасткашликка, ҳа-
садга, разилликка мойил мавжудот. Ҳа, уста Мирғолиб ва Қўқонбойдаги ахлоқпа-
растликка қойил қолиш мумкин. Чамаси, инсонийлик деб аталгувчи улуғвор, олий-
жаноб туйғу шундай кишилар орқали барқарор. Аммо, Ҳалима кампир, Маржон,
Искандарвачча, мелиса-миршаблар, “қонундаги ўғрилар”, “зўрлар”, “уртўқмоқлар”
ҳам реал борлигимиз. Иқдорларга эътибор беринг: “...одамнинг ўз шаънига гард
юқтирмай яшаши... Йўқ, бунинг учун киши чап бетига тарсаки еса, ўнгини ҳам
тутадиган авлиё бўлиши кера-а-ақ”. “Мусулмон дунёсида қуллуқ бор экан, қуллик
абадийдир”. “Фалак остида сен – озод эмас сен!” Пасткашлардан, ҳасадгўйлардан,
разиллардан тухматга учраган қаҳрамон нажотни шаъндан, ахлоқдан қидиради.
Улар эса раҳматли отасида, тушида, узоқ-яқин ўтмишни ёнма-ён кўрган-кечирган
аёли Нурбувисида бор. Қисман Қўқонбойда ҳам.

Асар тухматдан бошланади. Эмишки, уста Мирғолиб фирмасида ишлайди-
ган фарроши Ҳалима кампирнинг ўн беш яшар кизини “Кўп марта шаҳардан
ташқарига опчиқиб, ҳар гал зўрлаган. Ана энди Маржонанинг бўйида бўлқоган.”
Ушбу тухматни прокуратура вакилидан эшитиб, уста Мирғолибнинг бирдан “пай-
лари, бўғимлари бўшашиб, беҳол... бемажол” бўлиб қолади. Ўз шаъни ва ахлоқини
қадрлайдиган уста Мирғолиб: “Ё навзан-биллоҳ, астағфируллоҳ!” деб юборади.
“Ўт балоси... Сув балоси... Э, Тухмат – баридан ёмон... Ёмон!.. Мана, уф-ф-ф! Ким
айтган бўлса ҳам жуда топиб айтган экан-эй!.. Тўғри-де, бошига тушган билади”.

Қаҳрамон ўйлари, хаёллари, тилаклари ва ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборган
тухмат, ўғли Миракмал бошига тушган тухмат ва Қўқонбойнинг аянчли, жожеий
турмуши тасвири билан моҳирона боғланган. Ёзувчи бот-бот ўтмишга, хотирага
муружаат этиб, улардан садоқат, меҳр излайди; пасткашликларга зарба бергувчи
таянч қидиради. Ҳатто, тоталитар тузум, қаттол Сталин ҳам нималардадир капи-
тализм даҳшатларидан авлороқ. Ахир, у пайтларда анъана, шаън, ахлоқ жуда ар-
доқда, қаттиқ назоратда эди-да!.. Энди эса, у т а р т и б л а р емирилган. Ҳамма нар-
са, шу жумладан, шаън ва ахлоқ ҳам, не аламки, тарози палласига тушган – отанг
бозор, онанг бозор – бировлар молини сотади, бировлар эса борини... Пасткашлик,
ҳасад, ҳатто, тухмат ҳам сотилади, сотиб олинади: марҳамат!..

Уста Мирғолиб капиталистчасига ишлашга ўрганди. Аммо капиталистча ахлоққа
ўрганолмаяпти. Мазкур зиддият уни беадат ўртайди, беаёв эзади. Нортўхта Қилич
қаҳрамонидаги ушбу кечинмаларни жумлалараро, сатрлараро теран сингдирилган-
нидан ўқувчига англашиладики, бари-бари нишонга урилган ўқ каби қисқа, лўнда,
ҳатто, Фрейдона тасвирланган. Ёзувчи бошқа асарларидаги ғояни такрорлаётган
каби туюлса-да, романида ёрқин психологизмга, қаҳрамонларидаги руҳий ке-
чинмаларни халқона, бадиийона тасвирлашни ҳадди аълосига етказган. Қаҳрамон-
ларнинг ҳар бир сўзига, сайъи ҳаракатига “психологик фон”, яъни андуҳона ўйла-

рини вобаста қилади. Ва, мазкур ўй-хаёлларни табаҳқор иллатларга қарши қўяди. Ушбу беаёв курашда қайси тараф ғолиб келишини дафъатан англаёлмайсиз, тополмайсиз. Ахир, ўйлар билан табаҳқор иллатларни енгиб бўлармиди?! Албатта, йўқ. Гоҳо унақа ўйлар уста Мирғолибни ўзи эъзозлайдиган шаънга ва ахлоққа зид амалларга ҳам ундайди. Масалан, Намоз ўғрига мурожаат қилиши – хаёл-беҳаёл – беихтиёр мурожаат қилиши. На чора, бандайи ожиз-да!.. Ўша мурожаат куруқ, беҳуда эмаслиги, гарчи, ёзувчи шаъма қилмаса-да, аён-ку! Ахир, шундай “авторитет” олдига куруқдан-куруқ бориб, Шокир Полвон, Генерал билан танишиб бўлармиди? Шунинг учун, менинг фикримча, қаҳрамоннинг: “Ҳақлигини билад туриб, муттаҳамга тилёғламалик қилиш... пора бериш... Йўқ, бунинг учун қайтадан туғилиш керак”, дегани ўқувчида ишонч уйғотишидан кўра, менимча, ишонч уйғотмаслиги аёнроқ. Қаҳрамон: “Ишинг тушса, эшакни амаки, дейсан”, деб, ўзи қандай муҳитда яшаётганлигини ва қандай давр кишиси эканлигини охир-оқибат билдириб қўяди. Ва, бунақа муҳит, бунақа даврда ўсиб-улғайган эшакка, ҳатто, улуғим, деб сиғинади. Ахир, сиғинмадикми?.. Сиғиндик-ку!.. Мана, сизга аччиқ ҳақиқат!.. Ёзувчи қаҳрамонлари кечирган изтироблар, ноҳақлик ва пасткашликлар туфайли бошига тушган тухматлар, кишидаги инсонийликни сиқиб чиқарувчи зўравонликлар, яшашга, бош кўтариб юришга имкон қолдирмайдиган, ҳар қандай шаънингизни топтайдиган “ҳовлиқмалик”, “ҳамтовоқлик”лар билан таништириб, бизни жамият тақдири ҳақида фикр юритишга, ҳақ ва ҳақиқатни бетоқат, беҳаловат излашга ундайди.

Хўш, таахҳудинг не, эй – замона?!. Агатор айтадики: “Мен сани йўқотдим. Наҳотки сан-да мени йўқотдинг?!”

Афсус, минг-минг афсуски, Маржона ҳаёти бизнинг ҳаётимизга айланиб бўлган. Бугун “иффат” деган тушунча, не аламки, ижтимоий фикрдан ўчаётир. Фақат насиҳатшунослар унинг йўқолишидан фожиа ясайдилар. Биламан, ижодкор қалбида насиҳат яшаши керак. У кимгадир, ниманидир уқтириб-ўргатиб, таъкидлаб, ўйига-шуурига қуюб, одабийликни асрайди. Бурчини, кўнгил амрини бажаради. Реал ҳаётда, айниқса, олди-сотди устувор жамиятда эса иффат, умуман, ор-номус, уят ҳақидаги даъватлар замонавий муаммолар олдида ожиз кимсаларнинг илтижолари янглиғ эшитилади. Бироқ, қалам аҳли ожиз кимса бўлиб қолмаслиги шарт ва зарурдир. Унинг панд-насиҳатини замона илғамаслиги эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам замона айёра-да!.. Аммо... аммо, ҳар қандай панд-насиҳат авлодлар қалбидаги эзгуликка, адолатга, инсонийликка бўлган умид нури сўниб қолишининг олдини олиши билан муҳим. Жуда!.. Шаън ва ахлоқ бобида эса мудом ёрқин, дардкаш дидактика зарур.

Хуллас, “Тухмат” ҳақида тухмат азобларини чекканлар мушоҳада юритсалар арзийди. Унга дучор бўлмаганнинг, – аслида, дучор бўлмагани авлоқу-я! – фикрлари сийқа ва саёз бўлажак. “Тухмат”даги тухмат эса шунчалик эътиборни тортадиган, ижтимоий фожиа сифатида муҳокама қилинадиган, диққатга арзийдиган вазми? Баҳонами? “Е, ич, маза қил!” қабилидаги Эпикурона даъват қарор топаётган даврда бокираликни йўқотиш – п у л л а ш – шунчалар катта, мураккаб муаммоми?.. Дарвоқе, Маржонанинг ўзи буни фожиа деб биладими? Бизнингча, йўқ, албатта. Унинг ёнидагилар фожиа яшашапти. Фожиа уларга керак, Маржонага эмас. Мана, даврдаги англаш қийин бўлган зиддият, муаммо. Муаллифнинг позицияси аниқ: ота-боболаримиз эъзозлаб келаётган қадрият қадрланиши, бокиралик асралиши зарур. У йўқолса, поклик, иффат, ишонч ва икки қалбни бирлаштирувчи

туйғу – севиш ва севилиш, садокат ва меҳр йўколади. Гап асло Маржонада, ҳатто, Мирғолибда ҳам эмас. Уларнинг “шаҳардан ташқарида учрашуви”да, “зўрлаши”да ҳеч қандай сир ва муҳокамага қўйиладиган муаммо йўқ. Чунки, бунақа важлар, – эвоҳ! – одатий ҳолга айланиб бўлган. Аммо, шу “одатий ҳол” икки қутбни – эзгулик ва ёвузликни, хокисорлик билан пасткашликни тўқнаштирувчи сабабдир. Алҳол, муаммо “туҳмат”да эмас, муаммо зиддаин қутблар нурашидадир.

Биз, эзгулик тантана қилади, деган тамойил, қадрият руҳида тарбияланган, шаклланган ўқувчилармиз, диёнатни эъзозлагувчи авлод вакилларимиз. Зиддаин қутблар тўқнашганида эзгулик тантанасини кутамиз. Аслида, ҳаётда ҳар доим ҳам эзгулик, адолат, ҳақиқат тантана қилавермаслигига гувоҳ бўлаяпмиз-ку!.. Ҳаётга ҳушёр, синчков тикилган киши туҳматлар ғолиб келганини, келаётганлигини пайкайди. Туҳмат шумнийат – тубан кимсанинг қуроли. Уни тўхтатиш мушкул. Душвор. Туҳмат – ожиз кимсанинг беомон қуроли. Ундан халос бўлишнинг деярли имкони йўқ. Туҳматларга дуч келган Исоҳ пайғамбар деган экан: “Ўликларни тирилтиришга қурбим етди. Аммо, нодоннинг туҳматига ожиз қолдим”. Ҳа, нодоннинг туҳматига даво йўқ.

Нортўхта Қилич бетакрор бадий услубга эга ижодкор сифатида халқ иборалари, нақллари ва кинояларидан реаллик яратади. Услуби содда-самимий, айниқса, руҳий кечинмалар, монологлар жозибали, энг муҳими, сунъий интеллектуализмдан йироқ. Ҳатто, бир қадар кўп қўлланиладиган уч нукталару кўп нукталар ҳам ўқувчига пухталиқ аломати каби туюлади. Нукталар остидаги фикр мавҳумот эмас. Улар ўрнига эҳтиросли таъкидлар битилиши осондек. Аслида ҳам шундай. Лекин, адиб шу тариқа ўқувчига туҳмат азобини янаям теранроқ англатмоқчидек.

Романда шаън ва ахлоқ эъзозланган ўтмишга, хотирага, тушга бот-бот мурожаат этилишида ҳам, бизнингча, ўзига хос бир ҳикмат бор. Ёзувчи замондошларига инсон нима учун ва қандай яшаши кераклигини эсига солиб қўймоқчидай. Биз узоқ-яқин ўтмишимиздан, ота-боболаримиз ва момоларимиз эъзозлаган ахлоқий қадриятлардан айрича шаклланмаганмиз ахир. Замона бизни ўз домига тортиб, анъаналаримизни унутишга мажбур этаётгани ҳам бор ҳақиқат. Майли, мавжуд замонани капитализм дейлик, социализм дейлик, постмодернизм дейлик, аммо бизни инсон қилиб турган шаън ва ахлоқдан кечишимиз мумкин эмас. Асло!..

Агар бир-бирига зид қутблар тўқнашсалар, – кўп афсуски, аллақачон силжиш яшин тезлигида рўй бераётир! – барча тоат-ибодатлар чиппакка чиқари муқаррарлигидан; келажакда эса, янада даҳшатлироқ кулфатлар содир бўлажакдан, – шаън ва ахлоқпараст асар қаҳрамонининг тушида кечган жаннатсифат бир гўшада она-қиз билан боғлиқ беҳаё ҳолат, – на чора, ранг-баранг ҳаёт-да! – манзараларни бир эсланг!.. Машойихлар демишларки, тушда кечгани хушда воқеъ бўлмай – ёзувчи бизни огоҳлантираётир: “Оч кўзингни, ўзбегим, оч!!..”

Традиционализм услубини психологизм билан омухталаб-бойитиб, инсонлигимизни эсимизга солган “Туҳмат” романи муаллифи Нортўхта Қиличнинг дадиллигидан, журъатидан ва ҳақсўзлигидан китобхон миннатдор бўлишига ишонаман. Қайноқ сўз гоҳо қуйиштирадиганроқ, гоҳо ачиштирадиганроқ бўлади. Бинобарин, айна жиҳатлари билан роман ўйларингизга ўй, фикрларингизга фикр қўшади. Асардаги жанговар, ялангтўш иборалару жумлалар эса ёзувчи лексикасини янаям бойитган ва янада халқона қилган. Балки, айна усул ҳам йирик қалам ва уйғоқ қалб эгасининг ёрқин психологизмидир.

“Мендан бир қўшиқ қолди...”



**Абдураим
ТУРСУНОВ**

Инсон қалби, руҳи, асрий дарду ситамлари, шодлигу фараҳларини оламга таратишга хизмат қила оладиган шундай қўшиқлар борки, улар атиги уч дақиқада ниҳояланса-да, бундай ашула қанотида парвоз қилиб, неча минг йиллик сурурни туйгандек бўласиз. Айрим қўшиқлар умрбоқийлигида эса, шубҳасиз, дунё халқларининг даҳо санъаткорлари ўрни ҳам бекиёсдир. Буни англаганимиз учун ҳам сеҳрли ва тушунтириб бўлмас гўзалликлар сари чорлай билган бундай қўшиқларни маромига етказиб ижро эта олган иқтидор эгаларини танланган зотлар сифатида қабул қилгимиз келади.

Ўзбек халқи ҳам неча-неча асрларки қўшиқчилик санъатини юксак чўққиларга олиб чиқишга муваффақ бўла олган иқтидорлар бешигини тебратиб келмоқда. Биргина ўтган асрнинг 70-80-йиллари қўшиқчилик санъати мактабини ярата олган Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов каби санъат дарғалари ижодий чашмасининг ўзи ҳам бунга мисол. Бу ҳофизларимиз каторида термизлик хонанда Абдулазиз Имомов номи ҳам борлиги адолатдандир.

Амударё бўйларидаги кутлуғ қадамжо – “Пайғамбар ороли”да туғилиб, умри мазмунини инсонлар кўнглини обод қилишга бахшида этган камтарин санъаткор, созанда, ўнлаб қўшиқлар ва улар матни муаллифи бўлган Абдулазиз Имомовни таниганлар, ижроларини тинглаганлар бу фикримни тасдиқлашларини ич-ичимдан сезаман.

Абдулазиз Имомов ўтган асрнинг 60-йилларида улуғ ҳофиз Комилжон Отаниёзовга шогирд тушиб, санъатнинг нозик ва хос жиҳатларини чуқур ўрганади, устозига жўровоз бўлади, овози ва қалбидаги мусикий ганжиналарни сайқаллайди. “Хоразм” (1968 йилдан бошлаб “Лазги”) ансамблида фаолият олиб борган кезла-

Абдураим ТУРСУНОВ – 1955 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Мусиқий таълимга оид ўқув қўлланмалар ва 50 га яқин илмий, илмий оммабоп мақолалар муаллифи.

ри Комилжон Отаниёзов билан ҳамкорликда “Кел, Ғарибим”, “Санамжон”, “Найлар” каби ўнлаб қўшиқларга куй басталайди. Комилжон Отаниёзов вафотидан сўнг устозининг ашулаларини маромига етказиб куйлаб, кўпнинг олқиши, дуоси, эътирофига сазовор бўла олганда, аксарият хоразмликлар: “Комилжон ўлмабди!” – дея Абдулазиз Имомов қўшиқларидан таскин топгани ҳам бор гап.

Абдулазиз Имомов нафақат ўзбек ё туркманча, балки озарбайжон, тожик, афғон, турк, хинд ва ҳатто корейс қўшиқларини ҳам беҳато, бағоят юксак маҳорат билан ижро эта олган. Санъаткор шеърларини ўзи ёзиб, куйини ўзи басталаб, фақат ўзигина уларни маромига етказиб куйловчи саноқли, фавкулодда истеъдод эгалари сирасига кириши билан ҳам қадрлидир.

“Кунларнинг бирида Бокуга – тор олиш ниятида азим шаҳарга бордим, – деб хикоя қилган эди Абдулазиз ака. – Мусиқа асбоблари сотиладиган алоҳида бозори бор экан. Тор сотиб ўтирган бир чолга гоҳ у, гоҳ бу торни олиб беринг, деб инжиклик қилдим. Торларнинг қайсидир камчилигини айтсам, чолнинг жаҳли чикди-да, “Сан нардан ўларсан, торни нердан биларсан, лозим топсанг шу торларни ол, бўлмаса гет бордан”, деди. Мен шунчаки бир харидор эмаслигим, Тошкентдан махсус тор олиш учун келганимни айтдим. Шунда чол курғур ишонмади. Мен торларнинг бирини олдим-да, озарбайжонча куй чалдим. Чол ханг-манг бўлди ва: “Болажон, айдим айдиб баларсан”, деди. Мен шу ерда, бозорнинг ўртасида тик туриб, “Онажон” деган улар севадиган, қадрлайдиган, тингласа, йиглаб тинглайдиган қўшиқни айтдим. Бозордаги одамлар ҳайратдан қотиб қолишганди. Чол ўша куни мени меҳмонга олиб кетди ва кечирим сўради. “Сен Озарбайжонда қол, бизнинг боғларнинг булбули бўл”, дея мени Бокуда қолишга даъват этди. Мен Термизни, унинг кадри баланд одамларини, дўстларимни ҳеч нарсага алмаштиргим келмади”, деб эслайди Абдулазиз Комилов ўз хотираларида (Г.Саидмаликов, М.Наимов. Кўнгил бир наво истар. Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006 й. 7-6).

Худди шундай ҳолат ўтган асрнинг 70-йилларида Сурхондарёда ҳам бўлиб ўтади. Вилоятининг Музработ туманидаги “Учкун” жамоа хўжалигида ўзбеклар билан бирга, елкадош бўлиб, оғир меҳнат заҳматини бақамти тортиб келаётган корейлик бир гуруҳ меҳнаткашлар ҳам шоли етиштиришган. Ҳис-туйғулари, қалблари ўхшаш бу икки халқ вакиллари дўсту инок бўлиб меҳнат қилишаётган бир пайтда Абдулазиз ака ҳам мазкур жамоа хўжалигига бот-бот келиб турган. Бу қишлоқ тўйларида корейслар ҳам қатнашгани учун улар ўз қўшиқлари билан барчанинг кўнглини ёритиб, хушнуд этаётган Абдулазиз Имомовга корейс халқ қўшиқлари пластинкаси ва матнини беришар, Абдулазиз ака эса дарҳол корейсча қўшиқларни ёд олиб, меҳмонларнинг шарафига қойиллатиб куйлаб берар, ўз навбатида қўшиққа маҳлиё бўлган меҳмонлар ҳам бундай истеъдод соҳибига раҳмат айтиш асносида бу ўзбек санъаткорининг корейсча ашулаларнинг мусиқа ва сўзларни ўзбек миллий чолғу асбоблари жўрлигида нақадар беҳато ва гўзал ижро этишига тан беришар экан. Бу каби воқеалар ҳофиз руҳий “географияси”нинг нақадар бепоён, хотираси нечоғлиқ кучли эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Бобомурод Ҳамдамов, Олмаҳон Ҳайитова, Раҳматжон Қурбонов, Каримбой Раҳмонов, Насиба Абдуллаева каби ўнлаб етук санъаткорлар ҳам Абдулазиз Имомовнинг “Елпессе”, “Баравар”, “Гўзал сен”, “Бари гал”, “Айби йўқ”, “Галсин-галсин”, “Лебабим” сингари нодир қўшиқларини ўз репертуарларига мамнуният билан киритишган.

2020 йилнинг июнь ойи, бутун дунёда пандемия ҳолати эълон қилинган паллалар эмасми, одамлар одатий бегим кунлари, кенгликлар, кадрдонлар даврасидаги суҳбатларни қўмсар, талпинар эди. Кадрдон акаимиз, севимли шоиримиз Усмон Азим, раҳматли дўстимиз, моҳир публицист, шоир Исроил Шомиров ва ёш шоир укаларим билан – она қишлоғим Зарабоққа бордик. Сўлим табиат бағридан қониб, “коронавирус” деган балони унутаёзиб, кун ўтиб шаҳарга қайтаётган эдик. Мен автомашинани бир маромда бошқарар, суҳбат эса қизигандан-қизирди. Омади гап, Усмон ака Абдулазиз Имомов ҳақида сўраб қолди. Гап-гапга уланиб, Усмон акага ўзбек қўшиқчилигида “вой (-эй)”, “дод (-эй)”, “ёр (-эй)” “жон (-эй)”, “жоним-эй”, “аҳа-ҳай” каби нола-ю қочиримлар борлигини, кўплаб қўшиқларда шу оҳанглардан фойдаланилишини, Абдулазиз Имомов эса негадир “Уф”, ҳа, айнан “Уф” ҳис-ҳаяжон рамзини ўз қўшиғига қўшганини сўзлаб бердим... Кейинги гал кўришганимизда Усмон ака: “Абдураимжон, сиз ўшанда – Зарабоқдан қайтаётганимизда Абдулазиз аканинг “Уф” деб қўшиқ қилгани ҳақида гурунг берган эдингиз. Сиз суҳбатни давом эттирдингиз, лекин ўшанда менинг этим жимирлаб қолди! “Уф”! Вой-а, дедим...” – дея ҳаяжон билан сўзларкан, ўша суҳбат шоиримизга илҳом бағишлагани, сўнг “Қадимдан келган қўшиқ – “Уф” сарлавҳали шеър яралгани ва бу шеърни Абдулазиз Имомов хотирасига бағишланганини эшитиб, бошим кўкка етди. Шеър ҳақиқатдан ҳам кишини ҳаяжонга солади:

*“...Фаминг келди тизилиб. Уф!
Жоним кетди узилиб. Уф!
Мендан бир қўшиқ қолди. Уф!
Ёр юрсин деб исиниб. Уф!*

*Қайтай десам, дунё қулф!
Уф! Уф!..*

* * *

Абдулазиз Имомов яратган қанчадан-қанча қўшиқлари муаллиф томонидан қайта-қайта сайқаллаштириш жараёнларида бўлиб тургани ҳолда, ҳали эълон қилинмай, кенг омма эътиборига ҳавола қилинмай туриб ҳам, айрим хонандалар бу қўшиқларини радиога айтиб, ўзлаштириб, кейинчалик тап тортмай, “Бу қўшиқнинг муаллифи ўзим”, дея уялмай кетаваришган. Шундай вазиятларга муносабатларда ҳофизнинг шакл ва моҳият, жисм ва рух, фонийлик ва боқийлик негизининг асл мазмунларини теран англаган шахс сифатидаги қиёфаси, равиши – қўшиқчиман, деган кишига ўрнатилган сифатидаги яна бир воқеани мисол қилиб келтираман.

Марҳум ҳофиз Раҳматжон Қурбонов: “Сиз яратган шундай ажойиб қўшиқларни биламанки, уларни айрим ижрочилар ўзимники, деб даъво қилишади. Ҳатто сизнинг шу қўшиқларингизни ижро этиб, мукофоту унвонлар олганлари ҳам бор. Нега бундай кимсаларга бунчалар бефарқ қарайсиз?” деб сўраганида, Абдулазиз Имомов жим бўлиб қолиб, анча вақтдан кейин шундай деган экан: “Раҳматжон, ҳар ким нима қилса, аввало ўзига қилади. Инсон ўз сиру асрорини халқдан яширган билан Ҳақдан яширолмайди-ку! Ўзи кўриб турибди. Тўғри, мен ҳеч қачон, ҳеч қандай унвону мукофотларга интилмадим. Энг юксак унвон элнинг кўнглида, юрагида деб

билдим. Чунки минг шукрки, ижодни энг буюк неъмат деб қабул қилганман. Сиз айтаётган ўша одамлар Яратганнинг бу марҳаматидан бебаҳрадилар. Раҳматжон, сизга қайта-қайта айтаман, шу сўзларим бир умр қулоғингизда бўлсин: ижод – Яратганнинг энг буюк неъмат! Санъаткор учун ҳайратланиш, ҳайратлантириш тириклик белгисидир...” (Г.Саидмаликов, М.Наимов. Кўнгил бир наво истар. Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006 й. 14-15-б) .

* * *

Абдулазиз акадек камтарин ва меҳрибон инсон менга ҳам устозлик қилган, у кишидан кўп нарсаларни ўргандим. Элимизнинг тўйларида бирга хизмат қилдик. Ҳаётимда Абдулазиз Имомовдек даҳо санъаткорлар билан рўбарў келиб, уларнинг даврасида масрур бўлиб, қалбимга нур иниб, ўзимни бахтли ҳис этишимда бу инсоннинг ўрни беқиёс. Энг муҳими, Абдулазиз Имомов ўзидан бемисл қўшиқлар қолдирди. Ўлмайдиган, боқий қўшиқлар! Яшайдиган, яшайверадиган, нолалар қолдирди. Ниҳоятда нозик қочиримлар, нимпарда мунглар, инсон қалбининг ҳали чертилмаган нуқталарини титратиб юборадиган оҳанглар қолдирди. Бу оҳанглар ўлмайди! Чунки инсон умри поёнлидир, қўшиқ умри поёнсиз, дейдилар, ахир...



*Ҳилма учун биз ижодкорлар
жону таҳонимизни санъатга бахшида
этамиз?
Бу саволга фақат битта тўғри жавоб бор:
- Инсоннинг фаровонлиги ва улугворлиги учун!*

Сен-Жон Перс



Бошпана

Достондан парчалар



ОЙДИННИСО

Янги давр кўчаси

Куз
нотаниш манзиллар сари
олиб кетди, бир таниш ҳисни.

Янги давр кўчасига
хушбўй нози,
гўзал алдови ила,
гул ёмғири,
сийлови ила
кўчиб кирди баҳор.

Ўйноқлаб юрди у,
янги қад ростлаган ўн уйнинг
қизил қалпоқлари устида,
шу бошпана эгаларининг
димоғлари остида.

Ҳамма бирдай баҳорга боқди,
кўрдилар уни,
бирок кўролмадилар
бир-бирининг кўрганларини.

ОЙДИННИСО – 1980 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини битирган. Шоиранинг “Менсизлик”, “Номсиз”, “Қайтиш”, “Ҳовур”, “Қоралама”, “Серенада” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Шафқат тилар ҳаётдан унинг,
эҳсон сўраб,
очилган кафтдай
муштоқ чехраси...

...Нозланиб-нозланиб кезади баҳор,
янги давр кўчасида,
эркин-эркин эсар шаббода,
баралла-баралла
нур сочар қуёш.

Эрка шаббоданинг оҳангларида,
қуёш нурларининг жарангларида
тош теккандай тўкилиб ётар
Хазонгулнинг алам,
ҳавас,
умид барглари:
*“Жон қизим, ой қизим,
бу уйларга боқ,
юраларда қуйларга боқ,
орзуларга,
ўйларга боқ,
бизнинг бунда ҳаққимиз йўқми?*

*Хастагинам менинг,
ҳаққинг йўқ онгда,
орзуда,
армонда,
тушларда,
ўнгда,
Ҳаққимиз не бизнинг
дунёи дунда?*

*Томирдаги югурик қонми,
фақат жонми бизнинг ҳаққимиз?
Бир кўзинг ердаю, бириси кўкда,
Еру осмонми ҳаққимиз?*

*Ё қуёшли кунми бизнинг ҳаққимиз,
Юлдузларга тўла тунми,
шу дунёи дунми, дунёи дунми?*

*Ҳа, дунёи дундир бизники, эрка,
бизники ва яна
ҳамманики ҳам. ”*

Шамоллар тортқилар гулбаргларини:
“Кел, олиб кетайин узоққа,
бахтнинг Ватанини кўриб кел,” дейди.

Кундузлар кўз қисар пинҳона:
“Хасталар уйига ташла гунчангни,
кучоғимда макон қур”. дейди.

“Кел, – дейди кечалар, – менга айлангин,
сен ёлғиз, мен ёлғиз,
сингиб кет бағримга тун бўлиб.”

Хотирлар алдайди,
алдайди ёниб.

Шамолларни пуфлаб ҳайдар Хазонгул,
кундузлардан кўз юмиб ўтар,
кечаларни орзу ила ёритиб енгар.

Хотирларни эса...
ҳеч ўчгиси келмас хотираларни...

Эшик

Эркак юрагининг қулфини,
очмоққа уринган каби зўр иштиёқ ила
қимирлатар қулфда қотган калитни,
биринчи уй соҳибаси.

Илинж излаб баҳорга боқар,
кўрар баҳорни,
бирок, кўролмас у
Хазонгулнинг кўрганларини:

“Ё, Эгам!
Қанийди,
қанийди шу аёлга айланиб қолсанг.
Ҳис этиб турсанг,
очилмаётган эшик ортида
бу рўйи заминнинг сен учун,
фақат сен учун
аталган парчаси борлигин.

Шу эшик очилса,
олиб кириб кетсанг барча сириггни,
минг кўзли дунёдан яшириб.

Шу эшик очилса,
кириб борсанг,
яна бир таваллуд кунингга.

Шу эшик очилса,
ёр васлига етажак ошиқдай,
бағрига отилсанг уйингнинг.

Беихтиёр қаттиқ ёпсанг эшикни.

Намчил деворларни силасанг,
қучсанг
ва, ўтириб, қолсанг шу кўйи узоқ,
тинглаб ичингдаги шодон кўшиқни.

Эшикни қаттиқ ёпганинг,
эсингга тушса.
Билолмасанг, нега, бундай қилганингни.

Сувоқ теккан ойнага
ўзини урса ёмғир.

Сувоқ теккан ойнага
ўзини урса,
қақроқ Хазонгулнинг нигоҳи.

Унга қараб туриб ўйласанг,
илмий ишинг мавзуси ҳақида –
маданият ҳақида ўйласанг,
унга қараб туриб:
“Ақлий борлиқда
мустақил қўйилган қандайдир мақсад,
шу мақсадни қўя билиш қобилияти
озод одамнинг.

Табиатни қайта ишлайди одам,
қайта ишлаб айлантирар ўз асарига
Яратганнинг яратиқларин.

Ўзинида қайта ишлайди одам,
айланиб олар
маданиятли одамга”.

Сувоқ теккан ойнага,
ўзини ураверса,
қақроқ Хазонгулнинг нигоҳи.

Унга қараб туриб ўйласанг,
яроқсиз ғунчасин судраб,
опичлаб,
еру кўкка ишонмай юрган
уйсиз нотапонга қараб ўйласанг яна:

“Ким билсин,
шу бир ҳовуч хотин
эсини танибдики,
яшаб кўрмагандир бирор кун,
маданиятли одам бўлиб.

Балки, у ҳайратла боқар,
ким билсин,
кун-тун қоғоз қоралаган одамга.

Яқин келмас, балки тасаввурига
дунёни ўзгартириш.

Ким билсин, мақсади йўқдир унинг
бир сувдан,
бир нондан,
бир иссиқ тўшакдан бўлак.

Ким билсин,
татиб кўрмагандир бир бора,
фарзандининг роҳатини кўриш ҳақдаги
фикрнинг таъмини...

Остона

Иккинчи уй остонасига
бош кўйиб йиғлайди кушодам.

Жануб излаб дунё кезган кушодам,
изғиринда музлаб қайтган вужудин
иситиб ётаркан кўзёши ила,
боқар ҳамма бирдай боққан баҳорга.

Кўрар бошқаларнинг кўрмаганини:
“Бош кўйиб ётганинг шу остонанинг
чангичалик йўқдир дунёда маъни.”

Маъни ахтардим,
маънидан кечмак истадим?

Ўн етти ёш эди ўшанда,
онасининг ишдан қайтишини
кутиб ўтириб,
ҳис этди,
нураб ётган деворларнинг
сиқиб келаётганин.

Турса,
бошига мушт туширди шифт,
ўтирса,
игнадай санчилди пол.

Ёлғизликнинг совуқ бағрида,
бир оёғини
қанотлари остига олиб,
бош эгиб, қунишиб ўтирган кўйи,
сезиб қолди даъфатан
қуш эканини.

Тутқун қушлигини
сезиб қолди у,
деразанинг кўзила боқиб,
дунёга.

Бир чексиз кенгликлар,
баландликлар қўмсади,
тўқликлар қўмсади.
Айникса,
айникса бир гул қўмсади қўнгулик.

Орзу қилди:
“Қанот қоксам,
парвозимни деворлар тутиб қолмаса,
панжаралар тутиб қолмаса”, дея.
Куч топмади бундан ортиқ орзуга.

Ахир,
орзу қила билар одам,
етишмакка кўзи етган нарсасини.
Ахир,
орзу қилар,
ҳар қандайин қуш,
ўзга қуш қўнмаган бир гулни.

Қай қуш қўнди унинг гулига,
гунчалаган эмиш очилмай туриб.

Юрак – кучли таянчи эди унинг,
ојиз нуқтасига айланди.
Бойлик – ҳеч нимаси эди унинг,
энди,
орзусига айланди.
Севги – мазмуни эди унинг,
энди,
билмас нега айланди.

Билгани, у кетмоғи керак,
кетмоғи керак, у севгисиз,
унингсиз ерларга.
Кетмоғи керак,
у ўзисиз ерларга.

Кетди у кунларнинг бирида,
ојиз юрагини отиб юбориб,
учиб чиқиб кетди кенгликка.

Учди,
учаверди тиним билмайин,
фасллар оралаб,
йиллар оралаб.

Учди,
учаверди,
қаноти елпиган ҳаво остида,
гуркираб ўсаверди яралар.

Учди,
учаверди,
парвозини ютиб юборди кенглик,
овозини ютиб юбораверди.

Учди,
учаверди,
қаноти толди,
қўнмоққа топмади парча ер.

Учди,
учаверди,
тани муз қотди,
исинмоққа йўқ эди бир бағир...

...Қўниб қўрди уларга ҳам бирров.

Ўрнини босмади ҳеч бири
онасин бағридай иссиқ уйининг.
Ўрнини босмади ҳеч бири,
бегона қуш қўнган ўшал гулининг.

Деворларнинг сиқиб келишини соғинди.
Соғиниб кетди шифтларнинг муштини,
полларнинг тиканини.
Отиб юборгани ўт юрагини –
ўзини соғиниб кетди қушодам.

Орзу қилди:
“Қанот қоқсам,
парвозимни деворлар қисиб олса”, деб.

Йўллар фақат кетмоқ учунмас,
қайтмоқлик учун ҳам яралган эди.
Қайтди ота уйини қўмсаб.
нураб ётган деворларни қўмсаб
қайтди.

совиб қолган бўлди онанинг бағри,
сотилиб кетган бўлди ота уй,
қонаб ётган бўлди,
қаноти елпиган ҳаво остида,
ярага айланган отаси...

...Яранинг қонини тўхтатмоқ учун,
толган қанотига тин бермоқ учун,
юрakлироқ кун кўрмоқ учун,
қуш эмас,
одамдай яшамоқ учун,
уй сотиб олди,
йиғлади остонага бошини қўйиб.

Йиғлаб, айтиб ётди бир ҳақиқатни:
“Бош қўйиб ётганинг шу остонанинг
чангичалик йўқдир дунёда маъни...”

Остона.
Бор-йўғи бир қадам.
Фикрдан бир қадам нарига ўтсанг, бас,
махлуққа айланасан,
фариштага айланасан берига ўтсанг.

Қадам босмасликнинг иложи йўқ:
фикрдан нари ё берига.
Иложи йўқ остонада
умрбод яшашнинг.

Яшамас Хазонгул.
Яшамайин бош қўйиб ётар
фикр ва ҳис остонасига:
“Сен йиғла,
юрагим бўшасин менинг.
Сен кул,
жоним яйрасин, гулим,
сен яшагин,
менинг умрим узайсин”.

Остона.
Фикрдан бир кадам нарига ўтсанг,
бас.

Мана,
мана,
йиғлаяпти Хазонгул,
кўнглинг бўшармикан, қушодам?
Хазонгул кулмоқни истайди,
яйрамоқни истарми жонинг?
Яшагиси келар унинг,
умринг узаярми гар яшай билса?

Шу хазон чехраси,
шу хаста гунчаси ила
яшай билса,
умринг узаярми, айт?

Остона:
“Бош қўйиб ётганинг,
шу остонанинг,
чангичалик йўқдир
дунёда маъни...”

Даҳлиз

Ҳамма бирдай боқар баҳорга,
кўрарлар баҳорни,
бирок
кўролмаслар
учинчи уй соҳибининг кўрганларини...

...Хотирда чинқира бошлайди ранглар,
тебраниб кетар юраги
нозик ҳаракатнинг эпкинида.

Қайта разм солар,
сарғарган юзга,
хаста гунчага.
Юзга кўпчиб чиққан қалб куюгининг
қораси теккандай бўлар лабига.

Чинқиришда давом этаверарлар,
хотирада уйғонган ранглар,
дахлиздан бошқа бир хонага ўтаётиб,
тебранаварар юраги,
нозик ҳаракатнинг эпкинида.

Гул ифорин туяр димоғи,
лахзада қоришиб кетар бу ифор
куюк ис ила.

Сеза бошлар мудҳиш бир ҳақиқатни,
кўпдан сезгисини йўқотган кўнгли.
Шошиб борар, яна дераза ёнига,
жуда қаттиқ зўриқар ёди:
“Ёнгинангда ухлаётган
ўн олти ёшли гўзал.
дунёдаги ягона гўзал!
Сен ва у.
Дунёда сен ва у.
Бошқа ҳеч ким.
Қулоғинг том битган –
фақат кўзинг бор.
Шу гўзалнинг чиройини кўриш учун
яралган кўзинг.
Яна,
вужуднинг талаби бор,
ўн кунки,
жуфтдан йироқ вужуднинг.
Сен –
энг олий ҳузурга муносибсан,
муносибсан энг олий бахтларга,
фақат бахтиёрлик ярашар сенга.”

Пардани туширар ҳайиқиб.
бирор тирқиш қолдирмай туширар,
умрбод кўтарилмас қадар туширар...

...Юрагига олар энди,
ясама гурур ила
тақдир зарбасига қарши:
“Барибир,
кўшнилари уйдан чиройли уйим,
гулқоғозни зўридан танладим.

Гуллар хазонга айланадилар,
гуллар армонга айланадилар,
гуллар ёмонга айланадилар.
гул қоғозни зўридан танладим.”

Даҳлиздан бошқа бир хонага ўтаётиб,
ифорини туяр,
гул қоғоз гулларининг.

Шу сохта ифори опичлаб кетар,
даҳлиздан бошқа бир оламга
ўтаётиб ҳам...

Девор

Юрмоққа ҳоли йўқ,
судралмоққа,
эмаклаб келмоққа йўқ ҳоли,
юраклаб етар ва суянар Хазонгул
ўнинчи уйнинг деворига.

Пештоқлари нақшинкор бу уйнинг,
лек эгаси йўқ.
Қалдирғочлар эгалик қилар
пештоққа.
Қалдирғочлар олиб келар ўзбекнинг уйига
баҳорни,
қалдирғочлар олиб келар
миллийликни.

Зиналари гулдор,
деворлари рангин бу уйнинг,
лек эгаси йўқ.
Хазонгул ўтириб тин олар,
нақшинкор зиналарида,
суянар рангин деворларига.
Нигоҳлари ила териб олар бу ердан,
кеча синдириб,
ташлаб кетган умидларини –
қўлларидан тутиш учун,
оёққа туриш учун.

Мана,
шу уйнинг бекаси –
Хазонгулдир, эҳтимол?
Сотиб олингандир,
эҳтимол бу уй
онасининг яширин маблағига?

Маблағсизлик эвазига олингандир,
эхтимол?
Меҳрибонлик уйида ўсган
бирор-бир етимнинг ҳақкидир?
Олингандир,
эхтимол унинг номига,
турли шартлар ила –
силангандир,
унинг боши шу кўйи
катта онасининг қўллари ила.

Оғир ботар кимларгадир
ярим оғиз гап,
қайлардадир оғир ботар
уфққа куёш,
оғир ботар Хазонгулга
ўз онаси –
оғир ботар юрагига
йиртқич ҳайвон тишлари каби.

Қачондан бошланди оғирлик
оғриқ?
Ахир, Хазонгул
кундан-кун тарвуздай катталашиб,
оғирлашиб бораётган қорнига боқиб
хайрона юрганида,
отасининг ранги бўзариб,
уни оқ қилганида,
бутун дунё унга қарши турганида,
онаси у томон бўлган эдику.
Хабарини олган,
бошини силаган,
парвариш қилган эдику...

...Довуллар зўрайиб,
бўронлар кучайиб,
қулаб тушди ўртадаги девор
кўриниб қолди сир.

Хазонгул билардики,
яхшилиги –
етимхона бошлиғининг қизи эди у...

“Сенинг овозингни тинглаган куним,
сенинг сўзларингни илғаган куним –
туғилган куним эди.
Сенинг ўйларингдай ўйлаган куним,
сенинг тилларингда сўйлаган куним –
менинг ўлган куним бўлсин, она...

...Асрамасин мени аёзлардан,
саратонлардан,
асрамасин бу дунёнинг озорларидан,
отамнинг нафратларидан
сен қурдирган уйларнинг деворлари.

Ўртамизда кўндаланг турсин,
кўндаланг туриб умрбод
асрасин қалбимни,
қуриб қолмаслиги учун асрасин,
сен узатган қўлнинг иссиқларидан.”

Нигоҳлари ила териб олар Хазонгул
кеча синдириб,
ташлаб кетган умидларини –
дастрўмолга ўраб,
солиб қўяр кўкрак қопига.
Лоақал,
бир-икки кун
умидвор яшашга
яраб турар, деган умидда.

Ахир,
эгаси йўқ ўнинчи уйнинг
эҳтимол,
эгаси унинг ўзидир.

...Сотиб олингандир,
эҳтимол,
бу уй онасининг маблағига?

Сакраб турар ўрнидан Хазонгул,
тортиб олар девордан елкасини.
Дастрўмоли ила қўшиб,
отиб юборар умидларини,
деворнинг нариги томонига.
Ва, яна,
отилиб кетгиси келар ўзи ҳам
умиднинг ортидан,
бир чексиз соғинчнинг ортидан:

“Балки,
хато қилдим,
она?
биламан, қўлларинг
мен учун қондир.
Менинг эса
дилим қондир
сен учун.

Шу узун йўлимда,
охири кўринмас йўлимда,
гуноҳларинг кўтариб яшаётirman.
Елкаларим яғир,
юрагим парча,
қайдадир,
кимлардир тепкилаб ўйнар
чилпарчин орзуйим синиқларини.

Аммо,
йўл тугагач,
охирини топгач узун йўл,
деворнинг ортига ўтгач ҳар банда
кетармиш фақат ўз йўлидан,
кўтариб фақат ўз гуноҳларини...”

Янги давр кўчаси

Кетмас баҳорларни оралаб,
дайдибадар елдай изғир ҳамон
Хазонгул.

Шафқат тилар ҳаётдан унинг
эҳсон сўраб,
очилган кафтдай
мушток чехраси.

Шафқат қани?
Қанча сўраш мумкин яна?
Ҳар нарсада миқдор,
меъёр бор ахир.

Кўзёш бор –
дарднинг миқдорини ўлчашга,

Кулги бор –
миқдорини ўлчашга қувончининг.

Меъеридан ошиб кетса бари,
бор яна совуқ жимлик отлиғ тарози...

Тонг иши
ҳар куни қайта туғилиш,
тун иши
ҳар куни бир чўкиш...

...Наҳотки,
баҳорлар ўлдирса Хазонгулни.

Наҳотки,
зимистон зиндоннинг қаърига
ин қурган ўргимчак ризқини,
махбуснинг ризқила етказган Эгам
унутган бўлса шу ожизани?

Ахир,
елкасида хаста боласи,
ҳаққи йўқдир унинг ўлмоққа,
йиқилмоққа ҳаққи йўқ.

“Фақат икки қўлим бор менинг.

*Тутиб турибман кечанинг
ва бугуннинг қўлларида.*

Оқ теракми, қўк терак ўйнаяпмиз, биз.

*Тушунинг,
ахир,
учинчи қўлим йўқ менинг,
тутаолмайман эртанинг қўлини.*

*Биздан сизга ким керак деб,
айтолмайман ҳам эртанги кунга.”*

Ҳар тошингнинг коваги – уйдир,
ҳар дарахтинг сояси – уй,
ҳар тупроғинг ғоваги, – уйдир,
ҳар тоғингнинг қояси – уй.

Мангу уйдир:
жисмимизга тупроғинг,
руҳимизга осмонинг.

Кечиргил!
Курашмади аёл,
кураша билмади у.
Сен қуриб берганинг
уйлардан ортиқ уй қуришга.

Етимнинг бошини силади аёл,
сени рози қилгали эмас,
мангу уй – жаннатга киргали эмас,
шунчаки,
нафас олган каби,
емак еган каби,

ухлаб,
уйғонган каби
хастанинг бошини силади аёл.

Ёмғир ёғса, боши – соябон,
бағри – иссиқ уй изғиринда.
Саратонда қўли – елпиғич,
Қўзлари – чирок қаро тунда.
Қалби – она,
касби – она,
маслаги – она!

Кечиргил!
Қўлларингни бер унга, Эгам!

Ёмғир қуяётир челақлаб-челақлаб,
Чувалчанглар ила тўлибди,
янги асфальт қилинган йўл.
Иккига бўлсалар, иккита,
учга бўлсалар, учта бўлиб яшаб кетгучи
чувалчанглар ила.
Шу майда жониворчалик бўлолсайди одам!

Ёмғир қуяётир челақлаб-челақлаб.
лоақал бир сўз бўлса,
иситиб қўйса намиққан дилингни.

Қайрилиб қаролмас Хазонгул.
Қайрилиб қараса,
тўхтаб қолгудай,
кўксидаги азиз оғриқлар –
кўксини чангаллар.

Қайрилиб қараса,
сотқиндир қароқлар –
кўзларини юмар.

Қайрилиб қараса,
бошига ёпишиб қолган сочлари,
хунук кўринар –
турмаклаган бўлар сочини.

Тиниб қолар иссиқ товуш бир муддат,
тиниб қолар
дунё айланишдан,
юррак уришдан.

Нима бўлди?
 Чақир мени, севгилим!
 Чақир исмимни айтиб,
 яшаб кўрай мен ҳам бир лаҳза,
 бир ташна,
 бир ёниқ яшаб кўрайин,
 яшагандек умримнинг сўнгги лаҳзасин:

*“Гулим!
 Узоқларга кетганим рост,
 аммо,
 сенсиз эканим эмас –
 менинг узоқларга кетганим.*

*Бир лаҳза ҳам
 сендан айро тушмадим,
 ишон,
 бир лаҳза ҳам уйсиз яшамадинг сен.*

*Ўн йилки,
 бир ерда –
 юрагим қаърида яшадинг, гулим!”*

Бас энди, керакмас.
 Керакмас,
 кўнглимда бир қалин ҳижоб,
 Ўзгартириб юборма дунёни, севгилим!

– Керакмас – бош чайқар Хазонгул.
 – Керакмас – шивирлар оҳиста.
 – Керакмас – ҳайқирар бор овоз ила.

*“Тўхта,
 гулим, қочма, айтиб берайин,
 юрагимда қандай яшаганингни
 ва юраксиз қандай яшаганимни.*

*Айтиб берай сенга
 ҳамма туйғуларни билгувчи,
 аммо,
 бир ҳисдан бошқасин ҳис этмагувчи
 кимсага қандайин айланганимни.”*

Ёмғир қуяётир челақлаб-челақлаб,
 гунчасини кўтариб югурар Хазонгул,
 юрагини кўтариб югурар,
 коинотнинг қоқ ўртасида.

Коинотнинг қоқ ўртасида,
 ёмғирлар остида,
 кадрдон булутлар кўланкасида,

гоҳ олдинга ўтиб,
гоҳ ортда қолиб,
ҳансираб югурар у билан бирга
ақл қуёши.

Пуфлаб ўчирсайди ана шу қуёшни,
ёмғирга бўктириб ўчирса эди,
шу фақирлик ила,
шу хорлик ила
бахтли бўлолсайди буткул
бир муддат,
бахтли бўлолсайди умрбод.

Ёмғир қуяётир челақлаб-челақлаб,
ғунчасини кўтариб югурар Ҳазонгул,
юрагини кўтариб югурар
қоинотнинг қоқ ўртасида.
Узоқ-узоқлардан бир садо келар –
ёмғирлар остида рақсга тушиб,
ортидан югурар почтачи шамол:

*“Тўхта ҳой, Ҳазонгул,
тўхта бир нафас,
ёғайтган ёмғир эмас,
хушхабар.
Чорлайтган мен эмасман,
истаганинг бахт.
Тўхта, манов хатни ўқиб кўр:
тўлаб берар эмиш ҳукумат,
уйингинг бошланғич пулини!”*

Тўхтар Ҳазонгул!

Ғунчасини бағрига босар,
яшиллана бошлар Ҳазонгул!

Ватаннинг кўксига бошини қўяр,
куртак ёза бошлар Ҳазонгул!

Художони билан тўлган оламга
экар таскин тўла қалбини,
гуллаб юборар Ҳазонгул!

Гуллаб юборар у бутун оламга
бир юрак қўзёшла
бор ҳақиқатни:

*“Бош қўйиб ётганинг,
шу остонанинг
чангичалик йўқдир дунёда маъни...”*

Ғолибликни ўрган, менинг авлодим!..



**Жаҳонгир
ИСМОИЛОВ**

1

Асл ижодкорнинг кўнгил олами буюк немис шоири Генрих Гейненинг “Оламга кетаркан жиндаккина дарз, Шоир юрагидан ўтар чизиғи” деган ўлмас сатрларида ниҳоятда қисқа ва ёрқин тарзда ифодаланган. Бу ташбеҳда чин муҳаббат, севги-садоқат сингари азалий мавзуларда ашъорлар битиш, ҳис-туйғулари, қарашларини ўзига хос ифодалашга интилишдан ташқари давр, Ватан, жамият, замондошлари, башариятнинг серқирра ҳаёти, турфа кечинмаларига ҳам бефарқ қарай олмайдиган, орзу ўйлари-ю қувончи, жами олам дарду изтиробларини қалбидан ўтказувчи шахс эътироф этилади. Бундайлар нафақат ўзи униб-ўсган юрти, балки бутун Она сайёра, банибашар тақдири, инсоният ҳозири ва келажагини фаровон, тўқис кўриш каби эзгу истаги билан яшайдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг “Сайланма”си биринчи жилдидаги “Нажот майдони” шеърини ўқир эканман, кўнглимдан юқоридаги мулоҳазалар кечди. Шеър илк бор “Меҳнат ва турмуш” журналида чоп этилгандаёқ ундан ғоят таъсирланиб ёд олган эдим. 1977 йилда ёзилган бу шеър гўё бугун ҳам мазмун-моҳиятан Башарият тақдирига бефарқ қарай олмайдиган безовта қалб акс садосидай жаранглайди.

Шеърда азалий ҳаёт ҳақиқати – бургут чангалидан қочган қушчага қадрдон қаваги, очлик силласини қуритаётган гўдакка она сийнаси, серқатнов кўча ўртасидаги беқарор кишига йўлнинг чети, самода чарх урган шунқорга она замин нажот майдони сифатида кўриниши гўзал, таъсирчан мисраларда ифодаланган. Аммо шоир агар ўша нажот майдонида нажот бўлмаса-чи, деган қалтис саволни ҳам ўртага ташлайди: ахир лочиндан қочиб қутулган қуш нажот деб билган инда

***Жаҳонгир ИСМОИЛОВ** – 1952 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг кўплаб назмий, насрий ва бадиий-публицистик китоблари чоп этилган.*

ўлжа пайида уни пойлаб турган илон емишига айланиши мумкин эмасми? Ёки дард чангалидаги гўдак она сийнасига бошини қўйиб жон бериши, серкатнов кўчани кесиб ўтган йўловчи эса айнан йўл четига етганда кутилмаган балога йўлиқиши, самода чарх урган шунқор ерга омон-эсон қўнолмай ҳалокатга юз тутиши ҳам мумкин-ку! Ҳаётда бундай воқеалар кам юз берганми? Устознинг маҳорати шундаки, алоҳида-алоҳида, лекин мазмун-моҳиятан бир-бирига боғлиқ, мисрадан-мисрага кучайган ва илгари сурилаётган ғояга мантиқан яхлитлик бера оладиган хулосалари билан ижтимоий-фалсафий хулоса чиқарар экан, бу орқали она Замин тақдиридан ташвишини изҳор этади:

*Она-Ер, оқшомлар оғушида лол
Ўйлайман, депси нар шу буюк жонинг.
Турмушинг, давронинг маълум-ку, алҳол,
Лекин борми сенинг нажот майдонинг?*

*Ҳаёт майдонингдир шу чексиз фазо,
Мураббий шу қуёш – жисмингга тирак.
Нажот майдонингдир кам эмас, расо
Сенга банди бўлган тўрт миллиард юрак!*

*Шуни деб ўзингни нурга ўрайсан,
Шуни деб бошингга чирмайсан қаро.
Тўрт миллиард юракдан нажот сўрайсан,
Тўрт миллиард ҳокимга ўзинг фуқаро...*

Билиб-билмай чақилган битта гугурт чўпи сабаб улкан қасрлар, беҳудуд ўрмонлар кулга айланиши мумкин. Дунёнинг аланга ичида қолиши, кўз кўриб, ақл бовар қилмас даражада даҳшат юз бериши учун ҳам оммавий қирғин куролларини ҳаракатга тушириб юбориш учун тегишли тугмани биргина бармоқ билан босишнинг ўзигина кифоя бир замонда шоир она Замин бағридаги ҳар бир бандасидан нажот сўрашини таъкидлайди. Шеърдаги “Бурчак-бурчакларда қора талваса...” мисраси орқали инсониятнинг ўз бошига ўзи ёғдираётган барча кулфатларини мужассамлаштириб, “талваса – безовталиқ” қандай интиҳога олиб бориши, нажот майдонида ҳатто Она-Ернинг ўзига ҳам нажот топилмай қолган тақдирда не даҳшатлар рўй беришини ўйлаб, қалби ларзага келса-да, аммо умидини сўндирмаган тарзда шеърга оптимистик руҳдаги якун юклайди:

*Она-Ер, башарга нажотсан, башар –
Нажот майдонини ёндирмас асло!*

Жамол Камолнинг 1970 йилда ёзилган “Файласуф билан суҳбат” шеъри ҳам “Нажот майдони” сингари мазмун-моҳиятан умуминсоний характерга эга. Шеърда сўнгсиз суронли дунёга келингач, шаксиз, кетиш ҳам борлигига иқрор лирик қаҳрамон аввал ўзини англашга киришади. Нега ажаб савдоларга дучорлиги, нима сабабдан ёш жонига алам чорлаши, қоғозга дардини битганида қалам кўнглига санчилиши борасида қатор саволлар давомида мақсадга қўчади:

*Олам-ку, азалий – абадийдир, бас,
Нега мен оламнинг гамини ейман?
Омонсиз ва гаддор душманни эмас,
Ношуд одамзодни кўрмасам дейман...*

*Ҳаёт кўчасида турсам ўй суриб,
Ҳайрат кўзи билан боқсам ҳар томон:
Ўзининг чангида ўзи соврилиб,
Мингирлаб юради баъзи бир инсон...*

*Ёниқ бир эҳтирос – унга бегона,
Ёниқ бир эътироз – унутилган туш.
Ҳамиша булутли, беқут пешона,
Қувончи хомуш-ку, гами ҳам хомуш.*

Шу тахлит фақат ўз дарди билан овора тарзда мингирлаб кун кечирадиган ношуд кимса қиёфасини, турмуш тарзини кўз ўнгимизда яққол гавдалантиради. Шоир “Нима бу: инсонми ёки увода?” дея тағин сўрашда давом этади:

*Гоҳо мингирлашдан толиқар гўё,
Юракни хун қилиб уф чекади, уф...
Бу қандай зот ахир?
– Буми? Бу – рўё!
Ўтмиш рўёси! – дер зўр бир файласуф...*

Шоир “зўр бир файласуф”нинг жавобидан сўнг мозийга хитоб қилади:

*Ўтмиш рўёлари, келинг, қайдасиз?
Айбнома тўқидик сизга ҳам, не тонг.
Майли, олислардан садо беринг сиз,
Майли, гумбурласин сизнинг қадим бонг...*

*Шунда уфқлардан, тарих қаъридан –
Фалакка юксалур қудратли бир сас:
– Сенинг боболаринг ношуд бўлмаган,
Гумбурлаб яшаган, мингирлаб эмас!..*

“Ўзини оловга отган Муқанна”, Чингизга қарши майдонда от сурган Жалолиддин, порлоқ куёши сўнаётган дамларда ҳам йиғлоқи “оҳ” чекмаган, нигоҳи жаллод юрагига титроқ солган Улуғбек, ажал сиртмоғидан қони оқаётганига қарамай, ўзи-ўзига “муборак бўлсин!” деб айта олган Машраб сингари аждодлар жасоратлари талқинлари ниҳоясида файласуф хулосаси рад этилади:

*Сенинг боболаринг бўлмаган ношуд,
Гумбурлаб яшаган, мингирлаб эмас!...*

*Бунга нима дейсан, файласуф дўстим,
Энди ношудликка не изоҳинг бор?
Бу пинҳон нуқтани ечармиз балким,
Менда илҳом бўлса, сенда иқтидор.*

*На буюк келажак – даврони савар,
На ўтмиш бўлмас бизга бегона.
Ношудлик жонларга фарзанддай жигар,
Ўзимиз отамиз, ўзимиз она...*

Сўнгги мисраларнинг маъзи чақилса, зукко ўқувчи жамиятда ношуд одамларнинг пайдо бўлишига замондошларнинг ўзлари, яъни, шоир тимсолида – ижод аҳли, файласуф тимсолида – таълим-тарбияга масъуллар айбдорлиги тушунилади. Шоир мавзуни кучайтириб, энди ён-берида кўрганлари, кузатганлари доирасидан кескин юқорилаб, дунёга назар ташлайди:

*Синчиклаб кўз солсам олам юзига,
Одамзод иккига бўлинар буткул.
Биров голиб эса ўзи-ўзига,
Биров шўрлик мудом ўз-ўзига қул.*

*Юрак фармони аилаб жо бажо,
Яшаган одамзод голибдир беҳад.
Ўзи амр этса-ю этмаса бажо,
У шўрлик ношуддир, мингирлар фақат.*

*Голибсан гар эсанг ўзингга голиб,
Амр этиб киролсанг ўзинг оловга.
Мағлубсан, гар эсанг ўзингга мағлуб,
Яна мағлубдирсан бошқа бировга...*

*Голибликни ўрган, менинг авлодим,
Ўзига амр этган боболар мисол.
Ўзингга амр этиб қўя бил одим,
Ўзинг голибликка машғал бўлиб қол!*

Шеърда ношудликнинг душмандан ҳам хавфли офат, бало экани, у жамиятни ичдан очкўз қурт каби емирувчи иллат сифатида ифодаланиши якунида шоир замондошларини бу ожизликдан халос бўлиш, музаффар яшашга даъват этади.

“Ношудлик” ифодасида лоқайдлик, фикрсизлик, тутуруқсизлик, қўйингки, инсонлар феъл-атворидаги барча азалий офатлар, хатто куллик даражасигача туширувчи мутеъликнинг ачинарли, кўнгилсиз, хатарли оқибатларини мужассамлаб кўрсатади.

Шоир ички оламини янада теран ҳис этиш учун унинг 1988 йил чоп этилган, “Сайланма” асарлари 2-жилдига киритилган “Ёнаётган дала” шеърини ҳам ёдга олиш мумкин:

Зал чапак чалади... гуриллайди зал,
Шипда чилчироқлар, қандиллар биллур.
Юзлар, табассумлар бир-бирдан гўзал,
Оппоқ баданларда либослар виллур...

Лол бўлиб атрофга қарайман секин,
Улар кулишади, демак, улар ҳақ.
Менинг тасаввурим уфқида лекин
Ёнаётган дала, ёнаётган халқ...

Шамол у ёқларда кезади санқиб,
Қуёш ўт пуркайди, олов чамбарим.
Рангпар рўмолларни бошларга танғиб,
Чиқиб келар менинг марҳумаларим...

Тонгдан то шомгача ишлайди улар,
Қўлларда кетмонлар – зилдай темир юк.
Шўрлаган елкалар, косовдек қўллар,
Лаблар қовжираган, кипригим куюк.

Йил сайин, ой сайин, соатлар сайин
Офтоб уриб турар уларни давом.
Улар ўртангандан ўртаниб, кейин
Ловва-ловва ёниб кетишар тамом...

Пахта даласида бугун алқисса
Гулханлар ёнади таратиб зиё.
Қизлар, жувонларинг ўзини ёқса,
Уял, эй жамият, уял, эй дунё!

Кўкўпар хирмонлар билан ёнма-ён
Гулханлар кули бор, уюм ва уюм.
Шамол совуради, сочади ҳар ён,
Булутлар кўзёши тўкади юм-юм...

Эй олис элларда яшовчи инсон,
Ногоҳ кипрингга қўнса бир зубор,
Чексиз фалак ичра сарсон, саргардон
Кезган у заррани аягил зинҳор.

Хиросима ёқдан етишмаган у,
Ёки Чернобилдан даракчи эмас.
Ўзбек тупроғидан етишган кул бу,
Унсиз фарёдини эшит бир нафас...

1993 йил 29 июнда Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Амир Темур ҳайкалини яратиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинади. Мазкур қарорга асосан ижодкорлар гуруҳини ўз ичига олган ташкилий қўмита таркиби тасдиқланган. Ёдгорлик мажмуини лойиҳалаш, яратиш ва қуриб битказиш билан боғлиқ барча ишларни ўша йилнинг 25 августигача тўла тугалланишини таъминлаш вазифаси белгиланган. Мазкур ташкилий қўмитага ўша пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимида ишлаётган Жамол Камол ҳам киритилган. Ҳайкал макети муҳокамасининг дастлабки йиғилишидаги Устознинг айрим эътирозли фикрлари иштирокчилар норозилилига сабаб бўлганидан хабарим бор эди. Шу боис яқинда Жамол Камол хонадонларида бўлиб, ўзаро суҳбат орасида “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари бош муҳаррири, истеъдодли шоир Сирожиддин Рауф ижтимоий тармоқда менинг “Нажот майдони” ҳақидаги мулоҳазаларимни ўқиганини, мавзуга чуқурроқ ёндашиб, мақола ёзиб беришимни тавсия этганини айтдим. Сўнг битилажак мақоламда Жамол Камол шахсига дахлдор айрим характерли кечинмаларни ҳам қаламга олиш ниятида эканимни билдириб, ҳайкал воқеаси тафсилотини сўрадим.

– Ташкилий қўмитанинг йиғилишига чақиришди, – хотирлади Жамол ака. – Унга Исмоил Жўрабеков раис эди. Турли нуфузли идора вакиллари ҳам бор. Жўрабеков ҳайкал макети устидаги матони олди. Кўз ўнгимизда бошини эгиб турган битта от, ёнида тикка турган бир кимса шакли намоён бўлди. Бу одам қозокларнинг тумоқига ўхшаган бош кийимда эди. Шу йиғилишда ҳайкал макетининг муаллифи таниқли ҳайкалтарош Яков Шапиронинг ўзи ҳам ўтирганди.

Исмоил Жўрабеков барчага: “Бу Амир Темур! Шунитасдиқлаб беришларингизни сўрайман”, деди. Шундан кейин, “Тасдиқлайман, десангизлар қўл кўтаринглар” деса бас, ҳамма қўл кўтаради. Бизникилар, биласиз, айтилганда қўл кўтаришга ўрганиб қолган. Аммо масала овозга қўйилишидан олдин ўзим қўл кўтардим. Жўрабеков “Жамол ака, гапиринг, нима гап”, деб сўради. “Тўғри, бу ҳайкални ясаган Шапиро катта истеъдод эгаси. Кўп яхши ишларини биламиз. Шароф Рашидовнинг ҳам бюстини ишлаган. Шапиро Шароф Рашидовни яхши билган, унинг қалбида Шароф Рашидовга нисбатан симпатия бўлган. Шу туфайли бюст ҳам жуда яхши чиққан эди. Лекин Шапиро Амир Темурни билмас экан. Амир Темур Сибирдан токи Мисргача бўлган майдонда салтанат ўрнатиб, империя курган. Шундай саркардага булутга сакрагувчи от топилмадими?” дедим. Сўнг макетга ишора қилиб, гапимда давом этдим: “Бу от эмас-ку! Унинг ёнида турган ҳам чўпон. Унинг оти от эмас, эшак-ку!”, дейишим билан ғала-ғавур бўлиб кетди. Ҳамма ботир бўлиб “Тўғри, эшак” дея бошлашди. Бир пайт қарасам Исмоил Жўрабековнинг ўзиям “Ҳа, бу эшак...” деб турибди. Шу билан муҳокама тўхтади. Ҳайкал макети қайтарилди.

Ўшанда Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг ўғли Анвар Жабборов ижтимоий соҳаларга дахлдор масалалар бўйича масъул лавозимда ишларди. Менинг яхши укаҳоним эди. У ҳам йиғилишда қатнашаётганди. Бирга ташқарига чиққанимиздан кейин у менга, “Жамол ака, чатоқ бўлди”, деб қолди. Неғалигини сўрасам, “Ҳайкал макети тасдиқдан ўтган. Бу ерда комиссия аъзолари расмийчилик учун қўл кўтаришлари керак эди. Сиз ҳаммасини бузиб юбордингиз. Сизга битта минус бўлади деди. Мен ҳам жим туролмай ичимдагини айтдим-қўйдим: “Нима бўлса – бўлди! Ахир тўғриси айтдим-да. Шунитасдиқлаб беришларингизни сўрайман”, деди. Шундан кейин, “Тасдиқлайман, десангизлар қўл кўтаринглар” деса бас, ҳамма қўл кўтаради. Бизникилар, биласиз, айтилганда қўл кўтаришга ўрганиб қолган. Аммо масала овозга қўйилишидан олдин ўзим қўл кўтардим. Жўрабеков “Жамол ака, гапиринг, нима гап”, деб сўради. “Тўғри, бу ҳайкални ясаган Шапиро катта истеъдод эгаси. Кўп яхши ишларини биламиз. Шароф Рашидовнинг ҳам бюстини ишлаган. Шапиро Шароф Рашидовни яхши билган, унинг қалбида Шароф Рашидовга нисбатан симпатия бўлган. Шу туфайли бюст ҳам жуда яхши чиққан эди. Лекин Шапиро Амир Темурни билмас экан. Амир Темур Сибирдан токи Мисргача бўлган майдонда салтанат ўрнатиб, империя курган. Шундай саркардага булутга сакрагувчи от топилмадими?” дедим. Сўнг макетга ишора қилиб, гапимда давом этдим: “Бу от эмас-ку! Унинг ёнида турган ҳам чўпон. Унинг оти от эмас, эшак-ку!”, дейишим билан ғала-ғавур бўлиб кетди. Ҳамма ботир бўлиб “Тўғри, эшак” дея бошлашди. Бир пайт қарасам Исмоил Жўрабековнинг ўзиям “Ҳа, бу эшак...” деб турибди. Шу билан муҳокама тўхтади. Ҳайкал макети қайтарилди.

Орадан уч ойлар ўтиб яна Исмоил Жўрабеков ташкилий қўмита аъзоларини тўплади. Қарасак, макет усти яна оқ мато билан ёпилган. Жўрабеков матони тортиб очди-ю, “Жамол ака қанисиз, бормисиз?” деди. Мен қўлимни кўтариб “бор” лигимни билдирдим. “Қани энди айтинг: қандай? Бу Амир Темурга ўхшайдими?” сўради Жўрабеков. Мен, “Ана шу Амир Темур”, дедим. Мазкур макет ҳозир пойтахтдаги Амир Темур майдонида қад ростлаган, ўзбек ҳайкалтароши Илҳом Жабборов ясаган ҳайкалники эди, – деди Устоз кечинма баёни якунида.

Чиндан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Амир Темур ҳайкалини 1993 йилнинг 25 августигача қуриб битказиш ва ўрнатиш белгиланган бўлса-да, у 1994 йилнинг 31 августи, Мустақиллик байрами арафасида пойтахт аҳлига тақдим қилинганди. Бу ҳайкалнинг Қарорда белгиланган санага нисбатан бир йиллик тафовут билан тиклангани унинг муаллифи ўзгаргани, ҳайкал асл тарихни акс эттира оладиган чин санъат асари даражасида яратилишига нисбатан талабнинг кучайтирилгани, унинг шакллантирилишида жиддий изланиш ва ўрганишлар олиб борилганидан далолат беради.

Устоз, “Рост гап доим керак, бор ҳақиқатни айтган маъқул”, дейдиганлардан. Унинг яна бир хотираси ана шу рост гапни керакли ва аҳамият касб этган жойда айта билиши билан боғлиқ:

– Мустақиллик байрами дастлаб тўрт соат давом этарди. Мен байрам комиссияси аъзоси эдим. Комиссия йиғилишини Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ўтказиб, менга ҳам сўз берди. Мен, “Ислон ака, биз сизга эргашиб Покистонга бориб, уларнинг мустақиллик байрамида иштирок этганмиз. Покистонда бу байрам тантанаси ярим соат давом этган. Мен бизда ҳам Мустақиллик байрами ярим соат бўлсин, демайман. Лекин тўрт соат кўп”, дедим. “Менимча бу байрам тантанаси икки соатдан ошмаслиги керак”, деб таклифимни айтдим. Президент столни “тақ” суриб, “икки соатдан ошмасин” деган қатъий ҳулосасини билдирди.

– Энди бу ёғини эшитинг, – дейди устоз Жамол Камол шу мавзунини давом эттираркан. – Наврўз байрами комиссиясининг ҳам аъзоси эдим. Ислон Каримов комиссия йиғилишини ўтказаётиб, “Қани ёзувчилар?” деб сўраган. Йиғилишда иштирок этаётган Эркин Воҳидов “Мана!” деб Хуршид Давронни кўрсатган. Президент, “Йўқ, Ёзувчилар уюшмасининг раиси қани”, деб сўраган. Менга эса йиғилиш тўғрисида айтишмаган ҳам. Шундан сўнг “чоп-чоп”, “ахтар-ахтар” бошланган. Мени топиб, хабар қилгунларича мажлис тугабди. Ўшанда, “Келса, яна бир гапни кўзғайди бу одам. Айтманглар”, деб атайлаб қақаришмаганини Анвар Жабборовдан эшитдим.

3

Жамол Камол ҳаёт йўли ҳамиша ҳам равон кечган эмас. Устоз бир журналист саволларининг моҳиятидан келиб чиқиб:

– Қанча ҳужумларга учрадим, бўҳтон, тухматларга учрадим, турманинг эшигигача олиб боришди, – дея жавоб қайтарган.

Атиги шу иқдор замирида чекилган беҳад руҳий изтироблар, йўқотилган ҳаловат ва қимматли вақт, бир умр юракда қолдирган асоратлар шоир ҳаётида қай даражада акс этганини бир мулоҳазалаб кўринг. Устознинг ўтган асрнинг 70-йилларидаги ижодига мансуб қуйидаги саккизлиги шунчаки шеър эмас, изидан “Яширин отилган майда кесаклар”нинг руҳиятига таъсири туфайли ёзилганини, риёкор кимсаларга мардона жавоби эканини англаш қийин эмас:

*Мени сескантирар гоҳида зимдан
Мўралаб югурган калтакесаклар.
Мени сескантирар гоҳи изимдан
Яширин отилган майда кесаклар.*

*Тутақиб кетаман, номус, андиша
Хиппа бўғиб олар, бироқ йўқ шубҳам,
Агарда биқинмай, тик келар бўлса,
Олишардим ҳатто аждар бўлса ҳам...*

Аммо Жамол ака ҳар қандай ҳолда ҳам ижоддан чекинмаган. Умидсизликка тушмаган. Оллоҳ ҳамиша кўнгли обод бандаларини кўллашига ишонган. Шунинг учун саксон ёшини ўн иккита китоб билан қарши олди. "Сайланма"нинг олти жилди, Низомий Ганжавий "Хамса"сининг олти китоби...

4

Ҳар бир қаламкашнинг билвосита ва бевосита устозлари бўлади. Билвосита устозларим ўзбек ва жаҳон адабиётидан ўқиганларим, суҳбатларидан, ижодларидан баҳраманд бўлган шоир ва ёзувчилар, бирга ишлаган ўзимдан катта авлод вакиллари, ҳаётимнинг паст-баланд йўлларида ҳамроҳ бўлган бошқа соҳалар одамлари бўлса, бевосита устозларим мактаб, олий ўқувдаргоҳида сабоқ берган муаллимлариму ўтган асрнинг 60-80-йилларида Бухоро адабий муҳити бошида турган шоир Тошпўлат Ҳамид (жойлари жаннатда бўлсин) ва Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолдир. Жамол ака эндигина ижод оламига қадам қўйганимда “оқ йўл” тилаган ва 60 йиллигим арафасида чиққан “Баҳордан кузгача” сайланма китобимга “Сўнгсўз” ёзган. Айтмоқчиманки, Жамол Камол билан узоқ йиллардан бери фаол устоз-шоғирдлик муносабатимиз давом этмоқда.

Устоз ўта сипоҳ, нозик ва юсак дидли, фикрларини истеъдодли сўз санъаткорига хос таъсирли, аниқ-равшан баён этиш сингари юсак фазилатларга эга. Бу жиҳатлар унинг ижодида ҳам яққол кўзга ташланади. Сўзларни моҳир заргар сингари шундай қўллайдики, ёрқин ташбеҳлар, равон ва тўқ мисралар чуқур маъноси билан ҳам мухлис қалбига сеҳрли оҳанг янглиғ оқиб киради.

Фикр-фикрдан кувват олади, деганларидек, ҳаёт тарзимида Устоз шахси, ижод мактабининг сабоқлари муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу сабоқлар нафақат мени, балки замондошларимизни ҳам ўтаётган умрни қадрлашга, тинимсиз ўқиш-ўрганишга, имон-этиқодни пок сақлашга, воқеа-ҳодисаларга ва келажакка теран идрок, чуқур тафаккур кўзи билан қарашга даъват этиб туради. Муҳими, бу сабоқлар ижодни қисмат деб билган улўғ сўз санъаткорининг она Ватанга жўшқин фарзандлик ҳисси, меҳр-муҳаббати, халқимиз ҳаётини, муқаддас Заминни янада гўзал, осойишта кўриш каби эзгу нияти, дарди билан йўғрилгандир.

Ўйлайманки, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол шеърини, таржималари, ўз долзарблигини йўқотмайди. Куйинчаклик билан ёзилган публицистик мақолалари, турли даврий нашрларда эълон қилинаётган пурмаъно суҳбатларидан ҳали яна кўплар баҳраманд бўлиши керак. Устознинг фаолияти, серкирра ижоди адабиётшунослар томонидан янги кенг тадқиқ этишга арзигуликдир.

Бедор этадир ишқинг савдоси тушар кимга



Анвар БОТИР

* * *

Ёримга берай борим, ёр боридан айлансин,
Маъшукқа дил изҳорим бор, ёридан айлансин.

Соғинчида кўлмак кўз, кўрмай юзини ҳаргиз,
Лаъли лаби кўзимнинг анҳоридан айлансин.

Айланмасидан ҳолим девонаю дарвешга,
“Безори”, демай ҳижрон безоридан айлансин.

Ё розини билдирмас, ёр нозини айлаб чўх,
Сенинг каби маъшуқининг асроридан айлансин.

Дардимга сабаб улдир, дармон ҳам ўзи асли,
Айтингки табибимга, беморидан айлансин.

Бедор этадир ишқинг савдоси тушар кимга,
Бир ишва билан биздек бедоридан айлансин.

Ким, Ойу Қуёш бўлмас анворидан айру ҳеч,
Шамсим манга раҳм айлаб, Анворидан айлансин.

Анвар БОТИР – 1995 йилда туғилган. Фаргона давлат университетини ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Тил ва адабиёт университети Олий адабиёт курси магистрлигини тамомлаган. "Улғайиш" номли китоби чоп этилган.

* * *

Аё йўллар, равон йўллар, равон йўллар,
Олиб кетгай сазо этмай қаён йўллар?

Қаён йўлларки, тўлгай сабру соғинчим,
Магар тўлмаски, қўймас, бас, омон йўллар.

Омон йўлларда кетмиш дилбарим хомуш,
Сомон қилгай мани рангим сомон йўллар.

Сомон йўлнинг ичинда қай томон бормай,
На боши, на поёни ноаён йўллар.

Аён йўлдир муҳаббат сен учун, Анвар,
Сени ўзга томонларга ёмон йўллар.

ЧИКОР¹

Дўстким, дўст кулфатин олдида иссиқ жон – чикор,
Дўстким миннат қилур, тош отса, жез-қалқон чикор.

Дўстлар ёнингда ҳар ишким мадад бергай мудом,
Битгай ул иш бўлса ҳам мушкул минг чандон – чикор.

Қайси гул гулзорда унмакдин этаркан тарки ишқ,
Зеҳни зўр деҳқон чикордир, илки гул боғбон чикор.

Балки бу байтлар қўполдир, ё дағалдир мен каби,
Ёки айтарсиз: “Булар жўн, енгил-у осон, чикор”.

Лек шукрким шунга ҳам, бермиш сўз айтиш лаззатин,
Чун, ким айтмас шукр Анга, тоғдайин хирмон чикор.

* * *

Десам: “Жоним!” келармиш нози бирла,
Қўлида танбуру, хуш сози бирла.

Бокиб бир ўлдурур қаттол қўзлик
Сўғун жон бахш этар овози бирла.

¹ Чикор, чикора - осон, бефойда, муҳим эмас

Лаби – лаъл, инжу тиш, мужғони – олмос –
Табиат сийламиш пардози бирла.

Жафоси ҳам вафоси ҳам азиздир,
Бўлур бекам фасл қиш, ёзи бирла.

Қилур норозилик кўнглим, тусарким
Кўрай дер ул малакни рози бирла.

Дедим: “Анвар, сабр эт! Ўпкаланма,
Шакар ҳам соз эрур оз-ози бирла”.

* * *

“Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни”²
Садоға айлағайдурмен анга ҳам йўғу боримни.

Агар ёр этмағай ёрдам, эгиб бош олдига борсам,
Ҳайфмас, элтаман бошим ҳайикмай, тикса доримни.

Чунон бездимки бу аҳли ғариб дил ошинолардан,
Олиб кетсам, солиб кўнгилга ёр, илкимга торимни.

На бир сўз айтаман дилдан, на бир тинглашга йўқ ҳолим,
На-да билмамки қолмоқни, на-да “жон” деб бороримни.

Қилай минг тавбалар сенга, кечир ё Роббано, кулни,
Фақат кўрсатмагин ғайру ғураболарга хоримни.

Бу қандай бир синов, билмам, ўзинг билгувчисан, ўргат,
Ики олам куйиб кул бўлмасин, пастлат ҳароримни.



**Mahmud
TO'YCHIYEV**

Kel, kaftimga qo'ngin sen

Ulug'bek yulduzi

Nurin sohib samoda
Porlab turar yulduzlar.
Orzular osmoniga
Chorlab turar yulduzlar.

Samolarga ko'z tikib,
Ukam nimadir izlar.
Uni nelar jalb etgan,
Chulg'agan qanday hislar?

– Ko'kka boqib, ukajon,
Nimalarni izlarsan?
Balki, olis yulduzga
Uchmoqlikni ko'zlarsan?

– Yulduzlar jilosidan
Uzolmasdan ko'zimni,
Izlayapman, akajon,
Ulug'bek yulduzini.

Handalak

Handalakjon, handalak,
Oh, hiding xushbo'y muncha.
Qo'limga olib seni
Hidlasam to'yguncha.

Mahmud TO'YCHIYEV – 1956 yilda tug'ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O'zMU) o'zbek filologiyasi fakultetini bitirgan. Ijodkorning "Oltin ko'prik" nomli dostoni nashr etilgan.

Hidladimu to'ymadim,
Hidladimu o'yladim:
Dehqonlarga qoyil-e,
Ekkanlarga qoyi-e

Bunchalik shirin hidni,
Bunchalik shirinlikni:
Keltirishar qayerdan,
Nahot, olsalar yerdan?

Buning siri nedandir,
Balki, asal yegandir?
Balki, quyosh taftidan,
Mehr ichgan kaftida?

Kamalakdan andoza,
Olганmi deyman toza?
Turfa rangda tovlanib,
Turadi lov-lov yonib.

Nafis gullar atrini
Tonggi sabo ataylab,
Handalakjon ko'ksiga,
Balki, ketgandir joylab?

Balki, tog'lar to'ridan
Ma'danlarning zo'ridan
Keltirgandir sho'x irmoq –
Bir to'ysin deb, handalak?

Bu hammasi to'g'ri, rost,
Yana bitta sir bor – soz.
Baridan a'lo, ustun,
Uni bilib qo'y, do'stim.

Bu sir inson mehnati,
Qadoq qo'llar sehridir.
Bizlar uchun atalgan
Dehqonbobo mehridir.

Cho'milish

Qanday sozdir cho'milish,
Muzdek suvga ko'milish,
Bilasanmi, o'rtoqjon,
Bormi undan yaxshi ish?

Yozning issiq kunida
Cho'milish xo'p mazzadir.
Lek suzishni bilmasang,
Mazza emas izzadir.

Shuning uchun suzishni
Tez o'rgangin, o'rtoqjon,
Suzishni o'rganmasang,
Bo'lolmaysan chin o'g'lon.

Kapalagim

Kapalagim, kapalak,
Qanotlaring kamalak.
Guldan-gulga uhasan,
Jonginang buncha halak.

Go'zallikka oshnasan,
Gul-chechakka tashnasan.
Har yon urasan o'zing,
Boshqasin ko'rmas ko'zing.

Kel, kaftimga qo'ngin sen,
Birozgina olgin tin.
Dunyo faqat gul emas,
Unda bordir, tikon, xas.

Bordir turli ofatlar –
Keltirguvchi kulfatlar.
Yana yirtqich qushlar bor,
Yamlab yutishga tayyor.

Gulni izlab atrofga
Boqqaningda ogoh bo'l.
Nozikkina qanoting
Qoqqaningda ogoh bo'l.

Gul-chechak ham vaqtincha,
Bilsang, hayot o'tkinchi.
Kapalagim, kapalak,
Shudir sendan o'tinchim.

Umrni g'animat bil,
Go'zallikni qadrla.
Lekin soxta gullarga,
Aldanib qolma sira.

Mening akam uchuvchi

Mening akam jasur uchuvchi,
Ko'zlarida chaqnaydi chaqin.
Samolyotin uchqur qanoti
Uzoqlarni etadi yaqin.

Nurdek uchib borar “po‘lat ot”,
Quyosh uni kuzatib turar.
Ona yurtim qaynoq nafasini
Dunyo bo‘ylab taratib yurar.

Vatan ramzi yarqirab turar
Samolyotin peshonasida.
U uyg‘otar qalbmida surur
Va, havasim keltirar juda.

Yoz bilan quyosh

Quyosh yoz bilan o‘rtoq,
Ajralgisi kelmaydi.
Kech kirib qolganda ham
Uyiga shoshilmaydi.

Do‘stlarning diydoriga
Oshiqqanday jo‘ralar,
“Salom!” deya quyoshjon
Tong-sahardan mo‘ralar.

Yoz quchoq ochib mamnun,
Deydi: “Kelgin, quyoshjon,
Doimo yonimda bo‘l,
Yumushim qilib oson.

Tabiatning ko‘rkiga,
Ko‘rku husn qo‘shaylik.
Ona yerning bag‘riga,
Mehrimizni to‘shaylik”.

Hikmat ko‘pdir bundayin:
Inoqlik, ahillikda.
Qut-baraka ham shunda,
Beminnat saxiylikda.

Shu do‘stlikning mehridan
Bahra olamiz barcha.
Bolalaru kattalar,
Yeru ko‘k – osmongacha.

Dunyo shunday g‘aroyib,
Sirga to‘la tabiat.
Axir, shuning uchun ham,
Hayot go‘zal, toabad!

Адабий ҳаёт

* * *

1 март. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова таваллуди муносабати билан Адиблар хиёбонида “Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали” номли тантанали тадбир ўтказилди. Унда Тошкент тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган “Зулфия” стипендияси номзодлари ҳамда шоира ижодига бағишлаб ўтказилган танлов ғолиблари тақдирланди.

* * *

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудининг 93 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, ижодкорлар, олимнинг оила аъзолари, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчилари талабалари иштирокида Адиблар хиёбонида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

* * *

3 март. Ёзувчилар уюшмасида Наср кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2021 йил мобайнида яратилган насрий асарлар муҳокама қилиниб, энг сара роман, қисса ва ҳикоялар эътироф этилди. Ҳисобот йиғилишида 2021 йилда яратилган романлар юзасидан филология фанлари доктори Каромат Муллаҳўжаева, қиссалар юзасидан фалсафа фанлари бўйича фан доктори Абдулла Улугов, йил ҳикоялари бўйича фалсафа фанлари бўйича фан доктори Ойимхон Эшниязова ҳамда ёзувчи Нурилла Чори маъруза қилди.

* * *

Таниқли шоир Эшқобил Шукурнинг янги “Бобосўз изидан” китобининг тўлдирилган наشري қайта чоп этилди. Аввалги нашрда 269 та сўз таҳлил қилинган бўлса, кейинги нашр 149 та сўз билан бойиган.

* * *

Ёзувчилар уюшмасида Шеърят кенгашининг 2021 йил якунига бағишланган йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирни кенгаш раиси Маҳмуд Тоир олиб борди. Унда уюшма аъзолари Қозоқбой Йўлдошев, Олим Тошбоев, Нодира Афоқова 2021 йилда нашр этилган шеъринг китоблар, шеъринг туркумлар, дostonлар бўйича маъруза қилди.

* * *

4 март. Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида Ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилояти ҳокими

Ғафуржон Мирзаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ҳамда сирдарёлик ижодкорлар, фаоллар қатнашди.

* * *

7 март. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Аёлга эҳтиром” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолибларга Ёзувчилар уюшмасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Адиблар хийбонидаги Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда аллома ижодида аёлларнинг эъзозланиши мавзусида маъруза қилинди ва аллома асарларидан намуналар ўқилди.

* * *

Март ойи давомида таниқли шоирлар Ўткир Раҳматнинг “Фасллар айланар, тугамайди шеър”, Шукур Қурбоннинг “Ёнарди кўнглим”, Исмат Худоёрнинг “Сен”, Ойдиннисонинг “Арафа”, Рауф Субҳоннинг “Оқибат”, Шухрат Орифнинг “Шом товуши” номли шеърий китоблари чоп этилди.

* * *

16 март. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудига бағишлаб чоп этилган “Эътироф”, “Абдулла Орипов замондошлари хотирасида”, “Шоирнинг туғилиши” номли китоблар тақдимоти ўтказилди.

* * *

25 март. Ўзбекистон-Қирғизистон дўстлик жамияти ташаббуси билан қирғизистонлик бир гуруҳ ўзбек ёзувчи-шоирлари, журналистлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида меҳмон бўлди. Давра суҳбати тарзида ўтган учрашувда меҳмон у мезбонлар адабий ҳамкорлик борасидаги таклифларини ўртага ташлади. Ўзбек адибларининг китобларини қирғиз тилида, қирғиз ёзувчи-шоирларининг асарларини ўзбек тилида чиқариш ҳақида келишиб олинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид Республика ижодкорларининг Зомин семинарига қирғизистонлик ёш қаламкашларни ҳам чақириш таклифини, қирғизистонлик ижодкорлар орасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига номзодлар тавсия қилиш лозимлигини билдирди.

МУНДАРИЖА	
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
Самандар ВОҲИДОВ . Ҳориб борар умр карвони.	4
НАСР	
Шаҳодат ИСАХОНОВА . Гавҳаршод бегим. Тарихий роман.	9
Саломат ВАФО . Лайлак хотин. <i>Ҳикоя</i>	68
Абдуҷалол ТАЙПАТОВ . <i>Икки ҳикоя</i>	
Баҳор кунларида.....	102
“Фаришта”нинг эри.	106
НАЗМ	
ЖАМШИД. Восил бўлгим кайҳоний сирга.	60
Фарида ҲУСАИНОВА . Йироклардан берар ажиб сас.	65
Абдуҳамид ПАРДА . Илоҳий наво топсам.....	79
Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА . Шунда соғинасан ёруғ маъвони.	87
Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА . Ҳисларимга эртак айтаман.....	91
Машҳура АБДУРАЙИМОВА	
Кўксимга ботмоқда аламли тикан.	99
ОЙДИННИСО. Бошпана. <i>Достондан нарчалар</i>	141
САНЪАТ ФАЛСАФАСИ	
Абдураим ТУРСУНОВ . “Мендан бир кўшиқ қолди...”	137
АДАБИЁТ ВА ШАХС	
Жаҳонгир ИСМОИЛОВ	
Ғолибликни ўрган, менинг авлодим!...	159
МУШОИРА	
Йўлдош МИРЗАЕВ	111
Мухаммад Мурод СУЛТОН	113
Шерзод МИР	114
Ўзбектош ТЎРАХОНЛИ	115
ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА	
Нодира ОФОҚ . Шоир ва ровийнинг овози бирлашганда.	117
Дилнавоз НАЖИМОВА	
Болалар адабиёти – саёз адабиёт эмас!	125
МУТОЛАА	
Виктор АЛИМАСОВ . Шаън ва ахлоқ қайғуси.	133
БУ БЎСТОН САҲНИДА	
Анвар БОТИР . Бедор этадир ишқинг савдоси тушар кимга.	167
BOLALAR DUNYOSI	
Mahmud TO‘YCHIYEV . Kel, kaftimga qo‘ngin sen.	170
Адабий ҳаёт.	174

Шарқ юлдузи

2022
3-сон
Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обунда даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.
Телефонлар:
+99871231-23-68 +998903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
19.04.2022
Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида
босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 4700 нусха.
Буюртма №09

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“PRINT REBEL” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўрозбоев кўчаси, 35-уй
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусахҳиҳлар:
Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Хусанова
Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев
Copyright © “Шарқ юлдузи”